

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ



ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан дарслик сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 33.001(075)

КБК 65.01

И-98 727

И-98 727 Иқтисодиёт назарияси. —Т.: «Fan va texnologiya», 2018, 272 бет.

ISBN 978-9943-11-804-1

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги туб ислохотлар Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори ҳисобланади. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури асосида касб-хунар коллежлари тармоғи ривожланиди. Мазкур ўқув юртлари замонавий ўқитувчи-педагогларнинг юкори савияси ва ўқувчиларга замонавий билим бериш билан характерланади. Ушбу ҳолатлар коллежлар учун янги замонавий талабларга жавоб бера оладиган ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратишни тақозо этади. Айниқса, барча иқтисодий фанлар учун методология бўлиб хизмат қилувчи “Иқтисодиёт назарияси” фани олдида улкан вазифалар турибди. Бунинг боиси шундаки, бугунги кунда республикаимизда ўтказилаётган чуқур иқтисодий ислохотлар натижасида изчил тараққиётнинг такомиллашган асослари яратилиб, миллий мустақиллигимизнинг мустаҳкам иқтисодий пойдевори барпо этилиб борилмоқда. Ушбу жараёнда миллий иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятларини, Ҳаракатлар стратегияси доирасида ривожланиш истиқболларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур билиш ўта долзарб масаладир.

Иқтисодчи мутахассислар тайёрлайдиган коллежлар учун «Иқтисодиёт назарияси» фани бўйича тайёрланган мазкур дарслик ўқувчи ёшларга иқтисодий тафаккур доирасининг кенгайишига ва иқтисодий фикрлаш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

и.ф.д., проф. М.М.Мухаммедовнинг умумий тахрири остида

Муаллифлар:

**М.М.Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, Ж.Р.Зайналов,
Д.Х.Асланова, Л.Н.Халикова, Н.А.Камилова, Б.Б.Мардонов,
С.А.Исхакова, А.Қ.Тўхтаминшов, Ю.П.Урунбаева, З.М.Мухаммедова,
И.М.Халиков, И.Х.Насимов, Ф.Ф.Саломов**

Тақризчилар:

Қ.Ж.Мирзаев — иқтисод фанлари доктори, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Менежмент ва статистика” кафедраси профессори;

Н.Арабов — иқтисод фанлари номзоди, Самарқанд давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси доценти.

ISBN 978-9943-11-804-1

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2018.

КИРИШ

Ўзбекистон ўзининг сиёсий мустақиллигига эришиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олингандан кейин, иқтисодий тараққиёт йўлини танлаш кун тартибида турган энг муҳим ва аини пайтда, узил-кесил ҳал этилиши лозим бўлган энг масъулиятли вазифалардан бири эди. Чунки ушбу танлов мамлакатнинг истиқболи, унинг келажакда иқтисодий тараққиётнинг юқори суръатларига эришиши нуқтаи назаридан ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Биз дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланишининг бой тажрибаларини ижодий ўрганган ва уларга таянган ҳолда, айрим муҳим масалаларда эса ўзимизнинг кенг кўламли илмий-назарий тадқиқотларимиз ва мушоҳадаларимиз натижаларидан келиб чиқиб, иқтисодий тараққиётнинг бозор муносабатларига асосланган йўлини танладик. Лекин иқтисодий тараққиётнинг юқори чўққиларини забт этиш учун тўғри йўлни танлашнинг ўзигина кифоя қилмайди. Кўзланган мақсад ва марраларга эришишнинг муҳим шарти – иқтисодий тараққиётнинг танланган йўлини ҳаётга татбиқ этишнинг изчил механизмлари ва методларини ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат.

Бозор ҳўжалиги инсоннинг яшаши, тўқ ва фаровон ҳаёт кечириши учун қулай шарт-шароит ва катта имкониятлар яратишда тенги йўқ иқтисодий тизим ҳисобланади. Бошқа иқтисодий тизим ва формациялар даврида яшаган кишилар ҳозирги кунда бозор иқтисодиётининг мўъжизаси туфайли реал ҳақиқатга айланган мўлқўлчилик ва фаровон турмуш тарзини фақат орзу-ҳавас қилишлари ёки ухлаб, тушларида кўришлари мумкин эди.

Бозор иқтисодиётида мужассамланган улкан имкониятлардан унумли фойдаланиш, уларни поғонама-поғона ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг етакчи омилига айлантириш иқтисодиёт илмини, айниқса унинг назарий асосларини чуқур билишни, кундалик амалиётда ва мураккаб иқтисодий вазиятларда уларни илмий асосда қўллай олишни тақозо этади. Бошқа сўзлар билан ифодалаганда, бозорга ҳос муносабатлар мамлакат иқтисодий раўнақининг, гуллаб-яшнашининг ҳақиқий ва етакчи омилига айланиши учун мамлакатда яшовчи ҳар бир кишининг руҳияти бозор иқтисодиёти ғоялари билан обдон суғорилган бўлиши лозим.

Жамият аъзолари ёшлигидан ташаббускорлик ва тadbиркорлик руҳида тарбияланган, кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш жа-

раёнларининг фаол иштирокчилари бўлган тақдирдагина, мамлакат иқтисодий жиҳатдан ривожланган бўлади.

Бозор иқтисодиёти кишиларда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг туб моҳиятини тушуниб етиш қобилиятини шакллантириш, иқтисодий фикрлаш доирасини кенгайтириш заруриятини янада кучайтиради. Бугунги кунда иқтисодий қонунлар ва қонуниятларни чуқур билган, уларнинг талабларидан реал ҳаётда унумли фойдалана оладиган, ҳар қандай мураккаб иқтисодий вазиятлардан муваффақиятли чиқиб кетиш ҳамда иқтисодий ресурслар чекланган шароитда самарали хўжалик юритиш малакасига эга бўлган мохир мутахассисларни тайёрлаш мамлакатни иқтисодий юксалтиришнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилди.

“Иқтисодиёт назарияси” фани иқтисодий қонун ва тушунчаларни, тежамли хўжалик юритиш механизмларини, бозор субъектлари ўртасида манфаатли иқтисодий муносабатларда бўлиб, ижобий самарага эришиш йўлларини ўрганади.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда бозор муносабатлари узоқ йиллар давомида аста-секин эволюцион асосда қарор топган ва ривожланган. Биз бозор ислохотларини бошлаган кезларимизда Ғарб давлатларида давр талабларига жавоб беришга қодир бўлган замонавий бозор механизмлари аллақачон мавжуд эди ва биз уларнинг бой тажрибаларидан ҳар томонлама фойдаланиш имкониятига эга бўлдик. Лекин режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш ҳодисаси тамоман янги иқтисодий вазиятни юзага келтирди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов бундай кенг қўламли ўтишнинг ўзига хос ҳамда миллий иқтисодиётимизга мос моделини ишлаб чиқди. Унинг нечоғлик тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳномолигида ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилаётган Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда иқтисодий тизимнинг Ғарб андозаларига монанд ва шарқона хусусиятларни ўзида акс эттирган маданийлашган замонавий бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнлари бошланди. Янги босқичнинг моҳияти жамиятда айнан инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини имкон қадар тўлароқ қондириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, тақсимотда ижтимоий адолатни кучайтиришда ўз ифодасини топади.

“Иқтисодиёт назарияси” фанини ўрганишга мўлжалланган мазкур дарслик бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда яратилган. Таълимнинг илғор педагогик усулларида фойдаланишга асосланиб, у ҳар бир мавзу бўйича ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва долзарб масалалар бўйича топшириқларни ўз ичига олган. Дарсликда мавзуларни ўқувчиларга янада тушунарлироқ етказишга хизмат қиладиган кўргазмали воситалардан, график ва чизмалардан унумли фойдаланилган, далил сифатида расмий статистик маълумотлар ҳам келтирилган. Назарий билимларни ўқувчилар онгида чуқурроқ ўрнашишига амалий машқ ва мисоллардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ вазифа тарзида қаралган.

Дарслик ўтмишнинг бой мероси, “Иқтисодиёт назарияси” фанига асос солган олимларнинг илмий асарлари, кейинги йилларда мамлакатимизда ва хорижда яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларни ўзгариш ва умумлаштириш асосида яратилган. Дарсликда иқтисодиёт назариясига хос айрим масалаларни ёритишда аллақачонлар шаклланган илмий қараш ва ёндашувларга асосланиш билан бир қаторда, айрим масалаларда муаллифларнинг ёндашув ва муносабатларини акс эттиришга ҳаракат қилинди.

Ушбу дарслик Республика Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази томонидан ишлаб чиқилган ва ОЎМТВ томонидан тасдиқланган намунавий дастурдаги барча мавзуларни қамраб олган. Ўйлаймизки, мазкур дарслик мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунтирган ҳолда, уларнинг фаоллашувига ўзининг муносиб улушини қўшади, иқтисодий тафаккури такомиллашган миллий иқтисодиётни жадал ривожлантиришга ва Ўзбекистон шон-шухратини жаҳонга таратишга лойиқ ёшларни тарбиялашга кўмаклашади.

Дарслик проф. М.М.Мухаммедов раҳбарлигида қуйидаги таркибдаги профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган: и.ф.д., проф.М.М.Мухаммедов (кириш, 1,4-боблар), и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев (3-боб), и.ф.д., проф. Ж.Р.Зайналов (17-боб), и.ф.н., доцент Д.Х.Асланова (14-боб), и.ф.н., доцент Л.Н.Халикова (7-боб), и.ф.н., доцент в.б. Н.А.Камилова (15-16-боблар), катта ўқитувчи Б.Б.Мардонов (9-боб), катта ўқитувчи С.А.Исхакова (2-боб), катта ўқитувчи А.Қ.Тўхтамишов (11-12-боблар), катта ўқитувчи Ю.П.Урунбаева (5-боб), катта ўқитувчи З.М.Мухаммедова (10-боб), мустақил тадқиқотчи Й.М.Халиков (6-боб), мустақил тадқиқотчи И.Х.Насимов (13-боб), мустақил тадқиқотчи Ф.Ф.Саломов (8-боб).

І БОБ. “ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ЎРГАНИШ МЕТОДЛАРИ

1.1. Иқтисодий жараёнлар ва иқтисодий ходисалар

Кишилар яшашлари ва эҳтиёжларини қондириш учун буюмлашган моддий ҳамда турли хизматлардан иборат номоддий ҳаётий воситаларни истеъмол қилишлари зарур. Лекин инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари учун зарур бўлган моддий кўринишдаги ноз-неъматлар: кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-рўзгор буюмлари, зеб-зийнат, пойабзал ва ҳоказолар табиатда тайёр ҳолда мавжуд эмас. Демак, уларни фақат ишлаб чиқариш йўли билан истеъмол объектига айлантириш мумкин бўлади. Бундан ташқари, инсон соғлигини сақлаш, таълим олиш, турли-туман маънавий эҳтиёжларини қондириш каби муаммоларга дуч келади. Бу муаммоларни ечиш ва ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида кишилар турли йўналиш ва соҳаларда фаолият кўрсатадилар, меҳнат қиладилар. Инсоннинг кўп қиррали фаолияти таркибида энг асосийси, унинг яшашини таъминлайдиган моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқаришдан иборат бўлган меҳнат фаолиятидир. Ушбу фаолият “Иқтисодиёт назарияси” фанида иқтисодий фаолият деб юритилади.

Табиатда мавжуд имкониятлардан ва турли хил ресурслардан фойдаланиб, кишиларнинг яшашини учун зарур бўлган моддий ва номоддий неъматларни вужудга келтиришга қаратилган меҳнат фаолияти **иқтисодий фаолият** деб айтилади.

Киши истеъмоли учун зарур бўлган неъматлар турли-туман бўлганлиги учун иқтисодий фаолият ҳам кўп турларга бўлинади.

Инсонлар ҳаёт кечиришлари учун моддий неъматлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланишлари, шунингдек, фан, маданият, сиёсат, давлатни бошқариш соҳаларидаги ва ниҳоят, оиладаги ва бошқа соҳалардаги иқтисодий фаолият турларини амалга оширишлари лозим бўлади.

Кишилиқ жамияти тараққиётининг барча босқичларига хос бўлган ва инсон бажариши шарт бўлган иқтисодий фаолиятнинг мақсади – жамият ва унинг барча аъзолари турли хил эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Инсон ўзининг иқтисодий фаолияти жараёнида табиатга бевосита таъсир кўрсатади ва ўзи учун зарур

бўлган турли ноз-неъматларни ишлаб чиқаради, улардан ўз мақсадлари йўлида унўмли фойдаланади. Инсоннинг меҳнат фаолияти иқтисодий жараёнларни ва иқтисодий ҳодисаларни юзага келтиради.

Жамият ҳаётида юз берадиган асосий иқтисодий жараён – бу ишлаб чиқариш жараёнидир.

Инсоннинг иқтисодий фаолият юритиб, табиатга таъсир кўрсатиши ва ўзининг эҳтиёжларини қондириши учун зарур бўлган неъматларни яратиши **ишлаб чиқариш жараёни** деб айтилади.

Ишлаб чиқариш жараёни доимий тарда, узлуксиз такрорланиб турадиган жараён бўлиб, истеъмол қилиш ва инсон эҳтиёжларини қондиришнинг асосий, кўп ҳолларда ягона манбаи бўлиб хизмат қилади. Товар - пул муносабатлари билан воситаланган жамиятда ишлаб чиқариш жараёни тақсимлаш ва айирбошлаш жараёнларини ҳам ўз ичига олади, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ҳамда истеъмол қилиш жараёнларидан таркиб топган бўлади.

Юқорида зикр этилган иқтисодий жараёнлар таркибда неъматларни ишлаб чиқариш жараёни муҳим ўрин тутди. У ишлаб чиқаришнинг бошланғич биринчи босқичи ҳисобланади, унинг моддий асосини ташкил этади. Айнан шу босқичда янги неъмат яратилади ва ишлаб чиқаришнинг навбатдаги (тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол) босқичларига ўтиши учун реал имконият яратилади. Шу сабабли, кўп манбаларда ишлаб чиқариш – бу энг асосий, биринчи даражали муҳим босқич сифатида қаралади. Лекин ишлаб чиқариш жараёнининг пировард мақсади истеъмолдир. Шу сабабли, бизнинг назаримизда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмолнинг роли ўта муҳимлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, унинг сифати, тақсимлаш ва айирбошлаш жараёнлари истеъмолни оқилонлаштириш, истеъмолчи талаб ва эҳтиёжларига мослаштириш мақсадларига бўйсундирилиши лозим.

Таксимот жараёнида ишлаб чиқарилган неъматлар ҳамда унинг эвазига олинган даромадлар бозор субъектлари ўртасида тақсимланади.

Айирбошлаш жараёнида меҳнат тақсимои оқибатида ихтисослашган турли хил йўналишдаги ишлаб чиқарувчилар ёки хизмат

кўрсатувчилар ўртасида иқтисодий алоқа – айирбошлаш, яъни пул орқали олди-сотди жараёни содир бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш жараёнининг пировард мақсади – истеъмол. Бу босқичда товарлар ва хизматлар турли субъектлар томонидан истеъмол қилиниб, уларнинг эҳтиёжлари қондирилади. Истеъмол икки турда бўлади: ишлаб чиқариш истеъмоли ва шахсий истеъмол. Ишлаб чиқариш истеъмолида ишлаб чиқариш воситалари (капитал) ва ишчи кучидан фойдаланилиб, улар унумли истеъмол қилинади. Шахсий истеъмол жараёнида эса истеъмол буюмлари пировард фойдаланилиб, тамоман барҳам топади ва ўрнига яна янгисини ишлаб чиқариш зарурияти пайдо бўлади. Шу туфайли, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш доимо тўхтовсиз такрорланиб турадиган жараёндир.

1.2. Иқтисодиёт илмининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари

Қадимда инсон иқтисодий фаолиятнинг асосий шакли уй хўжалиги доирасида рўй берган. Шунинг учун иқтисодиёт деганда уй хўжалиги ва уни юритиш қонунлари тушунилган. Иқтисодиёт тушунчаси кишилик жамияти тарихида илк бор қадимги юнон файласуфи Ксенофонт (эрамиздан олдинги 430-355 йиллар) томонидан киритилган бўлиб, у икки сўз бирикмасидан ташкил топган: “ойкос” (уй, уй хўжалиги) ҳамда “номос” (қонун, билим). Юнон тилидаги ушбу икки сўзнинг бирикмаси бўлган “Ойкономиа” тушунчаси ўзбек тилида тахминан “уй хўжалиги ҳақидаги билим”, “уй хўжалиги юритиш қонунлари” – деган маънони англатади. Демак, ўша даврларда инсоннинг иқтисодий фаолияти уй хўжалигининг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни, асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратишга қаратилган бўлиб, ўз таркиби жаҳатидан ҳозирги замон иқтисодий жараёнларига нисбатан ниҳоятда чекланган эди.

Иқтисодиётга оид билимлар ва тасаввурлар Ксенофонтдан кейин антик дунёнинг кўзга кўринган олимлари Платон, Аристотель асарларида, шунингдек, қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларида ўз ривожини топди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Аристотелдан бошлаб бутун дунёнинг, жумладан, Ўрта Осиёнинг кўпгина олимлари иқтисодиётни изчил ўрганиш асосида унинг моҳиятини ва кўпгина

тушунчаларини ёритиб берган бўлсалар ҳам, ҳали “Иқтисодиёт назарияси” фан сифатида шаклланмаган эди.

“Иқтисодиёт назарияси” мустақил фан сифатида кўпгина мамлакатларда миллий бозор аллақачон шаклланган ва жаҳон бозори энди вужудга келаётган даврларда «Сиёсий иқтисод» номи билан вужудга келди. Фан сифатида, яъни иқтисодий тизимнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари тўғрисидаги тизимли билим сифатида, иқтисодиёт назарияси XVI-XVII асрларда юзага келди. Бу капитализмнинг шаклланиши, ишлаб чиқаришда мануфактуранинг юзага келиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ички ва ташқи бозорларнинг кенгайиши ҳамда пул муомаласининг интенсивлашуви давридир.

Сиёсий иқтисод юнонча учта сўз бирикмасидан иборат бўлиб, “политико” – ижтимоий, “ойкос” – уй, уй хўжалиги, “номос” – қонун, яъни улар биргаликда “политейа ойкономиа” – ижтимоий хўжалик қонунлари маъносини англатади. Француз иқтисодчиси Антуан де Монкретъен (1575-1621) биринчи марта 1615 йилда ёзилган “Сиёсий иқтисод трактати” номли асарида бу фанни мамлакат миқёсида иқтисодиётни бошқариш, яъни ижтимоий хўжаликни бошқариш фани сифатида асослади. Кейинчалик классик иқтисодчилар бу фикрни тасдиқлаб, сиёсий иқтисодни кенг маънода моддий, ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни бошқарувчи қонунлар тўғрисидаги фан сифатида эътироф этганлар.

“Иқтисодиёт назарияси” фани шаклланиши жараёнида бир қанча ғоявий оқимлар, мактаблар вужудга келди. “Иқтисодиёт назарияси” фанининг шаклланиши ва ривожланишининг биринчи босқичи – бу **меркантилизмнинг** юзага келишидир.

Меркантилистлар таълимотининг моҳияти шундаки, улар бойликнинг манбаини муомала соҳасидан келтириб чиқарганлар, бойликни эса пул билан тенглаштирганлар. Мазкур таълимотнинг номи ҳам айнан ана шу ғоядан келиб чиққан: “меркантил” ибораси таржимада “пуллик” маъносини англатади. Меркантилистлар савдогарлар вакиллари бўлиб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилганлар. Меркантилизмнинг энг кўзга кўринган вакиллари: Т.Ман (1571-1641), А.Монкретъен (1575-1621), Г.Скаруффи (1519-1584), Д.Норе (1641-1691), Д.Юм (1711- 1776) ҳисобланади.

Меркантилизмдан кейин **“физиократия”**, яъни “табиат ҳукмронлиги” деб аталган таълимот юзага келди. Улар меркантилистлардан

фаркли ўлароқ, "бойлик қишлоқ хўжалигида яратилади ва кўпаяди", - деган ғояни илгари сурдилар. Кейинчалик иқтисод фанининг мумтоз (классик) мактаби намоёндалари А.Смит, У.Петти, Д.Рикардо каби атоқли иқтисодчи олимлар бойлик фақатгина қишлоқ хўжалигидагина эмас, шу билан бирга саноат, транспорт, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам яратилишини исботлаб бердилар ҳамма бойликнинг онаси – ер, отаси – меҳнат, деган қатъий илмий ҳулосага келдилар.

XIX асрнинг ўрталарида "Иқтисодиёт назарияси" фанида «**маржинализм**», деб ном олган оқим вужудга келди. У инглизча "маржинал" сўзидан олинган бўлиб, охирги, қўшилган деган маънони беради. Унинг асосчилари Австрия иқтисодий мактабининг намояндалари (Артур Пигу, Карл Менгер, Фридрих Визер, Бем-Баверк, Вилфредо Парето ва бошқалар) бўлиб, улар томонидан қўшилган товар нафлилигининг, "қўшилган меҳнат" ёки "ресурс унумдорлигининг пасайиб бориш қонуни" деган назария ишлаб чиқилди. Маржинализм назарияси аниқ олинган товарга бўлган талаб ва унинг баҳоси ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро таъсирини таҳлил қилишда кенг қўлланилди.

Иқтисодиёт назариясининг янги йўналиши **неоклассик**, яъни янги классик назария деб ном олди. Бу назариянинг йирик намоёндаларидан бири А.Маршалл (1842-1924) бўлиб, у иқтисодий жараённинг функционал боғланиши ва функционал нисбатларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди, бозор мувозанатини ва баҳосини аниқловчи омиллар талаб ва таклифдан иборат деб, асослади. Ушбу назарий йўналишнинг намоёндаларидан яна бири Швейцария иқтисодчиси Леон Валрас бўлиб, у умумий иқтисодий мувозанат моделининг нусхасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди.

Буюк инглиз иқтисодчиси Ж.М.Кейнс ўзининг "Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" (1936) номли китобида макроиқтисодий кўрсаткичлар: миллий даромад, капитал, харажатлар, истеъмол ва жамғаришнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиб, инвестиция ва истеъмолнинг энг мақсадга мувофиқ тарзда ташкил топишини иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили сифатида қаради. Кейнс таълимоти таъсирида иқтисодиётда макроиқтисодий таҳлил йўлга қўйилди. У давлатнинг иқтисодиётни бошқаришда фаол қатнашиши зарурлигини исботлади.

Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясининг муҳим йўналишларидан бири **монетаризм** ҳисобланади. Ушбу таълимотнинг

асосчиси америкалик иқтисодчи Милтон Фридмен бўлиб, унинг илмий қарашларида иқтисодиётни барқарор топишида пул омили асосий роль ўйнайди.

1.3. “Иқтисодиёт назарияси” фанининг предмети

“Иқтисодиёт назарияси” фани ижтимоий фанлар туркумига киради. Лекин уларнинг ҳеч бири “Иқтисодиёт назарияси” фанининг ўрнини боса олмайди, бу фаннинг ўз предмети ва вазифалари бор.

“Иқтисодиёт назарияси” фанининг предмети хусусида ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам турли олимлар ҳар хил фикрлар билдириб келмоқдалар.

Ксенофонт, Аристотель бу фанни “уй хўжалигини бошқариш қонунлари” тўғрисидаги фан деб қараган. Меркантистлар, физиократлар ва инглиз классик иқтисодий мактаби вакиллари унга бойлик тўғрисидаги, унинг манбалари ва кўпайтириш йўллари, бойликни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш тўғрисидаги фан деб қарадилар. Кейинги пайтда мазкур фанни халқ хўжалиги, ижтимоий хўжалик тўғрисидаги фан сифатида қараш ҳам анча кенг тарқалган. Айримлар “Иқтисодиёт назарияси” фанини моддий, ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни бошқариш қонунлари тўғрисидаги фан деб кўрсатадилар. “Иқтисодиёт назарияси” фани сиёсий иқтисод номи билан юритилган даврда қатор дарсликларда ва айрим асарларда унинг предмети моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган иқтисодий муносабатларни ўрганишдан иборат, деб кўрсатилган.

АҚШдан, айрим Ғарб мамлакатларидан кириб келган «Экономикс» дарсликларида бу фаннинг предмети кишиларнинг моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоларини таҳлил қилиш, кишиларнинг иқтисодий хулқ-атворини ўрганишдан иборат деб кўрсатилган.

“Иқтисодиёт назарияси” фанининг предмети тўғрисида билдирилган бу барча фикрлардан кўриниб турибдики, сиёсий иқтисодга доир дарслик ва бошқа китобларда ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган иқтисодий муносабатларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Кейинчалик дунёга келган

«Экономикс» ва бозор иқтисодиётига доир чиқарилган бошқа дарсликларда асосан кишиларнинг ресурсларга бўлган муносабатини, имкониятини ўрганишга, аниқроғи ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган.

“Иқтисодиёт назарияси” фани масаланинг у томонини ҳам, бу томонини ҳам четда қолдирмаслиги, масалага бир томонлама ёндашувга йўл қўймаслиги лозим. Чунки ҳар қандай меҳнат, ҳар қандай ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, энг аввало, табиат ашёлари, моддий воситалар, пул маблағлари орқали амалга оширилади ва улардан фойдаланилади. Шунинг учун ушбу фан мавжуд ресурсларга, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга, улардан унумли фойдаланишга бўлган муносабат, ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсирида ўрганилиши лозим. Бошқа тарафдан, ҳеч қандай меҳнат ёки ишлаб чиқариш алоҳида олинган киши ёки гуруҳ томонидан, бошқалар билан алоқаларсиз, муносабатларсиз амалга оширилмайди. Улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бир-бирлари билан албатта ўзаро муносабатда бўладилар ва шу муносабатга қараб ҳаракат қиладилар, ўз хулқ-атворларини, хатти-ҳаракатларини белгилайдилар. Демак, “Иқтисодиёт назарияси” фани шу муносабатларнинг икки томонини қамраб олган бўлиши, уларни ўрганиши лозим. Бундан ташқари, мазкур муносабатлар, хатти-ҳаракатлар такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазаларида: ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида ҳам содир бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, **“Иқтисодиёт назарияси” фанининг предмети** – иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг тобора ўсиб боровчи чексиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ноз-неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ўрганишдан иборат.

“Иқтисодиёт назарияси” фани иқтисодий муносабатларнинг турли шарт-шароитларда, замон ва маконда шаклан ва мазмунан ўзгарувчанлигини, уларни ифода этувчи илмий тушунчалар, қонунлар ҳам ўзгариб туришини, уларнинг доимо ҳаракатда, ривожланишда бўлишини ўрганади. Бундан ташқари, “Иқтисодиёт назарияси” фани турли иқтисодий воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг мазмуни ҳамда моҳиятини ўрганибгина қолмай, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, бир-бирига таъсирини ҳам таҳлил қилади.

1.4. Иқтисодий қонунлар ва категориялар

“Иқтисодиёт назарияси” фанининг асосий вазифаларидан бири **иқтисодий қонунларни** билиш ва унинг мазмунини, амал қилиш механизмини очиб беришдан иборат. Ҳар қандай жамиятда иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар иқтисодий қонунлар ёрдамида бошқарилади. Улар доимий такрорланиб турадиган ҳукмрон тамойиллар тарзида намоён бўлади.

Иқтисодий қонун – иқтисодий жараёнлар ўртасидаги доимий, узлуксиз такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибат алоқаларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифода этувчи иқтисодий ҳодиса ёки воқея

Иқтисодий қонунлар объектив реалликни илмий билиш натижасидир. Иқтисодий қонунлар объектив характерга эга бўлиб, уларнинг келиб чиқиши, амал қилиши, ривожланиши ва барҳам топиши алоҳида кишиларнинг онига, уларнинг хоҳиш ва иродасига боғлиқ эмас. Инсонлар иқтисодий қонунларнинг моҳиятини ўрганишлари, уларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, улардан фойдаланишлари мумкин. Масалан, одамлар вақтни тежаш қонунини, ишлаб чиқариш ёки бозор мувозанати қонунлари талабларини билиб, шунга биноан фаолият олиб борсалар, иш вақти ва бошқа чекланган ресурслар сарфини тежаш билан бирга, ўз фаолиятларининг самарали бўлишига эришадилар. Иқтисодий қонун талабларига зид ҳар қандай қарор ва ҳаракатлар, кишиларнинг хоҳиш ва иродасидан қатъи назар, муқаррар равишда хўжалик фаолиятида қийинчиликларга, ресурслар исрофгарчилигига олиб келади.

Инсон иқтисодий қонунларни билса, уларга таяниб, ўзининг иқтисодий фаолиятида улардан фойдаланса, катта фойда кўради. Аксинча, агар объектив тарзда амал қиладиган қонуннинг мавжудлигини тан олмасдан, талабларини билмасдан, кўр-кўрона ҳаракат қилса, уларга мувофиқ иш тутмаса, бу салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади. Лекин иқтисодий қонунлар табиат қонунлари билан тамомила бир хил эмас. Уларнинг фарқи шундаки, табиат қонунлари доимийдир, иқтисодий қонунлар эса ижтимоий ҳаёт қонунлари бўлиб, тарихий ва ўзгарувчан. Улар кишилик жамияти мавжуд бўлганда пайдо бўлади ва амал қилади,

уларнинг аксарияти эса, иқтисодий тизимнинг моҳиятига қараб ўзгаради, юзага келади ёки аксинча, барҳам топади.

Иқтисодий қонунларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Умумий иқтисодий қонунлар (кишилиқ жамияти ривожланишининг барча босқичларида амал қилади). Масалан, вақтни тежаш қонуни, меҳнат унумдорлигининг ўсиш қонуни, эҳтиёжларнинг узлуксиз ўсиб бориш қонуни ва бошқалар.

2. Хусусий ёки даврий иқтисодий қонунлар (жамият тараққиётининг маълум босқичларида амал қилади). Масалан, талаб қонуни, таклиф қонуни, қиймат қонуни ва бошқалар.

3. Махсус ўзига хос иқтисодий қонунлар (алоҳида олинган иқтисодий тизим шароитида амал қилади). Масалан, режали иқтисодий тизим даврида иқтисодиётнинг режали – пропорционал ривожланиш қонуни.

Иқтисодий қонунлар билан бир қаторда, “Иқтисодиёт назарияси” фанининг мазмунини ва иқтисодий жараёнларнинг алоҳида томонларини тавсифлайдиган **иқтисодий категориялар**, яъни илмий тушунчалар ҳам мавжуд.

Иқтисодий категория – доимо такрорланиб турадиган, иқтисодий жараёнлар ва реал ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунчадир

Иқтисодий категориялар (илмий тушунчалар) кишилар томонидан ўйлаб топилмаган, балки реал иқтисодий ҳодисаларни ифода этадиган илмий тушунча бўлиб, илмий фикрлашнинг маҳсулидир. Масалан, “бозор”, “капитал”, “ишчи кучи”, “иқтисодий мувозанат”, “молия”, “кредит” ва бошқалар шулар жумласидандир. Иқтисодий қонунлар билан иқтисодий категорияларнинг фарқи шундаки, биринчиси иқтисодиётнинг турли бўғинлари, соҳалари, бўлаклари орасидаги боғлиқликни, уларнинг бири ўзгарса, албатта иккинчиси ҳам ўзгариши мумкинлигини кўрсатади. Иқтисодий категория, яъни илмий тушунчалар эса, иқтисодий ҳодисаларнинг бир томонини, унинг мазмунини ифода этади. Масалан, “товар”, “баҳо”, “талаб”, “фойда” каби категориялар орқали биз, энг аввало, алоҳида тушунчаларнинг иқтисодий мазмунини тушуниб оламиз. Талаб қонуни асосида эса талаб ҳажми билан баҳо ўртасидаги алоқадорликни идрок этамиз.

Ҳар бир иқтисодий қонун таркибида икки ёки ундан ортиқ илмий тушунчалар бўлиши мумкин. Уларни билмасдан туриб, иқтисодий қонуннинг мазмунига, моҳиятига тушуниш ва унинг табиатини билиш қийин. Масалан, талаб қонунининг моҳиятини билиб олиш учун баҳо ва талаб тушунчалари мазмунини билиш зарур. Умуман олганда, иқтисодий қонунлар ва категориялар бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Улар биргаликда иқтисодий тараққиёт жараёнларини акс эттиради.

1.5. Иқтисодий ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш муаммоси

Иқтисодиётнинг доимий ва бош муаммоси – эҳтиёжларнинг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир. Бу муаммони тўғри тушуниш учун, энг аввало, эҳтиёж ҳамда иқтисодий ресурс нималигини, уларнинг турларини билиш зарур.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, инсон яшамоғи учун, энг аввало, озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, уй-жой, уй-рўзғор буюмлари, транспорт ҳамда иситиш ва ёритиш воситалари ва бошқа моддий неъматлар зарурдир. Бундан ташқари, инсон камол топиши учун ўқиб, билим олиши, касб ўрганиши, малака эгаллаши ва даволаниши, маданий ҳордиқ чиқариши, турли хизматлардан фойдаланиши лозим.

Инсоннинг яшаши ва камол топиши, умуман инсониятнинг ривожланиши учун керак бўлган ҳаётий воситаларга бўлган зарурияти – эҳтиёж деб айтилади

Эҳтиёжлар кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматлардан ҳамда хизматлардан иборат бўлади. Шу жиҳатдан олганда барча ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар 2 турга бўлинади: **моддий** ва **маънавий** (номоддий). **Моддий эҳтиёжлар** кишиларнинг яшашлари учун зарур бўлган кўплаб ҳаётий предметларни ҳамда моддий хизматларни, шунингдек, корхоналар ва давлат муассасалари эҳтиёжларини ўз ичига олади.

Маънавий эҳтиёжлар моддий кўринишга эга бўлмаган ҳамда кишиларнинг билим ва дам олиш, маданий савиясини ошириш,

малака-маҳоратга эга бўлиш, ҳар хил хизматлардан баҳраманд бўлиш каби кўплаб эҳтиёжларни ўз ичига олади.

Эҳтиёжларни тўлиқ қондириш имкони мавжуд эмас. Жамиятда ҳар бир маълум даврда кўплаб қондирилмаган эҳтиёжлар бўлади. Вақт ўтиши билан янги буюмларнинг пайдо бўлиши, кенг рекламанинг таъсири ва савдонинг рағбатлантириши натижасида эҳтиёжлар ўзгаради ва узлуксиз ўсиб боради. Демак, жамиятнинг, яъни уни ташкил қилувчи шахслар, муассаса ва корхоналар эҳтиёжларининг чексизлиги, уларнинг тўхтовсиз янгиланиб ва ўсиб бориши табиийдир. Бу эҳтиёжларнинг тўхтовсиз ўсиб бориши иқтисодий қонунда ўз ифодасини топади. Бундай қонун нафақат эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб боришини, балки уларнинг таркибан янгиланиб туришини, эскиларининг ўрнига янгиларини кириб келишини билдиради. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонунини ишлаб чиқариш билан эҳтиёжлар ўртасидаги узвий, тўғридан-тўғри боғлиқликни акс эттиради. Ишлаб чиқариш эҳтиёжларни қондиришга қаратилади ва унинг ривожланиши янги эҳтиёжларни юзага келтиради.

Эҳтиёжларнинг ўзи ҳам бир-бирини тақозо этади. Бир эҳтиёж ўз орқасидан бошқа бир эҳтиёжни келтириб чиқаради. Масалан, компьютер техникасига эҳтиёжнинг пайдо бўлиши, ўз навбатида, уни ишлатишни ўрганиш, унга хизмат кўрсатиш, дастур тузиш каби эҳтиёжларни келтириб чиқаради.

Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши бир текис, узлуксиз бўлмайди. Унинг ўсишига қарши таъсир қилувчи омиллар ҳам мавжуд бўлади. Ишлаб чиқариш ҳолати, жамиятдаги ҳукмрон муносабатлар, фавқулодда юз берадиган ҳолатлар (урушлар, иқтисодий тизим алмашиши) ва табиий офатлар: зилзила, сув тошқини, ёнғин каби эҳтиёжларнинг ўсиб боришига қарши таъсир кўрсатувчи омиллардир. Шундай қилиб, эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонунини мавжуд эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб боришида, мутлақо янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлишида, муайян эҳтиёжлар доирасида турли эҳтиёжлар нисбатининг ўзгаришида ва бир эҳтиёжнинг бошқаси билан алмашинувида намоён бўлади. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши уни қондириш воситалари даражаси билан чегараланади. Чунки эҳтиёжлар узлуксиз ўсиб борган ҳолда уни таъминлаш учун керак бўладиган иқтисодий ресурслар чекланган бўлади.

Иқтисодий ресурслар деганда жамият, мамлакат, айрим корхона (фирма), оила ихтиёрида тўпланган ва айни вақтда мавжуд

бўлган, товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчига етказиб беришда ҳамда истеъмол жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган имкониятлар, воситалар, манбалар тушунилади. Табиий ресурслар (ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари), ишчи кучи ресурслари, моддий ресурслар (бинолар, жиҳозлар, машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, қурилмалар, сотишга тайёр товарлар, уларнинг захиралари, пул маблағлари ва бошқалар) ана шулар жумласидандир. Иқтисодий ресурсларнинг ишлаб чиқариш омилларидан фарқи шундаки, уларга ишлаб чиқаришда қатнашадиган ишчи кучи, табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш воситаларидан ташқари барча моддий ресурслар, меҳнат ресурслари, товар ва пул ресурслари киради. Иқтисодий ресурслар чекланганлиги туфайли ҳамма одамлар хоҳлаган истеъмол буюмларини, транспорт воситаларини ва бошқа нарсаларни дарҳол харид қила олмайди ва хоҳлаганча истеъмол қилиш имкониятига эга эмас. Ҳар бир киши, ҳатто энг бадавлат киши ҳам бу муаммога дуч келади. Ресурслар чекланганлиги фақатгина истеъмолни эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ҳам чеклаб қўяди. Бунинг натижасида ҳар бир хўжалик субъекти ўз имкониятларини ҳисобга олиб, товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма турини бирданига эмас, балки унинг шу давр учун энг керакли бўлган соҳаларини танлаб кенгайтириш ва ривожлантиришга эътибор беради, ресурсларни биринчи навбатда уларга жалб қилади.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида давлат мавжуд пул ва валюта захираларини четдан истеъмол буюмларини сотиб олиб келишга эмас, балки уларни чеклаб, инвестиция товарларини, яъни янги техника ва технологияларни олиб келишга қаратади. Бунда айрим соҳаларга эътибор ва маблағ сарфлаш кучайтирилган шароитда бошқа соҳаларга ажратиладиган маблағларни объектив равишда нисбатан камайитиришга тўғри келади.

Шундай қилиб, ресурсларнинг чекланганлиги эҳтиёжни қондиришнинг муҳим йўли бўлган ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам чеклаб қўяди. Бу имкониятлар даражаси доимо бир хил бўлиб турмайди, балки янги техникалар ва технологияларнинг яратилиши ва ишга солиниши ишлаб чиқариш чегараларини кенгайтириш имконини беради. Янги техникалар ва технологиялар, бир томондан, меҳнат унумдорлигини, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, энергия, ёнилғи, меҳнат ва бошқа моддий ресурсларни тежаш

имконини берса, иккинчи томондан, янги материал, хомашё, энергия ва бошқа ресурслар манбаларини топиб, ҳаётга жалб этиш имконини беради.

Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш имкониятларини рўёбга чиқариш, демак, эҳтиёжларни қондиришнинг даражасини ошириш зарурлиги кишилардан чуқур иқтисодий билимларга эга бўлишни тақозо этади.

1.6. “Иқтисодиёт назарияси” фанининг методологик асослари ва ўрганиш методлари

“Иқтисодиёт назарияси” фани ўзининг предметини қандай, қайси йўл ва воситалар ёрдамида ўрганиши лозимлиги муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ушбу фаннинг методологияси ва методлари тўғрисида чуқур билим ва тасаввурга эга бўлиш керак.

Методология — бу илмий билишнинг тамойиллари тизими, йўллари, усуллари ва аниқ натижаларга эришиш қонун-қоидалари ҳақидаги таълимотдир. У объектив реалликни билиш диалектикаси, мантиқи ва назариясини ўз ичига олувчи яхлит таълимот.

Методология масалалари иқтисодий муаммоларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Методология ягона фалсафий асосга ва умумилмий тавсифга эга, лекин ҳар бир фан ўзининг предметида келиб чиқиб, ўзининг илмий билиш методларига таянади.

Методология иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўрганишда умумий ёндашувни шакллантириш, илмий билишнинг усуллари ва тамойилларини аниқлаш имконини беради. Методологиянинг фандаги аҳамияти шундаки, унинг ёрдамида назария иқтисодий жараёнларнинг кечиши ҳамда жамият иқтисодий тараққиётининг истiqболларини аниқлашда билишнинг қайси усулларидан ва қандай фойдаланиш лозимлигини кўрсатиб беришга эришади.

Иқтисодиёт назариясининг методологияси — иқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар, кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни билиш усулларининг мажмуи

“Иқтисодиёт назарияси” фанини чуқур ўзлаштириш ва у соҳада замонавий билимларни ҳосил қилиш учун уни ўрганиш метод-

ларини (юнонча метод-тадқиқот усули) яхши билиш лозим бўлади. Чунки иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни тадқиқ этиш усулларини билмай туриб, уларнинг туб моҳиятига етиб бориш, уларга илмий жиҳатдан асосланган объектив баҳо бериш, сабабларини аниқлаш ва истиқболларини прогнозлаш имкони мавжуд эмас. Айнан ана шу усуллар ёрдамида иқтисод жамият ҳаётида узлуксиз тарзда такрорланиб борадиган иқтисодий жараёнлар, тез-тез, кўп ҳолларда фавқулодда юзага келадиган иқтисодий ҳодисалар ўртасидаги узвий боғлиқликни бошқалардан кўра чуқур ва ҳар томонлама англаб етишга эришадилар. Масалан, корхона (фирма) фойдасини кўпайтириш учун ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш керакми, ёки, аксинча қисқартириш мақсадга мувофиқроқми деган саволга иқтисодий тадқиқотнинг муайян усулларини қўллаш ёрдамидагина илмий жиҳатдан асосланган тўғри жавоб бериш мумкин.

“Иқтисодиёт назарияси” фанининг предметини ўрганишда диалектика усулининг алоҳида ўрни бор. Иқтисодий жараёнлар ва воқелиklar ўзаро боғлиқ катта миқдордаги омиллардан иборат бўлиб, уларни билишда иқтисодиёт назарияси турли методлар (усуллар)дан фойдаланади. Уларнинг асосийлари чизмада келтирилган (1-чизма).



1-чизма. Иқтисодиёт назариясининг асосий методлари.

Ушбу фанда кенг қўлланиладиган **диалектика** усулининг моҳияти шундан иборатки, жамиятнинг иқтисодий ҳаётида юз берувчи барча ҳодисалар ва жараёнлар ўзаро узвий боғлиқликда ва узлуксиз ривожланишда ўрганилади.

Тадқиқотнинг муваффақиятини таъминлаш, масаланинг туб моҳиятини чуқур англаш учун фан асосий нарсаларни ўрганишни қийинлаштирувчи муҳит бўлмаган иккинчи даражали тасодифий далилларни четлаб ўтади, уларни инobatга олмайди. “Иқтисодиёт назарияси” фанида кенг қўлланиладиган **илмий абстракция** (мавҳумлаштириш) методининг моҳияти ана шундан иборат.

Анализ ва синтез ўзаро боғлиқда ва бир-бирини тўлдирувчи яхлит тадқиқот воситасининг алоҳида қисмлари сифатида қўлланилади. **Анализ** жараёнида иқтисодий объект алоҳида таркибий қисмларга ажратилиб, уларнинг ҳар бири алоҳида ўрганилади. **Синтез** эса алоҳида ажратилган таркибий қисмларни ўзаро боғлаб, яхлит ҳолатга келтиришни тақозо этади. Шу тариқа анализ тадқиқот объекти таркибидаги ҳар бир унсурнинг муҳим хусусиятларини англаб етиш, синтез эса уларни ўзаро боғлаш ва умумлаштириш асосида яхлит объектнинг моҳиятини очиш имконини беради.

Математик моделлаштириш иқтисодий жараён ва ҳодисаларни шаклга солиш ва иқтисодий ўлчамларда ифодалаш мақсадларида қўлланилади. Ушбу усулнинг устунлиги шундаки, иқтисодий модель тадқиқот объекти ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятларини яққол ҳамда аниқ ўрганиш имконини беради. Энг муҳими у тадқиқотчида муайян иқтисодий муаммонинг кўп сонли ечимларидан кўпроқ самара бериши мумкин бўлган ечимни танлаш учун шароит яратиб беради.

Индукция ва дидукция усуллари иқтисодий жараён ва ҳодисалардаги алоҳида ва умумий, аниқ ва абстракт томонлари ўртасидаги алоқаларнинг ўзаро диалектик боғлиқлигини очиб беришга хизмат қилади.

Индукция усулида тадқиқотчи алоҳида далилларни тўплайди, уларни умумлаштириш асосида тегишли хулосалар чиқаради ва ўзининг назарий қоидаларини шакллантиради. **Дедукция** усули ёрдамида тадқиқотчи умумийликдан хусусийликка, назарий қоидалардан амалиётдаги далилларга қараб ҳаракат қилади.

График усул турли-туман иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни бир-бирининг таъсири остида ўзгариш

даражасини тасвирлаш манзарасини аниқ ва равшан ифодалаш имконини беради.

Иқтисодий эксперимент – илмий назария ва илмий тавсияларнинг нақадар фойдалилигини амалиётда синовдан ўтказиш мақсадида қўлланилади. Ушбу мақсадда илмий назария сунъий шароитларда ва чекланган қўламларда синовдан ўтказилади ва ижобий натижа берган тақдирдагина амалиётга жорий этилади.

“Иқтисодиёт назарияси” фанида шунингдек, тарихийлик ва мантиқийлик, таққослаш, кузатув, статистик гуруҳлаш, тизимли ёндашув ва бошқа бир қатор усуллардан ҳам кенг фойдаланади.

1.7. “Иқтисодиёт назарияси” фанининг таркиби ва вазифалари

“Иқтисодиёт назарияси” фани таркибининг муҳим йўналишларидан бири чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиш, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш ва бошқариш, миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг омиллари, қонуниятлари ва йўллари ўрганиш ҳисобланади. Ушбу фан чекланган турли хил ресурслардан самарали фойдаланиб, уларнинг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни таъминлаш, ҳар бир фаолият тури бўйича харажатлар миқдори билан эришилган самара, яъни товар ва хизматлар миқдорини таққослаш, ресурслардан унумлироқ фойдаланиш масалаларини ўрганади. Бундан ташқари, иқтисодиёт назарияси аҳолини иш билан таъминлаш, пул кадрсизланишининг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўллари кўрсатиб беради. “Иқтисодиёт назарияси” фани макроиқтисодиёт даражасида таҳлил қилиб, унинг соҳалари, кўрсаткичлари, омиллари ўртасидаги боғланишларни, иқтисодий ўсиш йўллари кўрсатади ва давлатнинг ички ва ташқи иқтисодий сиёсати каби масалаларни ўрганади.

Иқтисодиёт назариясининг мақсади иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни кузатиш, улардаги шакл ва мазмун ўзгаришларни, ички боғланиш ва алоқаларни, зиддиятларни, иқтисодий қонунларни, иқтисодий тушунчаларни ўргатишдан иборатдир.

Иқтисодиёт назарияси, бошқа фанлар сингари, қатор вазифаларни бажаради. Биринчи бўлиб унинг вазифаларини А.Смит белгилади ва уларни икки қисмга бўлди: позитив ва меъёрий вазифалар.

Позитив — иқтисодиёт назарияси объектив иқтисодий реаллиликнинг таҳлилини амалга оширади ва унинг ривожланиши қонуниятларини аниқлайди. У иқтисодиёт соҳасидаги далиллар, шарт-шароитлар ва ҳодисалар билан иш юритади.

“Иқтисодиёт назарияси” фанининг **меъёрий (норматив)** томони фирма ва давлатнинг иқтисодий сиёсатини таъминлайди. Ўтказилган таҳлиллар асосида у энг мақсадга мувофиқ услуб орқали ишни қандай ташкил қилиш кераклиги тўғрисида амалий маслаҳатлар беради.

Ҳозирги дарсликларда эътироф этилишича, иқтисодиёт назарияси бошқа аниқ иқтисодий фанларнинг назарий асоси сифатида қуйидаги уч вазифани (функцияни) бажаради: билиш, амалий ва методологик.

Иқтисодиёт назариясининг амалий аҳамияти шундан иборатки, билимлар олдиндан кўра билишга, олдиндан кўра билиш эса ҳаракатга олиб келади. Иқтисодиёт назарияси иқтисодий сиёсат асосини ташкил этади, бу орқали эса ушбу фан хўжалик амалиёти соҳасини ёритиши лозим.

“Иқтисодиёт назарияси” фани аниқ иқтисодий фанлар: саноат иқтисодиёти, савдо иқтисодиёти, агроиқтисодиёт ва агробизнес, иқтисодий ахборот, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, маркетинг, менежмент каби фанлар билан, шунингдек, молия, солиқ ва солиққа тортиш, кредит, пул муомаласи, банк иши, божхона иши, статистика, эконометрика, иқтисодий география, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти таҳлили каби фанлар билан узвий ва чамбарчас боғлиқ.

Иқтисодиёт назарияси бу фанлардан айрим аниқ томонларини ўрганади, уларнинг моҳиятини очиб беради ва ривожлантиради. Айни бир пайтда, “Иқтисодиёт назарияси” фани аниқ иқтисодий фанларнинг назарий асоси ҳисобланади, уларга услубий, назарий йўналиш беради. Ушбу фан уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган илмий тушунчаларни, категорияларни, қонунларни, иқтисодиётнинг турли тармоқлари, соҳалари, томонлари ўртасидаги алоқадорликни ва ўзаро таъсирини ўрганади, уларнинг туб моҳиятини очиб беради.

“Иқтисодиёт назарияси” фани кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш вазифасини ҳам бажаради. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий та-

раққиётининг ҳозирги босқичида кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарабини ўзгартириш, айниқса жамият олдидаги, халқ олдидаги масъулиятини, жавобгарлигини кўтаришнинг аҳамияти янада ошади. Бунинг сабаби шундаки, "...мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётган шароитда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этади"¹. Бу мақсадга эришиш учун "Иқтисодиёт назарияси" фани Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг сўзлаган нутқ ва маърузаларида, асарларида кўрсатиб берилган бозор иқтисодиётига ўтиш даври тамойилларини, ўтишнинг ўзига хос йўлини, унинг миллий хусусиятларини чуқур таҳлил қилиб бермоғи лозим. Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорлар асосида Ўзбекистон олдида турган иқтисодий муаммолар ва вазифаларнинг моҳиятини, уларни ечиш йўллари, ўтиш даври иқтисодиётининг хусусиятлари, кўп укладли ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш омилларини мамлакатда янада юксалтириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қўйилган вазифаларни ечиш йўллари кўрсатиб бермоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, кишилиқ жамияти ҳаётида иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг роли бекиёс. Ҳар бир инсон яшаши ва ҳаёт кечириши учун авваламбор ўзининг турли-туман ноз-неъматларга бўлган эҳтиёжларини қондириши зарур. У ўзининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу зарурий эҳтиёжларини қондириш йўллари излайди. Келажакда кўпроқ даромад топиш, меҳнат билан топган иш ҳақини инфляция асоратларидан асраш, ишсизлар сафига қўшилиб қолмаслик учун қайси касбни танлаш, мураккаб иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этиш ва айрим иқтисодий ҳодисаларнинг (инфляция, ишсизлик, иқтисодий кризис, рецессия) кучли таъсири хавф-хатарларидан ҳимоялаш масалалари ўзи ва оила аъзолари тўғрисида ўйлайдиган, соғлом фикрлайдиган кишининг диққат марказида туради. Шу сабабли иқтисодиёт

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 17 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 6(766)-сонли Фармони.

назариясини нафақат фан сифатида, балки инсоннинг яшаши ва ҳаёт кечириши борасида ўта зарур ҳаётӣ муаммоларни ечишнинг муҳим курули сифатида ҳам ўрганиш аҳамиятлидир.

“Иқтисодиёт назарияси” фани микро ва макро даражада кечаётган мураккаб иқтисодӣ жараён ва ҳодисаларни бошқаришда ва туртибга солишда иқтисодиёт илми соҳибларининг алоҳида ўрнини АҚШлик иқтисодчи П.Хейне шундай тавсифлайди: “Иқтисодчи реал дунёни менежерлар, инженерлар, механиклардан, бир сўз билан айтганда, шу соҳа амалиётчиларига кўра яхши билмайди, кўп ҳолларда эса улардан ёмонроқ билади, лекин иқтисодчилар ҳар хил нарсалар ўзаро қандай боғланганини яхши биладилар”. Иқтисодӣ воқеликларни ҳамма кундалик ҳаётда синчковлик билан кузатиши, улар хусусида субъектив билимлар ҳосил қилиши ва муайян тасаввурларга эга бўлиши мумкин. Лекин фақат иқтисодчилар мураккаб ижтимоӣ-иқтисодӣ муносабатларнинг туб моҳияти, сабаб ва оқибатлари, истикболлари хусусида мантиқан тўғри фикр-мулоҳаза юритиши, уларни тартибга солиш бўйича аниқ ва тўғри йўл кўрсатиши мумкин. Мисол учун, товар ва хизматларнинг нархи ошиши оқибатида реал иш ҳақининг пасайиб бораётганлигини ҳамма сезиши, ўзида ҳис қилиши мумкин. Лекин унинг асл сабабларини ва бартараф қилиш йўлларини фақат замонавий билимларни пухта эгаллаган иқтисодчи мутахассисларгина биладилар.

Жаҳон хўжалигида глобаллашув жараёнлари тобора жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда мамлакат миллий иқтисодиётини барқарор ва тез суръатлар билан ривожлантиришнинг роли ошиб бормокда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт соҳасидаги билимларни янада чуқурлаштиришни, уларнинг сифатини тубдан оширишни тақозо этади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. “Иқтисодӣ жараёнлар” тушунчасининг моҳиятини очиб беринг.
2. Иқтисодӣ ҳодисалар, уларнинг ижтимоӣ-иқтисодӣ тараққиётга таъсири.
3. Иқтисодӣ фаолият нима ва унинг қандай турлари бор?
4. “Иқтисод” тушунчасининг моҳиятини очиб беринг.

5. “Сиёсий иқтисод” тушунчаси қачон ва ким томонидан киритилган?

6. “Иқтисодиёт назарияси” фанининг асосий мактабларини ва уларнинг намоёндаларини айтиб беринг.

7. “Иқтисодиёт назарияси” фанининг предмети нима?

8. Иқтисодиёт назарияси фанининг таркиби ва вазифаларини тушунтириб беринг.

9. “Иқтисодиёт назарияси” фанининг ўрганиш методларини биласизми?

10. “Иқтисодиёт назарияси” фани қайси фанларга алоқадор?

II БОБ. БОЗОР ТУШУНЧАСИ, УНИНГ МОҲИАТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти

Бозор объектив иқтисодий категория бўлиб, товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш, пулнинг вужудга келиши, уларнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан тарихий тушунчадир.

Бозор тушунчаси дастлаб товарлар сотиладиган ва харид қилинадиган жой сифатида вужудга келган. Ибтидоий жамоа тузуми даврида қабилалар ўзларининг ортиқча маҳсулотларини айрибошлайдиган бўлганлар. Бунинг учун маълум жой белгиланган. Лекин ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, товар ишлаб чиқаришининг ривожланиши, пулнинг келиб чиқиши натижасида олди-сотди бир жойда юз бермаслиги мумкин бўлиб қолади. Шу сабабли бозорни фақат олди-сотди қиладиган жой сифатида таърифлаш етарли бўлмайди, яъни энди бозор деганда айрибошлаш муносабати тушунилиши лозим.

Демак, бозор иқтисодий категория сифатида такрор ишлаб чиқаришнинг айирбошлаш босқичига хосдир. Аммо у ҳар қандай айирбошлашни эмас, балки пул воситасидаги олди-сотди шаклидаги айирбошлашни билдиради. Бунда товар муомаласи юз бериб, у икки жараёни, яъни товар-пул (Т-П) ва пул –товар (П-Т) муносабатларини биргаликда боришини таъминлайди. Шу икки муносабатда сотувчи ва харидор иштирок этиши шарт.

Бозор – бу сотувчи ва харидорларнинг товарларини пул воситасида айирбошлаш юзасидан келиб чиқадиган **иқтисодий муносабатлар**дир

Бозор иқтисодий категория сифатида ўзининг асосий белгиларига эга. Улар қуйидагилардан иборат:

- сотувчи ва харидорларнинг ўзаро келишуви;
- неъматларнинг эквивалентлилиқ таъйини асосида айирбошланиши;
- сотувчиларнинг харажатлари қопланиб, фойда олиши;
- тўловга лаёқатли бўлган харидорларнинг талабини қондириш;
- рақобатчилиқ.

Бозорнинг иқтисодий мазмунини очиб беришда унинг объекти ва субъектини ажратиб кўрсатиш лозим бўлади.

Бозор объекти – бу айирбошлаш муносабатларига жалб қилинадиган турли-туман товарлар ва хизматлардир. Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда 25 мингдан ортиқроқ товар ва хизматлар турлари мавжуд.

Бозор субъекти – бу айирбошлаш муносабатларида иштирок этувчилар бўлиб, улар икки гуруҳга – сотувчи ва харидорларга бўлинади. Бозор субъектлари алоҳида кишилардан тортиб то айрим олинган давлатларгача бўлиши мумкин. Ҳар бир бозор субъектининг ўз манфаатлари мавжуд бўлиб, бозор уларни бир-бирига боғлайди ва мувофиқлаштиради.

Бозор тушунчаси моҳиятини очишда «бозор» ва «бозор иқтисодиёти» тушунчаларини бир-биридан фарқлаш катта аҳамиятга эга. Бозор ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг айирбошлаш жараёнини ўз ичига олса, бозор иқтисодиёти эса такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазаларини: ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини қамраб олади.

2.2. Бозорнинг вазифалари

Бозорнинг моҳияти унинг иқтисодий муносабатлар тизимида бажарадиган вазифаларида намоён бўлади. Уларга қуйидагилар киради (2-чизма):

– **Воситачилик қилиш.** Бунда бозор ишлаб чиқариш билан истеъмолни бир-бирига боғлайди, яъни айирбошлаш орқали ишлаб чиқарилган товар ёки хизмат ўз истеъмолчисини бозорда топади.

– **Нарх белгилаш.** Бозорда талаб ва таклиф нисбатига қараб товар ва хизматларнинг мувозанат нархи шаклланади.

– **Иқтисодиётни тартибга солиш.** Бозор ўзининг бу вазифасини талаб, таклиф, рақобат ва нархлар ёрдамида бажаради. У ўзида талаб ва таклифни жамлаб, бу билан нимани, қанча миқдорда ва қайси вақтда ишлаб чиқариш кераклигини аниқлаб беради.

– **Назорат қилиш.** Ишлаб чиқарилган товарлар(хизматлар) нақадар сифатли, истеъмолчи талабига жавоб бера олишини бозор аниқлайди. Товар ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ҳам назорат қилишда бозорнинг олдиға тушадигани йўқ.

– **Рағбатлантириш.** Бозор нархлар орқали тақчил, яхши, сифатли товар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, аксинча сероб,


ёмон, сифатсиз ёки ортиқча харажат қилиб тайёрланган товарларни касодга учратиб, уларни ишлаб чиқаришни кескин камайтиради ёки тўхтатади.

– **Ахборот бериш.** Қандай товарни ишлаб чиқариш зарурлиги бозорда намоён бўлади. У нарх ва талаб эластиклигида ифодаланади ҳамда улар ишлаб чиқарувчиларга етказилади.

– **Бозор субъектлари манфаатларини рўёбга чиқариш** ҳам айнан бозор орқали амалга оширилади. У қандай даражада амалга ошишига кўра ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар табақаланиши юз беради.

– **Тежамкорлик.** Бозор қилинган харажатларни нақадар ўринли эканлигини аниқлайди. Қилинган харажатларни қоплаш зарурати уларни камайтиришга ундайди. Шунинг учун янги техника-технологияни қўллайди, меҳнатни ташкил этишнинг янги самарали усулларини қидиради. Хуллас, харажатларни камайтиришнинг янги йўллари ~~топишга ҳаракат қилади.~~

Бозорнинг турли хил вазифалари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади.



2-чизма. Бозорнинг вазифалари.

2.3. Бозорнинг турлари

Ҳозирги даврда бозор мураккаб тузилишга эгадир. Бозорни туркумлашда куйидаги мезонлар асос қилиб олинади:

- бозорнинг етуклик даражаси;
- ҳудудий жиҳатдан;

- сотиладиган ва сотиб олинадиган маҳсулот тури;
- бозор субъектлари хусусиятлари;
- иқтисодий алоқалар тавсифи ва бошқалар.

Бозор етуклик даражасига қараб ривожланмаган бозор, эркин (классик) бозор, ҳозирги замон ривожланган бозорларига бўлинади (3-чизма).

– **Ривожланмаган, шаклланаётган бозор** тасодифий тавсифга эга бўлиб, унда ~~товарни товарга айирбошлаш~~ (бартер) усули кўпроқ қўлланилади. Бозорнинг бу тури тарихан ҳали ҳақиқий пул мавжуд бўлмаган даврга тўғри келади.

– **Эркин (классик) бозор** – товар ва хизматларнинг ҳар бир тури бўйича жуда кўп ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, яъни сотувчилар ва сотиб олувчилардан иборат бўлиб, пул орқали айирбошлаш жараёнида улар ўртасида эркин рақобат келиб чиқади, нархлар талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга қараб эркин шаклланади, рақобатнинг турли усуллари қўлланилади, аҳоли ва ишлаб чиқарувчилар кескин табақаланади.

– **Ҳозирги замон ривожланган бозори** – бу ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бозор алоқаларининг давлат томонидан тартибга солиб турилишига асосланган бозордир. Ушбу бозорда турли хил биржалар ва бошқа олди-сотди жараёнига хизмат қилувчи соҳалар тараққий этган бўлиб, рақобатнинг асоратли курашлари, аҳолининг табақалашуви юмшатилиб, уларнинг даромадлари ўртасидаги тафовутлар меъёр даражасида ушлаб турилади.


~~Бозор ҳудудий жиҳатдан~~ ҳам ҳар хил турларга бўлинади. Булар:

– **маҳаллий бозорлар** (Тошкент бозори, Самарқанд бозори, Ургут бозори, Лондон бозори, Нью-Йорк бозори, Пекин бозори ва бошқалар);

– **миллий бозорлар** (Ўзбекистон бозори, Россия бозори, Украина бозори, Англия бозори, Америка бозори, Хитой бозори ва бошқалар);

– **ҳудудий бозорлар** (Марказий Осиё ёки Осиё бозори, Ғарбий Европа бозори);

– **жаҳон бозори.**



3-чизма. Бозор турлари.

Сотиладиган ва сотиб олинadиган товар, хизмат турига қўра бозорлар қуйидаги турларга бўлинади:

● **истеъмол** товарлари ва хизматлар бозори (озик-овқатлар, ноозик-овқатлар бозори, хизматлар бозори);

● **ишлаб чиқариш** воситалари бозори (хомашё бозори, қурилиш материаллари бозори, асбоб-ускуналар бозори ва бошқалар);

● **меҳнат** бозори;

● **молия** бозори (пул бозори, инвестиция бозори, қимматбаҳо қоғозлар бозори, валюта бозори, суғурта бозори) ва бошқалар.

Бозорнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб **истеъмол товарлари ва хизматлар бозори** ҳисобланади. Бу истеъмолчилар бозори бўлиб, аҳоли учун зарур бўлган товарлар ва хизматларнинг олди-сотдисини билдиради. Истеъмол бозоридан аҳоли ўз истеъмоли учун товар ва товар шаклидаги пулли хизматларни харид қилади.

Ишлаб чиқариш воситалари (ресурслар) бозорида товар сифатидаги меҳнат воситалари ва материаллар олди-сотди қилинади. Бу бозорда машина, асбоб-ускуна, хомашё, ёқилғи ва материаллар каби ишлаб чиқариш воситалари улгуржи равишда сотилади. Ресурслар бозоридаги товарларни фирма ва корхоналар ишлаб чиқаришда ишлатиш учун сотиб оладилар.

Меҳнат бозори – ишчи кучи олди-сотди муносабатини билдиради, яъни бу бозорда ишчи кучининг олди-сотди битими амалга оширилади. Меҳнат бозорининг бир томонида ишчи кучи эгаси турса, иккинчи томонида ишчи кучига муҳтож корхона ёки фирма туради. Бу бозорда ишчи кучи инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти сифатида товарга айланади ва ишчи кучи бозорида инсоннинг ўзи эмас, унинг меҳнат қилиш қобилияти маълум муддатга сотилади. Меҳнат бозорининг энг муҳим шакли – бу меҳнат биржаларидир.

Молия бозори – бу молиявий ресурслар бозоридир. Молия бозори иккига бўлинади: қарз мажбуриятлари бозори ва қимматли бозори. Қарз мажбуриятлари бозорида пул вақтинча қарзга олинади ва шахсий истеъмол учун ишлатилади. Капитал бозорида жамғаришга қўйилган пулдан даромад олиш ҳуқуқи сотилади ва сотиб олинади. Бу бозорда маблағлар капитал сифатида ишга солиниб, фойда келтиради. Шунинг хисобга олиб капитал бозорини иккита бўғинга ажратиш мумкин:

- ◆ ссуда капитали бозори;
- ◆ қимматли қоғозлар бозори.

Ссуда капитали бозори – пул шаклидаги капиталнинг фоиз тўлаш шарти билан қарзга бериш бўйича олди-сотди муносабатидир. Бу бозорда асосан давлат ва банкларнинг қисқа муддатли мажбуриятлари муомалада бўлади. Қимматли қоғозлар бозори – турли кўринишдаги қимматли қоғозлар (акция, облигация, вексель, чек, депозит кабилар)нинг олди-сотди муносабати.

Муомалага чиқадиган субъектларнинг хусусиятига кўра:

- улгуржи савдо;
- чакана савдони ажратиш мумкин.

Чакана савдода, асосан, сотиб олувчилар фуқаролар ҳисобланади. Турли шаклдаги корхоналар, фирмалар, хусусий дўконлар ва бошқалар эса сотувчи ҳисобланади. Улгуржи савдода маҳсулотлар йирик ҳажмларда кўтарасига сотилади.

2.4. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари

Бозорнинг самарали амал қилиши кўп жиҳатдан унинг инфратузилмасининг ривожланганлик даражасига боғлиқдир.

Бозор инфратузилмаси – бу турли-туман бозор субъектлари ўртасида алоқаларни ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишига хизмат кўрсатувчи муассасалар тизимидир

Бозор инфратузилмаси таркибига кирувчи муассасаларни қуйидаги асосий йўналишлар бўйича гурухлаш мумкин:

—товар ва хизматлар муомаласига хизмат қилувчи муассасалар (омбор хўжалиги, транспорт ва алоқа хизматлари кўрсатувчи корхоналар, биржалар, аукционлар, савдо уйлари, савдо-сотик идоралари ва агентликлари ва ҳ.к.);

— молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар (банк, кредит муассасалари, суғурта ва молия компаниялари, солиқ идоралари ва ҳ.к.);

— ижтимоий соҳага хизмат кўрсатувчи муассасалар (уй-жой ва коммунал хизмат идоралари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва ҳ.к.);

— ахборот хизмати идоралари (маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи муассасалар);

— давлат ташкилотлари (давлат солиқ инспекцияси, давлат контракт системаси антимонопол кўмитаси, баҳоларни назорат қилувчи инспекция, давлат суғурта хизмати ва бошқалар.

Бозор инфратузилмаси таркибида биржалар, ярмаркалар, аукционлар, савдо уйлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Биржа — намуна (ёки стандарт)лар асосида оммавий товарларнинг мунтазам савдо-сотик ишларини ўтказувчи тижорат муассасаси

Биржаларнинг қуйидаги турларини фарқлайдилар:

- товар биржаси;
- фонд биржаси;
- валюта биржаси;
- меҳнат биржаси.

Товар биржаси — товарлар ва хомашёларнинг улгуржи савдосини амалга оширувчи тижорат корхоналаридир. Биржа савдосининг оддий савдодан фарқи бор. Бу ерда товарлар намуна асосида сотилади, яъни сотиладиган товар биржадан узокда бўлиши, ҳаттоки бошқа мамлакатда бўлиши мумкин. Савдо операцияларида товар эгаси ва харидор қатнашмаслиги ҳам мумкин. Уларнинг номидан ишни махсус шахслар — брокерлар юритишади. Биржалар махсус ва универсал бўлиши мумкин. Масалан, Амстердам универсал биржаси, Ливерпул ва Лондон махсус биржалари.

Фонд биржаси — кимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича расмий жиҳатдан ташкил этилган ва мунтазам амал қилувчи бозор шакли.

Валюта биржаси — миллий валюталар курслари бўйича уларнинг эркин олди-сотдиси амалга ошириладиган, ~~расмий~~ жиҳатдан ташкил этилган бозор шакли.

Меҳнат биржаси — ~~ишчилар~~ ва ~~тадбиркорлар~~ ўртасидаги ишчи кучини олди-сотди битимини тузишда воситачиликни амалга оширувчи ва ~~ишсизларни рўйхатга олувчи муассаса~~.

Товарлар бозорида биржадан ташқари ярмаркалар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ярмарка сўзи ~~немисча~~ сўз бўлиб, ~~йиллик бозор~~ деган маънони англатади.

Савдо ярмаркаси — муайян белгиланган вақтда ва жойда ўтказилувчи ҳамда ўтказилиш жараёнида улгуржи савдо битимлари тузилувчи товар намуналари кўргазмаси.

Савдо битимлари товар ишлаб чиқарувчи билан савдо фирмалари ўртасида тузилиб, унда бевосита истеъмолчи қатнашмайди.

Аукцион — алоҳида хусусиятларга эга бўлган товарларни сотиш учун муайян жойларда ташкил қилинган махсус ким ошди савдо муассасаси. Аукционда савдо товарларнинг нисбатан чекланган рўйхати бўйича, оммавий сотувга қўйиш йўли билан ўтказилади. Аукцион эълон қилинган вақтда ва маълум даврда ўтказилади. Бунда товарларнинг бозорга келиб тушиш мавсуми ва ҳажми ҳисобга олинади. Аукцион савдосида намуна товарлар рўйхатда кўрсатилган тартибда савдога қўйилади, харидорлар орасида энг юқори нархни таклиф қилган киши товарни сотиб олади. Аукционларда санъат асарлари, ноёб буюмлар, коллекциялар ҳам сотилиши мумкин.

Савдо уйи — ўз ичига ташқи савдо компанияси билан бир қаторда ишлаб чиқариш, банк, суғурта, транспорт, улгуржи-чакана ва бошқа турдаги фирмаларни олувчи кенг тармоқли савдо компанияси. У ихтисослашган ёки универсал бўлиши мумкин. Ихтисослашган савдо уйи айрим товарлар билан (кийим-кечак, оёқ кийим, газлама ва ҳ.к.), универсал савдо уйи ҳар хил товарлар билан савдо қилади. Савдо уйлари таркибида савдо фирмалари муҳим ўрин тутadi. Улар тижорат ишини юритувчи ва ихтисослашган савдо-сотик қорхоналаридир.

Бозор иқтисодиёти субъектларини молиявий ахборотлар билан таъминлаш бозор инфратузилмасининг ахборот хизмати

идоралари, шу жумладан аудиторлик фирмалари зиммасига тушади.

Молия бозорини ривожлантиришда молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар аҳамияти жуда каттадир. Улар жумласига **банклар, суғурта компаниялари, солиқ ва божхона идоралари** каби муассасалар киради.

Аудитор фирмаси – корхона, фирма, компаниялар молиявий хўжалик фаолиятини текшириб борувчи, улар ҳисоботини экспертизадан ўтказувчи муассаса. Улар одатда акциядорлик жамияти ёки кооператив шаклда фаолият кўрсатади ва тўлиқ мустақилликка эга бўлади. Аудитор фирма ишида қатнашувчи тафтишчилар аудиторлар деб аталади.



4-чизма. Бозор инфратузилмаси.

Шундай қилиб, бозор инфратузилмаси ва кўриб чиқилган муассасалари барча бозор турларининг фаолият кўрсатиши ҳамда давлатлараро иқтисодий муносабатларни тартибга солишни таъминлайди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Бозор тушунчасининг таърифини беринг ва унинг асосий белгиларини кўрсатинг.
2. Бозорнинг субъектлари ва объектларини санаб беринг.
3. Бозор қандай вазифаларни бажаради?
4. Бозор механизми нима?
5. Бозорни туркумлашда қандай мезонлар асос қилиб олинади? Уларни санаб кўрсатинг.
6. Етуклик даражасига қараб бозорнинг қандай турлари ажратилади?
7. Сотиладиган ва сотиб олинadиган товар, хизмат турига кўра, бозорнинг қандай турларини ажратиш мумкин?
8. Худудий жиҳатдан бозорнинг қандай турлари мавжуд?
9. Бозор инфратузилмаси нима? Унинг таркибий қисмлари ва асосий унсурларига таъриф беринг.
10. Молия бозорининг таркибий қисмларини кўрсатинг.

III БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Жаҳон иқтисодиётининг белгилари ва бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари

Кишилиқ жамияти иқтисодий тараққиётида ўтган асрнинг охириларида (1990 йиллар) туб ўзгаришлар даври бошланди ва улар давом этмоқда. Бу даврнинг белгилари:

- миллий республикаларда сепаратизм кайфияти кучайди, қабул қилинган қарорлар, дастурлар самара бермасдан қўйди, белгиланган қайта қуриш дастури ҳам барбод бўлди;

- режали иқтисодиётнинг барҳам топиши билан социализм ўзининг мудҳиш қиёфасини намоён қила бошлади ва дунё бўйлаб бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизим мавқеи ошиб, унинг мустаҳкамлиги кўрина бошлади;

- режали иқтисодиётга асосланган тараққиётнинг экстенсив омиллари имкониятлари чекланиб, интенсив омиллари талабга жавоб бермасдан қолди;

- бозор иқтисодиётига ўтиш тартиб-тамойилларнинг дунё мамлакатлари бўйича кенг тарқалиши, халқаро иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёнларининг тобора кучайиши рўй берди;

- режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашуви ва шу асосда аҳоли турмуш даражасининг юксалиши кузатилди;

- тоталитар режимнинг емирилиши натижасида сиёсий мустақилликни қўлга киритган бир қатор мамлакатларда иқтисодий мустақилликнинг ўрнатилиши зарурияти ҳам пайдо бўлди.

Ўзбекистон ўзининг сиёсий мустақиллигига эришгандан ва Республика деб эълон қилинган вақтдан бошлаб энг жиддий муаммолардан бири мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашдан иборат эди. Чунки иқтисодий жиҳатдан қарам бўлган мамлакат ҳеч қачон том маънода мустақил бўлолмайди. Республиканинг ташқи дунёдан бир асрдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолганлигига барҳам берилди. У халқаро майдонда тенг ҳуқуқли субъектга айланди. Бу эса жаҳон меҳнат тақсимоотида ўзининг ўрнини топишни ҳам тақозо этади.

Мамлакатимиз чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш учун бир қанча объектив қийинчиликларни енгиб ўтиши, собик иқтисодий тизимдан мерос бўлиб қолган муаммолар мажмуини бартараф этиши, ўзининг мустақил иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олиши лозим бўлди. Янги пайдо бўлган мустақил давлатнинг иқтисодий тараққиёт модели, эски тизимга нисбатдан мамлакатнинг самарали иқтисодий юксалишини таъминлайдиган бўлмоғи шарт эди. Бунинг учун, биринчидан, 70 йиллик тажриба давомида ўзининг устунлигини ҳаётда исботлай олмаган режали иқтисодиёт моделидан воз кечиш, иккинчидан эса, унинг ўрнига ўрнатилиши лозим бўлган иқтисодий тараққиёт моделини танлаш лозим эди. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт модели сифатида бозор иқтисодиёти танланди. Бундай йўлни танлаш ўз-ўзидан, тавақаллига, осонликча бўлган эмас. Иқтисодий тараққиёт йўлини танлашда дунё мамлакатларининг илғор тажрибаси, иқтисодий воқеликларининг чуқур таҳлили асос қилиб олинди.

Мамлакатнинг истикболини таъминлаши мумкин бўлган иқтисодий тараққиёт модели сифатида бозор иқтисодиёти танланди. Айни пайтда ёш мустақил давлатнинг бир иқтисодий тизимни бошқа бир иқтисодий тизим билан алмаштириш, янги тизимни шакллантириш ва қарор топтиришда муқаррар равишда вужудга келадиган бир қатор янги муаммолар ҳам пайдо бўлди. Юзага келган барча муаммоларни ҳал этиш, режали иқтисодиётни бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт билан алмаштириш учун муайян вақт, яъни ўтиш даври зарур эди. Ҳеч қачон бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш бирданига, бир зумда қарор қабул қилиш йўли билан амалга ошмайди. Бу янги тизимга ўтиш ижтимоий ишлаб чиқаришда янги муносабатларни қарор топтириш билан боғлиқ бўлган ва узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш лозим бўлди. Булар:

1. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва кўп укладли эркин иқтисодиётни шакллантириш.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётнинг барча соҳаларида шакллантириш ва ривожлантириш.

3. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ижтимоий йўналтирилган миллий иқтисодиётни шакллантириш, мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш.

4. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, пахта яккахокимлигига барҳам бериш ва экинлар таркибини ҳудуд шароитидан келиб чиқиб оптималлаштириш тадбирларига ҳам устуворликни бериш.

5. Хизмат кўрсатиш соҳасини ҳар томонлама (ишлаб чиқариш соҳасига, ижтимоий соҳага, аҳоли қабиларга) ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш.

6. Ҳудудларни ҳар томонлама мутаносиб равишда ривожлантириш ва улар ўртасидаги тафовутларни (шаҳар билан қишлоқ, турли минтақалар каби) имкон қадар камайтириш.

7. Иқтисодий ривожлантиришнинг ташкилий, ҳукукий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва уларни халқаро меъёрларга мослаштириш.

Ушбу тадбирларнинг барчасини амалга ошириш учун маълум миқдорда инвестициялар лозим бўлди. Буни амалга ошириш учун давлат, хусусий сектор, хорижий давлатлар ва фирмалар инвестициялари жалб этилди. Буларнинг барчаси иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнади.

3.2. Ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари

Ўтиш даври муаммоларининг йиғинидиси ва хусусиятлари бир вақтнинг ўзида қатор гоյ, мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади. Авваламбор, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларининг ва директив режалаштиришнинг салбий оқибатларини тугатиш, иқтисодий ва молиявий вазиятларнинг барқарор бўлишини таъминлаш зарур бўлади.

Республика иқтисодийнинг тармоқ ва ҳудудий тузилмасини тубдан қайта қуриш “Иттифок ихтисослашуви” натижасида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл қўйилган номуаносибликларни тугатиш, халқ хўжалигининг ҳомашёга йўналтирилганлигидан тамоман воз кечиш, мустамлакачиликдан иборат иқтисодий қарамликка барҳам бериш, янги иқтисодий тизимни яратиш лозим бўлди.

Энг муҳими, ўтиш жараёнида қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларини ўрнатиш мавжуд иқтисодий салоҳият ва бойликлардан самарали фойдаланишни, халқ хўжалигининг барқарор ривожланишини, республиканинг турмуш даражаси юксак бўлган, иқтисодий тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб

чиқишни таъминлайдиган қудратли иқтисодий негизни вужудга келтираётган давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишни ҳам тақозо қилди. Албатта, мазкур муаммоларни дарҳол, бир зумда ҳал қилиб бўлмаслиги равшан. Бунинг учун анча узок давр, аниқ мақсадни кўзлаб фидокорона меҳнат қилиш, энг муҳими, иқтисодий ислохотларнинг аниқ-равшан, амалий дастури бўлиши зарур эди. Ўтиш даврининг дастлабки босқичларида Республикада шундай дастур ишлаб чиқилди ва у изчиллик билан амалда жорий қилинди ва ҳозир ҳам давом этмоқда. Дастурларнинг ҳар бир соҳа ва ҳар бир ҳудудлар бўйича алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилиши мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг бир вақтда бирданига ўнгирилишини ҳам таъминлаш имконини берди.

Ўтган даврнинг 60-йиллардаёқ иқтисодиётда зиддиятлар кучайиб бораётганини, амалдаги хўжалик юритиш механизми мазкур зиддиятларни бартараф этишга ожизлиги яққол намоён бўла бошлаган эди. Иқтисодиётнинг ривожланиш суръати кескин пасайди. Унга бўлган сарф-харажатлар орта борди. Моддий бойликлар ва маблағлар тақчиллиги аниқ кўриниб қолди. Иқтисодий воситалар ва омиллар амалда ишламади. Ишлаб чиқаришни техникавий ривожлантиришда ва аҳоли турмуш даражасида Ғарб мамлакатларидан орқада қолиш тенденциялари кучайди. Натижада иқтисодиёт батамом издан чиқиб, моддий маблағлар тақчиллигининг ўсиши, ташқи қарзларнинг кўпайиши содир бўлди. Энг асосийси меҳнатни рағбатлантириш тизими батамом ишдан чиқди ва бузилди. Бундай ҳолатлар одамларнинг меҳнатга қизиқишига катта салбий таъсир кўрсатди. Кишиларда боқимондалик кайфиятини кучайтириб юборди.

Собиқ тизимдан Ўзбекистонга қолоқ ва қарам иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Ана шундай шароитда Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш йўлини танлади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳамма мамлакатлар учун умумий қонун-қоидалари мавжуд ва уларга амал қилмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтиш мумкин эмас. Жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни турли мулк шаклларига айлантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш, нархларни эркинлаштириш ва бошқалар. Шу билан бирга, ҳар бир мамлакат бозор иқтисодиётига ўтар экан, ўз имкониятларини, ўз хусусиятларини ҳисобга олмасдан, бирор-бир мамлакатнинг моделини кўр-кўрона кўчириб олиши, фақат унга таяниб бозор муносабатларини шакллантириши

мумкин эмас. Дарҳақиқат, кишилик жамияти тарихида режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаси ҳам ёки ҳамма мамлакатлар учун қатъий белгиланган мажбурий ёки ясама модели ҳам мавжуд эмас эди. Шундай мураккаб шароитда ҳар бир мамлакат ўз имконият ва шароитларидан келиб чиққан ҳолда, янги иқтисодий муносабатларни ўрнатиш йўлини тутиши, бунда ўзидаги хусусиятларни асос қилиб олиши лозим эди.

Ўзбекистон иқтисодиётига хос бўлган хусусиятлар қуйидагилар эди:

1. Ўзбекистон иқтисодиёти собиқ шўролар даврида хомашё етиштириб беришга асосланган иқтисодиётга айлантирилган эди. Ўзбекистон собиқ тизимнинг пахта базаси сифатида, четга тайёр маҳсулот эмас, фақат хомашё чиқаришга ихтисослаштирилган эди. Хомашё ниҳоятда арзон нархларда сотилар, мамлакатга четдан келтириладиган тайёр маҳсулотлар анча қиммат бўлганлиги туфайли, баҳо ўртасидаги номутаносиблик мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг заифлашишини янада чуқурлаштирар эди. Ўзбекистонга истеъмол молларининг, яъни озиқ-овқат, кийим-кечакларнинг асосий қисми четдан келтирилганлиги туфайли, уларнинг улуши ўз эҳтиёжларининг 60 фоизидан кўпроғини ташкил қиларди. Бу эса мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Энг зарур маҳсулотларнинг четдан келтирилиши жуда қимматга тушганлиги сабабли, Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ иқтисодий мустақилликка эришиш сиёсатини тутди. Жумладан дон, нефть мустақиллигига эришиш, кейинчалик бошқа маҳсулотларни ҳам четдан келтиришни кескин камайтириш вазифалари қўйилди. Бунинг учун ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан бутунлай ўзгартириш лозим бўлди. Натижада саноатда янги тармоқлар – энергетика ва машинасозлик тармоқлари жадал ривожлантирилди. Республикада дунёдаги йигирма саккизинчи давлат сифатида автомобиллар ишлаб чиқариш корхонаси қурилиб, ишга туширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи-нинг қурилиши мамлакатга нефть мустақиллигига эришиш имконини берди.

Республика қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, пахта якка ҳокимлигига барҳам берилди. Илгари пахта учун ажратилган майдонлар ҳисобидан ўша йилларда бир миллион гектардан ортиқ майдон ғалла ва бошқа экинларни

экишга ажратиб берилди. Шу асосда Республика учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ғалла мустақиллигига эришилди. Ўша даврда бошланган бу сиёсат ҳозир ҳам изчил давом эттирилмоқда, бошқа маҳсулотларни четдан келтиришни камайтирибгина қолмасдан, ўз эҳтиёжларимизни тўла таъминлаш билан бирга, четга экспорт қилиш масаласи бугунги кунда устувор вазифа сифатида белгиланмоқда ва бу борада тегишли натижаларга эришилмоқда.

2. Ўзбекистонга хос бўлган хусусиятлардан яна бири республикадаги **демографик** вазиятдир. Республикада аҳолининг табиий ўсиши анча юқори, жумладан ҳозир ҳам йилига аҳоли 500-550 минг кишига кўпаймоқда, аҳолининг асосий қисми (49,2 фоизи) қишлоқларда яшайди, унинг ярмини 18 ёшгача бўлган ёшлар, болалар ташкил этади. Аҳолининг кўпайиши бир қатор социал масалаларни, айниқса ишсизлик муаммоларини яна ҳам кескинлаштиради. Халқимизга хос хусусиятлардан бири – ўзи туғилиб ўсган жойда яшашга мойилликнинг кучлилигидир. Бу эса мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш масаласини кун тартибига устувор вазифалардан бири сифатида кескин қилиб қўйди. Бу борада анча ишлар амалга оширилди ва давом этмоқда.

3. Ўзбекистоннинг ҳудудий, **географик жойлашуви** ҳам унинг иқтисодиётига катта таъсир кўрсатадиган омиллардан бири. Ўзбекистон сув йўлларида, юк ташиш портлардан анча узок жойлашган мамлакатдир. Дунёда мамлакатлараро қилинадиган савдо-сотиқнинг (юкларни ташишни) 60 фоизи сув йўллари орқали амалга оширилади. Ўзбекистон сув йўлларида бошқа мамлакатлар орқали чиқишга мажбур. Бу эса халқаро алоқаларда муайян қийинчиликларни келтириб чиқарди.

4. Мамлакатимизда **шаҳар билан қишлоқ** аҳолисининг бандлик масаласи ҳам кескин фарқ қиларди. Қишлоқда асосан аграр меҳнат билан банд аҳоли йилнинг маълум мавсумидагина банд бўларди, қолган даврларда том маънодаги ишсизларни ташкил қиларди. Шу туфайли янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини қишлоқларда ташкил қилиш масаласи ҳам долзарб ва устувор вазифалар сирасидан жой олган эди. Шу туфайли мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ишлаб чиқаришни қишлоқларнинг ўзида ташкил қилиш сиёсати катта аҳамият берилди ва бу сиёсат бугунги кунда ҳам изчиллик билан давом этмоқда.

5. Ўзбекистон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёти, халқининг тафаккури режали иқтисодиётга мослашиб қолган эди. Давлат иш билан таъминлайди, белгиланган нархда маҳсулотларни етиштириб беради, корхоналар фойда қилса давлатга кетади ва мос равишда зарар қилса уларни ҳам давлат томонидан қопланиши оқибатида **боқимандалик руҳият** ҳам шаклланган эди. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш учун шунга мос руҳият ҳам шаклланиши лозимлигидан келиб чиқиб, бу борада ҳам катта ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Ўқув тизими бутунлай янгиланди ва бозор муносабатларига мос иқтисодий билимлар мактаби шакллантирилди.

Юқорида келтирилган омиллар бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш даврида катта қийинчиликларни юзага келтирди. Бу эса беқиёс бойликларга, айниқса табиий бойликларга эга бўлган Ўзбекистондай давлатга улардан оқилона фойдаланиш лозимлигини ҳам тақозо қилди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизнинг ўзига хос ва мос бўлган катта имкониятларини ишга солиш заруратини ҳам туғдирди. Бунинг учун мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқишни ҳам тақозо қилди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизнинг ўзига хос ва мос бўлган катта имкониятларини ишга солиш заруратини кучайтирди. Бунинг учун мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш зарур эди.

3.3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ва ислохотлар стратегияси

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга **ўтиш концепцияси** тоталитар иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонун-қоидаларининг ўзимизга хос хусусиятларига оид илмий қарашлар мажмуидан иборат. Бу концепциянинг пайдо бўлиши Ўзбекистон Республикасининг сиёсий мустақилликка эришиши билан боғлиқ бўлди. Навбатдаги вазифа ўз истиқлол йўлини танлаш, унинг концепциясини яратиш заруратини туғдирди. Мазкур концепция Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг рисоалари, мақолалари ва нутқларида, мамлакат Олий Мажлиси қабул қилган қарорлар ва қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

қарорлари ва фармойишларида атрофлича ишлаб чиқилди. Ушбу йўналиш мамлакатимиз олимларининг ва мутахассисларининг тадқиқотлари ва асарларида кенг бойитилди, назарий ва амалий жиҳатлари ўзимизга хос тарзда асосланиб берилди.

Мамлакатимизнинг ривожланиш концепцияси умумлашган ҳолда Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” асарларида баён этилган. Ушбу концепцияни миллий мустақиллигимиз назариясининг асоси, деб қабул қилинди, чунки иқтисодиётни ривожлантирмай туриб, миллий мустақилликни таъминлаш мумкин эмаслиги асослаб берилган.

Ўзбекистон учун бош йўл ва мақсад иқтисодиёти ривожланган, халқи фаравон яшайдиган, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла тантана қилган, чинакам демократик жамият барпо этишдан иборат. Шундай жамиятни барпо этишнинг шарти бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш ҳисобланади. Бу иқтисодиётга ишлаб чиқаришни барқарор ва жадал ўстириш орқали эришилади. Чунки, Ўзбекистон иқтисодиёти, режали иқтисодий тизим шароитида, советлар империяси таркибида ривожланганлиги, шаклланган иқтисодий тизимнинг бугунги кун талабига жавоб бермаслиги, уни қолоқликдан чиқиш имконини чегаралаб қўйган эди. Ўзбекистон табиий ва меҳнат ресурсларига бой мамлакат бўла туриб, иқтисодий тараққиёти жиҳатидан кўпгина мамлакатлардан орқада қолиб кетганди. 1990 йили аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришнинг ҳажми, унинг таркиби, аҳоли истеъмоли кўрсаткичлари жиҳатидан дунё мамлакатларидан анча орқада эди.

Мустақил мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти бутунлай янги йўлни танлаш лозимлигига ҳам ушбу ҳолатлар сабаб бўлган эди. Бутун дунё тажрибаси кўрсатганидек, иқтисодий юксалиш учун бозор муносабатига ўтишдан бошқа ишончли йўл йўқлигига амин бўлдик. Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат ва самарадорлиги жиҳатидан янги йўлни – тартибга солинган бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни яратди. Биз ҳам айнан шу йўлдан кетишимиз мақсадга мувофиқ эди.

Бу йўл Ўзбекистонни келажакда иқтисодиёти ривожланган, ижтимоий барқарорлик ҳукм сурган давлатга айлантириш йўли эди. Бунининг олиб мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов: “Республиканинг бозор муносабатларига ўтишда ўз

йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгаришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, уни халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади”, деб алоҳида таъкидлаган.

Ўзбекистон концепцияси бозор иқтисодиётини илоҳийлаштиришдан йироқ, унинг ўз муаммолари борлигини эътироф этади, унга ўтиш узоқ давом этишини, иқтисодий барқарорлик, янги ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантириш жараёнида камчилик ва чекланишлар бўлиши мумкинлигини назарда тутди ҳамда давлат иштирокида уларнинг олдини олиш ва кенгайтишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради. Унга кўра, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт инқилобий сакрашлар, социал тўқнашувлар орқали эмас, балки тинчлик ва барқарорликни тўлиқ таъминлаган ҳолда, **босқичма-босқич** эволюцион ўзгаришлар натижасида эришилади.

Назарий жиҳатдан олганда Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтишида собиқ социалистик мамлакатлар тажрибаси ва мустамлакачиликдан озодлик йўлига чиққан Осиё ва Африка мамлакатларига хос бир қатор белгилар Ўзбекистоннинг фақат ўзига хос хусусиятлари билан синтезланади. Совет империяси асоратидан қутулган ёш мустақил мамлакат, унинг иқтисодиёти бошқа кўпгина ёш ривожланаётган давлат иқтисодиёти сингари заиф, бир ёқлама ривожланган эди.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш концепциясининг асосий мазмунини Республика Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган **беш тамойил** ташкил этади. Бу тамойиллар қуйидагилардир:

– иқтисодиётни сиёсатдан ва мафкура ақидаларидан холи қилиш;

– давлат бош ислохотчи эканлигини таъминлаш;

– ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

– кучли ижтимоий сиёсат юргизиш;

– бозор муносабатларига **босқичма-босқич** ўтиш.

Ўзбекистонда собиқ иттифоқ даврида иқтисоди бутунлай сиёсатга бўйсундирилганлиги оқибатида у нотўғри сиёсатнинг қурбонига айланган эди. Албатта, бундан иқтисод биринчи ўринда мафкура ва сиёсат кейинги ўринларда, деб бўлмайди. Бу тушунчалар ўзаро узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, улар бир-бирларини тўлдиради: кучли ва тўғри тўтилган сиёсатгина

иктисодни тез суръатлар билан ривожлантирса, кучли иктисод кучли сиёсат юргизиш имконини беради.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида **давлат бош ислохотчи** бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур бўлади. Давлат иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, яъни:

- бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг ҳукукий асосларини таъминлайди;

- бозор механизмининг яхлитлигини ва уни нормал ишлаши учун шарт-шароитлар яратади;

- аҳолини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва даромадларнинг адолатли тақсимланишини назорат қилади;

- атроф-муҳитни муҳофаза этишни таъминлайди;

- халқаро иқтисодий муносабатларнинг самарали ривожланишини ҳам таъминлайди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг **қонунчилик асосини** яратиш – бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шarti бўлиб қолмай, балки ҳукукий давлат барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга хос янги ҳукукий тизимнинг ўзагини асосий қонун – республика Конституцияси ташкил этади. Барча иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизни тартибга солишга мўлжалланган қонунлар мамлакатимиз Конституцияси талабларига, унинг барча номаларига мос бўлиши лозим.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга хос ҳукукий тизим **ҳукукий давлатнинг** бир йўналиши бўлиб, у бир қанча таъминотларга асосланади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қонунларнинг мамлакат ҳаёти ва амалиёти билан узвий боғлиқлиги ҳамда унга мос келиши;

- қонун ҳужжатларининг бевосита таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиши;

- қонунга бўйсунушнинг ҳукукий давлатнинг муҳим хусусиятига айланиши;

- ҳукукий маданиятнинг юқори даражада бўлиши;

- қонун устуворлигининг таъминланиши.

Ўзбекистоннинг янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири – бозор ислохотларининг барча босқичларида олдиндан **кучли ижтимоий сиёсат** ўтказишдир.

Бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳозирги босқичидаги ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг меҳнат қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;
- ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини аниқ йўналтирилган асосда олиб бориш;
- аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш;
- иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолини меҳнатга рағбатлантириш;
- реал меҳнат бозорини шакллантириш;
- ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, илм-фаннинг мушкул аҳволга тушиб қолишига йўл қўймаслик.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига **босқичма-босқич** ўтишнинг аниқ вазифалари белгилаб олинди. Унга кўра, дастлабки вазифалар қуйидагилар, деб белгиланди:

- бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкни турли шакллари ривожлантириш;
- нарх-навони босқичма-босқич эркинлаштириш;
- тадбиркорликни рағбатлантириш;
- фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш;
- бозор инфраструктурасини шакллантириш;
- иқтисодиётнинг очиклигини ва жаҳон тизимига кириб боришини таъминлаш;
- иқтисодиётни маънавий барқарорлаштириш, миллий валютанинг мустақамлигини таъминлаш.

Ушбу ҳолатларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларини белгилаб олишни тақозо қилди. Чунки биз танлаган янги йўналиш ўзимизга хос бўлганлиги учун, ўзимизга хос йўлимиз ҳам бўлишлигини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон мамлакатимизни 2017-2021

йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясига бағишланган.

Бундай ҳаракатлар стратегиясини қабул қилишга объектив зарурият шаклланди. Биринчидан, мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Иккинчидан, дунё миқёсида глобаллашув жараёнининг кучайиши натижасида халқаро рақобатнинг кескинлашиб бориши рўй бермоқда. Учинчидан, бундай шароитда мамлакатимизни ҳар томонлама (сиёсий жиҳатдан, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш) жадал ривожлантириш зарурати пайдо бўлди. Тўртинчидан, мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни ҳам тақозо қилмоқда.

Ушбу заруратдан келиб чиқиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Буларнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

1. Давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш.
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш.
3. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш.
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш.
5. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат олиб бориш.

Хуллас, мазкур стратегияда барча соҳалар бўйича ҳал этилиши лозим бўлган ҳамма жиҳатларни, жумладан, кўзда тутилган тадбирлар мамлакатимизнинг бугунги, эртанги ва келажак истиқболдаги ривожланиш йўналишларини ҳам қамраб олган.

Фикримизча, ушбу ҳаракат стратегияси дунё тан олган “Ўзбек модели”нинг мантиқий, бугунги кун талабидан келиб чиққан, тўлдирилган давоми дейиш мумкин. Чунки ушбу ҳаракат стратегиясида ҳам ўзимизга хослик барча бандларида сезилиб турибди.

3.4. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришга мўлжалланган устувор йўналишлари

Бугунги кунда мамлакатимиз жадал ривожланиш босқичига ўтди. 2017 йилдан бошлаб жамиятимиз тараққиётида янги босқич бошланди. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилган ҳолда қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз.

Мустақиллик йилларида мамлакат тараққиётининг бешта тамойилига асосланган ўзига хос “Ўзбек модели” ишлаб чиқилган эди. Бугунги кунда унинг мантикий давоми сифатида бешта йўналишдан иборат 2017-2021 йилларга мўлжалланган тараққиётнинг “Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилди. Бу янгиланиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлмоқда?

Биринчидан, олдинги тараққиётимизда тараққиётнинг айрим устувор йўналишлари олинар эди, эндиликда ривожланиш даражаси шу ҳолатга етдики, ҳамма муаммоларимизни бирданига ҳал қилиш имконияти туғилди ва шу жиҳатдан 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида жамиятни ривожлантиришнинг ҳамма қирралари инобатга олинди.

Иккинчидан, эндиги ривожланиш мамлакатимизда том маънода ижтимоий йўналтирилган характерга эга бўлди. Кам таъминланган ва ёш оилаларга арзон уй-жойлар билан таъминлашдан тортиб, пенсионерларга ва ногиронларга ижтимоий кўмаклашиш даражасигача аҳамият бериладиган бўлди.

Учинчидан, бажарилиши лозим бўлган дастурларга киритилган масалалар асосан халқ билан мулоқот орқали аниқланиб, уларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг бажарилиши бевосита инсон манфаатларига хизмат қилиши қаратилди. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий қилинмоқда.

Тўртинчидан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мутаносиб ривожланишни таъминлашга қаратилганлиги, ҳатто узоқ қишлоқларга ҳам янги иш ўринларини яратадиган чораларнинг кўрилиши кўзда тутилганлиги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Бешинчидан, давлат раҳбарлари қуйидан то юқоригача халқ билан мулоқотга киришиб, улар ўртасидаги девор олиниб ташланди, энди халқ дардини бемалол айтадиган ва уни жойларда ўз вақтида ҳал қиладиган бўлди. Энди халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қиладиган тартиб ўрнатилди.

Олтинчидан, барча кўзда тутилган амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар учун маблағларнинг манбаси (давлат бюджети маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари, хусусий сектор (нодавлат ташкилотлар) маблағлари, тижорат банклари кредитлари, хорижий инвесторлар маблағлари) аниқ белгиланганлиги унинг ижросига аҳолида ишонч уйғотмоқда.

Еттинчидан, иқтисодиётни либераллаштиришни қулай инвестиция муҳитини яратиш билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилиб, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, деган оддий ҳақиқатан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

Саккизинчидан, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтилиб, тадбиркорларнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини яхшилаш имконияти яратилди ва бу жараён такомиллаштирилмоқда.

Тўққизинчидан, мамлакатимизда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган Омбудсман институти жорий қилинди, бизнес соҳасида солиқларнинг миқдори сезиларли даражада қисқартирилди, кредит олиш имкониятлари кенгайтирилди.

Ўнинчидан, мамлакатимизда иқтисодиётини эркинлаштиришда хорижий ҳамкорларнинг ва инвесторларнинг ҳам иштирокини кенгайтириш мақсадида бир қанча эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди, уларда ички ва хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди ва имтиёзлар белгиланди.

Ҳаракатлар стратегиясида Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган устувор йўналишларида иқтисодиётни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари белгиланган. Бу йўналишларда:

1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш масаласи.

2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация

қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тадбирлар.

3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга эришиш.

4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш.

5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланишни йўлга қўйиш масалалари кўзда тутилган.

Биринчи устувор йўналиш мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш масаласига бағишланган бўлиб, унда ҳам етти кичик йўналишлар кўзда тутилган.

Мустақиллик йилларида ночор иқтисодиётни барқарор тараққий этадиган даражадаги иқтисодиёт даражасига кўтаришга муваффақ бўлдик. Охириги ўн йилда мамлакат ЯИМ юқори суръатлар билан ўсиши таъминланиб, ўртача 8 фоиздан зиёд ўсишга эришилди. Эндиги вазифа – “макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”² га қаратилган. Ушбу ўсиш суръатини сақлаб қолиш унчалик осон иш эмас, чунки 2008 йилдаги бир фоиз ўсиш суръатининг салмоғига нисбатан 2007 йилдаги ЯИМнинг бир фоиз ўсиш суръатининг салмоғи жуда катта. Шу туфайли ушбу вазифани бажариш учун катта ташкилий-иқтисодий механизмларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва иқтисодиётни инновацион омиллар эвазига модернизация ва диверсификация қилишни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг йўналишларидан бири ижтимоийлаштирилган иқти-

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

содиётни шакллантириш ва шу йўналишда тараққиётимизни таъминлашга қаратилганлиги билан ўзига хос хусусиятга эга эди. Шу туфайли Давлат бюджетининг ўрта ҳисобда 60 фоизи ушбу мақсадларга сарфланиб келинмоқда. Келгуси истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурида ҳам “ҳаражатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш”³ масаласи ҳам устувор вазифалар сифатида белгиланган. Ушбу соҳадаги муҳим ўзгариш ва катта эътибор қаратилиш лозим бўлган соҳа — маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан характериладир. Чунки иқтисодиётимизнинг ривожланиши ҳудудлар бўйича таҳлил қилинса, уларнинг ҳамма жойда бир хилда эмаслигига гувоҳ бўлинади. Айрим туманлар ўзини-ўзи бемалол қоплаб фойда билан ишлаётган бир паллада, айримлари ҳамон дотация шароитида фаолият кўрсатмоқда. Шу туфайли Президентимиз 2017 йил 14 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Агар ҳудудларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларини солиштираксак, улар кун ва тундек бир-биридан фарқ қилади”⁴, деб таъкидлаган эди. Бу эса, ҳар бир жойнинг ўзининг бюджетини тиклаш билан бирга, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш масаласига ҳам диққатни қаратишга даъват қилади. Эндиги йўналиш, ҳар бир ҳудуд ўз аҳолисини шу жойда иш билан таъминлаши, ўзининг маҳаллий бюджетини ўзи дотацияларсиз шакллантиришга эришиши лозмлигини тақозо қилади. Бунга эса ҳудудларни мутаносиб равишда барқарор ривожлантириш орқали эришилади.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири “солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш”⁵ билан боғлиқ.

³ Ўша жойда.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якуналари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. — Т.: 2017, — 49 бет.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Мустақиллик йилларида солиқ юкини қисқатириш бўйича жуда катта ишлар қилинди. Биргина мисол, кичик бизнес субъектлари тўлайдиган солиқ ставкаси бир йилга 25,0 %дан атиги 5 %гача камайганлиги ҳам кўп нарсадан далолат беради. Бу эса ўз навбатида, “солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш”ни⁶ тақозо этади. Мазкур тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишини таъминлайди, чунки солиқдан тежалган маблағлар бевосита шу субъектларнинг моддий-техника базасини такомиллаштиришга, фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялашга сарфланади.

Мамлакатимизда пул-кредит тизимини такомиллаштириш ҳаётий зарурият, чунки унинг ҳолати бевосита иқтисодиётнинг ўсиш даражасига ва шунга мос равишда, аҳолининг дармадларига боғлиқ. Бу борада анча камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Бунинг яққол мисли валюта бозоридаги номувофиқликда ҳам намоён бўлиб турибди. Буни инобатга олиб, ҳаракатлар стратегиясида “илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш”⁷ масаласини устувор вазифалар сифатида белгилаб қўйилди. Ушбу вазифани бажарилиши бевосита “валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш” орқали амалга оширилади. Бу анча мураккаб жараён. Шу туфайли мазкур соҳани такомиллаштириш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланган ва бу борада тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, банк тизимини ислоҳ қилишни бошлаган эдик. Бу борада жуда катта натижаларга эришилди. Банклар ўртасида рақобат муҳити шаклланди, уларнинг турли мулк шаклидаги субъектлари шаклланди ва шу асосда жадал ривожланиш имкониятлари ҳам яратилди. Шунга қарамасдан, мазкур масала ҳаракатлар стратегиясида: “банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредит-

⁶ Ўша жойда.

⁷ Ўша жойда.

лашни янада кенгайтириш”га⁸ қаратилган устувор вазифалар ҳам белгиланган. Бугунги кунда банклар иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун барча чораларни кўрмоқда, улар тараққиётимизнинг инвесторларига айланмоқда.

Иқтисодиётнинг ривожланишида молия институтларидан “сугурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини, уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш”⁹ масаласи қўйилган. Шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш, масаласи ҳам устувор вазифалар сифатида белгиланган. Ҳозирги кунда аҳоли бўш маблағларини банк тизимига жойлаштиришга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошмоқда. Чунки, аҳоли ўз маблағларини нақд пул шаклида топшириб, керак паллада ололмаган ҳоллари кўп учради. Мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида банкларга топширилган пулларнинг қадрсизланиш даражаси минг маротабага камайиб кетиши ҳам аҳолини банклар билан анча эҳтиёткор ҳолда муносабат қилишга мажбур қилди. Шу туфайли, ушбу соҳа ўз фаолиятини аҳолининг ишончини қозонишга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш масаласига ҳам қаратмоғи лозим.

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг таъминланишида “халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш”¹⁰ масаласи ҳам иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифалари сирасига киради. Бу борада ҳам анча ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳа билан олдинлари айрим мутасадди вазирликларгина шуғулланган бўлса, ҳозирги пайтда барча вазирлик идораларга ўзининг соҳаси бўйича тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, хорижий компаниялар билан бевосита шартномалар асосида қўшма корхоналарни ташкил этиш, хорижда жойлашган дипломатик ваколатхоналаримиз ҳам бу борада тегишли тарзда ўз ҳиссаларини қўшиш масаласи устуворликни ташкил қилмоқда.

⁸ Ўша жойда.

⁹ Ўша жойда.

¹⁰ Ўша жойда.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун асосий эътибор пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришга ва турли манбалардан инвестицияларни киритиш масалаларига қаратилган. Чугки иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги барча тadbирларни амалга ошириш учун, энг аввало, маблағ ва турли шакллардаги инвестицияларни жалб қилиш лозимдир.

Иқтисодиётни ривожлантириш бўйича **иккинчи устувор йўналиш** – таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Чунки, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминламасдан туриб, интеграцион жараёнларда ўз мавқеимиз ва ўрнимизни топишимиз биров мураккаб бўлиб қолади.

Ушбу устувор йўналишлардан бири бевосита “миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик улушини кўпайтириш”¹¹ масаласига қаратилган.

Инвестициянинг асосий мақсади ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки иқтисодиётнинг ҳамма томонларини модернизация қилмасдан туриб, ҳозирги тез ривожланаётган иқтисодий жараёнлардан орқада қолиб кетиш ҳеч гап эмас. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда “ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсати”¹² олиб борилмокда. Ушбу сиёсат бевосита иқтисодиётни модернизация қилиш сиёсати билан бевосита боғлиқлиги туфайли, бир-бирини тўлдириб боради.

Иқтисодиётни модернизация қилишнинг яна бир йўналиши “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

¹² Ўша жойда.

ривожлантиришга қаратилган”¹³. Чунки мамлакатимизнинг иқтисодиёти дастлабки йилларда пахта яккаҳоқимлиги ҳукм сурган иқтисодиёт бўлиши билан бирга асосий экспортимиз хомашёдан иборат бўлган. Мустақиллик йилларида ушбу ҳолат ўнгланиб келинмоқда. Бугунги кунда маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга иқтисодиётимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради. Бу эса ўз навбатида, таъкидланганидек, саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш орқали амалга оширилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида тадбиркорлик, инвестициявий муҳит билан бирга рақобатбардошлик муҳитини ҳам шакллантириш борасида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилди. Уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий механизмлари яратилди. Келажақда ҳам иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайитиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам белгиланган.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан бирга ҳар бир маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш лозим. Чунки, халқаро бозорда ҳар бир маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш лозим бўлади. Шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларимизнинг рақобатбардошлиги таъминланади. Рақобатбардошликни таъминлаш ҳам ўта мураккаб жараён. Бунинг учун ҳар бир товар сифат жиҳатидан юқори, нарх жиҳатидан оптимал, энг муҳими истеъмолчиларнинг талабларига мос бўлишлиги лозимдир. Бунга эришиш учун тежамкор технология, малакали кадрлар, юқори технологияни таъминлайдиган моддий-техника базасини шакллантириш лозим бўлади.

Маҳсулотларнинг сифатини ошириб, уларнинг экспортини кўпайтириш сингари тадбирларга тенглаштириладиган ишлардан бири, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборатдир. Бунинг учун ҳаракатлар стратегиясида “ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи

¹³ Ўша жойда.

буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш”¹⁴ вазифаси ҳам белгиланган.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан бири, “иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш”га¹⁵ қаратилган. Мавжуд технологиялар иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтиришни тақозо қилмоқда. Чунки, маҳсулотлар таннархига энергия ва ресурслар улуши анча қисмини ташкил қилади. Уларни камайтирмасдан туриб, товарлар нархини пасайтириб бўлмайди, юқори нарх билан товарларнинг рақобатбардошлигини ҳам таъминлаб бўлмайди. Шу туфайли ушбу вазифа ҳам муҳим ва катта эътиборни талаб қилади. Энергия тежамкорлигига эришишнинг йўлларида бири, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришдан иборатдир. Шу туфайли, мазкур масалага ҳам алоҳида эътиборни қаратишни тақозо қилади. Иқтисодиётнинг юксалишида, унинг барча тармоқларини малакали кадрлар билан таъминлашни йўлга қўйиш ва уларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш масаласи ҳам келгуси иқтисодиётимиздаги муҳим масалалардан биридир.

Замонавий иқтисодиётнинг муҳим йўналишларидан бири, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини хорижий тадбиркорлар иштирокчилари билан бирга жадал ривожлантиришга қаратилгандир. Бунинг учун фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этишни тақозо қилади. Ушбу масалани амалга ошириш борасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-2017 йилларда қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди ва уларни амалга ошириш борасида тегишли дастурлар тузилиб, бугунги кунда уларнинг ижроси таъминланмоқда.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан

¹⁴ Ўша жойда.

¹⁵ Ўша жойда.

Ўзгартириш”¹⁶ масаласига алоҳида аҳамият берилган. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантирмасдан туриб, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришдаги ўрни ва улушини ошириб бўлмайди. Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улушининг ошиши, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг ошганлигидан далолат беради. Чунки одамларнинг қорни тўймасдан, хизматларга эҳтиёжи кам бўлади ва зарур хизматларни ўзлари бажариб қўя қолади. Хизматларнинг кўпайтиришнинг биринчи белгиси аҳолининг фаровонлигини ошаётганлигидан далолат беради. Ҳозирги шароитда кўрсатилаётган хизматлар таркиби ҳам такомиллашиб бормокда. Шунга мос равишда хизматларнинг замонавий юқори технологик турларини жорий қилиш ҳисобига тубдан ўзгартириш масаласи ҳам стратегияда белгиланган устувор вазифалар сирасига кириди.

Эндиги аҳамият бериладиган муҳим масалалардан бири “туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш”¹⁷дан иборатдир. Чунки, жуда катта туристик салоҳиятга эга бўлган мамлакатимизда туризмнинг мамлакат ЯИМдаги улушининг атиги 2,0 %ни ташкил қилиши, ушбу соҳадаги мавжуд имкониятларимизнинг ҳали ишга солинмаганлигидан далолат бериб турибди. Бу борада мазкур рисоланинг 1.8-бобида батафсил ёритилган.

Иқтисодиётни юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири, товар ва хизматлар экспортини ривожлантиришдан иборатдир. Шу туфайли Ҳаракатлар стратегиясида “экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш”¹⁸ масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Энди мазкур вазифанинг бажарилиши экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилишни тақозо этади. Ҳозирги шароитда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш масаласи турибди. Бу борада мувофиқликни таъминлаш масаласи устуворликни ташкил қилиши лозим. Акс ҳолда, бир тармоқ ёки ҳудуд ривожланиб, иккинчиси, давлат бюджетидан субсидия эвазига яшашга кўникиб қолади. Бундай бўлмаслик учун ҳар бир ҳудудда тегишли

¹⁶ Ўша жойда.

¹⁷ Ўша жойда.

¹⁸ Ўша жойда.

имкониятлар мавжуд. Факт уларни ишга солиш чораларини кўриш ва ҳудуднинг барча имкониятларини сафарбар қилиш лозим бўлади.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида муҳим натижаларга эришиш билан айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас эди. Чунки, миллий трассамизнинг эгаси бошқа киши, шаҳарлараро йўналишдагиларнинг эгаси яна бошқа киши, шаҳар ва қишлоқлар ичдаги йўлларнинг эгаси ҳам бошқалар эди. Бунга барҳам бериш мақсадида йўл эгалик бўлди ва йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш масаласи бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Муҳим масалалардан бири бўлган иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масаласи ҳам ҳаракатлар стратегиясида алоҳида қайд этилган.

Хуллас, иқтисодиётни ривожлантиришда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нафақат иқтисодиётни ривожлантиришга, балки аҳолининг фаровонлигини оширишга, ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалишига хизмат қилади.

Учинчи устувор йўналиш қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва жадал ривожлантириш масалаларига бағишланган.

Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш масаласи аграр соҳадаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигидаги муҳим ислохотлар, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонлари таркибини янада оптималлаштириш, ҳар бир ҳудуднинг имкониятини, сув билан таъминланганлик даражасини инобатга олган ҳолда экинларни жойлаштириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ҳозирги пайтда кўптармоқли фермер хўжаликларини шакллантириш эвазига қишлоқдаги аграр меҳнатни индустриал ва интеллектуал меҳнатга айлантирмоқда. Мухими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди ва бу тадбирлар ҳам такомиллаштирилмоқда.

Аграр соҳадаги яна бир йўналиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоклаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам қишлоқда меҳнатнинг характерини, аҳолининг яшаш сифатини оширишга хизмат қилади.

Замон ва халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматларини кўрсатишга қаратилган инфратузилмани янада кенгайтириш масаласи ҳам соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда аграр соҳа учун муҳим бўлган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишнинг йўлга қўйилиши аграр соҳанинг бирқарор ривожланишини таъминлаш билан бирга, жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Бугунги ҳолатдан келиб чиқиб, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш масаласи ҳам устувор вазифалар сифатида қаралмоқда.

Ҳозирги пайтда глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш масаласи ҳам мамлакатимиз учун муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Чунки ушбу денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, бугунги куннинг устувор вазифасига айланганлигининг сабаби ушбу соҳанинг ривожланиши иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш билан бирга, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга ҳам хизмат қилади.

Тўртинчи устувор йўналиш иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш масаласига қаратилган.

Мазкур стратегияда асосий эътибор хусусий мулк ҳуқуқи ва қафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилмоқда. Бунинг учун хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш ва унга тўлиқ эркинлик беришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунда ўз моҳияти жиҳатидан ўзимизга хос бўлган «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш борасида ҳам таъсирчан чоралар кўрилиши кўзда тутилган. Буни амалга ошириш учун мамлакатимизнинг барча соҳа, тармоқлари ва ҳудудлари бўйича аниқ дастурлар асосида иш олиб борилмоқда.

Мазкур соҳадаги белгиланган вазифалар ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Ҳар қандай киши ҳам тадбиркор бўлиб кетавермайди. Шунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадида қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга доир ишлар ҳам иқтисодиётни либераллаштиришнинг таркибий қисмидан ўрин эгаллаган. Бунда тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш чоралари ҳам белгиланган ва булар қаттиқ назорат остида амалга оширилмоқда. Бугунги кунда “Халқ қабулхона”ла-

рига келиб тушган аризалар таркибида тадбиркорликка тўсик бўлаётган фактлар ҳам йўқ эмас. Аммо улар ўз вақтида ва ўз жойида ҳал қилинмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омиллари билан бири, давлат мулкани хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш билан боғлиқдир. Шу туфайли ушбу масала ҳам стратегиямизнинг йўналишларидан бири сифатида қайд этилган. Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтиришга ҳам етарли даражада эътибор берилмоқда. Айниқса, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларга бекор турган объектларни “ноль” қийматда сотишдан тортиб, имтиёзли кредитлар беришгача бўлган тадбирлардан кенг фойдаланилмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция муҳитини такомиллаштириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш масаласи бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошириш дастури тузилди. Ҳозирги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича янгидан ташкил қилинган Инвестиция вазирлиги билан бирга деярли барча вазирлик ва идоралар, ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик корпус вакиллари, бизнинг хориждаги ваколатхоналаримиз ходимлари, ҳокимлар, тадбиркорлар шуғулланмоқдалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида корпоратив бошқарув бўйича маълум тажриба тўпланган. Унинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш борасида ҳам белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш масаласи ҳам ҳар бир соҳа, ҳудуд ва тармоқлар бўйича аниқ қилиб белгиланган.

Ҳозирги шароитда тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш масаласи ҳам иқтисодий тараққиётимизнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Шу нуқтаи назардан белгиланган

чора-тадбирлар ҳам тегишли назорат остига олинганки, ушбу омил ҳам иқтисодиётнинг ривожланишига тўсиқ бўлмасин.

Маълумки, давлатимиз бош ислохотчи сифатида тегишли йўналишларни белгилаб беради ва бир вақтнинг ўзида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтиришни ҳам кўзда тутди. Бунда давлат хўжалик юритувчи субъектларнинг ички ишларига деярли аралашмайди. Бунинг учун давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш лозимлиги ҳам стратегияда белгиланган. Ушбу тадбир бевосита иқтисодиётни демократлаштиришни таъминлайди. Бунда асосий вазифа давлат хусусий шерикликни кенгайтириш билан бирга, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш бўйича ишларни янада кучайтириб боради. Ушбу тадбирлар иқтисодиётни эркинлаштириш борасида яна бир қутлуғ қадам бўлиб хизмат қилади. Эркинлик бор жойда юксалиш бўлади. Аммо эркинликни ўзбошимчалик деб тушунмаслик керак ва тартиб тамойиллардан тоймасдан фаолият кўрсатишни таъминлаш лозим бўлади.

Бешинчи устувор йўналиш сифатида вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш белгиланган.

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги янги босқичида ҳар бир ҳудуд иқтисодиётини ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришни тақозо қилмоқда. Чунки ҳудудлар ўртасидаги тофовут анчагина катта. Айрим туманлар ҳамон дотация шароитидан чиқа олган эмас. Натижада халқнинг турмуш даражаси ва даромадлари ҳам шунга яраша. Шунинг учун аҳолининг ва ҳудудларнинг даромадларини ошириш учун ҳар бирининг “табiiй, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш”¹⁹ масаласи устуворлик ташкил қилмоқда. Чунки жуда кўп ҳудудларимиздаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги аён. Масалан, Жиззах вилоятининг Бахмал туманини олайлик.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ундаги табиий ресурсларнинг ўзи экотуризмни ривожлантириш учун катта имконият, аммо мазкур соҳадан деярли фойдаланилмасдан келинмоқда. Мана шу жойнинг ўзида ички туризмни ривожлантиришнинг ўзи ҳам етарли. Худди шу жойда агротуризмни, рекреацион туризмларни ҳам ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Худди шундай ҳолатни Самарқанд вилоятининг Ургут ва Самарқанд туманлари бўйича ҳам айтиш мумкин.

Ушбу ҳолатни инобатга олиб, ҳаракатлар стратегиясида “худудлар иқтисодийетини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салохиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш”²⁰ масаласини устувор қилиб белгиланган. Ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туманлардаги бор имкониятларни ишга солиш учун, у ерга мос соҳаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Самарқанд вилоятининг Қўшрабод туманида сув танқислиги сезилганлиги туфайли у ерда маълум режа асосида иш юритишни тақозо этади. Кенг далани яйлов сифатида фойдаланиш, у ердаги адирларда сувни кам талаб қиладиган ёнғоқ дарахтини экиш, агар ер ости сувини чиқариш имконияти бўлган жойларда интенсив боғларни кўпайтириш мумкин. Мазкур туман этнографик туризмни ривожлантириш учун ҳам жуда қулай ҳудуд. У ерда этнографик миллий анъаналарни ўзида ифода этадиган ансамблларни ташкил қилиш, унда миллий кийимларимиз билан бирга миллий кўшиқларимиз, турли миллий ўйинларимизни ҳам намойиш этишимиз мумкин. Буларнинг ҳаммаси туман иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлади.

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун “янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш”²¹ масаласи ҳам

²⁰ Ўша жойда.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

устувор вазифалар сифатида ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида маҳаллий хомашёни қайта ишлайдиган кичик корхоналарни барпо этиш ҳаётий заруриятга айланиб бормокда. Бунинг учун ҳар бир ҳудудда янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш мумкин. Ҳозирги кузатувларимиз кўрсатмоқдаки, узоқ кишлоқларимиз аҳолисида ҳам автомашиналар сони йилдан-йилга ошиб бормокда. Аммо жойларда уларга хизмат киладиган сервис марказларининг йўқлиги туфайли, катта масофани босиб ва вақтни йўқотиб, шаҳарларга ёки туман марказларига келишга мажбур бўлмоқда. Албатта иқтисодиёти ва деҳқончилиги ривожланмаган ҳудудлар кишлоқ аҳолисининг иқтисодий аҳволи жойларда тегишли корхоналарни куриш имкониятига эга эмас. Шу туфайли у ерларга ҳам йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласига алоҳида аҳамият берилган.

Ҳаракатлар стратегиясиа ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган энг муҳим устувор йўналишлардан бири “саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш”га²² қаратилган. Ҳудудларга саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш биринчидан, аҳолини иш билан бандлигини таъминласа, иккинчидан ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш эвазига маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш имкониятини ҳам яратади. Бундай тадбирлар ўз навбатида, субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтиришга олиб келади.

2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакатимизни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизація қилиш”²³ масаласи ҳам устувор вазифалар қаторидан ўрин

устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

²² Уша жойда.

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

олган. Зеро, ҳудудларда саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи ҳам унчалик осон иш эмас. Чунки саноат корхоналари учун тегишли инфратузилма етарли даражада ривожланган бўлиши лозим. Қишлоқ жойларда коммунал хизматларни тубдан яхшилаш, саноат корхоналари учун кадрлар тайёрлаш, уларни хомашё ва материаллар билан таъминлаш, тизимли равишда модернизация қилиб бориш эвазига технологияларни такомиллаштиришга эришиш каби тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Бу тадбирлар шунчаки одамларнинг хоҳиши билан амалга ошиб қолмайди. Бунга эришиш учун жуда катта ташкилий-иқтисодий механизмларни ишга солиш лозим бўлади.

Буларнинг барчаси пировардида аҳолининг фаровонлигини, яшаш даражаси ва сифатини ошириш имконини ҳам беради. Бу эса, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсадига мосдир.

3.5. Иқтисодий ислохотлар, уларнинг йўналишлари

Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтишда иқтисодий ислохотларнинг **аниқ йўналишларини** белгилаб олиш муҳимдир. Бу бир қанча йўналишлардан иборат. Буларга:

- мулк муносабатларини ислоҳ қилиш;
- аграр соҳани ислоҳ қилиш;
- молия-кредит тизимини ислоҳ қилиш;
- ташқи иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш;
- социал соҳадаги ислохотларни амалга ошириш;

Иқтисодий ислохотларда **мулк муносабатларини** ислоҳ қилиш, мулкка давлат монополиясини бекор қилиш асосий ўрин тутати. Масаланинг моҳияти шундаки, мулккий муносабатлар соҳадаги ислохотларни амалга ошириш катта заруратга айланган эди. Бу ислохотни амалга оширмасдан туриб, бирор-бир соҳада ислохотлар ўтказиш ўз самарасини бермайди, чунки мулк ҳар қандай тузимнинг иқтисодий негизини ташкил этади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, ўз эгаларининг қўлига бермасдан, тадбиркорликни ривожлантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш мумкин эмас.

Иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан яна бири – **аграр ислохотлардир**. Қишлоқда ислохотларни амалга оширмасдан туриб, бошқа соҳалардаги ислохотларни амалга ошириш мумкин эмас. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар муддати кечиктирилишининг асосий сабаби, унинг миллий иқтисодиётда етакчи ўринни эгаллаши билан боғлиқ. Чунки аграр соҳада мамлакатимиз пахта яккаҳокимлигига маҳкум этилган иқтисодиётга эга эди. Аграр ислохотларнинг негизини эса ерга бўлган муносабатлар ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, асосий экиладиган ва суғориладиган ерларимизга ҳам фақат пахта экилар эди. Ушбу бир ёкламаликка барҳам бериб, мазкур соҳада ҳам чуқур ислохотларни ўтказиш лозим бўлди. Шу туфайли ер тўғрисидаги қонун ҳамда ер кодекси қабул қилинди. Бунга кўра, ерларни узоқ муддатга, аниқроғи 50 йилгача ижарага бериб ишлатиш, шу йўл билан ерни ҳақиқий эгалари қўлига топширишга қарор қилинди. Бундан ташқари, давлат буюртмаларини аста-секин камайтириб бориш сиёсатини тутди.

Молия-кредит тизимидаги ислохотлар бозор иқтисодиёти шароитида молиялаштириш, солиқ, банк-кредитлаш ва суғурта соҳасидаги ислохотларни ўз ичига олади. Бизга мерос бўлган ягона давлат банки бор эди. Биз банк тизимини яратдик. Марказий банк билан биргаликда бир қанча тижорат ва хусусий банклар ҳам вужудга келди. Ўзимизга хос солиқ ва суғурта тизими шаклланди. Улар ўртасида бозор муносабатларига хос бўлган тамойиллар ва муносабатлар ўрнатилди.

Ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ислохотлар собиқ иттифок даврида ташқи иқтисодий алоқаларга хос давлат монополиясига барҳам бериб, корхоналарга, алоҳида кишиларга бу фаолият билан шуғулланиш имконини яратишдан иборат эди. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт шароитида бу соҳаларда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди ва улар йилдан-йилга такомиллаштирилиб бормоқда. Ишлаб чиқарувчиларга ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан жаҳон бозорига эркин чиқиш имкониятлари берилади. Ҳозир корхоналар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан бирга ташқи бозорга ҳам тўғридан-тўғри чиқмоқда. Бундай механизмнинг яратилиши ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг кенг миқёсда ривожланишини таъминлаш имконини яратади.

Социал соҳадаги ислохотларни амалга ошириш ҳам бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш стратегиясида муҳим ўрин тутadi. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт ҳамма соҳаларда бўлганидек, ижтимоий соҳада ҳам, яъни уй-жой билан таъминланиш, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, аҳолини ишга жойлаштириш каби жараёнларни ҳам бозор муносабатларига мослаштириш лозим бўлади. Бозор муносабатларининг самарадорлиги ва унинг эркин ҳаракат қилиши бозор инфратузилмасининг қанчалик ривожланганлигига боғлиқ. Бозор инфратузилмаси – бозор алоқаларини ўрнатишга хизмат қилувчи соҳалардир. У куйидаги бўғинларни ўз ичига олади:

1. Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфратузилма (транспорт, алоқа, омбор хўжалиги, йўл хўжалиги, сув ва энергетика таъминоти). Улар бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётдан олдин ҳам мавжуд эди, аммо ушбу иқтисодиётга ўтиш шароитида уларни тижоратчилик йўлига ўтказишга тўғри келди, яъни улар яхши ишлаб, пул топиш ва ўз-ўзини молиялаштириш йўлига ўтказилди.

2. Савдо-сотиқ ишларига хизмат қилувчи инфратузилма (биржалар, савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалари ва агентликлар, давлатнинг савдо-сотиқ ва уларни назорат этувчи муассасалари). Ушбу соҳада ҳам бозор муносабатлари изчиллик билан жорий қилинмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

3. Молия-кредит муассасаларига хизмат қилувчи инфратузилма (тижорат банклари, ўз-ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш маҳкамалари, ҳар хил пул фондлари). Мазкур соҳада ўзимизга хос бўлган, аммо жаҳон стандартларига мос бўлган миллий тизим яратилди. Бу ҳам босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда.

4. Аҳолига хизмат қилувчи ёки ижтимоий инфратузилма (уй-жой коммунал ва транспорт хизмати, маориф, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳолини ишга жойлаштириш идоралари). Уларни ҳам бозор шароитида пулли хизмат кўрсатиш, тижорат йўлига ўтказишга тўғри келди. Вақт ўтиши билан ушбу соҳада ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Буларнинг барчаси аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини оширишга қаратилмоқда. Қишлоқ жойларда намунавий уй-жойларни қуриш, навбатдаги босқичида арзон уйларни қуриш ва аҳолининг эҳтиёжманд, кам

таъминланган қисмига имтиёзли кредит бериш каби ҳаётий йўналишлар йўлга қўйилди.

5. Ахборот хизмати (иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ҳар хил ахборотлар, маълумотлар ва хабарларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи турли компаниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари). Замонавий инфратузилмани яратиш бозор муносабатларига ҳақиқий маданий-маърифий характер бахш этиш, стихияга ва бош-бошдоқликка йўл қўймаслик имконини берди.

Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш жараёнида замонавий бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шаклланишига хизмат қиладиган соҳаларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек моделида нималар асос қилиб олинган?

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш андозаларини изоҳлаб беринг.

3. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг хусусиятларини айтинг.

4. Иқтисодий мустақилликни таъминлаш ва бозор муносабатларига ўтиш бўйича қўйилган вазифалар нималардан иборат?

5. Бозор иқтисодиётида мулкчилик янги шаклларининг ва мулкдорларнинг пайдо бўлишининг қандай сабаблари бор?

6. Рақобат муҳитининг яратилишини изоҳлаб беринг.

7. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг сабаблари нимада?

8. Иқтисодиётда барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш.

9. Инвестиция муаммолари. Молия-кредит сиёсатининг моҳиятини тушунтириб беринг.

10. Аҳоли табақаланишининг олдини олиш ва ижтимоий сиёсат ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунтириб беринг.

IV БОБ. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ

4.1. Талаб ва унинг турлари

Эҳтиёжлар чексиз ва улар узлуксиз ўсиб бориш хусусиятига эга. Эҳтиёжларни кондириш зарурати инсонларни иктисодий фаолият билан шуғулланишга, меҳнат қилишга ундайди. Лекин кишилар ўз эҳтиёжларининг фақат муайян қисмини кондириш имкониятига эга бўладилар. Эҳтиёжларнинг кондирилиш даражаси истеъмолга йўналтирилиши мумкин бўлган товар ва хизматлар ҳажми билан белгиланади. Чунки реал ҳаётда мавжуд бўлган ноз-неъматларнигина истеъмол қилиш мумкин бўлади.

Товар хўжалиги шароитида кишилар ўз эҳтиёжларини кондириш мақсадида бозорга чиқадиладар ва ўзлари учун зарур бўлган товар (хизмат)ларни харид қиладилар, яъни сотиб оладилар. Бундай шароитда ҳеч бир ишлаб чиқарувчи ўз товарларини истеъмолчига текинга ҳадя тариқасида бериш имкониятига эга эмас. Демак, истеъмолчи товар хўжалиги шароитида ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган товар ва хизматларни сотиб олиш қобилиятига эга бўлиши шарт. Истеъмолчи эҳтиёжининг пул билан таъминланган қисми талаб сифатида намоён бўлади. Эҳтиёжнинг пул билан таъминланмаган қисми эса истеъмолчининг рўёбга чиқмаган хоҳиш-истаги, ушалмаган орзуси бўлиб қолаверади. Масалан, истеъмолчи қишки мавсум олдидан ўзига иссиқ кийимлар: пальто, пойабзал ҳамда бош кийим сотиб олиш ниятида дўконларга чиқди, дейлик. Ушбу эҳтиёжларини кондириш учун унинг ихтиёрида мавжуд бўлган жами маблағ 3,0 млн.сўмни ташкил этади. Мисол учун истеъмолчи 1,8 млн.сўмга пальто, 1,2 сўмга пойабзал танлади ва уларни сотиб олди. Лекин назарда тутилган бош кийимини сотиб олиш учун истеъмолчининг қурби етмай қолди. Ушбу мисолда истеъмолчининг пальто ва пойабзалга бўлган эҳтиёжи талаб, бош кийимига бўлган эҳтиёжи эса пул билан таъминланмаганлиги сабабли, рўёбга чиқмай қолган хоҳиш сифатида намоён бўлади. Айрим адабиётларда истеъмолчининг бош кийимга бўлган эҳтиёжи потенциал талаб ёки кондирилмаган талаб сифатида қаралган. Аслида эса у ҳеч қандай талаб эмас, балки истеъмолчининг пул билан таъминланмаган эҳтиёжидир.


Борди-ю истеъмолчининг жами пул маблағлари 4 млн.сўмни ташкил этиб, шундан 1,0 млн. сўмга бош кийими сотиб олишга ҳам қурби етса-ю, лекин ўзига бозорда керакли бош кийимини топа олмаганлиги сабабли, уни харид қилиш имкониятидан маҳрум бўлган бўлса, унда эҳтиёжнинг ушбу қисмини потенциал талаб ёки қондирилмаган талаб сифатида қараш мумкин. Айнан шундай ҳолатда фирмалар (корхоналар) келажакда ушбу талабни қондириш чораларини излаб топишлари лозим бўлади.

Юқоридагилардан хулоса шундан иборатки, эҳтиёжнинг фақат пул билан таъминланган қисмигина талабга айланади, яъни талаб пул билан таъминланган эҳтиёждир.

Муайян вақт оралиғида бозорда шаклланган нархлар даражасида истеъмолчиларнинг товар ва хизматларга эҳтиёжларининг пул билан таъминланган қисми талаб дейилади

Бозор тизимининг амал қилиши айнан “талаб” тушунчаси билан узвий боғлиқ. Бу эса талабга хос масалаларни: унинг турларини, ҳажмига таъсир этувчи омилларни, шунингдек, “талаб эгри чизиғи”, “талаб қонуни”, “талаб ўзгарувчанлиги” (эластиклиги) каби тушунчаларни чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

Талаб бир неча белгиларига кўра туркумланади. Масалан, истеъмолчиларнинг таркибига кўра яқка талаб ва бозор талаби, қондирилиш даражасига кўра – қондирилган талаб ва қондирилмаган талаб, рўёбга чиқиш даражасига кўра – ҳақиқий (реал) талаб ва потенциал (кечиктирилган) талаб ва ҳоказо турларга бўлинади (5-чизма).



5-чизма. Талабнинг турли белгиларга кўра туркумланиши.

4.2. Талабга таъсир этувчи омиллар ва талабнинг ўзгарувчанлиги. Талаб қонуни

Талабга бир вақтнинг ўзида бир неча омиллар таъсир кўрсатади. Унинг ўзгаришига энг кучли таъсир кўрсатувчи омил — нархдир. Нарх ва сотиб олинadиган товарлар миқдори ўртасидаги бўладиган боғлиқликни жадвал маълумотлари асосида қараб чиқиш мумкин (1-жадвал).


1-жадвал маълумотлари товар нархининг пасайиши сотиб олинadиган товар миқдорининг ўсишига ва аксинча, нархнинг ўсиши эса талаб миқдорининг камайишига олиб келишини кўрсатапти. Демак, маҳсулот нархи ва сотиб олинadиган товар миқдори ўзгариши ўртасида тескари ёки қарама-қарши боғлиқлик мавжуд.

**Нарх ва сотиб олинadиган товар миқдори ўртасидаги
боғлиқлик**

Бир дона тухум нархи (сўм)	Бозор талаби (минг дона тухум)
500	10,0
450	20,0
400	30,0
350	40,0
333	50,0

Маҳсулот нархи ва сотиб олинadиган товар миқдори ўзгариши ўртасида бўладиган тескари ёки қарама-қарши боғлиқлик талаб қонуни деб айтилади

Нархнинг талабга таъсирини, яъни талаб қонунини график орқали ҳам изоҳлаш мумкин. Нархни (P) вертикал чизикда, талаб ҳажмини (Q) горизонтал чизикда жойлаштирсак, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тавсифловчи D эгри чизиғи ҳосил бўлади (6-чизма) ва ушбу чизик талаб эгри чизиғи деб айтилади.




6-чизма. Талаб эгри чизиғи.

Юқорида таъкидлаганимиздек, D талаб эгри чизиги талаб билан нарх ўртасидаги тескари боғлиқликни ифодалайди.

Талаб эгри чизигининг исталган нуқтаси истеъмолчи айнан шу нарх (P) даражасида сотиб олишга тайёр бўлган талаб ҳажмига (Q) мос келади. Бошқа омиллар ўзгармай турган ҳолда, нархнинг ушбу нуқтаси пастга ёки юқорига томон ўзгариши талаб ҳажмининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Талаб эгри чизигининг қияли даражаси турли хил товарлар бўйича нарх ва талаб ўртасидаги боғлиқлик даражасига қараб, турлича бўлиши мумкин.

Нархдан бўлак, яъни **нархсиз** (нархга дахлдор бўлмаган) омилларнинг талаб ҳажмига таъсири D талаб эгри чизигининг чап томонга ёки ўнг томонга қараб силжишига сабаб бўлади. Масалан, нарх (P_1) ўзгармаган ҳолда истеъмолчи даромадларининг кўпайиши талаб ҳажмининг A нуқтадан A_1 нуқтагача ортишига ва аксинча, даромадларнинг камайиши эса унинг A_2 нуқтагача пасайишига сабаб бўлади (7-чизма).



7-чизма. Талаб эгри чизигининг нархсиз омиллар таъсири остида ўзгариши.

Нархнинг бошқа даражаларида ҳам истеъмолчи даромадининг кўпайиши ёки камайиши талаб ҳажмига худди шундай таъсир кўрсатади. Истеъмолчи даромадларининг ўзгариши натижасида пайдо бўлган барча нуқталарни ўзаро бирлаштириб, талабнинг янги D_1 ва D_2 эгри чизикларини ҳосил қиламиз. Талаб ҳажмига таъсир

кўрсатувчи бошқа омиллар таъсирини худди шу тарзда графикдаги эгри чизиклар орқали тушунтириб бериш мумкин.

Талабнинг ҳажмига бир қатор нархсиз (нархга боғлиқ бўлмаган) омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Улардан асосийлари қуйидагилар:

1. Истеъмолчилар даромади. Даромадларнинг ўзгариши турли товар талабига турлича таъсир кўрсатади. Даромадларнинг талаб ҳажмига таъсири жиҳатидан барча товарлар ва хизматларни иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин: олий тоифали ва паст тоифали товарлар. Истеъмолчи даромадининг кўпайиши олий тоифали товарларга талабнинг ошишига ва аксинча, камайиши эса талабнинг қисқаришига олиб келади. Олий тоифали товарларга юқори сифатли, қимматбаҳо товарлар киради: гўшт, шоколад, икра, сир, мевалар, зебу зийнат, автомобиль, такси хизматлари, ресторанда овқатланиш ва ҳоказолар. Паст тоифали товарлар талабига эса даромаднинг кўпайиши тескари таъсир кўрсатади, яъни талабнинг қисқаришига олиб келади. Ушбу товарлар гуруҳига нисбатан нархи арзон товарлар, чунончи: шакар, нон, ун, маргарин, автобус ҳамда метро хизматлари ва бошқалар киради.

2. Ўринбосар (субститит) ҳамда ўзаро бир-бирини тўлдирувчи (комплементар) товарлар нархи. Ўринбосар (субститит) товарлар туркумига, зарурат пайдо бўлганда, бир-бирини алмаштириши мумкин бўлган товарлар киради (масалан, мол гўшти, қўй гўшти, сарийғ-маргарин, тухум-гўшт, кола-фанта, тери куртка-жун пальто, электр энергияси-газ, “Нексия” - “Ласетти” ва ҳ.к.). Ўринбосар товарлардан бирининг нархи ўзгарган тақдирда, унинг ўрнини босувчи товарга талаб ўзгаради. Масалан, қўй гўштига нархнинг ошиши мол гўштига талаб ҳажмини оширади. Ўзаро бир-бирини тўлдирувчи товарларга автомобиль-бензин, электр энергияси-электр иситгичлар, газ-газ плита ва бошқалар киради. Бир-бирини тўлдирувчи товарлардан бирининг нархида содир бўлган ўзгариш улардан иккинчисига талаб ҳажмининг ўзгаришига олиб келади. Масалан, автомобиль нархининг ошиши бензинга талабнинг қисқаришига, бензин нархининг пасайиши эса автомобилга талабнинг ошишига олиб келади.

3. Истеъмолчилар диди. Истеъмолчиларнинг диди ва иштиёқлари ўзларининг шахсий ҳаётида рўй берган ўзгариш (иш соҳасининг ўзгариши, маълумотли бўлиши, оилавий шароитларидаги ўзгаришлар) ҳамда жамиятда содир бўлган ўзгаришлар

(анъана, мода, реклама ва бошқалар) таъсири остида узлуксиз ўзгариб боради. Бу эса муайян товар турларига талаб ҳажмининг кенгайишига ёки аксинча, унинг қисқаришига сабаб бўлади. Масалан, икки ёш оила қурганда, уларнинг олдинги даврдаги якка талаблари таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Модадан қолиб бораётган товарларга талаб қисқарса, модага энди кириб бораётган товарларга талаб ортиб боради ва хоказо.

4. Истеъмолчилар сони. Истеъмолчилар сонининг кўпайиши талаб ҳажмининг кенгайишига сабаб бўлади. Мамлакат аҳолиси сонининг кўпайишига мос тарзда талаб ҳажми ва таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Бу жараён аҳоли сони табиий ўсиш ёки миграция ҳисобидан ўсиб бораётган мамлакатлар учун характерлидир. Мамлакат ичида маҳаллий бозорлар кесимида муайян омиллар таъсири остида истеъмолчилар сонининг қайта тақсимланиш ҳолатлари юз бериши мумкин ва бу ҳам бозор талаби ҳажмига таъсир кўрсатади.

5. Келажакда нарх ва даромадларда кутилаётган ўзгаришлар. Истеъмолчи ўз шахсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, турли сабабларга кўра, келажакда нархи ошиши мумкин бўлган товар(лар)ни харид қилишга ҳаракат қилади. Бу йўл билан истеъмолчи ўз даромадларини инфляциядан сақлаб қолишга ёки келажакда товарни қимматлашган нархда сотиб олишдан юзага келадиган йўқотишлардан ўзини асрашга эришади. Масалан, келгуси ойдан автомобилга нархнинг ошиши кутилаётган бўлса, истеъмолчи уни шу ойнинг ўзидаёқ харид қилишга интилади. Истеъмолчи келажакда даромадларнинг кўпайишини кутаётган бўлса, унинг истеъмолга мойиллиги кучаяди юқори тоифали товарларга талаби ортади.

Талаб ва таклиф миқдорлари бир-бирлари билан маълум нисбатда бўлади ва бу нисбат даражаси доимо ўзгариб туради. Баъзан талаб миқдори таклиф миқдоридан ошиб кетиб, нарх кўтарилса, айрим пайтда таклиф миқдори талаб миқдоридан ошиб, нарх пасайиб кетади. Талаб ва таклифнинг ўзгариш даражаси кўп жиҳатдан товар ва хизматларнинг нархи ҳамда истеъмолчиларнинг даромадлари ўзгариши билан боғлиқ. Ушбу омиллар таъсири остида талаб ва таклифнинг ўзгаришини эгилувчанлик коэффициентлари ёрдамида аниқлаш мумкин. Бозорда маълум товарга бўлган талабнинг ёки таклифнинг ўзгаришини аниқлашда эластиклик (эгилувчанлик) кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Талаб ҳажмига таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар ўзгармай қолган шароитда нархнинг бир фоизга ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич талабнинг **нарх бўйича эгилувчанлиги** дейилади

Талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги даражаси $-E(t)$ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$E(t) = \Delta Q / \Delta P.$$

Бу ерда, ΔQ – талаб миқдорининг фоизли ўзгариши;

ΔP – нархларнинг фоизли ўзгариши.

Агарда талаб миқдорининг фоизли ўзгариши нархнинг фоизли ўзгаришидан катта бўлса, талаб эгилувчан бўлади: $E(t) > 1$. Агарда талаб миқдорининг фоизли ўзгариши нархнинг фоизли ўзгаришидан кичик бўлса, талаб ноэгилувчан бўлади: $E(t) < 1$.

Агарда $E(t) = 1$ бўлса, талаб бирлик эгилувчанликка эга бўлади.

Талаб эгилувчанлигини белгилаб берувчи бир қатор омиллар мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Маҳсулотларнинг ўрнини босувчанлиги. Истеъмолчига бирор маҳсулотнинг ўрнини босувчи бошқа маҳсулот кўпроқ таклиф қилинса, унга талаб шунча эгилувчан бўлади.

2. Маҳсулот қиймати (нархи)нинг истеъмолчи даромадидаги салмоғи. Истеъмолчи даромадида маҳсулотлар нархи қанчалик катта ўринни эгалласа, унга талаб шунча юқори эгилувчан бўлади.

3. Маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятлари. Зеб-зийнат буюмларига талаб одатда эгилувчан, ҳаётий зарур буюмларга эса талаб ноэгилувчан ҳисобланади.

4. Вақт омили. Қарор қабул қилиш учун вақт оралиғи қанча узоқ бўлса, маҳсулотга талаб шунча эгилувчан бўлади. Масалан, агар мол гўштининг нархи 10 фоизга кўтарилса, истеъмолчи уни харид қилишни бирданига қисқартирмаслиги мумкин. Лекин бир қанча вақт ўтиши билан у ўзининг мойиллигини товуқ гўшти ёки балиққа ўтказиши мумкин.

Истеъмолчи даромадининг бир фоизга ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич талабнинг **даромад бўйича эгилувчанлиги** дейилади

Талабнинг даромад бўйича эгилувчанлиги куйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\varepsilon(t) = \Delta Q / \Delta D.$$

Бу ерда,

ΔQ – талаб миқдорининг фоизли ўзгариши;

ΔD – даромаднинг фоизли ўзгариши.

4.3. Таклиф ва унинг ўзгарувчанлиги. Таклифга таъсир этувчи омиллар. Таклиф қонуни

Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар талабини қондиришнинг ягона манбаи **таклиф** ҳисобланади. Бозорда таклиф этилаётган товар ёки хизмат миқдори доимо икки жиҳат билан чегараланган бўлади. Биринчидан, товар ишлаб чиқарувчининг хоҳиш истаги билан, яъни товар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини бозорда сотишдан манфаатдор бўлиши керак (бозордаги нарх уни қониқтириши керак). Иккинчидан, товар ишлаб чиқарувчининг имкониятлари билан, яъни товар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини сотишдан қанчалик манфаатдор бўлмасин, маълум вақт давомида фақат муайян миқдорда у ёки бу товар (хизмат) ишлаб чиқариши ва бозорга таклиф этиши мумкин.

Нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарувчилар томонидан маълум турдаги товар ва хизматларни бозорга чиқарилган миқдorigа **таклиф** дейилади

Нархнинг ошиши билан шунга мос равишда сотишга чиқариладиган товарлар таклифи ҳам ортади, чунки ишлаб чиқарувчилар ундан манфаатдор бўладилар. Нархнинг тушиши билан эса таклиф ҳажми қисқаради.


Демак, таклиф нархга тўғри пропорционал боғлиқликда. Юқорида қайд этганимиздек, истеъмолчига нархнинг ошиши тўсик ролини ўйнайди. Ишлаб чиқарувчи учун эса у рағбатлантириш вазифасини бажаради. Нарх ва таклиф ўртасидаги боғланишни куйидаги 2-жадвал орқали кўриш мумкин.

Нарх ва таклиф миқдори ўртасидаги боғлиқлик

Бир дона тухум нархи (сўм)	Таклиф миқдори (минг дона)
500	50,0
450	40,0
400	30,0
350	20,0
300	30,0

Маҳсулот нархи ва сотиладиган товар миқдори ўзгариши ўртасида тўғри боғлиқлик **таклиф қонуни** дейилади

Нарх даражаси ва таклиф миқдори ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатувчи 2-жадвалдаги маълумотларни графикда ифодалаб, таклиф эгри (S) чизигини ҳосил этиш мумкин (8-чизма).



8-чизма. Таклиф эгри чизиги.

Таклиф ҳажми (Q) – жорий даврда бозорда сотувчилар (ишлаб чиқарувчилар) томонидан муайян нархларда сотишга тайёр товар ва хизматлар йиғиндисидир.

Таклиф нархи (P) – жорий даврда бозорда муайян товар ва хизматларга сотувчилар томонидан қўйиладиган нарх.

Бозорда таклиф қилинадиган товар ҳажмига нархдан ташқари бир қатор омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Бу омилларнинг асосийлари қуйидагилар:

- 1) ресурсларнинг нархи;
- 2) ишлаб чиқариш технологияси;
- 3) солиқ ва субсидиялар;
- 4) бошқа товарларнинг нархи;
- 5) нарх ўзгаришининг кутилиши;
- 6) бозордаги сотувчилар сони.

Таклиф ҳажмига таъсир қилувчи омиллар ўзгармай қолган шароитда, нархнинг бир фоизга ўзгариши таклифнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич **таклифнинг нарх бўйича эгилувчанлиги** дейилади

Таклифнинг нарх бўйича эгилувчанлиги даражаси $-E_{tf}$ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$E_{tf} = \Delta Q / \Delta P.$$

Бу ерда, ΔQ – таклиф миқдорининг фоизли ўзгариши;

ΔP – нархларнинг фоизли ўзгариши.

Таклифнинг эгилувчанлиги – бу нархнинг нисбий ўзгариши ва таклиф қилинаётган товар миқдорининг нисбий ўзгариши ўртасидаги нисбат.

Агарда таклиф миқдорининг фоизли ўзгариши нархнинг фоизли ўзгаришидан катта бўлса, таклиф эгилувчан бўлади: $E_{tf} > 1$. Агарда таклиф миқдорининг фоизли ўзгариши нархнинг фоизли ўзгаришидан кичик бўлса, таклиф ноэгилувчан бўлади: $E_{tf} < 1$.

4.4. Бозор мувозанати ва унинг иқтисодий таъсири

Бозорнинг икки қарама-қарши томони сифатида талаб ва таклиф ўзаро узвий боғланишда бўлади. Улардан бирининг ўзгариши муқаррар равишда иккинчисининг ўзгаришига олиб келади. Уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири нарх орқали амалга ошади. Айнан нархнинг бевосита таъсири остида бозорда талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат ўзгариб туради. Муайян бозорда талаб ва

таклиф ўртасидаги нисбатнинг қуйидаги уч ҳолатдан бири кузатилиши мумкин: биринчи ҳолат – талабнинг таклифдан кўп бўлиши; иккинчи ҳолат – талабнинг таклифга тенг бўлиши; учинчи ҳолат – талаб билан таклифнинг ўзаро мос келиши.

Бозорда биринчи ҳолат юз берганда, яъни талаб таклифга нисбатан юқори бўлганда, дефицит юзага келади ва товарнинг нархи ошади. Ушбу ҳолат товар ишлаб чиқарувчиларнинг хулқига ижобий таъсир кўрсатади, уларни таклифни кўпайтиришга рағбатлантиради. Бозорда нархнинг ошиши айни пайтда истеъмолчиларнинг талабига салбий таъсир кўрсатади, унинг қисқаришига олиб келади. Натижада талаб ва таклиф ўртасидаги тенгсизлик қисқариб боради ва бу жараён улар ўртасида ўзаро тенглик юзага келгунча давом этади.

Талабнинг таклифга нисбатан кам бўлиши (иккинчи ҳолат) товарнинг керагидан ортиқ ишлаб чиқарилаётганини англатади. Таклифнинг талабга нисбатан кўплиги нархнинг пасайишига олиб келади. Натижада ишлаб чиқарувчилар таклифни қисқартиришга мажбур бўладилар. Ушбу жараён талаб ва таклиф ўртасидаги тенгсизлик барҳам топгунга қадар давом этади.

Учинчи ҳолат талаб билан таклифнинг ўзаро мос тушганда юзага келади (чизма 3). Биринчи ҳолатда нархнинг ошиши истеъмолчилар манфаатига салбий таъсир кўрсатса, иккинчи ҳолатда унинг пасайиши ишлаб чиқарувчилар манфаатига салбий таъсир кўрсатади. Улардан ҳар бирининг ўз манфаатлари йўлидаги қарама-қарши хатти-ҳаракатлари натижасида нарх ҳар иккала томонни қониқтирган нуқтагача (чизмада Е нуқтаси) ўзгариб бораверади. Е нуқтада талаб ҳажми билан таклиф ҳажми ўзаро тенглашади.

Бозорда талаб ҳажми билан таклиф ҳажмининг ўзаро тенглашуви **бозор мувозанати**, ушбу мувозанат вужудга келган ҳолдаги нархга эса **мувозанат нархи** деб айтилади

Бозорда мувозанат юзага келган ҳолатда истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатлари ўзаро уйғунлашади, бундай бозорда вужудга келган нарх эса ҳар иккала томонни ҳам қониқтиради. Мувозанатли вазиятда истеъмолчилар ўз эҳтиёжларининг пул билан таъминланган қисмини, яъни талабларини тўла-тўқис қондиришга, ишлаб чиқарувчилар эса ўз товар (хизмат)ларини сотиб, меъёрий фойда олишга эришадилар. Юзага

келган мувозанатли вазиятда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий самарадорлиги, энг юқори даражада бўлади. Унинг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишида ва ялпи фойда миқдорининг кўпайишида ўз ифодасини топса, унинг ижтимоий самарадорлиги ялпи нафтилиқнинг максималлашувида намоён бўлади.

Лекин бозорда мувозанатли вазият доимий тарзда сақланиб турмайди. Сабаби, эркин бозорда нарх ҳам, талаб ва таклиф ҳам кўп омилларнинг кучли таъсири остида пастга ёки юқорига қараб тез-тез ўзгариб туради. Натижада иқтисодиётдаги ҳар иккала томон манфаатига мос келадиган мувозанат ҳолати бузилади, талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат у ёки бу томонга қараб ўзгаради. Эркин бозор шароитида бозор механизмлари бузилган мувозанатни яна мувозанатга келтириш, мувозанатни қайта тиклаш учун талаб ва таклиф ҳажмига таъсир кўрсатиб бошлайди. Бу иқтисодий жараён узлуксиз давом этади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Талаб қонунини тушунтиринг.
2. Талабга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Омиллардан ҳар бири ўзгарса, талаб эгри чизигида қандай ўзгариш рўй беради?
4. Таклиф қонунини изоҳланг.
5. Таклифга қандай омиллар таъсир қилади?
6. Омиллардан ҳар бири ўзгарса, таклиф эгри чизигида қандай ўзгариш рўй беради?
7. Талаб билан нарх ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

V БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА КИЧИК БИЗНЕС ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ МОҲИАТИ

5.1. Тадбиркорлик тушунчаси. Бизнес ва тадбиркорликнинг умумий жиҳатлари

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислохотларнинг етакчи бўғинидир. Хусусийлаштириш натижасида демократик жамиятнинг ижтимоий заминини ташкил қилувчи хусусий мулкчилик қатлами шаклланиб борди. Уларнинг ичида тадбиркорлик алоҳида ўрин тутиб, бу фаолият туфайли мулкчиликнинг турли шакллари иқтисодий жиҳатдан амалда ҳаракатга келади ҳамда ўз эгасига даромад келтиради.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда тадбиркорлик лаёқати иқтисодий ресурс ҳисобланиб, инсон омилининг таркибий қисмини ташкил этади. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти, мақсади ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида амал қиладиган шакллари батафсил баён этиш, тадбиркорлик капиталининг мазмунини ва унинг ҳаракат шакллари таҳлил қилиш, капитал ҳаракатида вужудга келадиган жараёнлар ва унинг намоён бўлишини, шунингдек, капиталнинг айланиш тезлиги ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларини ёритиш асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунга кўра, хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган.²⁴

²⁴ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола Т.: 2017 й. 1416.

Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий фаолиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятининг ягона таърифи мавжуд эмас. Бир иқтисодий манбада келтирилган таъриф бошқа бир манбадаги таърифга мувофиқ келмаслиги мумкин. Ҳозирги пайтда турли илмий-назарий адабиётларда тадбиркорлик фаолияти ва бизнес хусусида, унинг йўналишлари, тамойиллари, ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатлари тўғрисида кўплаб олимларнинг фикрлари, мулоҳазалари кенг ўрин эгалламокда²⁵.

Тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) – юридик ва жисмоний шахслар томонидан мулкый масъулият остида, мавжуд қонунлар доирасида, даромад (фойда) олиш мақсадида, таҳлика билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир

Уларда кўпинча тадбиркорлик фаолияти ва бизнесни бир хил тушунча сифатида талқин қилинмоқда. Ҳақиқатан ҳам бозор иқтисодиёти субъектлари хўжалик фаолиятида “тадбиркорлик” ва “бизнес” тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, амалий жиҳатдан бир-бирининг ўрнига ишлатилиши мумкин. Аммо “тадбиркорлик” ва “бизнес” тушунчасини иқтисодий таъсир қилиш соҳалари нуктаи назаридан қараганимизда айнан бир хил тушунча деб ҳисоблаб бўлмайди.

Кундалик ҳаётда аксарият ҳолларда “бизнес” сўзини тижорат, савдо каби тушунчаларнинг синоними сифатида талқин қиладилар. Кўпчилик ҳолларда эса “тадбиркорлик” ва “бизнес”, “тижорат” ва “маркетинг” тушунчаларини бир хил фаолият сифатида баҳоланаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Бизнес – бу аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, пул ишлаш демакдир

Бизнесмен сўзи биринчи мартаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “Мулк эгаси” деган маънони билдирган.

²⁵ Предпринимательство в конце XX века. М., 1992, 20-б., Макконнелл К., Брю С. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. - М.: Республика, 1992, с.38., Экономическая теория: Учебник. / Под общ.ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. - М.: ИНФРА-М, 2005, с.199.

Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, - деб таъкидлайди. Тадбиркорни ўзи, ўз ишини режалаштиради, ишлаб чиқаришни ташкил этади, маҳсулотни сотади ва олган даромадига ўзи хўжайинлик қилади.

Тадбиркор нималарни билиши лозим? У энг аввало, тадбиркорлик фаолиятини қандай амалга оширишни, қандай шароитда амалий ҳаракат қилишни, тадбиркор олдида учрайдиган тўсиқларни ҳал қилиш йўлларини ва қандай ютуқларга эришишни билиши керак. Тадбиркор – ишлаб чиқаришни ташкил этишни ҳамда маҳсулотни сотишни билиши керак. У бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган аниқ шароитларни баҳолашни ва тўғри йўл танлашни билиши керак. Ҳар бир тадбиркор фақат ўз кучига, билимига, заковатига ишониши ва суяниши лозим.

Ҳозир жаҳонда ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси ва ўзига хос томонларининг беқиёс даражада бир-бирига қўшилиб кетиши кузатилади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ижтимоий, умумдавлат мақсадларида фойдаланадиган ва ниҳоят, жамоа, гуруҳ, хусусий ва шахсий мақсадларда ишлатиладиган турлари мавжуд. Шунга мос равишда тадбиркорликнинг турли-туман: давлат, жамоа, шахсий, хусусий, аралаш ва бошқа ҳосила шакллари ривожланади.

5.2. Тадбиркорликнинг асосий турлари. Акционерлик жамияти

Ҳозир жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида давлат тадбиркорлиги мавжуд бўлиб, уларда миллий даромаднинг 40 фоизидан 60 фоизигача давлатлар улушига тўғри келади. Давлат корхоналари кўпинча мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ёки катта капитал қўйилмалар талаб қиладиган тармоқларда тузилмоқда. Масалан, Англияда давлат сектори қора металлургия, кўмир қазиб чиқариш, аэро-космик саноат, алоқа воситалари, темир-йўл транспорти, электр ва газ билан таъминлаш каби соҳаларни қамраб олади. Ривожланаётган мамлакатларда давлат корхоналари миллийлаштирилган чет эл компаниялари базасида асосан саноатнинг кончилик тармоқларида ташкил этилади. Ривожланаётган ва ривожланган кўпчилик мамлакатларда давлат компаниялари саноат фирмалари орасида пешқадам ҳисобланади.

Турли мамлакатларда давлат корхоналарининг ҳуқуқий мақоми турли-туманлиги билан анча фарқланади.

Юқорида кўриб ўтилган шароитлар асосида давлат корхоналарини учта гуруҳга бўлиш мумкин:

- бюджет корхоналари;
- давлат ишлаб чиқариш корхоналари;
- аралаш компаниялар.

Ҳуқуқий ва ҳўжалик мустақиллигига эга бўлмаган корхоналар **бюджет корхоналарига** киради. Ўзларининг ҳолати бўйича улар давлатнинг маъмурий-бошқариш тизимига киради ва бирон-бир вазирлик, маҳкама ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига бевосита бўйсунди ёки уларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Давлат ишлаб чиқариш корхоналари – бу корхоналарнинг анча кенг тарқалган ташкилий, ҳуқуқий шаклидир. Улар алоҳида-далашган мол-мулкка эга бўлиб, ҳўжалик фаолияти билан бирга давлат томонидан белгиланган доирада бошқариш ва тартибга солиш вазибаларини ҳам бажаради, яъни давлат корпорациялари ўзида тижорат корхоналари ва давлат органлари белгиларини мужассамлаштиради.

Аралаш компаниялар – ҳиссадорлик жамиятлари ва мажбуриятлари чекланган ширкатлар шаклида ташкил қилиниб, акциялари давлатга ва хусусий омонатчиларга тааллуқли бўлади. Аралаш компаниялар ҳиссадорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун асосида иш юритади ва юридик шахс ҳисобланади, ҳўжалик фаолиятида хусусий фирмалар билан баробар тижорат асосида қатнашади. Шу билан бирга, улар хусусий фирмаларга нисбатан маълум имтиёзлардан фойдаланади. Бу имтиёзларга давлат томонидан молиявий ёрдам ва дотациялар бериш, чет эл лицензияларини енгил шартлар билан олиш, бошқа давлат корхоналаридан хомашё ва ярим фабрикатларни қатъий белгиланган нархларда олиш, ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш учун бозор билан таъминланганлик ва шу кабилар мисол бўла олади.

Иктисодий категория сифатида корхона ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил қилишнинг асосий бирламчи бўғини ҳисобланади. Ҳуқуқий нуқтаи назардан корхона деганда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил ҳўжалик юритиш субъекти тушунилади. Улар ўзига бириктирилган мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади, ишларни бажаради ва хизматлар кўрсатади. Корхоналарнинг

мулкчилик мавқеидан ташқари хилма-хил ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳам мавжуд бўлади. Корхоналар хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари, жамоа корхоналари, ижара корхоналари, хўжалик бирлашмалари шаклида тузилиши мумкин.

Кооператив тадбиркорлик – жамоа тадбиркорлигининг алоҳида шакли бўлиб, жамоа мулкига асосланади ва кооперация аъзоларининг фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этишини такозо қилади. Кооператив мулкчиликка асосланган тадбиркорликнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: ишловчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита қўшилиши (хусусий мулкчиликда бундай қўшилишда мулкдор, давлат мулкчилигида эса давлат воситачи ҳисобланади); кооперация аъзоларининг ишлаб чиқариш воситаларидан кенг фойдалана олиши; уларнинг иқтисодий жиҳатдан тенг ҳуқуқлилиги; жамоанинг ўз-ўзини бошқаришни амалга ошириши; жамоа ва шахсий манфаатлар уйғунлиги юзага келиши ва ҳ.к.

Хусусий тадбиркорлик алоҳида шахс ёки корхона томонидан хусусий ташаббус асосида ташкил қилинади. Тадбиркорликнинг бу шаклида мулк ва ишлаб чиқариш натижалари хусусий шахсларга тегишли бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёлланма меҳнатга асосланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик шахсий мулкка асосланади, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ўзи ёки оила аъзолари меҳнати асосида амалга оширилади. Шахсий корхона эгаси унинг менежери ҳисобланиб, корхонанинг барча мажбуриятлари учун шахсий жавобгар бўлади. Хўжалик ҳуқуқи нуктаи назаридан якка тартибдаги тадбиркорлик ҳуқуқий шахс ҳисобланмайди, шу сабабли унинг эгаси чекланмаган масъулиятга эга бўлиб, фақат фуқаролардан олинadиган даромад солиғини тўлайди. Бу одатда хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар, деҳқон хўжаликлари, ҳуқуқшунос, шифокор, адвокат каби турли малакали мутахассислар хизмати ташкил қилинган тадбиркорликдир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда

таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди” номли маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиkning роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иктисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

3-жадвал²⁶

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иш фаолиятига қулайлик туғдириш мақсадида давлат томонидан яратилган энгилликлар

Амалиётга жорий этилган чора-тадбирлар	Сони ва муддати
Тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва фаолиятини энгиллаштириш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар	40 дан ортиқ
Микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятини текшириш	4 йилда бир марта
Бошқа хўжалик субъектлари фаолиятини текшириш	3 йилда бир марта
Молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар муддатини қисқартириш	30 кундан 10 кунга қадар
Солиқ ва статистика ҳисоботларини электрон шаклда интернет тармоғи орқали тақдим этиш	100 фоиз

Давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойилининг жорий этилиши натижасида фақатгина 2016 йилнинг ўзида юртимизда 29 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 290 мингга етган. “Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 56,9 фоизини ишлаб чиқармокда. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамадан, олиб бораётган ислохотларни, иктисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди” маърузаси асосида тузилган.

фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир²⁷, - деб алоҳида таъкидлаши мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янги босқичларга кўтаришни назарда тутди.

4-жадвал

Ўзбекистонда 2000-2016 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш кўрсаткичлари^{28*}

Кўрсаткичлар	Ўл- чов бир- лиги	Йиллар							2016й 2000й Ўзга- риш суръати (+;-;%)
		2000	2005	2006	2007	2008	2009	2016	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМ даги улуши	%	31,0	38,2	42,1	45,7	48,2	50,1	56,9	+21,5
Кичик тадбиркорликда банд аҳоли сони	минг киши	4883,8	6679,0	7258,6	7668,1	8024,1	8402,3	8633,6	176,7
Иктисодиётда банд бўлганларнинг умумий аҳоли сонидаги улуши	%	54,4	65,5	69,3	71,7	73,1	74,2	74,3	+19,9
Янги ташкил этилган иш ўринлар сони	минг ўрин	296,9	434,2	425,5	409,5	313,5	391,8	480,0	183,1
Ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган фаолият юритаётган субъектлар сони	Дона	6,0	10,3	13,2	14,7	14,7	15,0	15,1	+9,1

2016 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси барқарор ривожланди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик

²⁷ Ўша манбада

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Статистика Давлат қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2016 йилдан бошлаб эса 5 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айни пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди.

5-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий асосий тармоқларидаги улуши 2012-2016 йй (фоизда)²⁹

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2012	2013	2014	2015	2016
Ялпи ички маҳсулот	54,6	55,8	56,1	56,5	56,9
Саноат	23,1	28,1	31,7	40,6	40,4
Қишлоқ хўжалиғи	97,8	98,0	98,0	98,4	98,6
Инвестициялар	35,3	32,7	35,4	35,8	35,9
Қурилиш	71,1	71,5	69,5	66,7	67,3
Савдо	87,3	86,6	86,3	87,1	89,0
Пуллик хизматлар	44,9	46,2	48,6	50,5	51,4
Юк ташиш	44,2	47,3	50,9	53,7	54,1
Йўловчи ташиш	83,1	84,5	85,5	87,3	88,2
Бандлик	75,6	76,7	77,6	77,9	78,2
Экспорт	14,0	26,2	27,0	27,8	28,3
Импорт	38,6	42,4	45,4	44,5	44,2

Мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштироки ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари умуман экспорт фаолиятида иштирок этмаган бўлса, 1996 йилга келиб, бу улуш 2,5 фоизни ташкил этган. Мазкур кўрсаткич 2016 йилда 28,3 фоизга етди.

²⁹ Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Тошкент – 2016. 18 б.

Табдиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг муҳим шаклларида бири ҳиссадорлик жамиятларидир.

Анча катта ва йирик ишларни бажаришлари учун кишилар ўзларининг меҳнатини, меҳнат куруллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда пул ресурсларини (капиталлар) бирлаштиришлари лозим бўлади. Жамоа кучини шу асосда бирлаштириш натижасида турли хил иттифоклар (уюшмалар) вужудга келадики, улар илмий адабиётларда, қонуний битимларда «жамият» деб атала бошланди.

Жамият умумий тушунча бўлиб, уларнинг шакли, иқтисодий мазмуни, фаолиятининг мақсади ва ҳуқуқий мажбуриятлари ҳар хил бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда корхоналарни ҳиссадорлик шаклда ташкил қилиш жаҳон хўжалиги ва аввало йирик ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. АҚШ, Япония ва Ғарбий Европадаги барча етакчи мамлакатларда ҳиссадорлик жамиятлари саноат, савдо, суғурта иши ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида корхоналарнинг етакчи ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб қолди.

Акция чиқариш ва уни эркин жойлаштириш ҳиссадорлик муносабатларнинг муҳим томонларидан бирини ташкил қилади.

Акция – муайян шахснинг (яъни акция эгасининг) ҳиссадорлик жамияти капиталига ўзининг маълум ҳиссасини қўшганлигига ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоздир. Бундан ташқари, акция корхонани бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини ҳам беради

Акциялар махсус товар сифатида сотилади ва сотиб олинади, шу сабабли ўзининг нархига эга. Акцияда ифодаланган пул суммаси унинг **номинал қиймати** дейилади. Акциянинг фонд бозорида сотиладиган нархи **акция курси** деб аталиб, у олинadиган дивиденд миқдорига тўғри мутаносиб, фоиз миқдорига эса тескари мутаносибликда бўлади. Харидор акцияни ундан олинadиган даромади банкка қўйилган пулдан келадиган фоиздан кам бўлмаган тақдирдагина сотиб олади.

Акция курси қуйидагича аниқланади:

$$AK = \frac{D}{\Phi_c} \times 100\%$$

бу ерда, АК – акция курси;

Д – дивиденд;

Фс – ссуда фоизи.

Ссуда фоизи ўсганда акция курси тушади. Агар дивиденд ссуда фоизига қараганда юкори даражада ўсса, акция курси кўтарилади.

Акциянинг ҳақиқий бозор курсига дивиденд ва ссуда фоизи даражаси билан бирга, шу акцияга талаб ва таклиф нисбати ҳам таъсир қилади.

Ҳиссadorлик жамиятлари акция билан бирга облигация ҳам чиқаради.

Облигация – унинг эгаси жамиятга қайд қилинган фоиз олиш шарти билан пул қўйганлигини тасдиқлайди. Облигация ҳиссadorлик жамияти молиявий маблағларини кўпайтириш учун чиқарилади

Акция эгаси корхона мулкдори, облигация эгаси эса унинг кредитори ҳисобланади. Ундан ташқари, облигация акциядан фарқ қилиб, ўз эгасига йиллик кафолатланган даромад келтиради, аммо ҳиссadorлик жамияти ишларини ҳал қилишда овоз бериш ҳуқуқини бермайди. Облигациялар бўйича тўланадиган даромад одатдаги ссуда фоизи миқдоридан ортиқ бўлмайди. Унинг қиймати ҳиссadorлик жамияти томонидан маълум муддат ўтиши билан тўланади. Акцияга қўйилган маблағ облигацияга жойлаштирилган маблағдан фарқ қилиб, акционер талаби бўйича қайтарилиши мумкин эмас ва фақат сотиш орқали қопланади.

Ҳиссadorлик жамиятининг ташкил топиши таъсисчилик фойдаси каби даромад турининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. **Таъсисчилик фойдаси** сотилган акциялар суммаси ва ҳиссadorлик корхонасига ҳақиқатда қўйилган маблағ миқдори ўртасидаги фарқдан иборат.

Ҳиссadorлик корхонасида таъсисчилик фойдаси билан бир қаторда дивиденд каби даромад тури шаклланади.

Дивиденд (лотинча *dividendus* - бўлишга тегишли) – акция эгасига тўланадиган даромад

Дивиденд воситасида акция эгаси қимматли қоғознинг шу турига қўйилган пул маблағлари (капитал)нинг тегишли қисмига ўзининг мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқаради. Дивиденд орқали фақат ҳиссadorлик жамияти олган фойданинг бир

қисми тақсимланади. Унинг бошқа қисми жамғаришга, солиқ тўлашга ва шу кабиларга кетади. Дивиденд миқдори олинadиган фойда ва чиқарилган акция миқдorigа боғлиқ ва одатда ссуда фонзидан юқори бўлади.

Одатдаги акциялар бўйича дивиденд миқдори ҳиссадорлик жамияти жорий йилда олган фойда миқдorigа боғлиқ. Имтиёзли акциялар бўйича дивиденд миқдори эса, жорий йилдаги фойда миқдоридан қатъи назар, қайд қилинган фонз шаклида ўрнатилади. Жамият тугатилган тақдирда имтиёзли акция эгасига акция қўйилган маблағ унинг номинал қиймати бўйича қайтарилади.

Ҳозирги кунда бизнинг республикамызда корхоналарни акционерлаштиришнинг иккита йўналиши таркиб топди: биринчи йўналишда ўзининг ҳуқуқий мақомини ўзгартирмайдиган, давлат мулки бўлиб қоладиган корхоналар, иккинчи йўналишда ўзининг ҳуқуқий мақомини ўзгартириб, тўлиқ ҳиссадорлик жамиятига айланган корхоналар акция чиқаради.

Республикада ҳиссадорлик жамиятларни ривожлантиришнинг асосий йўналиши сифатида давлат мулкчилигидаги йирик ва ўрта корхоналарни кенг қўламда ҳиссадорликка ўтказиш, улар негизда очик ҳиссадорлик жамиятларини тузиш амалиёти танланди. Шу билан бирга, илгари тузилган ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари очик турдаги жамиятларга айлантирилди. Бунинг маъноси шуки, ҳиссадорликка ўтиш жараёни республика аҳолисининг кенг қатламлари учун, шунингдек, хорижий, жисмоний ва ҳуқуқий шахслар учун очик бўлиши лозим. Бунга қимматли қоғозларнинг очик савдосини ўтказиб туриш, фонд биржасининг фаолиятини кенгайтириш, инвестиция компаниялари, инвестиция фондлари, клиринг ва агентлик тармоқларини ташкил қилиш, қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини вужудга келтириш орқали эришилади.

5.3. Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракати босқичлари


Тадбиркорликнинг ҳар қандай шакли ўз фаолиятини амалга ошириш учун маълум миқдордаги ишлаб чиқариш воситалари ва молиявий маблағларига эга бўлиши зарур. Бу восита ва маблағлар фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёни учун зарур бўлади.

Тадбиркор ихтиёрида бўлиб, фойда олиш мақсадида ишлатиладиган барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағлари биргаликда **тадбиркорлик капитали** деб аталади

Узоқ йиллар давомида бизнинг хўжалик амалиётимизда ва иқтисодий атамашунослигимизда у корхона маблағлари (ишлаб чиқариш фондлари) деб қабул қилинди ва шу тушунча билан юритилди. Бозор иқтисодиёти шароитида барча мулкчиликка асосланган корхоналар (шу жумладан, давлат корхоналари ва муассалари) ўзларини тадбиркорликнинг у ёки бу шакли сифатида намоён этади. Шу сабабли, биз ҳам, улар ихтиёридаги ишлаб чиқариш воситалари, товарлар ва пул маблағларини тадбиркорлик капитали ёки қисқача капитал деб айтамыз. Бу воситалар ва маблағлар капитал сифатида ўз эгаларига ёки меҳнат жамоасига даромад ёки фойда келтиради. Тадбиркорлик капитали ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида доимо ҳаракатда бўлади ва бу ҳаракат жараёнида бир қатор босқичларни босиб ўтади.

Пул капиталининг иқтисодий фаолият омилларига сарфланиши, уларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши, ишлаб чиқарилган товарларнинг сотилиши ва маблағларнинг дастлабки шаклига қайтиши каби босқичларни ўз ичига олган ҳаракати унинг **доиравий айланишини** ташкил қилади.

Ишлаб чиқаришга сарфланадиган ҳар қандай сармоя ўз ҳаракатини пул шаклидан бошлайди. Пул (П) тегишли ресурслар бозоридан зарур товарлар, яъни ишлаб чиқариш воситалари (Ив) ва ишчи кучи (Ик) сотиб олишга сарфланади (авансланади). Бу ҳолда пул шунчаки товарлар сотиб олишгагина эмас, балки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иқтисодий фаолият омилларини сотиб олишга сарфланади. Ушбу муомала соҳасида пул капитали ўз ҳаракатининг биринчи босқичидан ўтади:



Мазкур жараён натижасида пул шаклидаги маблағлар **унумли капитал шаклига** айланади ва улар ишлаб чиқариш жараёнининг потенциал омиллари ҳисобланади. Капитал ҳаракатида **иккинчи босқич** ишлаб чиқариш (И) жараёни ҳисобланиб, унинг натижасида товар (Т) шаклини олади. Ишлаб чиқариш натижасида ҳосил

килинган янги товарнинг қиймати ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучига сарфланган қийматдан ортик бўлади, яъни:

$$T \begin{cases} \nearrow \text{Ив} \\ \searrow \dots \text{И} \dots T' \\ \searrow \text{Ик} \end{cases}$$

Чунки ҳосил қилинган товарлар қийматида ишлаб чиқариш воситаларининг кўчган қиймати, ишчи кучи қийматининг эквиваленти ва улар томонидан вужудга келтирилган қўшимча маҳсулот қиймати ҳам мавжуд бўлади.

Учинчи босқичда ишлаб чиқарилган товарларни сотиш содир бўлади, яъни $T' \rightarrow P'$. Ушбу босқичда товарлар пулга айланади ва ўзининг дастлабки шаклига қайтиб келади. Дастлаб, пул шаклида сарфланган маблағ яна пул шаклида, аммо миқдор жиҳатидан кўпроқ бўлиб қайтади.

Шу сабабли уни $P' = P + p$ кўринишида ифодалаш мумкин.

5.4. Тадбиркорлик капиталининг айланиши. Асосий ва айланма капитал

Тадбиркорлик капиталининг ҳаракати бир доиравий айланиш билан тўхтаб қолмайди, балки у узлуксиз давом этиб, такрорланиб туради. Доиравий айланишларнинг бундай узлуксиз такрорланиб, янгиланиб туриши тадбиркорлик капиталининг айланиши демакдир.

Капиталнинг айрим қисмлари турли тезликда ҳаракат қилиши туфайли сарфланган маблағларнинг айланиш тезлиги турлича бўлади. Унинг бир қисми (масалан, унумли истеъмолда бўлган хомашё ва материаллар қиймати) бир доиравий айланишдан кейин, бошқа қисми (масалан, меҳнат қуроллари қиймати бир неча доиравий айланишдан кейин) ўзининг бошланғич шаклига қайтади.

Капитал ўзининг айланиш тавсифига кўра икки қисмга: асосий ва айланма капиталга бўлинади.

Асосий капитал – ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор доиравий айланишлар давомида қатнашади, ўзининг қийматини тайёрланаётган маҳсулотга (хизматга) бўлиб-бўлиб ўтказиб боради ва ашёвий-буюм шаклини ўзгартирмайди.

Айланма капитал – бир доиравий айланиш давомида тўлиқ истеъмол қилинади, ўзининг қийматини ишлаб чиқариш натижаларига тўлиқ ўтказади ва ашёвий-буюм шаклини ҳам йўқотади.

Асосий ва айланма капиталлар фаркланиши асосида қуйидаги белгилар ётади.

1. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракат қилиш хусусиятлари. Асосий капитал тайёрланаётган маҳсулот моддий таркибига буюм жиҳатдан кирмайди, узок давр (масалан, станок 10 йил, бино 50-100 йил) давомида фаолият қилади, ўзининг олдинги натурал-буюм шаклини бир неча доиравий айланишлар давомида сақлаб қолади. Аксинча, айланма капитал (масалан пахта, жун, металл) ҳар бир доиравий айланишда тўлиқ унумли истеъмол қилинади, ўзининг ашёвий-буюм шаклини йўқотади ва янги турлари билан алмашинади.

2. Қийматини ишлаб чиқариш натижаларига ўтказиш хусусияти. Асосий капитал ишлаб чиқариш жараёнида қатор йиллар давомида фаолият қилиб, уларнинг қиймати товарларга қисман ўтиб боради. Агар станок 10 йил, бинолар эса 50 йил давомида фойдаланилса, бунда ҳар йили янги маҳсулот қийматига станок қийматининг 1/10 ва бино қийматининг 1/50 қисми ўтказиб борилади. Хомашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия каби айланма капитал элементлари ҳар бир доиравий айланишда тўлиғича унумли истеъмол қилинади ва уларнинг қиймати маҳсулот ва хизматлар қийматига тўлиғича ўтади. Асосий капитали бир неча йилда бир марта, айланма капитал эса бир йил давомида бир неча марта айланиши мумкин.

3. Капитал қийматининг айланиш усули. Қийматининг айланиш усули бўйича асосий капитал қиймати иккига бўлинади. Қийматнинг маҳсулотга ўтган қисми товарлар ва хизматлар билан бирга муомалада бўлади ва доиравий айланиш жараёнида товар шаклидан пул шаклига ўтади ҳамда қоплаш фонди шаклида аста-секин жамғарилади. Маҳсулотга ўтмаган қисми ишлаб чиқариш доирасида мавжуд бўлган асосий капиталда гавдаланганича қолаверади. Истеъмол қилинган меҳнат предметлари қиймати тўлатўкис айланиб, янги маҳсулотлар қиймати таркибига киради. Меҳнат воситалари ўз айланиши давомида бир қатор изчил доиравий айланишларда иштирок этади, ваҳоланки, меҳнат предметларининг айланиш вақти бир доиравий айланиш даврига тўғри келади.

4. Қайта тикланиш усули. Асосий капиталнинг ишлаб чиқариш натижаларига ўтказилган қиймати бу воситалар бир қатор доиравий айланишларни ўз ичига олган муайян давр давомида едирилиб, ишдан чиққандан кейин пул шаклидан янги асосий

капитал шаклига айланади. Айланма капитал ҳар бир доиравий айланишдан кейин ашёвий-буюм шаклида қайтиб тикланади.

Барча меҳнат воситалари асосий капитал таркибига кирмасдан, фақат уларнинг инсон меҳнати билан вужудга келтирилган қисми шундай капитал ҳисобланади. Шу сабабли ер, ўрмонлар ва бошқа табиий ресурслар меҳнат воситалари ҳисоблансада, одатда асосий капитал таркибига кирмайди.

Фақат унумли капитал асосий ва айланма капитал шаклини олади, чунки улар ишлаб чиқариш жараёнидагина ўз қийматини маҳсулотга ўтказди. Шу билан бирга муомала доирасида ишлаб чиқариш жараёни маълум даражада давом этганлиги туфайли бу ерда ҳам қўшимча унумли капитал масалан, музлатиш ускуналари, қадоклаш, ўлчаш машиналари, идиш материаллари ва бошқалар мавжуд бўладики, булар ҳам асосий ва айланма капиталга бўлинади.

Тадбиркорлик капитали айланиш вақтида ишлаб чиқариш ва муомала босқичларини босиб ўтади:

$$Ae = Iv + Mv$$

Бу ерда, Iv – ишлаб чиқариш вақти;

Mv – муомала вақти.

Сарфланган маблағларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бўлиш вақти, яъни ишлаб чиқариш воситалари сотиб олингандан тайёр товар бўлган давргача ўтган вақт ишлаб чиқариш вақтини, муомала жараёнида бўлиш вақти, яъни ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш ва тайёр товарларни сотиш учун кетган вақт муомала вақтини ташкил этади. Ишлаб чиқариш вақти уч қисмдан иборат бўлади:

$$Iv = Id + Td + Zd.$$

Бу ерда, Id – иш даври;

Td – турли танаффуслар даври;

Zd – ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқариш заҳираларида бўлиш даври.

Иш даври – ишлаб чиқариш вақтининг асосий таркибий қисмидир. Бу вақт давомида маҳсулот меҳнатнинг бевосита таъсири остида бўлади. Иш даврининг узунлиги ишлаб чиқариладиган маҳсулот хусусиятига, қўлланиладиган меҳнатнинг миқдори ва унинг унумдорлиги даражасига боғлиқдир.

Танаффусларни икки сабаб: табиий жараёнларнинг меҳнат буюмларига таъсир кўрсатиш зарурлиги ва ташкилий тавсифдаги сабаблар тақозо этади. Биринчи ҳолда, меҳнат буюмлари у ёки бу даражада узоқ давом этадиган жисмоний, кимёвий ва биологик жараёнларнинг таъсири остида бўлади. Бунинг натижасида муайян фойдали самарага эришилади ёки истеъмол қийматларининг шакли ўзгаради. Бунда меҳнат жараёни қисман ёки тўлиқ тўхтади, ишлаб чиқариш жараёни эса давом этади. Ташкилий сабабларга кўра танаффуслар вақти корхоналарнинг иш режими билан, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш хусусиятлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш воситаларнинг захира ва эҳтиёжлар сифатида бўлиш вақти – бу уларнинг ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган даврдир. Маҳсулотларни тез қуритадиган, тез ачитадиған, умуман технологик жараёнларни тезлаштирадиган янги техника ва технологияларнинг қўлланилиши танаффус даврининг ва бинобарин ишлаб чиқариш вақтининг қисқаришига олиб келади. Транспорт шахобчаларини ривожлантириш, хўжалик алоқаларининг самарали тизимини белгилаш, ишлаб чиқариш воситалари бозорини шакллантириш, эҳтиёжларни пухта ҳисобга олиш муомала вақтини қисқартириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Капиталнинг айланиш тезлиги улардан фойдаланиш самардорлигига жиддий таъсир қилади. Айланиш тезлиги муайян давр ичида (A) содир бўлган айланишлар сони (n) ёки бир айланишнинг узун-қисқалиги (a) билан белгиланади:

Агар капитал айланиш вақти уч ойни (90 кунни) ташкил этса, у вақтда $n=12/3=4$; $a=360/4=90$ кун бўлади.

Турли соҳаларда капиталнинг айланиш вақти уларнинг ишлаб чиқариш ва муомаладаги шароитига қараб турлича бўлади. Масалан, енгил саноатда банд бўлган капиталнинг айланиш вақти, кemasозлик ва машинасозлик саноатларидаги капиталнинг айланишига нисбатан қисқа бўлади.

Авансланган қийматнинг айланиш тезлиги кўпгина омилларга боғлиқ. Булардан энг муҳимлари: унумли капиталнинг қандай нисбатда асосий ва айланма капиталга бўлинишидир. Шу сабабли, асосий ва айланма капитал тушунчаларининг иқтисодий мазмунини қараб чиқамиз.

Амортизация асосий капитал эскириб боришига қараб, унинг қийматини аста-секин ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказиш,

асосий капитални кейинчалик қайта тиклаш мақсадларида маҳсулотнинг амортизация миқдорига тенг қисмини жамғариш жараёнидан иборат. Асосий капиталнинг эскириши билан амортизация ўртасида мустаҳкам алоқа бор. Бироқ булар бир хил тушунчалар эмас. Эскириш меҳнат воситаларидан фойдаланиш вақтида уларнинг техник-ишлаб чиқариш хоссаларини аста-секин йўқотиш жараёнини акс эттиради. Амортизация анча мураккаб жараён бўлиб, истеъмол қилинган меҳнат воситалари қийматини уларнинг эскиришига мувофиқ равишда маҳсулотга ўтказиш, истеъмол қилинган меҳнат воситаларининг ўрнини қоплаш мақсадида пул фондини жамғариш жараёнини акс эттиради. Шундай қилиб, эскириш амортизациянинг дастлабки шарт-шароитидир.

Амортизация нормаси амортизация ажратмалари йиллик суммасининг шу асосий капитал қийматига нисбатан аниқланади ва фоизда ифодаланади. Амортизация ажратмаларининг умумий нормаси асосий капитални такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ равишда икки қисмдан иборат бўлади: бир қисми асосий капитални тўла қоплашга (қайта тиклашга), иккинчиси уларни қисман қоплашга (капитал таъмирлашга) мўлжалланади.

$$A_n = \frac{K_{ac} + T_k + M_m}{X_o} \times 100\%$$

Бу ерда, K_{ac} — асосий капиталнинг ҳаракат қилиши муддати;

T_k — капитал таъмирлаш учун сарфлар;

M_m — эскирган меҳнат воситаларини тугатишдан олинган маблағ;

X_o — воситанинг хизмат даври.

Амортизация нормалари меҳнат воситалари жисмоний ва маънавий ейилишининг ҳақиқий миқдорини акс эттириши керак. Оширилган нормалар маҳсулот таннархини сунъий равишда ўстириб юборади, пасайтирилган нормалар эса асосий капитал тикланиш даврини кечиктиради ва шу тариқа тараққиётга тўсиқ бўлади.

Ҳозирги шароитда амортизация ажратмалари ривожланган мамлакатларда капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шунга кўра, давлат кўпинча фирмаларга

жадаллаштирилган амортизацияни қўллашга рухсат беради. Жадаллаштирилган амортизация ажратмаларнинг юқори нормаларини белгилаш орқали асосий фондлар қийматини нисбатан қисқароқ вақт ичида рўйхатдан чиқариш имконини беради. Одатда жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш асосий фондларнинг актив қисми учун рухсат этилади. Бироқ, бу ҳолат нафақат асосий капиталнинг тезроқ янгиланишини, балки ишлаб чиқариш харажатларини амортизация ажратмаларига тўғри келувчи қисмининг ошиб кетишига ҳам олиб келади. Бу эса аҳолининг харид қувватига ва турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни изоҳланг.

2. “Тадбиркорлик” ва “Бизнес” тушунчаларига таъриф беринг.

3. Ҳиссадорлик жамиятига таъриф беринг. Акция нима, акция курси қандай аниқланади? Акция курсига таъсир қилувчи омилларни изоҳлаб беринг.

4. Тадбиркорлик капитали нима? Унинг таркибий тузилиши қандай?

5. Тадбиркорлик капитали ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида қандай босқичлардан ўтади ҳамда қандай шакллarga киради?

6. Капиталнинг айланишига тавсиф беринг. Айланиш вақти қандай вақтларни ўз ичига олади? Уларга изоҳ беринг.

7. Капиталнинг айланиш тезлиги қандай аниқланади? Капиталнинг айланиш узунлиги икки ойни ташкил қилади деб фараз қилсак, бир йилда неча марта айланади ва бир айланишининг вақти қанча давом этади?

8. Унумли капитал асосий ва айланма капиталга қандай мезонлар бўйича ажратилади? Асосий ва айланма капиталга тавсиф беринг.

9. Амортизациянинг иқтисодий мазмуни нимадан иборат? Унинг нормаси қандай аниқланади?

VI БОБ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ. САРФ-ХАРАЖАТЛАР ВА ФОЙДА

6.1. Иқтисодий фаолият ва ишлаб чиқариш жараёни

Ресурслар чекланган, эҳтиёжлар турли-туман бўлган шароитда уларни қондириш ҳам турлича йўللار билан амалга оширилади, лекин барибир бу иш иқтисодий фаолиятни талаб қилади.

Иқтисодий фаолият деганда, инсон тирикчилигини таъминлаш усуллари ва воситалари мажмуи тушунилади

Иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланади, яратилган маҳсулотларни айирбошлаш орқали истеъмол этиш билан тугалланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида таъкид этилганидек “макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш; қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, таркибий ва институционал ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш; харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаган ҳолда давлат бюджетининг барча миқёсларида мувозанатни сақлашда”³⁰ иқтисодий фаолият муҳим омил саналади. Унинг асосий бўғини ишлаб чиқариш, яъни ҳар хил маҳсулот ва хизматларни яратишдир. Меҳнат яратган неъматлар иқтисодий неъматлар дейилади. Улар табиатдаги текин неъматлар (хаво, куёш нури, сув) дан фарқ қилади. Маҳсулотларни айирбошлаш ва уларни истеъмоли (ишлатилиши) ҳам иқтисодий фаолият таркибига киради. Ишлаб чиқариш тижорат (савдо-сотиқ) орқали истеъмол билан боғланади. Иқтисодий фаолият турлари хилма-хил, лекин улар бир-бирини албатта тақозо этади.

Ишлаб чиқариш бўлмаса, кишилар яшай олмайди, аммо кишилар яратган маҳсулотларини ўзаро айирбошлаш орқали истеъмолни қондирадилар, бир-бирларига керакли маҳсулотларни етказиб берадилар.

³⁰ 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Кишилар ўз эҳтиёжини қондирмаса, иш қобилиятини тиклай олмайдилар. Бинобарин, истеъмолсиз ишлаб чиқариш ҳам бўлмайди. Ишлаб чиқариш турлари ғоят кўп. Ҳозир дунёда 25 миллион хил маҳсулот ва уларнинг бутловчи қисмлари ва деталлари яратилади. Аҳолига минглаб хил хизматлар кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш бирламчи фаолият сифатида икки турга бўлинади:

1. Моддий ишлаб чиқариш — аниқ моддий шаклга эга маҳсулотларни (масалан, истеъмол буюмлари, ёқилғи, хомашё, материал, машина ва ускуналар) яратиш, шунингдек, моддий соҳага хизматлар кўрсатиш. Бунга саноат, кишлок хўжалиги, юк транспорти, қурилиш, омбор хўжалиги, алоқа киради.

2. Номоддий ишлаб чиқариш — моддий шаклга эга бўлмаган, қўл билан ушлаб ҳис этилмайдиган, аммо нафи бор хизматлар кўрсатиш. Масалан, шифокор ёки ўқитувчи хизмати моддий кўринишда эмас, лекин у ҳаммага зарур. Номоддий ишлаб чиқаришга маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт каби соҳалар киради. Айирбошлаш фаолиятида маҳсулотлар ва хизматлар яратилмайди, балки улар маълум миқдорий нисбатда бир-бирига алмаштирилади. Бу жараён икки хил кечади: бири — маҳсулот айирбошлаш, иккинчиси — товар айирбошлаш.

Бир маҳсулотнинг бошқасига пул воситасида ва маълум нарх асосида, яъни олди-сотди йўли билан айирбошланишига **товар айирбошлаш** дейилади

Товар айирбошлаш бартердан фарқлироқ, товарни олдин пулга, сўнгра пулни керакли бошқа товарга айирбошлашни билдиради. У ҳаммабоп, яъни универсал айирбошлашдир. Бу жараёнда пул иштирок этади, пулга хоҳланган товарни хоҳлаган жойдан сотиб олиш мумкин бўлади.

Истеъмол — маҳсулотни амалда, яъни эҳтиёжни қондириш учун ишлатиш демакдир. Маҳсулотлар, биринчидан, тирикчилик учун кишиларнинг ўзлари томонидан истеъмол этилади, иккинчидан, ишлаб чиқаришни давом эттириш учун унинг ўзида ишлатилади.

Истеъмол фаолият сифатида якка, оилавий, гуруҳий ёки умуммиллий истеъмол тарзида юз беради. Масалан, кўйлакни ҳар бир киши якка тартибда кияди, телевизор, гилам ёки мебел оиланинг

биргаликдаги истеъмолида бўлади. Мактаб, касалхона ёки болалар боғчасидаги асбоб-анжом ва жиҳозлар ҳам биргаликда ишлатилади. Армия, хавфсизлик хизмати ёки бошқа маъмурий ташкилотлар хизматидан айрим кишилар ёки гуруҳлар эмас, балки бутун халқ баҳраманд бўлади. Хуллас, маҳсулотлар ва хизматлар ҳар хил йўсинда истеъмол этилади. Аммо бундан қатъий назар, улар истеъмол этилгач, яна қайта яратилиши лозим. Демак, чексиз эҳтиёжни қондириш узлуксиз иқтисодий фаолиятни талаб қилади.

Ишлаб чиқариш жараёни кишиларнинг маълум мақсад йўлидаги хатти-ҳаракатини билдиради. Унинг иштирокчилари айрим кишилар, оила, корхона.

Ишлаб чиқариш жараёни – кишилиқ жамиятининг амал қилиши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир

Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши муҳим аҳамият касб этиб, у турли соҳалар, бўлинмалар, яратилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар турларини ифодалайди.

Ҳар қандай ишлаб чиқаришда икки омил — шахсий-инсоний омил ва моддий-ашёвий омил иштирок этади.

Шахсий-инсоний омил — бу меҳнат қилиш қобилиятидан иборат бўлмиш иш кучи ва унинг фаолият қилишидир.

Шахсий-инсоний омил меҳнатга лаёқатли аҳоли, унинг жисмоний ва ақлий қобилияти, билим ва савияси, малака ва маҳоратидир. Ўзбекистонда 2017 йилнинг бошида 32,6 миллион кишини ташкил этди. Бу омил инсоний қобилият бўлгани сабабли инсон шахси билан биргаликда, ундан ажрамаган ҳолда намоён бўлади ва инсон шахсида гавдаланади.

6.2. Ишлаб чиқариш омиллари ва самарадорлиги

Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини англаш учун, энг аввало, ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг таркибий қисмлари билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилувчи барча ресурслар ишлаб чиқариш омиллари дейилади

Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъи назар учта омил: ишчи кучи, меҳнат қуроллари меҳнат предметлари бўлиши шарт.

Ишлаб чиқариш омилларининг моҳиятини янада кенгрок тушуниш учун уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Ишчи кучи деб инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндисига айтилади.

Иш кучи меҳнат қобилиятига эга бўлган кишилар учун хосдир. Аммо иш кучи инсоннинг ўзи эмас ёки унинг меҳнати ҳам эмас, унинг қобилиятидан иборатдир.

Меҳнат қуроллари деб, инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситаларга айтилади.

Буларга машиналар станоклар, тракторлар, қурилмалар, ускуналар ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Меҳнат предметлари эса бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрлайдиган нарсалардир.

Ер, сув, хомашё ва бошқа турли материаллар меҳнат предметининг асосий турларини ташкил этади

Меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари биргаликда ишлаб чиқариш воситалари дейилади.

Бу эса меҳнат жараёнининг табиатидан келиб чиқади; шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш воситалари барча ижтимоий-иқтисодий тизимлар учун хосдир.

Омилларнинг бирикиши туфайли олинган маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот икки турга бўлинади: биринчиси натурал маҳсулот бўлиб, уни ишлаб чиқарувчининг ўзи истеъмол этади. Бу маҳсулот айирбошлаш учун бозорга чиқарилмайди. Масалан, фермер хўжалигида етиштирилган доннинг бир қисми натурал маҳсулот бўлиб, хўжаликнинг ўзида молга ем учун ёки фермер оиласига озиқ-овқат учун ишлатилади; иккинчиси товар шаклидаги маҳсулот бўлиб, ишлаб чиқарувчининг ўз истеъмоли учун эмас, балки бозорда сотиш учун яратилади.

Маҳсулотни бозорда олди-сотди қилиш учун ишлаб чиқариш **товар ишлаб чиқариш** дейилади.

Мана шу товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётининг асосидир. Бозор учун, бозорда сотиш учун чиқарилган маҳсулот ва хизматлар товар дейилади.

Товарнинг икки хил хусусияти бор. Биринчидан, у кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжини қондириб, уларга наф келтиради.

Иккинчидан, у бошқа товарларга алмаша олиш хусусиятига эгаки, бу унинг алмашув қиймати дейилади. Товарнинг яратилишидан тортиб, то у истёъмол этилгунгача бўлган жамики меҳнат сарфи товарнинг қийматини ташкил этади.

Самарадорлик — ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан унга авансланган ресурслар, маблағлар ёки қилинган харажатлар ўртасидаги нисбатидир.

Лекин турли ижтимоий-иқтисодий тизимлар шароитида шу жамиятнинг мақсадидан келиб чиқиб, самарадорлик муаммосининг туб моҳияти ўзгаради. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги сабабли ҳар бир иқтисодий субъект кўпроқ фойда олишга интилади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги олинган фойданинг (Ф) ишлаб чиқаришга сарфланган ресурслар қиймати (ИХ) нисбати билан аниқланади, яъни:

$$P = \Phi / \text{ИХ} \times 100\%$$

Бу ерда, Р — фойда нормаси;

ИХ — иқтисодий ресурс сарфлари.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг манба ва усуллари тавсифловчи умумий иқтисодий қонунлардан бири вақтни тежаш қонуни ҳисобланади.

Вақтни тежаш қонуни — ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиб бориши билан жамият томонидан ҳаётий неъматлар бирлигини яратишга сарфланаётган вақтнинг қисқариб боришини ифодаловчи умумий иқтисодий қонун.

Вақтни тежаш қонуни намоён бўлишининг аниқ шакли бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- 2) машина ва жиҳозлардан фойдаланишнинг яхшиланиши;
- 3) ишлаб чиқариш материал сиғимининг пасайиши;
- 4) хўжалик нисбатларининг оптималлашуви.

Бундан кўринадики, ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири — меҳнат унумдорлигидир.

Меҳнат унумдорлиги деб, ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилиятига айтилади.

У ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (истёъмол қийматининг) сарфланган меҳнат миқдорида нисбати билан белгиланади. Сарфланган меҳнат миқдори эса ишланган вақт билан, киши куни, киши соати ва ҳ.к. билан белгиланади. Агар меҳнат унумдорлигини

МУ, маҳсулотни М билан, сарфланган иш вақтини V билан белгиласак, меҳнат унумдорлиги куйидаги формула билан белгиланади:

$$МУ = M/V$$

Меҳнат унумдорлиги сарфланган жонли меҳнатнинг ҳар бир бирлиги эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан аниқланади.

6.3. Иқтисодий харажатлар, уларнинг таркиби ва турлари

Корхоналарнинг фаолиятига баҳо беришда сотилган маҳсулотларнинг ҳажми, уларга қилинган сарф-харажатлар ва фойда тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Миллий иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш бирликлари, яъни корхона, фирма ўз фаолияти натижаларидан келиб чиқиб, кўпроқ фойда олишга ҳаракат қиладилар. Ҳар қандай корхона оладиган фойда нафақат ўзининг товарини анча юқори нархларда сотишга, балки товар ишлаб чиқариш ва уни сотишга қиладиган харажатларни камайтиришга ҳам интилади.

Товарларни сотиш нархлари асосан корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи шароитлар билан белгиланса, ишлаб чиқариш харажатлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва тайёр товарларни сотиш жараёнларини ташкил қилиш самарадорлигига боғлиқ. Аммо ҳар қандай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун маълум сарф-харажатлар талаб этилади. Ишлаб чиқариш харажларига икки хил ёндшув мавжуд: ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари ва корхона ишлаб чиқариш харажатлари.

Ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари деб – бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун ижтимоий зарурий меҳнатнинг умумий, яъни жонли ва моддийлашган сарфларга айтилади

Улар мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш жамият учун қанчага тушганлигини кўрсатади. Товар ишлаб чиқариш шароитида ижтимоий харажатлар пул шаклида намоён бўлади ва товар қийматига мувофиқ тушади, яъни:

$$w = c + v + m,$$

Бу ерда, w – ишлаб чиқариш харажатлари ёки маҳсулот қиймати; c – истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати; v – ишчи кучи қиймати ёки иш ҳақи; m – қўшимча қиймат.

Корхона ишлаб чиқариш харажатлари деганда, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлар тушунилади:

$$k = s + v.$$

Корхона ишлаб чиқариш харажатлари таркибига хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи ва энергия харажатлари, асосий капитал амортизацияси, иш ҳақи ва ижтимоий суғурта ажратмалари, фоиз тўловлари ва бошқа харажатлар киритилади.

Айтайлик, корхонада бир ой давомида 100 минг дона «А» маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳар бир маҳсулотнинг нархи 1000 сўм. Агар барча маҳсулотлар сотилган тақдирда, корхонанинг бир ойлик пул тушуми 100 млн. сўм (100000×1000) га тенг бўлади.

Одатда ишлаб чиқариш соҳасидаги йирик корхоналар товарларни катта ҳажмда ишлаб чиқариб, уларни савдо воситачиларига улгуржи нархларда сотадилар. Шунга кўра, улар товарнинг улгуржи нархи унинг таннархидан юқори бўлган тақдирда фойда оладилар. Демак, ишлаб чиқарувчи фойдаси (Фич) – бу маҳсулот таннархи (Т) ва улгуржи нархи (Ну) ўртасидаги фарқдан иборат:

$$\text{Фич} = \text{Ну} - \text{Т}$$

Бундан кўринадики, маҳсулот бирлигидан олинадиган фойда иккита асосий омилга боғлиқ бўлади: 1) маҳсулот таннархи даражаси; 2) улгуржи нархлар даражаси.

Таннарх – бу маҳсулотнинг ҳар бир бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларнинг пулдаги ифодасидир

Харажатсиз ҳеч қандай иқтисодий фаолият юз бермайди, бинобарин, фойда топиш ҳам мумкин эмас. Тадбиркорлар орасида «харажатсиз ҳаракатнинг натижаси нолга тенг» деган ҳазил-мутойиба юради. Бу гапнинг тагида чуқур маъно бор. Ишлаб чиқариш албатта ресурсларни талаб қилади, ресурсларни эса ҳеч ким текинга бермайди, уларни тадбиркор сотиб олиши керак.

Фирма ўз фаолиятини юритиш учун ташқаридан ресурслар сотиб олади ва пуллик хизматлардан фойдаланади. Шуниндек, фирма илгари сотиб олинган ресурсларни – бинолар, машина, станок, асбоб-ускуналарни ҳам ишлатади, уларга ҳам илгари харажатлар қилинган. Бундан ташқари, фирма ижара ҳақи, банклардан олган қарзи учун фоиз тўлаб беради. Шу боисдан хара-

жатлар ташқи ва ички харажатларга бўлинади. Ташқи харажатларга иш кучи, хомашё, ёқилғи, энергия сотиб олиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизматлар учун, шунингдек, солиқ учун тўланган пул киради. Бинолар, асбоб-ускуналар, ижара ҳақи ва бошқа сарфларнинг ҳаммаси ички харажатлар ҳисобланади. Харажатларга, булардан ташқари, тадбиркорнинг меъёрадаги фойдаси ҳам киради. Шундай қилиб харажатлар ўзининг келиб чиқиш манбаларига қараб ҳар хил сарфлардан иборат бўлади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилиш ёки қилмаслигига қараб харажатлар доимий ва ўзгарувчи харажатларга бўлинади. (9-чизма).



9-чизма. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариш таъсирига кўра харажатларнинг туркумланиши.

Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига бевосита таъсир этмайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай, ҳатто нолинчи ҳажмида ҳам мавжуд бўлади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилмайдиган харажатлар **доимий харажатлар** дейилади

Бунга корхонанинг тўлов мажбуриятлари, солиқларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган турлари, амортизация ажратмалари, ижара ҳақи, қўриқлаш хизматига тўлов, ускуналарга хизмат кўрсатиш сарфлари, бошқарув ходимларини маоши ва шу кабилар киради .

Ўзгарувчи харажатлар деб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир қиладиган харажатларга айтилади

Унга хомашё, материал, ёнилғи, транспорт хизмати, ишчилар иш ҳақи ва шу кабиларга қилинадиган сарфлар киради.

Доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг йиғиндисига умумий харажатлар дейилади

Иқтисодиётда харажатларнинг умумий миқдори эмас, уларнинг самараси муҳим. Агар харажатларга нисбатан яратилган маҳсулотлар тезроқ ўсса иш самарали бўлади. Шу боисдан ўртача харажатларнинг аҳамияти катта. Ўртача харажат маҳсулот бирлигига сарфланган харажатдир.

Меъёрий харажатлар. Иқтисодиётда меъёрий харажатлар деган тушунча ҳам бор. Меъёрий харажат деганда қўшимча равишда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган қўшимча харажат тушунилади.

Умумий харажатлардаги қисқа муддатли силжишлар фақат ўзгарувчи харажатлар ҳисобига юз беради. Уларни ошириш ёки қисқартириш ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради. Масалан, босмахона китобни кўпроқ босиб чиқариши учун қоғоз, бўёқ, картон, елим, ип ва электр энергияси сарфини кўпайтириши керак. Бунда машиналарни кўпайтирмасдан, уларнинг ишлаш соати оширилади. Сарфларни қисқа вақтда ўзгартириш учун ресурсларни сотиб олиб, корхонага келтиришнинг ўзи кифоя, бу эса узоқ вақт талаб этмайди. Лекин бу йўл билан маҳсулот ҳажмини оширишнинг чеки бор. Фирмалар товарига талаб ошган кезларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун узоқ муддат талаб этадиган ҳам доимий, ҳам ўзгарувчан харажатларни кўпайтириш зарур. Яна босмахона мисолига қайтсак, китобнинг бозори чаққон бўлиб, уни сотишга кўпроқ ташлаш учун ўзгарувчи харажатларни ошириш кифоя қилмайди. Бунинг учун янги цехлар ва омборлар қуриш,

янги ҳарф терадиган, босадиган ва муқовалайдиган машиналарни ўрнатиш керак бўлади. Албатта, узок муддатли ўзгаришлар вақти бир хил эмас. Масалан, янги конни очиб, уни техника билан жиҳозлашга кўп вақт, босмахона учун янги цех куриб, уни жиҳозлашга оз вақт талаб этилади. Унумдорликни ошириш резервлари (ички имконияти) тугагач, унинг пасайишига қараб, харажатлар ортиб боради. Нарх ўзгармаган шароитларда харажатларнинг ортиши фойдани қисқартиради. Фойдани ошириш зарурати эса меҳнат унумдорлигини кўтариш чораларини талаб қилади. Бу чоралар жорий этилгач унумдорлик яна ортиб, харажат пасайишга мойил бўлади. Унумдорликнинг ўзгариши вақти-вақти билан бўлиб турганидан, шунга яраша харажатлар ҳам ўзгариб туради.

6.4. Фойда мазмуни ва тақсимланиши

Тадбиркор фойда бермайдиган ишга қўл урмайди, бинобарин сарф-харажат ҳам қилмайди. Харажат қилиш фойда кўришнинг шартин, воситасидир.

Фойда ишбилармонлик қобилятини ишга солиб, хатарли ишга қўл ургани учун тадбиркорларга тегадиган муқофотдир.

Бироқ корхонанинг пул тушумлари унинг фаолиятининг самарадорлигига баҳо бера олмайди. Чунки, бу пул тушумлари қандай харажатлар эвазига олинганлигини акс эттирмайди. Шунга кўра, пул тушумларининг харажатлардан ажратиб олинган қисми – фойда, муҳим ўрин тутади.

Корхона пул даромадларидан барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмига **фойда** дейилади

Айрим адабиётларда бу иқтисодий фойда деб ҳам юритилади.

Бизнинг мисолимиздаги корхонада «А» маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг бир ойлик харажатлари 60 млн. сўмни ташкил этган бўлсин. У ҳолда корхонанинг бир ойлик фойдаси 40 млн. сўм (100 млн. – 60 млн.) га тенг бўлади.

Фойданинг таркиб топиши икки босқичдан ўтади:

биринчи босқичда фойда ишлаб чиқариш жараёнида янги қийматнинг яратилиш чоғида вужудга келади. Янгидан яратилган

киймат таркибидаги кўшимча киймат фойданинг асосий манбаи ҳисобланади, бироқ у ҳали аниқ фойда шаклида намоён бўлмайди;

иккинчи босқичда ишлаб чиқариш жараёнида яратилган фойда товарларни сотилгандан сўнг олинган пул даромади билан харажатларнинг фарқи кўринишида тўлиқ намоён бўлади.

Демак, товар ва хизматлар сотилганда уларнинг умумий киймати пул даромадларига, ундаги кўшимча маҳсулот эса фойдага айланади. Бундан кўриниб турибдики, фойданинг ҳақиқий манбаи кўшимча маҳсулот ёки кўшимча қийматдир.

Фойданинг ҳам икки тури бор: меъёрий фойда ва иқтисодий фойда табиатан тадбиркорлик фаолияти учун олинadиган ҳақ ҳисобланади ва харажатлар таркибига киради. Товарлар энг паст нархда, яъни харажатга тенг нархда сотилганда ҳам тадбиркор меъёрий фойдани олади, иқтисодий фойда (соф фойда деб ҳам юритилади), микдоран товар ва хизматларни сотишдан тушган пул (даромад) билан харажатлар ўртасидаги фарққа тенг бўлади ва товарлар харажатлардан юқори нархда сотилганда ҳосил бўлади. Иқтисодий фойдани тадбиркор ва унинг шериклари ўзлаштиради.

Соф фойда фирма фаолиятининг умумлашган, якуний кўрсаткичидир. Соф фойдага қараб фирма ишига баҳо берса бўлади. Фойданинг турлари кўп. Фаолият турига кўра ишлаб чиқариш, тижорат (савдо-сотиқ), банк фойдаси кабиларни кўрсатиш мумкин. Ишлаб чиқариш фаолиятида олинadиган фойдадан фарқлироқ, савдо-сотиқ ишларида тижорат фойдаси билан бирга омад фойдаси ҳам бор. Бозордаги нархларнинг ўзгариши туфайли олинadиган фойда омад фойдаси дейилади. Бу фойда харажатларга боғлиқ бўлмайди, уни нархда кутилмаган ўзгаришлар юзага келтиради. Масалан, тўқимачилик фирмаси 2000 тонна пахтани ҳар тоннасига 1400 доллар тўлаб, сотиб олди дейлик. 3 ойдан сўнг пахта нархи 1600 долларга кўтарилди. Демак, фирма 400 минг доллар фойда кўрди, чунки у пахтани олдин сотиб олмаса, кейинчалик уни қимматига олар эди. Товарлар сотилиш нархининг ҳам кутилмаганда ортиб кетиши омад фойдасини беради. Лекин омад фойдаси муҳим эмас, чунки у фирма ишига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли фирмалар ўз ишига боғлиқ бўлган ишдан даромад топиш ва фойда олишни кўзлайдилар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Иқтисодий фаолиятга таъриф беринг?
2. Ишлаб чиқариш омиллари нималардан ташкил топган?
3. Ишлаб чиқариш омилларининг ҳар бирига таърифлар келтиринг?
4. Натурал ишлаб чиқариш нима?
5. Товар ишлаб чиқариш деганда нимани тушунаси?
6. Меҳнат унумдорлиги нима?
7. Ишлаб чиқариш харажатларини қайси таърифларини биласиз?
8. Таннархни тушунтириб беринг?
9. Фойда нима?
10. Самарадорлик тушунчасини изоҳлаб беринг?

ҲҲ БОБ. ИШ ҲАҚИ, АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИ

7.1. Иш Ҳақини ташкил этиш шакллари

Бозор тизимида Ҳамма кўлидан иш келадиганлар, Ҳатто айрим меҳнатга лаёқатсиз деб топилганлар Ҳам, масалан, кўзи ожизлар, карлар ва бошқалар ўзларига маъқул келадиган ишларни бажариб, ўзини-ўзи боқиши керак. Фақатгина ақлий жиҳатдан заиф бўлганлар бундан мустасно.

Бозор механизми кишиларни ўз фаровонликларини тўларок таъминлаш учун яхши ишлашга ундайди. Бозор тизимида ишчилар оладиган иш Ҳақи уларнинг меҳнатидан келадиган даромаддир, яъни ишловчининг қилган меҳнати, унинг миқдори ва натижасига қараб, миллий даромаддан тегадиган қисмидир.

Иш Ҳақи иш кучининг бозор нархи бўлиб, у сотилгандан сўнг ўз эгасига меҳнат даромади шаклида тегади, чунки иш кучи Ҳам товар Ҳисобланади. Унинг бозори мавжуд. Ишчи иш кучини сотади, яъни ёлланиб ишлайди ва иш Ҳақи олади. Капитал эгаси эса фойда олади. Демак, Ҳар бир омил ўз эгасига даромад келтиради.

Иш Ҳақининг мазмуни, моҳияти нимадан иборат эканлигини тушуниб олиш учун энг аввало миллий маҳсулотнинг яратилиши ва тақсимланиши тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлиш лозим. Бу борада турли назариялар мавжуд. Иқтисодиётга онд адабиётларда маҳсулотни “уч омил” яратади деган ғоя мавжуд, яъни миллий маҳсулотни яратишда меҳнат, ер ва капитал қатнашади. Улар Ҳамма даромадлар манбаидир. Бинобарин, даромадлар шу омиллар ўртасида тақсимланиши керак. Умумий тарзда олиб қарасак, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорида иш кучини сотувчи билан уни сотиб олувчи ўртасида келишилган баҳо (нарх) – иш Ҳақидир. Иш Ҳақининг моҳияти Ҳам шунда. Иш Ҳақи иш кучи қийматининг пул шаклидаги нархи бўлиб, уни ишга ёллаганлар меҳнат қилувчиларга маълум вақт мобайнида, маълум миқдордаги ва муайян сифатли ишни бажарганликлари учун тўлайдилар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида иш Ҳақи меҳнат натижаларига қараб тўланар экан, у уч қисмдан иборат бўлади, яъни асосий иш Ҳақи, мукофотлар, қўшимча иш вақти учун тўланадиган Ҳақ. Аммо у Ҳали ишчи кўлига тегадиган Ҳақ эмас, ундан турли тўловлар, солиқлар, суғурта тўловлари, бандлик учун

тўловлар, экология ва бошқа тўловлар чегириб олинади. Қолган қисми иш ҳақини ташкил этади. Умуман иш ҳақи ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, ишламайдиган оила аъзоларини боқиш учун етарли бўлиши лозим, чунки ишчи оиласида бўлғуси меҳнат ресурслари шаклланади. Иш берувчи ва жамият буни ҳисобга олиши зарур.

Иш ҳақи ходимга миллий даромаднинг шахсий истеъмол фонди (зарурий маҳсулот деб аталади) сифатида меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб унга тегадиган қисмидир

Ишчи кучи махсус товар бўлиб, бу меҳнат қилувчидан ажралмаган ҳолда амал қилади, у ҳам бошқа товарлар сингари истеъмол қиймати ва қийматга эга бўлади. Ишчи кучи қиймати бошқа товарлар қийматидан фарқ қилади. У иш кучини такрор ишлаб чиқариш, яъни уни тиклаш ва оиласидаги унинг қарамоғида бўлган, ишламайдиганларни боқиш учун қилинадиган сарф-харажатларни ҳам ўз ичига олади.

Ишчи кучининг истеъмол қиймати ишлаб чиқариш жараёнида унинг ўз қийматидан юқори қиймат яратишида, яъни қўшимча маҳсулот вужудга келтиришида ўз ифодасини топади.

Иш ҳақи пул шаклида ёки натурал шаклда ҳам тўланиши мумкин. У асосан пул шаклида тўланади. Меҳнатнинг миқдори ва сифати турлича бўлганлигидан унинг натижаси ҳам бир хил бўлмайди. Шу сабабли иш ҳақи табақалашган бўлади. Бундан ташқари, ишчиларнинг касбий малакаси, маҳорати, билими, меҳнатга бўлган муносабати турлича бўлиши мумкин. Бу ҳам иш ҳақининг табақалашувига таъсир қилади. Уларни иш ҳақида акс эттириш мақсадида турли тоифалар, разрядлар ва бошқалар қўлланилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи меҳнатни рағбатлантириш ва шахсий манфаатдорлик шаклидир. Иш ҳақи бозордаги меҳнатга талаб ва унинг таклифига ҳам боғлиқдир. Меҳнатга талаб ошса иш ҳақи ошади, пасайганда эса, иш ҳақи пасайса меҳнат таклифи қисқаради. Иш ҳақиға мамлакатдаги ишсизлар сони ҳам таъсир кўрсатади, чунки меҳнат бозорида ҳам рақобат мавжуд.

Иш ҳақи ходимларга икки шаклда тўланади: вақтбай иш ҳақи ва ишбай иш ҳақи.

– **Вактбай иш ҳақи** – ходимнинг ишлаган вақти (кун, ҳафта, ой) ҳисобга олиниб тўланадиган иш ҳақи. Бунга ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш ходимлари, ҳарбийлар, иш жараёни тўхтовсиз давом этадиганлар ва бошқаларни киритса бўлади. Вактбай иш ҳақи ҳозирги вақтда иш ҳақининг асосий шаклига айланмоқда.

– **Ишбай иш ҳақи** – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва сифатига қараб тўланадиган иш ҳақидир. Уни донабай иш ҳақи ҳам дейдилар. Бунда турли коэффициентлар ва тарифлардан фойдаланилади.

Ишчи учун қандай, қайси шаклда ва қанча миқдорда иш ҳақи олиш эмас, балки унга қанча миқдорда товар ва хизматлар сотиб олиш мумкинлиги муҳимдир. Шу боис номинал ва реал иш ҳақи фарқланади. Номинал иш ҳақи деганда бу маълум вақт давомида ишчи олган пул суммаси ёки пул шаклидаги иш ҳақидир.

Масалан, ишчи қайдномага имзо қўйиб, 200 минг сўм олди. Бу унинг номинал иш ҳақидир.

Реал иш ҳақи – бу номинал иш ҳақиға бозордан сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматларнинг миқдоридир ёки номинал иш ҳақининг харид қобилиятидир.

Реал иш ҳақи даражаси паст ёки юқори бўлишига бевосита бир неча омиллар таъсир қилади. Булар жумласига бозордаги нарх, турли солиқли ва солиқсиз тўловлар, инфляция, номинал иш ҳақининг даражаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат муносабатлари катта ўрин тутати. Ишга ёллаш бўйича барча келишувлар, яъни корхона ва ишчилар ўртасидаги муносабатлар меҳнат шартномаси орқали амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси (контракти) – ишга кирувчилар ва ишга олувчилар ўртасида яқка тартибда тузилади ва унда ишнинг мазмуни, иш шароити, иш ҳақи миқдори, иш ҳақи тўлаш тартиби, ҳуллаас, ишловчининг ва иш берувчининг ҳуқуқ-мажбуриятлари аниқ белгиланади. Унда иккала тарафнинг манфаатлари ва мажбуриятлари, маъсулиятлари ўз аксини топади.

Ушбу шартномада иш ҳақи ставкаси, ортиқча ишлагани учун ставка, дам олиш кунлари, танаффуслар, нафақа фонди, соғлиқни сақлаш учун ажратмалар, нархга боғлиқ ҳолда иш ҳақини индексациялаш ва бошқалар баён этилади. Бундан ташқари, иш шароити, техника хавфсизлиги, экологик муҳит ва бошқалар ҳам назарда тутилади.

Меҳнат шартномалари ишлаб чиқариш моҳиятига қараб узоқ муддатга ва қисқа муддатга тузилиши мумкин. Меҳнат шартномалари асосан икки томонлама тузилади, яъни ишчи ва иш берувчи ўртасида. Айрим ҳолларда давлат аралашishi мумкин. Меҳнат муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган айрим муаммоларни ҳал қилишда, масалан меҳнат бозорида меҳнатга бўлган талабни оширишда, иш ҳақини оширишда бандлик масалаларида касаба уюшмалари фаол иштирок этади. Кўпинча ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш улар иштирокисиз амалга оширилмайди.

Иш ҳақи юқори, меҳнат хавфсизлиги яхши бўлган, социал соҳага керакли эътиборни қаратган корхона ва фирмаларда ишчи кучи қўнимсизлиги паст бўлади. Бу корхона учун ҳам, ишчи учун ҳам катта аҳамият касб этади.

7.2. Аҳоли даромадларининг шаклланиши. Турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари

“Даромад” иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у серкирра ва мураккаб мазмунга эга ҳисобланади. Чунки, даромад бир вақтнинг ўзида бирон-бир фаолият натижасида олинган тушумни, пул маблағларини, натурал кўринишида олинган маҳсулотларни, иқтисодий ресурслар келтирувчи нафни ва бошқа тушунчаларни ифодалаши мумкин. Шунингдек, даромад умумий тушунча бўлиб, унинг таркибида аҳоли даромадлари муҳим ўрин тутати.

Аҳоли даромадлари дейилганда уларнинг маълум вақт давомида (масалан, бир йилда) пул ва натурал шаклда олган барча даромадлари миқдори тушунилади.

Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган даромад, нафақа, стипендия шаклидаги барча пул тушумларидан; мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклида олинadиган даромадлардан, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан олинadиган пул маблағлардан иборат бўлади.

Натурал даромад меҳнат ҳақи ҳисобига олинadиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотлардан иборат бўлади.

Жамият аъзоларининг даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга, алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлиғини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириш имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли даромадлари даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар орасида иш ҳақидан ташқари, чакана нарх динамикаси, истеъмолчилик бозорининг товарлар билан тўйинганлик даражаси кабилар муҳим ўрин тутати.

Аҳоли даромадлари даражасига баҳо бериш учун номинал, ихтиёрида бўлган ва реал даромад тушунчаларидан фойдаланилади.

Номинал даромад – аҳоли томонидан маълум вақт давомида олинган пул даромадлари миқдори ҳисобланади.

Ихтиёрида бўлган даромад – шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад. Бу даромад номинал даромаддан солиқлар ва мажбурий тўловлар миқдорида кам бўлади.

Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори. Яъни реал даромад аҳолининг ихтиёрида булган даромаднинг харид қувватини билдиради.

Аҳолининг номинал пул даромадлари турли манбалар ҳисобига шаклланади ва улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига олинадиган даромад;
- давлат ёрдам дастурлари бўйича тўлов ва имтиёзлар шаклидаги пул тушумлари;
- молия-кредит тизими орқали олинадиган пул даромадлари.

Аҳоли турмуш даражаси – аҳолининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси.

Аҳоли турмуш даражасининг БМТ тамонидан тавсия этилган кўрсаткичлари тизими қуйидаги гуруҳ кўрсаткичларини олади:

- яшаш шароитлари ва стандартлари;
- қулай ва замонавий уй - жойлар билан таъминланганлиги;
- кишилар яшаш муҳити ривожланганлиги ва ободонлаштирилганлиги;
- зарурий инфратузилма мавжудлиги ва унинг самараси;
- аҳолининг сифатли истеъмол товарлари, хусусан мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар билан таъминланганлиги.

2015 йилда Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи ва энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами даромадлари ўртасидаги тафовут 8 баробарни ташкил этган. Бу жаҳонда энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, жамиятнинг даромадлар бўйича кескин табақаланишига йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг самарасидир.

Бу асосий кўрсаткичлардан ташқари яна баъзи бир ахборотга оид кўрсаткичлар ҳам ажратиб кўрсатилади: аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад, аҳоли жон бошга тўғри келувчи истеъмол ҳажми ва бошқалар.

Кишилар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар тўплами меҳнат шароити, таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби хилма-хил эҳтиёжларини ўз ичига олади. Кишилар эҳтиёжларини қондириш даражаси жамият аъзоларининг алоҳида олган ва оилавий даромадлари даражасига боғлиқ. Турмуш даражасини мамлакат даражасида (бутун аҳоли учун) ва табақалашган микро-даражада (аҳолининг алоҳида гуруҳи учун) қараб чиқиш мумкин. Биринчи ёндашув турли мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича аниқлаб, қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Аҳоли гуруҳлари бўйича даромадлар тақсимланиши динамикасини таққослаш истеъмолчи бюджети асосида амалга оширилади. Истеъмолчи бюджетларининг бир қатор турлари мавжуд бўлади: Ўртача оила бюджети, юқори даражада таъминланган бюджет, минимал даражада моддий таъминланганлар бюджети, нафақахўрлар ва аҳоли бошқа ижтимоий гуруҳлари бюджети шулар жумласидандир.

Фаровонликнинг энг қуйи чегарасини оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, даромаднинг бундан паст даражасида ишчи кучини такрор ҳосил қилишни таъминлаб бўлмайди. Бу даража моддий таъминланганлик минимуми ёки кун кечириш даражаси (қашшоқликнинг бошланиши) сифатида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўртача даромад (ўртача синф) деб аталадиган табақалар даромадлари бўйича аниқланади. Бундай гуруҳ истеъмол савати тўпламига уй, автомашина, дала ҳовли,

замонавий уй жиҳозлари, сайр қилиш ва болаларни ўқитиш имконияти, қимматли қоғозлар ва зеб-зийнат буюмлари киради.

Бозор иқтисодиёти аҳолининг юқори таъминланган ёки (бой) қатламининг мавжуд бўлишини тақозо қилиб, уларга аҳолининг юқори сифатли товар ва хизматлар харид қилишга лаёқатли бўлган жуда оз миқдори киради. АҚШда аҳоли бу қисмининг шахсий даромадлари 8-10 млн. доллар миқдорида баҳоланади.

Турмуш даражаси кишиларнинг турмуш тарзи билан узвий боғлиқ. Турмуш тарзи – бу кишилар (жамият, ижтимоий қатлам, шахс)нинг миллий ва жаҳон ҳамжамиятидаги ҳаёт фаолияти тури ҳамда усуллари акс эттирувчи ижтимоий-иқтисодий категория. Турмуш тарзи инсон ҳаёт фаолиятининг турли жиҳатларини қамраб олади, яъни:

- меҳнат, уни ташкил этишнинг ижтимоий шакллари;
- турмуш ва бўш вақтдан фойдаланиш шакллари;
- сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш;
- моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш шакллари;
- кишиларнинг кундалик ҳаётдаги хулқ-атвори меъёрлари ва қоидалари.

Дунёдаги барча мамлакатлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар даражаси билан бир-биридан кескин фарқланади.

Ялпи даромаднинг аҳоли гуруҳлари ўртасида тақсимланишини тавсифлаш учун аҳоли даромадлари тенгсизлиги индекси (Джини коэффиценти) кўрсаткичи қўлланилади. Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса (яъни 1,0 га яқинлашса), тенгсизлик шунча кучли бўлади. Жамият аъзолари даромадлари тенглашиб борганда, бу кўрсаткич нолга интилади.

Даромадлар тенгсизлигида катта фарқлар мавжуд бўлиши бозор тизимида асосланган иқтисодиётнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқади. Бизнинг республикада ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даромадлар тенгсизлиги муаммосини кескинлаштиради. Бу ерда асосий ролни мол-мулкка (уй-жой, кўчмас мулк, акция ва бошқалар) эга бўлиш омили ўйнай бошлайди. Даромадларнинг табақаланиш жараёни етарли даражада тез боради, минимал даражадан бир неча ўн барабар юқори даромадга эга бўлган ижтимоий қатлам шаклланади.

Даромадлар тенгсизлиги даражасини миқдорий аниқлаш учун жаҳон амалиётида Лоренц эгри чизигидан фойдаланилади.

Тенгсизлик меҳнатга рағбатни туғдиради ва самарадорликнинг ўсишига олиб келади.

Швейцария иқтисодчиси, профессор Вилфредо Парето даромадлар тақсимланишини тадқиқ қилиб, куйидаги хулосага келди: Энг кам даражада даромад оладиганлар аҳолининг камчилигини ташкил этар экан. АҚШда ана шу табақа улуши ҳамма аҳолига нисбатан 13,5%ни ташкил этади. «Энг юқори даромад оладиганлар ҳам унча кўп эмас. Улар ҳам 5-20%ни ташкил этади. Даромадларнинг асосий қисми ўрта ҳол синфларга тўғри келади. Жамият доимо ўрта синфларга таянади. Даромадларнинг тақсимланишидаги бу боғланиш иқтисодиёт назариясида **Парето қонуни** деб юритилади.

Аҳолининг турмуш фаровонлиги даражаси «Турмуш сифати индекси»да ўз ифодасини топади. Турмуш сифати кўплаб омиллар таъсирида шаклланади.

Турмуш сифатининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар:

- аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва маиший хизматлар билан таъминланганлиги;

- аҳоли даромадлари даражаси ва бандлик даражаси;

- аҳолининг саломатлиги ҳолати ва соғлиқни сақлаш ва тиклаш имкониятининг мавжудлиги;

- инфляция даражаси ва сиёсий барқарорлик;

- таълим олиш имконияти;

- маънавий муҳитнинг ривожланиши ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;

- табиий муҳитнинг ҳолати;

- аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги.

Турмуш сифати индекси энг юқори мамлакатлар Япония, Канада, Норвегия, Швейцария, АҚШ бўлиб, республикаимиз ҳозирча дунё мамлакатлари ичида 80-ўринда туради.

7.3. Ўзбекистонда давлатнинг ижтимоий сиёсати ва унинг йўналишлари

Давлатнинг ижтимоий сиёсати табақаланган солиқ солиш йўли билан муайян марказлашган даромадларни шакллантириш ва уларни аҳоли турли гуруҳлари ўртасида бюджет орқали қайта тақсимлашдан иборат. Давлат даромадларини қайта тақсимлашда ижтимоий тўловлар билан бирга бозор нархларининг ўзгариш

(масалан, фермерларга нархларни кафолатлаш) ва иш ҳақининг энг кам даражасини белгилаш усулларидан фойдаланилади.

Ижтимоий тўловлар — кам таъминланганларга пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, улар кишиларнинг иқтисодий фаолиятда қатнашиши билан боғлиқ бўлмайди. Ижтимоий тўловларнинг мақсади жамиятдаги муносабатларни инсонпарварлаштириш ҳамда ички талабни мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Аҳоли реал даромадлари даражасига инфляция сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим вазифаси истеъмол товарлари нархларининг ўсишини ҳисобга олиш ва даромадларни **индексациялаш**, яъни номинал даромадларни нархлар ўсишига боғлиқликда ошириб бориш ҳисобланади.

Шахсий даромадни ҳимоя қилишда ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши аҳоли камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Амалий ҳаётда кашшоқликнинг ўзи ҳаёт кечириш минимуми ёрдамида аниқланади. Бу ижтимоий ва физиологик (жисмоний) минимумида ифодаланади. Ижтимоий минимум жисмоний эҳтиёжларни қондиришнинг минимал меъёри билан бирга ижтимоий талабларнинг минимал ҳаракатларини ҳам ўз ичига олади. Физиологик минимум эса фақат асосий жисмоний эҳтиёжларни қондиришни кўзда тутди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қисми аниқлашда турли хил мезонлар асос қилиб олинади. Улар жумласига даромад даражаси, шахсий мол-мулк миқдори, оилавий аҳволи ва шу кабилар киритилади.

Ижтимоий сиёсат — бу давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни юмшатишга ва бозор иқтисодиёти қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсатдир

Республикада бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий сиёсат аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилади ҳамда алоҳида йирик йўналишларда амалга оширилади. Бу йўналишлар Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбе-

кистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” китобида тўлиқ баён қилиб берилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг асосий йўналиш – бу нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг кадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади. Бунда республиканинг ўзига хос ёндашуви ишлаб чиқилиб, даромадлар нисбатини ўзгартириш, иш ҳақи пенсиялар, стипендияларнинг, жамғарма банклардаги аҳоли омонатлари ставкаларининг энг оз миқдорини бир вақтнинг ўзида қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади. Даромадлар нисбатини ўзгартиришда 1993 йил жорий этилган янги ягона таъриф сеткаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу барча тоифадаги одамларнинг меҳнат ҳақи миқдорларини таъриф коэффициентлари орқали, энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг иккинчи йўналиши – ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўлди. Бунга эришишда муҳим маҳсулотлар экспортини божхона тизими орқали назорат қилиш ва уларга юқори бож тўловлари жорий этиш, кундалик зарур товарларни меъёрланган тарзда сотишни ташкил қилиш каби тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий валюта жорий этилиши билан озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан воз кечиш эркин нархларга ўтиш имкониятини яратди.

Иқтисодий ислохотларнинг илк босқичида ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг учинчи йўналиши – аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилганлиги бўлди. Бу йўналишда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари – пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли oilалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар ҳамда бошқа кам миқдорда даромад олувчи кишилар турли хил йўллар билан ҳимоя қилиб борилди.

Ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимида ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш – ижтимоий сиёсатни амалга оширишга, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришда сифат жиҳатдан янги босқич бошланишини билдиради.

Янгиланган ижтимоий сиёсат адолат тамойиллари изчиллик билан риюя қилишга асосланиб, ижтимоий кўмаклашишнинг мавжуд усуллари ва пул билан таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Бу сиёсат ижтимоий ҳимоянинг аниқ мақсади ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб олишни кўзда тутди. Ёрдам тизими фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатан қўлланилиб, шу мақсад учун давлат манбалари билан бир қаторда, меҳнат жамоалари, турли ташкилот ҳамда жамғармаларнинг маблағларидан ҳам фойдаланилади.

Ижтимоий кўмаклашишнинг янги тизимида болалар ва кам даромадли оилалар ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар ҳисобланиб, улар учун ҳамма нафақа ва моддий ёрдамлар фақат маҳалла орқали етказиб берилади. Шу мақсадда маҳаллаларда бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил қилинди.

Ижтимоий кўмаклашишнинг янги тизими меҳнатга рағбатлантирадиган омиллар ва воситалар янги тузилмаси пайдо бўлишини ҳам тақозо қилади. Шундай қилиб ислохотлар даврида давлат аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз меҳнат фаолияти орқали оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи кишилар учун шароит ва қулай имконият яратишга ҳаракат қилади. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бунинг яққол далилидир.

Мамлакатимиз аҳолиси пул даромадларининг ошиб бориши ўз навбатида улар турмуш шароити ва сифатининг босқичма-босқич яхшиланиб боришига замин яратмоқда. Бу эса, ўтган даврда қатор ижобий ўзгаришларни қўлга киритиш имконини берди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича тўртинчи устувор йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган. Унда аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш мақсадида:

– аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилаларни ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиши даражасини янада қисқартириш;

– бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақаларнинг ҳажмини инфляция суръатларига нисбатан жадал миқдорда босқичма-босқич ошириш;

– янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфраструктурасининг мутаносиблиги ва ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартириш;

– меҳнатга қобилиятли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини ошириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтиришга катта аҳамият берилган.

Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 2016 йилда 32 мингтага яқин ёки 2015 йилга нисбатан 18 фоизга кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинишига туртки бўлди. Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди. Ижобий таркибий ўзгартиришлар ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари туфайли аҳолининг реал даромадлари 11 фоизга ошди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 15 фоизга, пенсия ва ижтимоий нафақалар – 12,1 фоизга, аҳоли жон бошига реал даромадлар – 11 фоизга ўсди, 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан 438,5 минг коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида она ва боланинг саломатлигини муҳофаза қилишни кучайтириш, соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлодни шакллантириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 8 триллион сўм ва 212 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Аҳоли даромадларининг таркибини қандай изоҳлайсиз?
2. Аҳоли номинал пул даромадларининг асосий манбалари нималардан иборат?

3. Аҳолининг турмуш даражаси тушунчасини қандай изоҳлайсиз?

4. Бозор иқтисодиётида аҳоли даромадлари тенгсизлигининг табиийлигини тушунтиринг.

5. Аҳоли номинал ва реал даромадлари қандай фарқланади?

6. Даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи қандай омилларни биласиз?

7. Давлатнинг ижтимоий сиёсати қандай мақсадларга қаратилади?

8. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган сиёсатнинг қандай асосий йўналишлари белгиланган?

9. Аҳолининг реал даромадларини ошириш тадбирлари нималардан иборат?

10. Аҳоли даромадидаги тенгсизлик жамиятнинг ижтимоий-сиёсий соҳаларида маълум зиддиятларни келтириб чиқарадими?

VIII БОБ. РАҚОБАТ НАЗАРИЯСИ

8.1. Рақобат ва унинг иқтисодий мазмуни

Рақобат бозор иқтисодиётининг ва товар ҳўжалигининг энг муҳим белгиси, уни ривожлантириш воситаси ҳисобланади.

Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш учун унга турли томондан ёндашиш талаб этилади. Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасидаги рақобат товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Бунда улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, хомашё ва материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашади. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат пировардида истеъмолчиларни ўзига жалб этиш учун курашни ҳам англатади.

Ресурсларни етказиб берувчилар ўзларининг иқтисодий ресурсларини (капитал, табиий ресурслар, ишчи кучи) юкори нархларда сотиш учун рақобатлашадилар. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат бозор муносабатлари ривожланган, иқтисодиёт тўлиқ эркинлашган шароитда ёрқин намоён бўлади.

Рақобат истеъмолчилар ўртасида ҳам юз беради: улар товарларни қулай ва арзон нархларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидорлар ҳар бир сарфлаган пул бирлиги эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлишга ҳаракат қиладилар. Истеъмолчилар арзон ва сифатли товарни сотиб олиш учун ўзаро курашадилар.

Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юкори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади

Чизмадан кўринадики, ишлаб чиқарувчилар сарфланган харажатларнинг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш мақсадида рақобатлашадилар. Фойда орқасидан қувиш натижасида улар орасида товарларни сотиш доираларини кенгайтириш, қулай

бозорлар, арзон хомашё, энергия ва ишчи кучи манбаларига эришиш учун кураш боради.

Ўз навбатида, харидорлар, яъни истеъмолчилар сарфлаган ҳар бир сўм харажати эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашадилар, уларнинг ҳар бири арзон, сифатли товар ва хизматларга эга бўлишга ҳаракат қилади.



10-чизма. Рақобат иштирокчиларининг асосий мақсадлари.

Ишлаб чиқарувчиларнинг фаолият кўрсатувчи тадбиркор ва мулк эгаси сифатида эркин ва мустақил бўлиши рақобатнинг иқтисодий асосини ташкил этади. Чунки ҳар бир мулк эгасининг ўз манфаати бўлиб, улар шу манфаатга эришиш учун интилади. Мулк эгасининг товар ишлаб чиқариш ва бошқа барча соҳалардаги фаолияти шу манфаатга бўйсундирилган бўлади. Бу жиҳатдан қараганда, рақобат эркин иқтисодий фаолият юритувчи субъектлар манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлишини аниқ тавсифлайди. Рақобат мавжуд бўлишининг бошқа шарти – товар-пул муносабатларининг маълум даражада ривожланган бозор тизимида амал қилишидир.

Рақобатнинг мазмуни унинг вазифаларини кўриб чиқиш орқали янада кенгроқ намоён бўлади.

Ҳозирги бозор иқтисодиётида рақобатнинг қуйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Тартибга солиш вазифаси.
2. Ресурсларни жойлаштириш вазифаси.

3. Инновацион вазифа.
4. Мослаштириш вазифаси.
5. Таксимлаш вазифаси.
6. Назорат қилиш вазифаси.

Рақобатнинг тартибга солиш вазифаси – ишлаб чиқаришни талаб (истеъмол)га мувофиқлаштириш мақсадида таклифга таъсир ўтказишдан иборат. Айнан шу вазифа ёрдамида иқтисодиётда таклифнинг талаб орқали, ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмининг яқка тартибдаги ва ижтимоий эҳтиёжлар орқали белгиланишига эришилади, яъни иқтисодиёт бозор қонунлари асосида тартибга солинади.

Рақобатнинг ресурсларни жойлаштириш вазифаси – ишлаб чиқариш омилларини улар энг кўп самара берадиган корхона, ҳудуд ва минтақаларга оқилона жойлаштириш имконини беради.

Рақобатнинг инновацион вазифаси – фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланувчи ҳамда бозор иқтисодиёти субъектларининг ривожланишини тақозо этувчи турли кўринишдаги ангиликларнинг жорий этилишини англатади.

Рақобатнинг мослаштириш вазифаси – корхона (фирма)ларнинг ички ва ташқи мухит шароитларига рационал тарзда мослашишига йўналтирилган бўлиб, уларнинг шунчаки ўзини-ўзи сақлаб, иқтисодий жиҳатдан банкрот бўлмасликдан ҳўжалик фаолияти соҳаларининг экспанцияси (кенгайиши)га ўтишини билдиради.

Рақобатнинг таксимлаш вазифаси – ишлаб чиқарилган неъматлар ялпи ҳажми (ялпи ички маҳсулот)нинг истеъмолчилар ўртасида таксимланишига бевосита ва билвосита таъсир ўтказди.

Рақобатнинг назорат қилиш вазифаси – бозордаги баъзи иштирокчиларнинг бошқа бир иштирокчилар устидан монополистик ҳукмронлик ўрнатишига йўл қўймасликка йўналтиради.

Рақобат курашининг мазмуни тўғрисида тўлароқ тушунчага эга бўлиш учун унинг асосий шакллари ва белгиларини кўриб чиқиш зарур. Ўз миқёсига кўра рақобат икки турга – тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

Тармоқ ичидаги рақобат товар ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, қўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Ҳар бир тармоқдаги мавжуд корхоналарнинг техника билан таъминланиш ва меҳнат унумдорлиги даражалари турлича бўлганлиги сабабли, ушбу корхо-

наларда ишлаб чиқарилган товарларнинг индивидуал (алоҳида) қиймати бир хил бўлмайди.

Тармоқ ичидаги рақобат товарларнинг ижтимоий қийматини, бошқача айтганда, бозор қийматини аниқлайди ва белгилайди. Бу қиймат, одатда, ўртача шароитда ишлаб чиқарилган ва муайян тармоқ товарларининг аҳамиятли қисмини ташкил этадиган товарларнинг қийматига мос келади.

Тармоқ ичидаги рақобат натижасида техника даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар қўшимча фойда оладилар ва аксинча, техника жиҳатидан ночор корхоналар эса ишлаб чиқарилган товар қийматининг бир қисмини йўқотадилар ва зарар кўрадилар.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат капиталларнинг фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар ҳам кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Шу асосда, нархлар пасая бошлайди. Шу билан бирга, фойда нормаси ҳам пасаяди. Кам фойда келтирувчи тармоқлардан муайян миқдордаги капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, товарларга бўлган талаб уларнинг таклифидан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан бирга фойда нормаси ҳам ошади. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишда маълум динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу мувозанат капитал қаерга сарфланганлигидан қатъи назар, тенг капитал учун тенг фойда олинишига интилишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро рақобат капитал қайси тармоққа киритилмасин, худди шу тармоқ фойда нормаларини ўртача фойда нормасига «бараварлаштиради» ва талаб билан таклиф ўртасида мувозанат юзага келишида муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодий адабиётларда бир тармоқ ичидаги рақобатнинг тўртта шакли алоҳида ажратиб кўрсатилади: соф рақобат, соф монополия, монополистик рақобат ва олигополия.

Соф рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлади. Юқори даражада ташкил қилинган бозорда кўплаб сотувчилар ўзларининг

махсулотларини таклиф қиладилар. Айни пайтда, ушбу махсулотнинг харидор ва истеъмолчилари сони ҳам жуда кўп бўлади.

Соф рақобатли бозорда алоҳида корхоналар махсулот нархи устидан назорат ўрната олмайди ёки назорат сезиларсиз даражада бўлади, чунки ҳар бир корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажми унча катта бўлмайди. Шу сабабли, алоҳида корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки камайиши умумий таклифга, демак, махсулот нархига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Соф рақобат шароитида янги корхоналар тармоққа эркин кириши, тармоқда мавжуд бўлган корхоналар эса уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Хусусан, янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли бозорда махсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Соф монополияда тармоқ битта фирмдан иборат бўлганлиги сабабли, у мавжуд махсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва яккахукмронлик шаклланади.

Монополия шароитида фирма нарх устидан сезиларли назоратни амалга оширади. Бунинг сабаби оддий бўлиб, у махсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва таклифнинг умумий ҳажми устидан назорат қилади.

Монополистик рақобат ўз ичига ҳам монополия, ҳам рақобат унсурларини олади. Бунда тармоқдаги бир турдаги махсулотнинг ўнлаб ишлаб чиқарувчилари бир-бирлари билан қулай нарх ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш борасида рақобатлашадилар. Бироқ айни пайтда, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз махсулотини табақалаштириш, яъни шу турдаги бошқа махсулотлардан қайси бир жиҳати (сифат даражаси, шакли, қадокланиши, сотиш шароитлари ва ҳ.к.) бўйича фарқлантириш орқали унинг монопол ишлаб чиқарувчисига айланади.

Олигополия – тармоқда у қадар кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши ва ҳукмронлик қилишидир. Бу олигополиянинг энг муҳим белгисидир. Қайси товарлар ва хизматлар бозоридан нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилса, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

Олигополистик тармоқ бир хил ёки табақалашган махсулот ишлаб чиқариши мумкин. Кўпчилик саноат махсулотлари – пўлат, мис, алюминий, кўрғошин, темир ва шу кабилар физик маънода бир турдаги махсулотлар ҳисобланади ва олигополия шароитида ишлаб

чиқарилади. Истеъмом товарлари – автомобиллар, кир ювиш воситалари, сигаретлар, маиший электр буюмлари ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар табақалашган олигополия ҳисобланади.

Олигополия шароитида корхоналар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг нарх сиёсатини мустақил ўзгартиришга ботина олмайди.

Биз қараб чиққан рақобатнинг тўртта шаклининг ҳар бири миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни соф ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини батафсил ўрганиш, ҳар хил рақобатли вазиятлар мавжудлиги шароитида иккита бир хил тармоқни топиш қийинлигини кўрсатади.

Ҳозирда турли даражадаги монополистик тузилмалар ривожланиб бориши билан улар ўртасидаги рақобатнинг шакллари ҳам турли кўринишларда намоён бўлиб бормоқда. Масалан, турли монополлашув даражасидаги тузилмалар ўртасида мавжуд бўлишига кўра рақобатнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Монополлашмаган корхоналар ўртасидаги рақобат.
2. Монополиялар ҳамда монополистик бирлашмаларга кирмаган ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат.
3. Турли монополиялар ўртасидаги рақобат.
4. Монополистик бирлашмалар ичидаги рақобат.

Шунингдек, иқтисодий адабиётларда фирром ва ҳалол рақобатлашув усуллари ҳам ажратиб кўрсатилади.

Рақобатлашувнинг ноанъанавий, жамият томонидан эътироф этилмаган, ижтимоий ахлоқ қоидалари доирасидан четга чиқувчи, ноиқтисодий (яъни жисмоний куч ишлатиш, мажбурлаш, рақибларнинг обрўсига путур етказиш ва х.к.) усулларида фойдаланиш **фирром рақобат** деб юритилади.

Фирром рақобат орқали фирмалар ўз рақибларининг тармоққа кириб келишини тажовузқорона ва шафқатсиз бартараф қилиши мумкин. Банкларни, моддий ресурс таъминотчиларини кредит ва материаллар етказиб беришдан воз кечишга мажбурлаш, етакчи мутахассисларни оғдириб олиш, нархни кескин пасайтириш фирром рақобатнинг оддий усуллари дир.

Ҳалол рақобат – рақобат курашида жамият томонидан тан олинган иқтисодий усулларни қўллаш, ўзининг мақсад ва ман-

фаатларига эришишда умумжамият манфаатларига зид келувчи ҳолатларни қўлламаслик каби қоидаларга асосланади.

Шу ўринда ҳалол рақобатнинг қуйидаги белгиларини ҳам кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- қалбаки беллашув, мажбурий сафарбарликни тан олмайди;
- боқимандалик, бепарқлик, юзакичилик, кўзбўямачилик каби салбий ҳолатларга барҳам беради;
- қариндош-уруғчиликни, ошна-оғайнигарчиликни, таниш-билишликни, маъмурий-буйруқбозликни тан олмайди.

8.2. Рақобат усуллари

Рақобат курашининг икки усули фарқланади: нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат.

Нарх воситасида рақобатлашувда курашнинг асосий усули бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархини бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай маҳсулотлари нархига нисбатан пасайтириши ҳисобланади.

Унинг асосий ва энг кўп қўлланиладиган кўриниши – «нархлар жанги» деб аталадики, бунда йирик ишлаб чиқарувчилар рақиблиарини тармоқдан сиқиб чиқариш учун нархни вақти-вақти билан ёки узоқ муддат пасайтириб туради. Бу усулни қўллаш учун ишлаб чиқарувчи бошқа рақиблиарига қараганда унумлироқ технологияни киритиши, малакалироқ ишчиларни ёллаши ва ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилиши керак бўлади. Фақат шундагина товарнинг индивидуал қиймати бозор қийматидан паст бўлиб, ишлаб чиқарувчига мазкур товар нархини пасайтириш имконини беради.

Нарх воситасида рақобатлашиш усулларида бири – демпинг нархларни қўллашдир. Бунда миллий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг товарларини бошқа мамлакатларга ички бозордаги нархлардан, айрим ҳолларда таннархидан ҳам паст бўлган нархларда сотади. Шу орқали улар ички бозорда нархларнинг барқарорлигига эришиш, мамлакатдаги ортиқча маҳсулотни йўқотиш, янги бозорларга кириб олиш ва унда ўзларининг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

Айрим ҳолларда нарх ёрдамида рақобатлашишнинг белгиланган нархлардан чегирма қилиш, асосий харид қилинган товар-

ларга бошқа товарларини кўшиб бериш; муайян ҳолларда имтиёзли нархларни белгилаш каби усулларида ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда нарх ёрдамида рақобат қилиш ўз ўрнига эга эмас, чунки ишлаб чиқарувчилардан бирини ўз маҳсулотининг нархини пасайтириши унинг рақобатчиларининг ҳам шундай ҳаракат қилишига олиб келади. Натижада, фирмаларнинг бозордаги мавқеи ўзгармай, фақат тармоқ бўйича фойда ҳажмини камайтиради.

Нархсиз рақобат шу билан тавсифланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрў-эътибори ҳисобланади.

Нархсиз рақобат билан бир вақтда яширин нарх ёрдамидаги рақобат ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда янги товарлар сифатининг ошиши ва истеъмол хусусиятларининг яхшиланиши улар нархларининг ошишига қараганда тез рўй беради. Ҳозирги даврда бир турдаги маҳсулотларнинг кўпайиши уларнинг сотишни рағбатлантирувчи реклама, товар белгилари ва фабрика муҳрларидан фойдаланишни келтириб чиқармоқда. Истеъмол бозорларида кўшимча хизмат кўрсатиш орқали харидорларни ўзига жалб қилиш кенг тарқалмоқда.

Нархсиз рақобатнинг **товар сифатини табақалаштириш** каби усули ҳам мавжудки, бунда товарлар бир хилдаги эҳтиёжни қондириши ва бир турга мансуб бўлиши, лекин турли-туман истеъмол хоссаларига эга бўлиши мумкин.

Товарлар талабга нисбатан ортиқча бўлган шароитда ишлаб чиқарувчилар **товарларини кредитга сотиш** усулидан фойдаланиб, рақибларидан устун келишлари мумкин. Бунда дастлаб товар нархининг фақат бир қисми тўланади, унинг қолган қисми эса шартномада келишилган аниқ муддатларда тўланади.

Фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги шароитда, техника ва технологиянинг энг янги ютуқлари устидан назорат қилиш учун кураш рақобатнинг асосий усулларида бирига айланиб бормоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар харидорларни жалб қилиш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишни амалга оширмоқдалар. Масалан, компьютер ишлаб чиқарувчи фирма ўз маҳсулотини шунчаки сотиш билан чекланмасдан, балки уни ўрнатиб бериш, корхона ходимларини компьютердан

фойдаланишга ўргатиш, кафолатланган муддатда ва ундан кейинги даврда таъмир ишларини бажариш, техникавий хизмат кўрсатиш кабиларни ҳам амалга оширади.

Нархсиз рақобат усуллари ичида **маркетинг** муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини талабга мослаштирувчи тадбирлар тизимидан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида талабни яхши ўрганган ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ кондир аладиган корхоналар ҳар доим рақобат курашида ютиб чиқади.

Йирик ишлаб чиқарувчилар бозордаги вазиятни ўзгартириш учун ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни камайтириб товар таклифини қисқартиради. Шу сабабли, иқтисодий беқарорлик давларида ҳам нарх барқарорлигича қолаверади.

Шундай қилиб, монополиялар ҳукмрон бўлган шароитда нархсиз рақобат муҳим ўрин тутати. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, монополиялар товар сифатини ошириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш йўли билан сотиладиган товар ҳажмини кўпайтириши мумкин. Иккинчидан, улар молиявий жиҳатдан кучли бўлганлиги сабабли маҳсулотини янгилаш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва рекламага зарур бўлган маблағни сарфлай оладилар.

8.3. Рақобат муҳити ва стратегияси

Рақобат муҳитининг юзага келиши ва амал қилиши учун маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлишини тақозо қилади. Бу шарт-шароитлар фақат бозор иқтисодиёти муносабатлари қарор топган муҳитда юзага келиши мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айна вақтда рақобатчилик муҳитининг шаклланишини билдиради.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш, рақобат муҳитини юзага келтириш ва уни ривожлантириш зарурияти туғилди. Ушбу масала 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Товарлар бозорларидаги монополистик фаолиятни тиклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топди.

Ушбу қонун асосан иккита мақсадни кўзда тутати:

Биринчиси – мавжуд ва сақланиб қолаётган монопол корхоналар томонидан бозордаги ҳукмронлик мавқеини суиистеъмол қилишларига йўл қўймаслик ва бунинг олдини олишни кўзловчи

аввалги қабул қилинган қонунлардан тубдан фарқ қилувчи янги монополияга қарши тартибни ишга солиш.

Иккинчиси – янада муҳимроғи – бу монополиядан чиқариш ва соғлом соф рақобат муҳитини яратиш. Рақобат муҳитининг шаклланишига хусусийлаштириш жараёни самарали таъсир қилиши учун бу тадбир катта корхоналарни рақобатга қодир алоҳида тизимларга бўлиш орқали монополиядан чиқариш билан қамраб олиб борилиши керак.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим жиҳатлари – бу бозор иқтисодиётининг энг асосий элементларидан ҳисобланган рақобатни ривожлантириш, монопол ва устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотлари ва хизматларининг сифати ҳамда кафолатини кучайтириш, уларнинг нархлари (тарифлари) муқобиллигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг харид талабини қондириш орқали макроиқтисодий кўрсаткичларни оширишга қаратилганлигидир. Бу эса давлат томонидан монопол мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таркибий ўзгартириш ва соғлом рақобат муҳитини яратишга йўналтирилган комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши ва албатта қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этади. Республикаимизнинг Биринчи Президенти И.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” номли маърузасида кўрсатилган вазифаларидан келиб чиқиб, 2012 йил 6 январда “Рақобат тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг асосий мақсади товар ва молия бозорларидаги рақобатга доир муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Қонуннинг мазмун-моҳияти шу билан изоҳланадики, унда товар ва молия бозорларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга қарши ҳаракатларини, инсофсиз рақобатни чеклашга ҳамда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ғайриқонуний ҳаракатларига йўл қўймасликка қаратилган рақобатга доир давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли органи белгиланган. Шунингдек, қонунда рақобатга қарши ҳаракатларни таъқиқлашнинг ҳуқуқий нормалари белгиланган бўлиб, бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқеини суиистеъмол қилиш, рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини тузиш, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти орган-

ларининг ҳужжатлари (ҳаракатлари) ҳамда инсофсиз рақобат таъқиқланган. Бундан ташқари, танлов (тендер) ва биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар, ҳўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, қўшиб юбориш ва бирлаштиришга доир ҳамда акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олишдаги монополияга қарши талаблар киритилиб, ушбу ҳаракатларни амалга оширишда монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиш тартиби белгиланган.

“Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида, ушбу қонун товар ва молия бозорларида рақобатга доир муносабатларни ҳуқуқӣ тартибга солишнинг очиқ-ошқоралиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда қонунчиликдаги мавжуд камчилик ва номутаносибликларни, шунингдек, монополияга қарши тартибга солишдаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга имкон берди. Шу билан бирга, рақобатни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш ҳамда кичик бизнес ва хусусӣ тадбиркорлик субъектлари учун қулай бизнес муҳитини яратиш, ҳар хил бюрократик аралашувларни бартараф этиш, эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва шартлари бажарилишини таъминлади. Бундан ташқари, эркин бозор иқтисодиёти механизмларининг янада самарали ишлашига, истеъмолчилар ва ушбу бозорнинг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқӣ ҳимоясини кучайтиришга, товар ва молия бозорларидаги муносабатларнинг янада либераллашувига, товар ва молия бозорларида рақобатга оид таъсирчан давлат сиёсатини амалга ошириш имкониятини яратди.

Иқтисодиётда монополлашув принципларининг кучайиб бориши рақобатни чеклайди. Шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади. Бу эса, давлатнинг монополияга қарши рақобатни ривожлантириш сиёсатида ўз аксини топади. Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини ривожлантиришда аниқ вазиятни, иқтисодиётнинг монополлашув даражаси, унинг миқёси ва характерли ҳолати, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш ҳамда уни сақлаб қолиш зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усулларини қарор топтиришга қаратади.

Режали ва буйруқли иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда, шу жумладан бизнинг мамлакатимизда соғлом рақобатга шарт-шароит ҳозирлиги, иқтисодӣ субъектларнинг мустақиллигини кенгайтириш орқали уларни рақобатчиликка жалб қилишга қаратилган чора-тадбирларининг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлатнинг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчиликнинг бошқа шакллари вужудга келтириш асосий ўрин тутди.

Биринчидан, хусусийлаштириш натижасида бериладиган мулк ўз эгалари қўлига топширилади.

Иккинчидан, кўп укладли иқтисодий ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли – рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан нодавлат, турли хўжалик шакллари мавжудлигига асосланган ва иложи борича эркин рақобатни тақозо қилувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало мустақил товар ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлишини тақозо қилади, чунки рақобатнинг асосий шарти алоҳидалашган, мулкий масъулият асосида ўз манфаатига эга бўлган ва тадбиркорликни ўз зиммасига олган эркин хўжалик субъектларининг мавжудлигидир. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш Биринчи Президентимиз И.Каримов таъкидлагандек: «Иқтисодиётни эркинлаштириш – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишни англатади». Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни (1996 й.) фирмом рақобатга йўл қўймаслик, республика бозорларини белгиланган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотлардан (контрабанда товарларидан) ҳимоялаш кабиларга ёрдам беради. Рақобат бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим хусусияти. Унинг юзага келиши учун маълум шарт-шароитлар муҳайё бўлиши талаб этилади. Рақобат фақат бозор иқтисодиёти муҳитида бўлиши мумкин, чунки шунда унга зарурият бўлади, шунингдек унга йўл очилади.

Ғарб мамлакатларида рақобатга давлат аралашмайди. Давлатнинг хусусий монополияларни жиловлашга қаратилган биринчи тадбири – 1890 йилда АҚШда қабул қилинган «Шерман қонуни» ҳисобланиб, у тарихда антитрест деб ҳам ном олган. Антимонопол қонунчилик асосан уч йўналишда бўлади:

1. Ишлаб чиқариш тизимини бошқарувчи қонунлар ёки уларнинг моделларини аниқ белгилаш, яъни ҳеч бир корхонага юқо-

ридаги меъёрдан ортиқ товар ишлаб чиқаришга йўл берилмайди, маҳсулотнинг қолган қисмини албатта бошқа корхоналар ишлаб чиқаради, демак, улар ўртасидаги рақобат таъминланади.

2. Барча йирик корпорацияларнинг иштирокчилари бошқа корпорациялар акцияларининг маълум чекланган миқдоридадан ортиғига эга бўлмаслиги назоратга олинади.

3. Нархларнинг талаб ва таклиф мувозанати белгиланган даражадан юқори ёки паст тутиб туришини, нарх хусусида келишиб олишни ман қилувчи антитрест қонунлари жорий этилади.

Бозор эркин иқтисодий фаолиятни талаб қилгандан жамият рақобатчиларга бир хил имконият яратиб беради, хўжалик субъектларига ўзини сақлаб туриши учун бир хил шароит ҳозирлайди, давлат рақобат қоидаларига риоя этилишини ўз назоратига олади, айрим ёки бир гуруҳ тадбиркорларнинг монопол мавқеда бўлишига йўл бермайди.

Рақобат стратегияси рақобат курашининг узок муддатга мўлжалланган бош йўли ва йўл-йўриқларини ифода этади.

Стратегиянинг мақсадлари тез кунда фойдани максималлаштириш, оз фойда билан қаноат қилган ҳолда ўз бозорини кенгайтириш ёки рақибни бозордан сиқиб чиқариш, янги бозорга аста-секин кириб бориш каби масалаларда ҳаракат йўлларини белгилашдан иборат.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Рақобатнинг моҳияти ва мақсадини тушунтириб беринг.
2. Рақобатнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Бу вазифаларнинг бир-биридан фарқини ажратиб кўрсатинг.
3. Рақобат шаклларига тушунча беринг ва уларнинг ҳар бирига хос белгиларини кўрсатинг.
4. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатнинг фарқини тушунтириб беринг.
5. Ҳалол ва ғирром рақобатлашув усулларига нималар киради?
6. Рақобатлашувнинг демпинг нархларни қўллаш усули қандай шароитларда амалга оширилади?
7. Ўйлаб кўрингчи, ҳаётингиз давомида иқтисодий фаолият юритишда рақобатлашганмисиз?
8. Бозорларда қайси рақобат турларига тўқнаш келгансиз?

IX БОБ: НАРХ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШ МЕХАНИЗМИ

9.1. Нархнинг иқтисодий мазмуни

Нарх бозорнинг муҳим элементи, унинг асосий қуроли ҳисобланади, товар ва хизматларни айирбошлаш жараёнида юзага келади. Нархнинг шаклланишида ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи, талаб ва таклиф нисбати, турли меҳнат сарфлари иштирок этади. Лекин нархни бозор белгилайди. Нарх ишлаб чиқарувчилар учун бозорда қандай йўл тутиш лозимлигини кўрсатиб туради. Шунинг учун айрим иқтисодий адабиётларда нархни “барометр” асбобига ҳам қиёслашади. Истеъмолчилар учун эса нархни товар ва хизматларга бўлган талабини қондирадиган муҳим бозор воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Шундай қилиб, нархга умумий тарзда қуйидаги таърифни бериш мумкин.

Нарх – товар ва хизматлар қийматининг пулдаги ифодасидир

Бунда товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилиги муҳим ўрин тутadi. Маълумки, қиймат ишлаб чиқариш категорияси бўлиб, товар ва хизматларга сарфланган меҳнат асосида белгиланади.

Нарх товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда сарфлар ва уларнинг нафлилиги жамият томонидан тан олингандагина юзага чиқади. Товарнинг нафлиги қанча юқори бўлса, унинг нархи ҳам шунча юқори туради. Товарлар ва хизматлар учун қилинган ижтимоий сарфларнинг ўсиши ёки сифат кўрсаткичларининг ўсиши нархнинг ошишига олиб келади. Нархнинг шаклланишида товарни ишлаб чиқаришдан тортиб, то уни истеъмолга етгунгача бўлган барча меҳнат сарфлари иштирок этади.

9.2. Нархнинг вазифалари ва турлари

Нархнинг иқтисодий мазмунини унинг вазифаларида яққол кўриш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

1. Мувозанатликни таъминлаш. Бунда нарх бозорда талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради. Лекин, нархни ўзгаришида талаб ва таклиф муҳим роль ўйнайди. Бозорда маълум товарга бўлган талаб ортса, шу товарнинг нархи ошади. Аксинча, шу товарнинг таклифи ортса, товарнинг нархи пасаяди. Демак, нархнинг ушбу вазифасида талаб ва таклиф қонунлари муҳим аҳамият касб этади. Нарх ушбу вазифаси орқали «бозор нархи»ни ҳам келтириб чиқаради. **Бозор нархи** – бу мувозанатли нарх ҳисобланади. Ушбу нарх бозорда биринчидан, товарларнинг сотилишини таъминлайди, иккинчидан, товарлар тақчиллигининг юзага келишига йўл қўймайди.

2. Қиймат ва нафлиликни ўлчаш. Ишлаб чиқариш ва унинг натижалари маълум кўрсаткичларда ўлчанади. Масалан, газлама «метр»да, оёқ кийими «жуфт»ларда газ «м³», пахта «кг» ва «тонна»ларда, уй-жой «м²» кўрсаткичли ўлчов бирликларда ўлчанади. Уларнинг ҳаммасини жамлаб, умумий кўрсаткичда ифодалаб бўлмайди. Лекин уларнинг умумий ўлчовини, яъни қийматини пулда ҳисоблаш мумкин. Товар қийматининг пулдаги ифодаси эса нарх ҳисобланади. Шу сабабли, нарх ҳисоб-китоб ва қиймат ўлчови вазифасини бажаради.

3. Тартибга солиш. Нархнинг ўзгариши бозор ҳолатини билдиради. Бозор ҳолати талаб ва таклиф нисбатига боғлиқ. Бозорда талабнинг ортиши ишлаб чиқарувчиларга муайян товарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, акси эса товар ишлаб чиқаришни қисқартириш зарурлигини билдиради. Демак, нарх ишлаб чиқарувчилар фаолиятини бозордаги талабнинг ҳажмига мувофиқ у ёки бу томонга ўзгартириш, яъни тартибга солиш вазифасини бажаради. Бозордаги нархга мувофиқ истеъмолчиларнинг талаби нархлар паст бўлганда ошади. Демак, нарх истеъмолчилар талабини ҳам тартибга солади. Шу сабабли, айрим иқтисодий адабиётларда нархнинг ушбу вазифасини «иқтисодий тартибловчи» деб ҳам айтишади.

4. Рақобат воситаси. Нарх муҳим иқтисодий дастак бўлгани учун фирмалар ўртасида самарали рақобат воситаси ҳисобланади. Одатда, ишлаб чиқарувчилар ўз рақибларини енгиш учун нархни пасайтириш усулидан фойдаланишади. Нархнинг ушбу вазифаси демпинг нарх, дотацияланган нарх турларини келтириб чиқаради.

5. Ижтимоий ҳимоя. Нарх аҳолининг кам даромад олувчи айрим қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради. Одатда, аҳолининг иқтисодий ночор ва кам таъмин-

ланган қисмига озиқ-овқат маҳсулотлари ва тиббий хизматлар арзонлаштирилган нархларда сотилади.

Шундай қилиб, нарх бозор муносабатларининг муҳим воситаси сифатида бир-бири билан узвий боғланган бозор иқтисодиётининг самарали амал қилишини таъминлайдиган муҳим вазифаларни бажаради.

Нархнинг мазмунини тўлароқ ёритишда ва моҳиятини чуқурроқ тушуниб етишда унинг даражасига таъсир этувчи омиллар ҳам муҳим аҳамиятни касб этади. Булар жумласига қуйидагилар киради:

- қиймат ёки ишлаб чиқариш сарфлари;
- товарнинг нафтлилик даражаси;
- товарга бeфapқлик;
- талаб ва таклиф нисбати;
- рақобат;
- инфляция даражаси;
- валюта курсларининг ўзгариши;
- солиқлар;
- давлатнинг иқтисодий сиёсати.

Юқорида кўрсатилган омиллар нархнинг нафақат ошишига, балки пасайишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, товар нафтлиги пасайса, шу товарнинг нархи ҳам пасаяди. Товарнинг нафтлиги ошса, ушбу товарнинг нархи ҳам ошади.

Нарх бозорда муҳим элемент бўлганлиги учун унинг шаклланиши ҳам мураккаб кечади. Нарх бозорда ҳар хил вазифаларни бажарганлиги ҳамда унинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар кўплиги сабабли, нархнинг турлари ҳам кўп. Нарх турларининг кўплиги тадбиркорлар учун муҳим аҳамиятга эга. Нархнинг ҳар бир тури бозор иқтисодиёти шароитида муайян мақсадга эришишга йўналтирилган бўлиб, у нарх тизимида ўз ўрнига эга. Нарх қуйидаги турларга бўлинади:

Эркин нархлар. Бу ўз табиатига кўра фақат харидорлар ва сотувчилар ўзаро келишуви натижасида талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган нархлардир. Ушбу нархлар маданийлашган бозор шароитида вужудга келади. Эркин нархлар бозор иштирокчиларининг манфаатларини энг мақбул тарзда уйғунлаштириш имконини беради. Эркин нархларнинг шаклланишида ўзаро манфаатдор бўлган харидорлар ва сотувчилардан ташқари бошқа бирон - бир субъект (давлат ҳам, ижтимоий ташкилотлар ҳам,

йирик корхоналар ҳам) аралаша олмайди. Бу субъектларнинг ҳар қандай таъсири натижасида нархлар ўзининг эркинлик моҳиятини йўқотади.

Шартномавий нархлар. Бу сотувчи ва харидорнинг розилиги билан белгиланадиган, улар томонидан тузилган шартномада ёки ўзаро келишувда олдиндан қайд қилинган нархлардир. Ушбу нархлар томонлар ўртасида шартнома ҳужжатлари расмийлаштирилгунга қадар ўз моҳияти жиҳатидан эркин нархлар ҳисобланади. Шартнома ҳужжатларида томонлар келишуви асосида аниқланган нархлар қайд этилади ва расмий равишда тасдиқланади. Шартномада нархнинг қуйи ва юқори чегаралари, зарурат пайдо бўлганда (инфляция, форс-мажор ҳолатлари) уни ўзгартириш шартлари ҳам кўрсатилиши мумкин. Мазкур нархлар ҳам миллий, ҳам халқаро бозорда қўлланилади. У халқаро бозорда қўлланилганда товар (хизмат)ларнинг нархи жаҳон бозори нархларига мослаштирилади (яқинлаштирилади).

Улгуржи нархлар. Ишлаб чиқарувчилар томонидан катта ҳажмдаги товарлар бир йўла кўтарасига йирик савдо корхоналарига, улар эса кичикроқ савдо корхоналарига сотилганда улгуржи нархлардан фойдаланилади. Улгуржи нархлар товар биржалари ва савдо уйларида қўлланилади.

Чакана нархлар. Бу нархларда товарлар бевосита истеъмолчиларга сотилади. Чакана нарх таркибига товарнинг улгуржи нархи, чакана савдо ташкилотларининг харажатлари ва уларнинг оладиган фойдаси киради. Шу сабабли чакана нархлар миқдор жиҳатидан улгуржи нархлардан юқорироқ туради.

Давлат нархларни тартибга солишлик фаолияти чегараланган (лимитланган), дотацияланган ва демпинг нархларни вужудга келтиради.

Давлат чегараланган нархларнинг юқори ва қуйи чегарасини белгилайди, улар шу доирада ўзгариши мумкин. Бундай нархлар ёрдамида давлат инфляцияни жиловлайди, нархларни назорат қилади.

Дотацияланган нарх. Бу давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нархлардир. Бундай нархлардан кам даромадли оилалар, бева-бечоралар, ишсиз ва ногиронларни ҳаётий зарур няматлар билан энг кам даражада таъминлаб туришда фойдаланилади.

Демпинг нарх. Бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларини сиқиб чиқариш учун фирмалар махсус нархдан фойдаланадики, улар демпинг нарх ёки бозорга кириб олиш нархи

деб аталади. Демпинг нархлардан давлат ҳам ташки бозорга товар экспорт қилганда фойдаланиши ҳам мумкин. Ушбу нархда маҳсулот одатда ўз таннархидан ҳам паст нархларда сотилади. Шу сабабли бу нархлар узоқ вақт қўлланилмайди. Давлат эса ушбу нархга нисбатан антидемпинг сиёсат юритади (рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида).

Худудий нарх. Бу фақат маълум худудий бозорга хос бўлиб, у маълум худуд доирасидагина амал қилади;

Миллий бозор нархи. Бу бир мамлакат доирасида амал қилувчи ва уларнинг хусусиятини акс эттирувчи нархлардир. Миллий бозор нархи мамлакат доирасидаги ижтимоий сарф-харажатларни, миллий бозордаги талаб ва таклифни, товар нафлилигини, унинг мамлакатда қанчалик қадрланишини ҳисобга олади.

Жаҳон бозори нархи. Бундай нархлар халқаро савдода ишлатилади. У муайян товарга кетган байналмилал харажатларни, товарнинг жаҳон стандарти талабига мос келиш даражасини ва халқаро бозордаги талаб ва таклиф нисбатини ҳисобга олади. Жаҳон бозори нархи халқаро меҳнат тақсимооти натижасида юзага келади. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, халқаро айирбош-лашда мамлакатнинг қиёсий ва мутлақ устунлигини ўзида акс эттиради. Халқаро бозор нархи мамлакатнинг миллий бозор нархларига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Нарх диапозони. У нархлар оралигининг пулдаги ифодасидир. Нарх диапозони куйи, ўрта ва юқори нархларни ўз ичига олади. Нарх диапозони қанчалик катта бўлса, товар муомаласи шунчалик тез юз беради, чунки талаб билан нарх ўзаро янада мустаҳкамроқ боғланади.

9.3. Нархнинг эркин ва монополлашган бозорда шаклланиши

Рақобат умумиқтисодий категория бўлиб, мамлакат ижтимоий тараққиётини таъминлаш учун хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий курашни англатади. У кишилик жамиятини тубдан яхшилаш учун, аниқроғи, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Айниқса, табиий ресурслар чекланган шароитда аҳолининг чексиз эҳтиёжларини мунтазам равишда қондиришда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат кураши янада жиддий тус олади. Рақобат курашининг икки усули фарқланади: нарх воситасидаги

рақобат ва нархсиз рақобат. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат асосан нарх воситасида амалга ошади.

Нарх воситасидаги рақобат ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нарhini бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай товарлари нархига нисбатан пасайтириши ҳисобланади. Нарх воситасидаги рақобатлашиш усулларига демпинг нархларни келтириш мумкин. Бунда миллий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг товарларини бошқа мамлакатларга ички бозордаги нархлардан, айрим ҳолларда таннархидан ҳам паст бўлган нархларда сотади.

Нархсиз рақобат товарларнинг сифати, сервис хизмат кўрсатиши, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрўй-эътибори ва реклама воситалари орқали амалга оширилади.

Нархсиз рақобат асосан монополиялар ҳукмрон бўлган шароитда муҳим ўрин тутати. Бунинг сабаби шундаки, монополиялар товар сифатини ошириш, истеъмолчиларга қўшимча сервис хизматлар кўрсатиш, рекламани яхшилаш йўли билан сотиладиган товар ҳажмини кўпайтиради.

Буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатларда давлатнинг нарх соҳасидаги сиёсати кўп жиҳатдан нархларни эркинлаштириш, миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштиришга қаратилади.

Нархларни эркинлаштириш. Иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ислохотларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари кўп жиҳатдан шу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ бўлади.

Нархларни эркинлаштириш хомашё билан маҳсулот айрим турларининг нархлари, нарх билан аҳоли ва корхоналар даромадлари ўртасида мутаносибликка эришишга қандай ёндашилиши билан фаркланади. Шу ёндашувларга асосланиб, нархлар қуйидаги йўллар билан эркинлаштирилади:

а) нархларни бирданига ёки «эсанкиратадиган» тарзда қўйиб юбориш;

б) нархларнинг ўсишини сунъий равишда тўхтатиб қўйиш;

в) нархни давлат томонидан бошқариш ва назорат қилишни маълум даражада сақлаб қолиш.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ислох қилишнинг ўзига хос тамойиллари, мамлакатдаги вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархлар аста-секинлик билан босқичма-босқич эркинлаштирилди. Ўзбекистонда нархларни эркинлаштириш

жараёни уч боскичда кечди. Дастлабки боскичида (1992 йилнинг бошида) кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг эркин нархлари ва тарифларига ўтилди. Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди, айрим турдаги хизматларнинг энг юқори тарифлари жорий қилинди.

Нархларни эркинлаштиришнинг кейинги боскичида (1993 йил) келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилди. Қатъий белгиланган ва давлат томонидан тартибга солиб туриладиган нархларда сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг сони анча қисқарди.

Нархларни эркинлаштиришнинг навбатдаги, учинчи боскичида (1994 йил) халқ истеъмол моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари оширилди. Шундай қилиб, республикада иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни босқичма-босқич (уч босқичда) тўлиқ эркинлаштириш билан тугади.

Нархларни эркинлаштириш аҳолини ишончли иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари билан бирга олиб борилди. Давлат томонидан турли компенсациялар мақсадидаги жамғармалар тузилди, иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг энг кам миқдори мунтазам суръатда ошириб борилди, болалар учун нафақалар жорий этилди. Аҳолининг муҳтож қисмига ёрдам кўрсатилди, имтиёзли солиқ ставкалари жорий этилди.

9.4. Нархни белгилашда фойдани максималлаштириш

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект имкон борича, ўз фойдаларини максималлаштиришга ҳаракат қилишади. Фойдани максималлаштириш имконияти кўпроқ мукамал рақобатли бозорда, монополистнинг нарх устидан тўла назорат қилиш натижасида вужудга келади. Фойдани максималлаштиришда харидорлар талабининг эластиклиги муҳим аҳамият касб этади. Бозорда харидорлар талабининг эластиклик даражаси қанчалик юқори бўлса, монополист фирманинг юқори нархлар белгилаш учун имконияти шунчалик катта бўлади. Фойдани максималлаштиришда монопол фирма ўз харидорларини турли гуруҳларга ажратиб, бир хил товарни ҳар хил нархларда сотади.

Аммо товар нархларидаги фарқлар айнан шу товарни ишлаб чиқариш харажатларига боғлиқ бўлмайди.

Харажатлар бир хил бўлган ҳолда харидорларга турли хил нархлар билан товар ёки хизматларнинг сотилиши **нарх дискриминацияси** дейилади

Нарх дискриминацияси бирор киши ҳуқуқини чеклашни эмас, балки харидорларнинг сотиб олиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда талабларни табақалаштириб, уларнинг айримларига нархни тушириб, айримларига эса нархни кўтариб, товарни сотишдир. Бундай йўл билан фирмалар ўз товар ва хизматларига қўшимча харидорларни жалб қилади. Лекин фирмалар бошқалар учун туширилган нархнинг эвазига, қолган юқори нарх бўйича сотиб олиш имкониятига эга харидорлардан шу фарқни қоплайдилар. Юқори нархда сотиш орқали дискриминацияни доимий равишда амалга ошириб бўлмайди. Чунки харидорлар маълум вақт ичида нисбатан паст нархли бозорга ўтиб кетишлари мумкин. Нарх дискриминацияси йўлидан фойдаланган фирма бозор мувозанати нархидан юқори нархларда ўз товарларини сотиш орқали кўпроқ фойда олишга эришади.

Узоқ йиллар давомида нарх дискриминацияси мавзуси бўйича тадқиқот ишларини олиб борган таниқли иқтисодчи олим Ж.Робинсон ўз илмий ишларида бозорнинг табақалаштирилиши фойдали эканлигини кўрсатиб ўтиб, шундай фикрларни билдирган: “монополист бир неча бозорда ягона нарх белгиласа, унинг қўшимча товар сотишдан олган меъёрий даромади табақалаштирилган бозорда сотганида нисбатан камроқ бўлади. Чунки у турли бозорда шу товарга талабнинг эластиклиги даражасидан келиб чиқади”.

Фойда микдорини максималлаштиришда нарх дискриминациясидан фойдаланиш анчагина мураккаб масала ҳисобланади. Бунда фирма арзон бозорни қиммат бозордан ажрата олиши лозим. Акс ҳолда фойдани максималлаштириш ғояси амалга ошмайди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Нархнинг иқтисодий мазмунини тушунтиринг.
2. Нархнинг вазифаларини айтиб беринг.
3. Нархнинг эркинлаштирилиши деганда нимани тушунасиш?

4. Нархга таъсир этувчи асосий омилларни айтиб беринг.
5. Нарх воситасида рақобатни тушунтиринг.
6. Нарх диапозони деганда нимани тушунаси?
7. Нарх асосий турларини айтинг ва уларнинг қисқача таърифини беринг.
8. Ўзбекистонда нарх сиёсати амалга оширилишининг қандай хусусиятлари мавжуд?

Х БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРТИБЛАНИШИ

10.1. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизми

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида инсон зотининг, барча жамият аъзоларининг фаолияти ва ҳаёт кечириши иқтисодиёт билан бевосита боғлиқ. Бешикдаги ёш гўдақдан тортиб то кексаларгача барча жамият аъзолари ноз-неъматларнинг истеъмолчиси сифатида, меҳнатга лаёқатли кишилар эса унинг яратувчиси сифатида иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг фаол иштирокчилари ҳисобланади. Барча жамият аъзолари туб манфаатлари ўзаро кесишган иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар муайян механизмлар воситасида тартибланиши ва шу орқали томонлар (ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи, харидор ва сотувчи, иш берувчи ва ёлланма ишчи, меҳнатга лаёқатли ва меҳнатга лаёқатсиз кишилар ва бошқалар) манфаатларининг уйғунлашувига эришиш лозим бўлади.

Кишилиқ жамияти томонидан ҳозирга қадар юқорида зикр этилган муаммони ҳал этишнинг иккита қудратли механизмлари яратилган:

- 1. Иқтисодиётни тартиблашнинг бозор механизми.**
- 2. Иқтисодиётни тартиблашнинг давлат механизми.**

Иқтисодиётни тартиблаш масалалари нафақат иқтисодиётни юксалтириш, балки ижтимоий тараққиётга эришиш нуктаи назаридан ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Шу сабабли иқтисодиётни тартиблаш муаммолари доимо иқтисодчи олимларнинг, қолаверса, давлат раҳнамоларининг ва бутун жамият аъзоларининг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда.

Иқтисодчилар эътиборини тортган ҳамда кўп баҳс ва тортишувларга сабаб бўлган асосий масалалардан бири – иқтисодиётни тартиблаш механизмларидан қайси бири самарали эканлиги тўғрисидаги илмий қарашлардан иборат. Бу хусусдаги барча илмий қарашларни учга бўлиш мумкин:

– иқтисодиётни фақат бозор механизми ёрдамида тартиблаш (А.Смитнинг “Тинч қўйиш назарияси”).

– иқтисодиётни фақат давлат томонидан бошқариш (режали иқтисодиёт назарияси)

– иқтисодиётни тартиблашда бозор механизми ва давлат механизмидан биргаликда ўзаро боғлиқликда фойдаланиш (кейнсчилар, неоклассиклар, монетаристлар, некейнсчиларнинг иқтисодиётни

тартиблашда давлатнинг муайян даражада иштирок этиш назарияси).

Бу ёндашувлардан ҳар бирининг моҳиятига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Бозор иқтисодиётини тартибга солиш ва бошқаришда, уни жамият манфаатлари йўлида хизмат қилишини таъминлашда **бозор механизми** муҳим ўрин тутди. Иқтисодиёт назарияси тарихида бозор иқтисодиётини тартибга солишда бозорнинг “кўзга кўринмас кўли” ҳамда давлатнинг иқтисодиётдаги роли масалалари А.Смит томонидан атрофлича кўриб чиқилган. Унинг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш ҳақида” (1776 йил) номли китобида бозор усуллари орқали иқтисодиётнинг ўзини-ўзи тартибга солишнинг зарурлиги таъкидлаб ўтилган. А.Смитнинг фикрича, хусусий ишлаб чиқарувчилар ва товар бозори давлат назоратидан тўлиқ озод бўлиши зарур. Ана шундагина истеъмолчилар манфаатлари ва талабига мос равишда товар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имкони мавжуд бўлади. Иқтисодиётни давлат аралашувисиз бозор воситасида тартибга солиш товар ишлаб чиқарувчиларни бутун жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга мажбур қилади.

А.Смит иқтисодиётни “тинч қўйиш” ғоясини илгари сураб экан, давлатнинг иқтисодий жараёнларга ҳар қандай аралашуви охир - оқибатда фақат вазиятни ёмонлаштиради, иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади деб ҳисоблайди. У бозор тизимининг ўз-ўзини тартиблашга қодир эканлигини исботлаб беришга ҳаракат қилади. Унинг илмий қарашларига мувофиқ, давлат иқтисодиётда “кечки қоровул” вазифасини бажариши, яъни у иқтисодиётни кўриқлаши, лекин унга қўлини тегизмаслиги лозим. Дарҳақиқат, эркин рақобат шароитида бозор механизми (рақобат, нарх, талаб ва таклиф) иқтисодиётни тартиблашни бемалол уддалайди. Шу сабабли А.Смитнинг давлат фаол иқтисодий сиёсатининг тараққиётга салбий таъсири тўғрисидаги илмий қарашлари муайян тарихий давр мобайнида ҳукмрон ғоя сифатида амал қилди. Бироқ, унинг мазкур назарияси 1929-1933 йилларда бозор муносабатларига асосланган деярли барча мамлакатларни қамраб олган иқтисодий инқироз даврида ўзининг заиф томонларини намойён этди ва қаттиқ танқидга учради. Иқтисодий таназзул ва оммавий ишсизлик давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувини кучайтириш лозимлигини кўрсатди.

10.2. Иқтисодиётни тартибга солишнинг давлат механизми

XX асрнинг бошларига келиб инфляция, ишсизлик, даромадларнинг кескин табақаланиши, иш берувчилар ҳамда ёлланма ишчилар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви, монополияларнинг пайдо бўлиши, даврий тарзда такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлар ижтимоий ишлаб чиқаришга катта салбий таъсир кўрсата бошлади. Ижтимоий ишлаб чиқаришда юзага келган янги вазиятда юқорида зикр этилган негатив жараёнларни бартараф этишга бозор механизми ожизлик қилаётганлиги яққол кўрина бошлади. Модомики бозор механизми ушбу негатив ҳолатларни бартараф этишга қодир эмас экан, демак, вазиятдан чиқишнинг янги имкониятларини излаб топиш зарурати пайдо бўлади. Иқтисодчилар бундай янги имкониятлар фақат давлатда мужассамлашганлигини, **давлатнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш зарурлигини** назарий жиҳатдан англаб етдилар.

Бозор иқтисодиёти бошқа номоддий тизимларга нисбатан катта устунликларга эга. У иқтисодиётнинг бош масаласини ҳал этишда бошқа иқтисодий тизимларга кўра кўпроқ ижобий натижа беришга қодир. Лекин бозор иқтисодиётининг ҳам ўзига хос муаммо ва камчиликлари мавжуд. Бу **камчиликлар** қуйидагилар:

- қайта тикланмайдиган ресурсларнинг сақланишини таъминлаб бера олмайди;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби долзарб муаммони ечишга қодир эмас;

- ижтимоий неъмат, жамоавий истеъмол учун зарур бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш механизmlарига эга эмас;

- аҳоли турли қатламлари ўртасидаги моддий табақаланишни кучайтиради;

- фанда фундаментал тадқиқотларни рағбатлантирмайди;

- иқтисодий беқарорлик ва инқирозларни келтириб чиқаради ва уларга қарши курашолмайди;

- рақобат муҳитини химоялашни кафолатламайди ва монополияларни вужудга келишига имконият яратади;

- аҳоли тўла бандлигини таъминлаб бера олмайди, ишсизликнинг юзага келиши ва кучайишига сабаб бўлади;

- ишсизларни ва бошқа тоифадаги иқтисодий ночор аҳоли қатламларини ижтимоий химоялашга қодир эмас.

Ҳозирги даврда давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим мақсади сифатида нафақат циклга қарши кураш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, балки иқтисодий ўсишнинг юқори даражасига эришиш ва яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёнини рағбатлантириш мумкинлиги тан олинди. Айниқса иқтисодиётни бошқаришнинг пул назарияси, инфляция билан кураш муаммолари 1976 йилги Нобель мукофоти совриндори америкалик иқтисодчи Мильтон Фридман бошлиқ Чикаго мактаби олимлари томонидан ривожлантирилди.

Давлатнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш масаласи дастлаб Ж.М. Кейнснинг “Иш билан бандлик, фойз ва пулнинг умумий назарияси” (1936 йил) номли китобида ўз аксини топди. Бу китобда муаллиф давлат фискал сиёсат ва кредитни тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб, жамиятнинг ялпи талабини рағбатлантириши ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаши зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб берди.

Урушдан кейинги даврда XX асрнинг 70 чи йилларигача Кейнс назариясидаги кўрсатмалардан у ёки бу даражада бозор иқтисодиёти амалда устун бўлган барча мамлакатларда фойдаланилди. Шу билан бирга, жаҳон амалиётида давлатнинг иқтисодиётдаги ролининг янада кўпроқ ошиб бориши рўй берди.

Ўтган асрнинг 70 чи йилларида давлатнинг бозор иқтисодиётидаги ролини баҳолашда кейнсча ёндашув А.Смитнинг издошлари – **неоклассик таълимот** намоёндалари томонидан танқидга учради. Уларнинг фикрича, давлат жамиятдаги даромадларни оқилона тақсимлаш ва алоқалаштириш, яъни иқтисодиётдаги ресурсларни самаралироқ жойлаштириш мақсадидаги вазифаларни бажаришда муҳим роль ўйнайди. Неоклассик йўналиш тарафдорлари капиталнинг эркин оқиб туриши, тўсиқларни бартараф этиш учун ҳам давлатнинг тартиблаш механизми зарурлигини таъкидлайдилар.

Лекин неоклассиклар иқтисодиётни тартиблашдаги айрим камчилик ва нуқсонлар давлатга ҳам хос эканлигини эътироф этадилар. Уларнинг фикрига мувофиқ, бозор иқтисодиёти шароитида давлат ҳам, худди бозор сингари, айрим масалаларни ҳал этишга ожизлик қилади. Масалан, ижтимоий танлов назариясига биноан давлат органлари ҳамма вақт ҳам жамият нуқтаи назаридан самарали бўлган оқилона қарорлар қабул қилавермайдилар. Неоклассиклар бозор механизми давлатнинг иштирокисиз иқтисо-

диётда умумий мувозанатни ўрнатишга қодир. Давлатнинг роли эса пухта ўйланган пул-кредит сиёсати олиб бориш орқали иқтисодиётнинг ривожланишига билвосита таъсир кўрсатишдан иборат бўлмоғи керак.

Давлатнинг иқтисодиётни тартиблашдаги роли масалаларига **институционализм концепцияси** намоёндалари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Улар бозорни ўз-ўзини автоматик тарзда тартиблаш назариясини қаттиқ танқид остига олиб, давлатнинг иқтисодиётни тартиблашда фаол иштирок этиш ғоясини қўллаб-қувватладилар.

Юқорида зикр этилган, лекин бозор иқтисодиёти ўзидаги мавжуд механизмлар воситасида ечишга қодир бўлмаган, аммо ечилиши лозим бўлган бу ўткир ижтимоий ҳамда иқтисодий муаммоларни кимдир ҳал қилиши, бозорнинг камчиликларини бартараф этмоғи лозим. Бозор тизими ҳукмронлик қиладиган жамиятда бундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига оладиган ягона куч – давлат. Бозор иқтисодиёти шароитида фақат давлат унинг бутун қонунчилиги, иқтисодий ва социал сиёсати, куч-қудрати, имконияти мавжуд муаммоларни халқ манфаатларини кўзлаб ҳал этиш, бозорни тартибга солиш, унинг оқилона бошқаришни таъминлай олади.

Давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашуви ва уни тартибга солишдаги роли асосан қуйидагиларда намоён бўлади ва зарурият ҳисобланади: мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа, экология, фундаментал фан ва бошқа муаммоларни бартараф этиш давлат томонидан маблағ билан таъминланади. Қуйидаги соҳаларда жараёнлар давлат томонидан бошқарилади:

- моддий бойликлар ва даромадларнинг қайта тақсимланиш йўли билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;
- давлат сектори орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатиш;
- вақти-вақти билан иқтисодиётнинг самарали амал қилишига қаратилган ислохотлар ўтказиш;
- иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш ва тартибга солиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлашни истаганларнинг барчасини иш билан таъминлаш ва меҳнат қилиш ҳуқуқини тўла қафолатлаб бўлмайди. Шу сабабли давлатнинг бу ўткир муаммони ҳал этишга аралашуви, турли усул ва воситалар ёрдамида ишсизликни пасайтириш чораларини кўриши заруратга айланди.

Бозор иқтисодиёти монополия, инфляция, умумий иқтисодий фаолият унумдорлигининг пасайиши кабиларга қарши курашиш

қобилиятига эга эмас. Бозор ўз-ўзини тартибга солиш механизмлари ёрдамида буларнинг олдини ололмайди. Бундай шароитда ҳам давлат ташаббуси ва унинг бозорни тартибга солиш имкониятларидан фойдаланиш зарур ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганлардан шу нарса келиб чиқадики, жамиятдаги мувозанатни таъминлаш учун бозор иқтисодиётини тартибга солиш зарур ва давлат ўз фаолияти билан бозор фаолиятини тўлдириб боради, унинг камчиликларини бартараф этиб, самарали амал қилишига кўмаклашади. Бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибалари яққол мисол бўла олади. Соф бозор иқтисодиёти деярли йўқ, у аллақачон аралаш иқтисодиётга айланган.

10.3. Давлатнинг иқтисодий роли ва вазифалари

Давлат ҳар қандай иқтисодий тизимда иқтисодиётнинг ажралмас субъекти, унинг иштирокчиси сифатида амал қилади. Феодализм даврида ҳам давлат ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш масалаларини назорат қилган, феодал ва деҳқонларнинг давлат олдидаги мажбуриятларини белгиллаган. Ҳаттоки А.Смитнинг бозор усуллари орқали иқтисодиётни ўз-ўзини тартиблаш тўғрисидаги назариясида ҳам давлатнинг иқтисодиётдаги муайян иштироки тамоман ман этилган эмас. Давлат иқтисодиётнинг фаол иштирокчиси сифатида эмас, балки қонунлар ишлаб чиқариш ва уларнинг амал қилишини таъминлаш орқали умумий иқтисодий мувозанатни сақлаш воситаси сифатида амал қилиши назарда тутилган.

Анъанавий иқтисодиётда давлат муҳим иқтисодий вазифаларни бажаради, уни иқтисодиётдаги роли тобора ортиб боради. Бу жараёнлар биринчи навбатда бозор тизимининг ривожланиши натижасида тобора тезлашади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни тартиблашда фақат бозор усулларида фойдаланиш ғоясининг таназзулга учраши заминида иқтисодиётни тартиблашда давлатнинг ролини фаоллаштиришдан тортиб (Кейнс таълимоти), уни мутлақлаштириш (марксизм таълимоти)гача илмий қарашлар пайдо бўлди.

Маъмурий-буйруқбозлик усулларига асосланган режали иқтисодиётда давлат иқтисодиётни тартиблашни бутунлай ўз қўлига олади.

Якка ҳокимликка асосланган режали иқтисодиёт асосан давлатнинг маъмурий воситалари ва буйруқлари орқали бир марказдан туриб тартибга солинади ва бошқарилади. Аммо бундай бошқариш, миллий иқтисодиётни ягона марказдан тартибга солиш иқтисодий субъектлар эркинликларини, фаоллигини ва ташаббускорлигини чеклайди. Бунинг натижасида янгиликка интилиш, изланиш каби ҳаракатлар бўлмайди. Иқтисодиёт маълум тор доирада, буйруқлар таъсири остида ривожланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибланишининг асосий мақсади — мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва ресурслардан самарали фойдаланиш асосида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш, миллий иқтисодиёт равнақи учун инкониятлар яратиш, шунингдек, аҳолининг турли табақалари ўртасида **ижтимоий мувозанатга** эришишдан иборатдир.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда бозор механизмнинг самарали ишлаши учун шарт-шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда давлат рақобатни рағбатлантириш орқали бозор тизимининг самарали амал қилишини таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олади. Бозор ўз-ўзини тартиблаш орқали иқтисодий мувозанатни барқарор сақлашга қодир эмаслиги амалда бу муҳим вазифани бажаришда давлат механизмларидан фойдаланиш заруратини туғдиради. Бунда давлат куйидаги **вазифаларни** бажаради:

- иқтисодиёт субъектларининг фаолият олиб бориш қоидаларини белгилайди;

- аҳолини бозор шароитлари тўғрисида ишончли ахборотлар билан таъминлайди;

- барқарор иқтисодий муҳитни таъминлайди;

- иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги мунозара, баҳс, зиддиятларни ҳал қилишда кўмаклашади;

- рақобат муҳитини сақлаш мақсадида монополияга қарши курашади;

- аҳолини бозорнинг салбий, зарарли оқибатларидан ҳимоя қилади;

- инфратузилмаларни шакллантиради ва уларнинг ривожланишини таъминлайди;

- макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга кўмаклашади;

- монетар сиёсат воситасида кучли инфляциянинг олдини олади.

Иқтисодиёт кўпчилик субъектларнинг ўзаро боғланган фаолияти натижасидир. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоийлашуви муқаррар бўлганлигидан, макроиқтисодий миқёсдаги алоқа ва боғланишларни уюштиришини давлат ўз қўлига олади. Бозор муносабатларига асосланган тизимда тадбиркорлик хатари бор экан, тадбиркорлар давлатнинг ёрдамига муҳтож бўладилар. Давлат тадбиркорлик эркинлигини, бозор қоидаларига амал қилишни назорат остига олади. У иқтисодиётни тартибга солишда фаол қатнашади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартиблаш деганда давлатнинг ўз чора-тадбирлари, ўзининг иқтисодий сиёсати орқали тақрор ишлаб чиқаришга таъсир этиши тушунилади

Давлат иқтисодиётни тартиблар экан, макроиқтисодий ривожланишни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви ва ўсишини таъминлайди. Умумиқтисодий мувозанатга эришиш миллий иқтисодиётнинг келажаги учун йўл очиш, даромадларни қайта тақсимлаш воситасида ижтимоий мувозанатга эришиш кабиларни мўлжаллайди. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бир томондан мулк соҳиби ва тадбиркор сифатида, иккинчи томондан эса истеъмолчи сифатида майдонга чиқади. Тадбиркор сифатида товар ва хизматлар ишлаб чиқариб, бозорни тўлдиради, истеъмолчи сифатида эса товар ва хизматларни сотиб олади ва кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш учун шароит яратади.

Давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш механизмида жамиятда сиёсий, ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида аҳолининг иқтисодий жихатдан ночор яшаётган гуруҳларини ижтимоий ҳимоялаш муҳим ўрин эгаллайди.

Шу мақсадда давлат миллий даромадни қайта тақсимлашни амалга оширади. Ундан ташқари, жамиятда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳам давлат томонидан иқтисодни тартиблашнинг муҳим йўналиши сифатида намоён бўлади. Бу борада давлат иқтисодиётда рўй берадиган циклик ривожланишнинг салбий оқибатларини енгиб ўтишга кўмаклашади.

Давлат ўз мулкига таянган ҳолда, бошқа мулк субъектлари сингари тадбиркорлик билан шуғулланади. Лекин у ҳеч қачон монопол мавқега эга бўлмаслиги, рақобат муҳитини яратиш тамойилига путур етказмаслиги лозим. Демак, давлат мамлакат

ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмига эга сифатида бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади. Ушбу фаолият орқали у рақобат муҳитини янада кучайтиради, хусусий секторнинг ривожланишига кўмаклашади. Давлат кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг фаол иштирокчиси сифатида фан-техника инқилобини амалга ошириш инқониятига эга ва шу орқали мамлакат иқтисодиётини самарали ривожланиши учун имқоният яратишга кодир. Бунга имқон берадиган асосий ресурслар, ер ости бойликлари, энергетика, темир йўл, автомобиль йўллари унинг кўлида мужассамланган ва улар ишлаб чиқариш жараёнида жамият манфаатлари йўлида ишга солинади.

Давлат ўзининг корхоналарида ишлаб чиқилган товар ва хизматларни нисбатан паст ёки ишлаб чиқариш харажатларига (таннархга) яқин бўлган баҳоларда сотиши ва бу йўл билан аҳоли турмуш даражасига катта ижобий таъсир кўрсатиши ҳамда бозордаги рақобат муҳитини кучайтириши мумкин.

Бундан ташқари, давлат хусусий, жамоа, ширкат, фермер ва бошқа тоифадаги корхоналардан товарлар сотиб олиши (бундай иқтисодий чоралар айниқса айрим товарлар ва хизматларга талаб паст бўлиб, нархлар тушган пайтларда катта ижобий самара беради) ёки зарурият туғилганда товар ва хизматларни сотиш орқали бозорни тўлдириши мумкин.

10.4. Иқтисодиётни тартибга солиш усуллари ва воситалари

Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлат турли усуллар ва механизмлардан фойдаланади. Ундан кўзланган **асосий мақсад** — мамлакат иқтисодиётини ривожлантириб, аҳоли даромадларини кўпайтириш айниқса иқтисодий ночор аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш орқали бутун мамлакат аҳолиси турмуш фаравонлигини юксалтиришдан иборат.

Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартиблашда икки хил **методлар** қўлланилади: маъмурий ва иқтисодий. Иккала турдаги усул ҳам бир-бирини тўлдириши ва яхлит механизм каби ҳаракат қилиши ва биргаликда кўзланган умумий мақсадга эришиш йўлида хизмат қилмоғи лозим. Иқтисодиётни давлат томонидан тартиблашнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари турли хил воситалар ёрдамида амалга оширилади (11-чизма).



11-чизма. Бозор иқтисодиётини тартиблаш усуллари ва воситалари.

Бозорни тартиблашда маъмурий усулларни қўллаш давлатнинг иқтисодиётга бевосита, тўғридан-тўғри аралашувини англатади. Бозорга маъмурий усул ва воситалар ёрдамида аралашув бозор хўжалиги тамойилларига унча мос келмасада, замонавий бозор иқтисодиётини тартиблашни уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сабаби, қонунчилик миллий иқтисодиёт амал қилишининг ҳукукий асосларини белгилаб беради. Замонавий бозор иқтисодиёти ўта мураккаб иқтисодий тизим бўлиб, унинг барча бўғинлари ўртасида турли хил муносабатлар юзага келади. Давлат эса, бозор иқтисодиётининг объектив талабларидан келиб чиққан ҳолда, ана шу муносабатларни тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган қонунлар ишлаб чиқиши ва уларнинг жорий этилишини таъминлаш лозим. Бозор иқтисодиёти амал қилишининг ҳукукий асосларини яратиш мақсадида давлат иқтисодиётга оид қонунларни ишлаб чиқади, уларни тасдиқлайди ва ижросини таъминлайди. Қонун ва қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш борасидаги давлат фаолияти серқирра бўлиб, бозор тизимининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишда жуда катта роль ўйнайди. Бунга

“Солиқ кодекси”, “Меҳнат кодекси”, “Мулк тўғрисида”, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”, “Рақобат тўғрисида” каби қўплаб қонунлар ва уларнинг амал қилишини таъминлаш бўйича ҳукумат қарорлари ва фармойишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Шу билан бирга, давлат маъмурий усул ва воситалар ёрдамида монополияларнинг иқтисодиётга келтирадиган зарарларини бартараф этиш ёки камайтириш чораларини ҳам кўради. Ушбу мақсадларда давлат томонидан баҳоларга аралашиб, монополиялар фаолиятини чеклаш, рақобатли муҳит яратиш ва бошқа **маъмурий чоралар** қўлланилади:

- айрим иқтисодий фаолият турларини умуман **ман этиш**, кескин тартибга солиш, қатъий чегаралаш орқали табиат инъомларидан тўғри фойдаланиш, экологик муҳитни муҳофазалаш;

- иқтисодиёт ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш мақсадида турли миллий **стандартлар ишлаб чиқиш** ва уларнинг ижросини қаттиқ назорат қилиш;

- иқтисодий ночор аҳоли қатламларининг манфаатларини **ҳимоя қилиш**, яъни уларнинг камбағаллик ва қашшоқлик даражасига тушмаслик чора - тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- жаҳон хўжалиги тизимида мамлакат миллий манфаатларини **ҳимоя қилиш** (экспорт лицензияси, давлат томонидан капитал экспорти ва импортини назорат қилиш, инвестиция сиёсати).

Иқтисодиётни тартибга солишнинг **иқтисодий методлари**, унинг маъмурий методларидан фарqli ўлароқ, давлатнинг иқтисодиётга билвосита, яъни тўғридан-тўғри эмас, балки турли иқтисодий механизмлар воситасида аралашувини англатади.

Давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашуви, унинг тартибга солиш жараёни катта эҳтиёткорлик талаб қилиб, маъмурий ва иқтисодий усуллардан унумли ва ўз ўрнида фойдаланишнинг ва бу муҳим ишда хатоларга йўл қўйилмасликнинг роли каттадир. Юқорида таъкидлаганимиздек, давлат иқтисодиётга фаол аралашиб, бозор механизмнинг самарали амал қилишига кўмаклашади, рақобатчилик муҳитини яратиб, аҳолини бозорнинг салбий оқибатларидан ҳимоялаш чора-тадбирларини кўради. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан бошқариб, тартибга солишдан асосий мақсад — бозор муносабатларини муайян маълум йўналишлар асосида ривожлантириб, иқтисодий танглик ва қийинчиликларнинг олдини олиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришдан иборатдир. Бунга бозор муносабатлари асосида ривожланган илғор

мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда эришган ютуқлари мисол бўла олади. Бозор иқтисодиёти эндигина ривожланаётган Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан тартибга солинадиган ва бошқариладиган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида иқтисодий ислохотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда. Ушбу ўзгаришларда давлат муҳим вазифаларни бажариб, иқтисодиётни тартиблаш ва бошқаришнинг ўзига хос самарали механизмини таркиб топтирмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида режали иқтисодиётнинг маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими босқичма-босқич таг-томири билан кўпориб ташланди ва унинг ўрнига иқтисодиётни тартиблашнинг дунё амалиёти тан олган самарали механизми яратилди. **Бош ислохотчи** сифатида, ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан, давлат ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнларига таъсир кўрсатишнинг самарали усул ва воситаларини танлади. Бунинг натижасида мамлакатда қисқа тарихий давр мобайнида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда катта ютуқларга эришилди. Давлатнинг изчиллик билан олиб борган макроиқтисодий сиёсати миллий иқтисодиётнинг барқарор ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаб берди ҳамда аҳоли реал даромадларини кескин оширишга ва ҳаёт фаровонлигини юксалтиришга имконият яратди. Мамлакатда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар жараёнида давлатнинг иқтисодиётга аралашувини босқичма-босқич камайтириб боришга, иқтисодиётни либераллаштиришга эришилди. Бу жараёнлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Айни пайтда, мустақил Ўзбекистон босиб ўтган тараққиёт йўлининг ва иқтисодиётни тартиблашдаги амалий тажрибасининг чуқур таҳлили давлатнинг иқтисодиётга таъсир кўрсатиш механизмини янада такомиллаштириш ва уни бугунги кўп талабларига мослаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида ички ва ташқи бозорда рақобат кураши тобора кучайиб бораётгани миллий иқтисодиётни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантиришни тартибга солишда мутлақо янгича ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Амалга ошириладиган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама жадал суръатлар билан

ривожланиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш, ҳаётнинг барча соҳаларини модернизациялаш ва либераллаштириш асосида мамлакатда мужассамланган иқтисодий салоҳиятни рўёбга чиқаришга қаратилган **Ҳаракатлар стратегиясига** мувофиқ давлатнинг иқтисодиётга аралашуви масалаларида жиддий ўзгаришлар киритилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПВ-4947-сонли Фармонида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича амалга оширилиши лозим бўлса чора-тадбирлар ўз аксини топган (12-чизма).

Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи бандининг устувор йўналишларидан бири **иқтисодиётда давлат иштирокини камайтиришни** назарда тутди. Ушбу мақсадда қуйидаги **тадбирлар** амалга оширилади:


- хусусий мулк ҳуқуқи ва қафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

- давлат мулкани хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

- корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари-ни жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;



12-чизма. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари.

– тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш;

– мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашнинг муҳим устувор йўналиши сифатида халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Давлат раҳбарининг ташаббуси ва бевосита иштирокида шу йилнинг ўзида Пекин, Остона ва Москва билан умумий қиймати 50 миллиард долларлик лойиҳалар имзоланди³¹. Табиийки яқин вақт ичида ушбу сармоялар республика иқтисодиётини ривожлантиришда ва уни янги марраларга олиб чиқишда ўзининг амалий таъсирини кўрсата бошлайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид махсус Давлат дастури ишлаб чиқилди ва ижро учун қабул қилинди. 320 банддан иборат ушбу дастурда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, сарф-харажатлар миқдори ва уларни молиялаштириш манбалари, уларни амалга оширишдан олинадиган натижалар аниқ белгилаб берилди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Иқтисодиётни тартибга солишнинг моҳияти.
2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг заруриятини асослаб беринг.
3. Иқтисодиётни тартибга солишнинг мақсади ва вазифаларини айтиб беринг.
4. Иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг роли тўғрисида илмий қарашлар.
5. Давлатнинг мақсадли инвестицияларини тушунтиринг.

³¹ <http://kun.uz>

6. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартиблашда қандай методлар қўлланилади?

7. Бозорни тартибга солишда қўл келадиган қанақа маъмурий методларни биласиз?

8. Иқтисодиётни тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини тушунтириб беринг.

XI БОБ. АГРАР МУНОСАБАТЛАР

11.1. Аграр муносабатлар ва уларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги хусусиятлари

Иқтисодий қонун ва категориялар иқтисодиётнинг барча соҳаларида амал қилади, лекин ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзига хос хусусиятлари, улардаги ижтимоий-иқтисодий шароитлар турлича бўлганлиги сабабли, иқтисодий муносабатлар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айниқса, бундай ўзига хослик аграр соҳадаги иқтисодий муносабатларда яққол кўринади, чунки бу соҳада ишлаб чиқариш бошқа соҳалардаги ишлаб чиқаришдан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Аграр соҳада ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан ер билан боғлиқ бўлади. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, бу соҳада ишлаб чиқариш жараёни бевосита тирик мавжудотлар – ер, ўсимлик, чорва моллари билан боғлиқ бўлиб, табиат қонунлари иқтисодий қонунлар билан боғланиб кетади. Бунда ер меҳнат қуроли ва меҳнат предмети сифатида қатнашади. Ернинг бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқи шундаки, ундан фойдаланиш жараёнида у ейилмайди, эскирмайди. Аксинча, агар ердан тўғри фойдаланилса, унинг унумдорлиги ошиб боради.

Ернинг ҳосил бериш қобилиятига **тупроқ унумдорлиги** дейилади. У табиий ёки иқтисодий бўлиши мумкин. Узоқ йиллар давомида кишиларнинг ҳеч қандай аралашувисиз, табиий ўзгаришлар натижасида ернинг устки қатламида ўсимлик «озикланиши» мумкин бўлган турли моддаларнинг вужудга келиши ернинг **табиий унумдорлиги** дейилади.

Агар тупроқ унумдорлиги кишиларнинг табиатга таъсири натижасида, яъни тупроқ таркиби ва деҳқончилик усулларини яхшилаш сунъий йўл билан, масалан, ерни органик ва кимёвий ўғитлаш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, илмий асосланган суғориш, ирригация ва мелиорация каби ишлаб чиқариш усулларини жорий қилиш ҳамда бошқа шу каби йўллар билан амалга оширилса, бу **иқтисодий унумдорликни** ташкил қилади.

Ердан, олинадиган ҳосил кўпроқ мана шу ернинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва уни ошириш, яъни инсоннинг, аниқроғи ишчи кучининг, жонли меҳнатнинг ерга фаол таъсири билан боғлиқ бўлади: Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби қишлоқ хўжа-

лигида ҳам ишлаб чиқариш омилларининг бевосита бирикиши асосида содир бўлади. Бунда ишчи кучи фаол бўлиб, асосий ролни ўйнайди. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ердан бошқа барча ишлаб чиқариш воситалари хусусий, шахсий, жамоа мулк шаклида бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг асосий кўринишлари ширкат, фермер, деҳқон хўжалиги шаклларида бўлиб, уларда турли иқлим ва тупроқ шароитларида ишлаб чиқариш олиб борилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам асосий капитал турли хил тракторлар, машиналар, транспорт воситалари, бино, иншоотлар, кўп йиллик дарахтлар, маҳсулдор чорва ҳамда иш ҳайвонлари, шунингдек, хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган турли хил асбоб-ускуналардан ташкил топади.

Қишлоқ хўжалигида муҳим ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер пул билан баҳоланмаслиги, яъни қиймати ўлчанмаслиги туфайли, капитал қиймати таркибида ҳисобга олинмайди. Қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган асосий капиталнинг айрим турлари, масалан, кўп йиллик дарахтлар, маҳсулдор чорва, иш ҳайвонлари, суғориш иншоотлари ва бошқалар саноат тармоқларида бўлмайди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланган бинолар, суғориш иншоотлари ва бошқалар ишлаб чиқариш натижасини оширишга фаол таъсир ўтказди, саноат тармоғида эса улар бирмунча сустроқ ва билвосита таъсир ўтказди. Шунга биноан қишлоқ хўжалигидаги капиталнинг таркибида турли иншоотлар, бинолар, узатма механизмлар ва бошқаларнинг ҳиссаси кўпроқ.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишда асосий капитал ҳам қатнашади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида айланма капитал қуйидагилардан ташкил топади: ёш ва боқувдаги ҳайвонлар, ем-хашак, уруғлик фондлари, кимёвий ўғитлар, хизмат муддати бир йилдан кам бўлган турли хил ишлаб чиқариш воситалари — инвентарлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари ҳамда шу кабилар. Ишлаб чиқариш жараёни қишлоқ хўжалигида айланма капиталнинг кўпгина қисми ҳали тугалланмаган ишлаб чиқариш шаклида бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнида капитал бошқа тармоқлардагидек доиравий айланиб туради, яъни пул шаклидан ишлаб чиқариш шаклига, ундан товар шаклига ўтиб, яна пул шаклига қайтиб келади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг миқдори ернинг ҳосилдорлиги, унинг сифатига бевосита боғлиқ бўлади. Ернинг табиий, биологик, иқтисодий ва техникавий шароитларини яхшилаш ҳам қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган капиталнинг доиравий айланишига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу омиллардан тўлароқ фойдаланиш ҳар бир хўжаликнинг муҳим вазифасидир. Табиий омиллар қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бевосита кўпайишига таъсир этса ҳам, маҳсулотнинг қийматини оширмайди, яъни қиймат ярата олмайди. Ишлаб чиқариш табиий шароитлар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу ерда иш даври ва умумий ишлаб чиқариш вақти ўртасидаги муддат саноатга нисбатан бирмунча узокроқ бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалигида турли экинларни экиб бўлингандан то ҳосил йиғиштириб олингунча ишлаб чиқариш вақти давом этади. Иш даври эса шу вақт ичида қишлоқ хўжалик экинлари меҳнат таъсирида бўлган кунлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни мавсумийлиги билан хусусиятлидир. Бу ҳол қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган меҳнат воситаларидан, яъни комбайн, турли экиш асбоблари ва шу кабилардан фойдаланиш вақтига бевосита таъсир ўтказади. Бошқача қилиб айтганда, бу меҳнат воситаларидан йилнинг маълум муддатларидагина фойдаланилади, қолган вақтда эса улар бекор туради. Масалан, сеялкадан экиш давомида фойдаланилса, ғалла ўриш комбайнлари, пахта териш машиналари эса йилига 20-30 кун йиғим-терим пайтида ишлатилади, холос. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг капитал ва энергия билан қуролланиш даражаси моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларига нисбатан юқори бўлишини тақозо қилади, лекин бу ерда асосий ва айланма капитал ҳаракати сустроқ. Булардан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва меҳнат жараёнларининг мавсумийлиги сабабли йил давомида айланма маблағларнинг сарфи бир меъёردа бўлмайди. Қиш ва ёз мавсумларида харажат қилинадиган айланма маблағлар таркибида бирмунча тафовутлар мавжуд. Масалан, қиш мавсумида айланма маблағларнинг кўпгина қисми (уруғлик, ем-хашак, турли озуқалар) ишлаб чиқариш эҳтиёт қисми шаклида туради, ёз фаслида эса тугалланмаган ишлаб чиқариш, техниканинг бутлаш қисмлари, нефть маҳсулотлари ва шу кабиларнинг ҳиссаси ортиб боради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда юқорида санаб ўтилган хусусиятларни

ҳисобга олиб, ишни ташкил қилиш, унинг самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бизнинг мамлакатимизда аҳолининг нисбатан зичлиги ва қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг чекланганлигини ҳисобга олиб, ерга хусусий мулкчилик жорий қилинмади, унга давлат мулки сақланиб қолди. Лекин бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, оқилона аграр ислохотлар амалга оширилмоқда ва бу жараён чуқурлаштирилмоқда.

Ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар аграр муносабатлар дейилади.

Ўзбекистонда ер давлат мулки ҳамда умуммиллий бойлик бўлганлиги сабабли ерга бўлган мулкчилик, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалалари алоҳида ажратиб таҳлил қилиниши лозим.

Ерга эгалик жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг маълум ер участкасига тарихан таркиб топган асослардаги ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги эгалик ҳуқуқини тан олишини билдиради. Ерга эгалик деганда, аввало ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи ва уни иқтисодий жиҳатдан реализация қилиш кўзда тутилади. Ерга эгаликни ери бўлган мулкдор амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида таъкидланганидек: - «Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш учун берилиши мумкин».³²

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи – бу ўрнатилган урф-одатлар ёки қонуний тартибда ундан фойдаланишни билдиради. Ердан фойдаланувчи ер эгаси бўлиши шарт эмас. Реал хўжалик ҳаётида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни кўпинча ҳар хил жисмоний ва ҳуқуқий шахслар, хусусан ҳозир бизда асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳам тўрт омил – ер, капитал, тадбиркорлик қобилияти ва ишчи кучи қатнашиб, бунда ер муҳим ишлаб чиқариш воситаси сифатида иштирок этади. Аммо биз аввал айтганимиздек, ишлаб чиқариш жараёнида ҳамма ишлаб чиқариш воситаларини, жумладан, ерни ҳаракатга келтириб, ундан унумли фойдаланадиган, унинг

³² Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси». Т., «Ўзбекистон», 1999., 20-модда.

иктисодий унумдорлигини оширадиган омил – инсон омили, яъни тадбиркорлик қобилияти ва ишчи кучидир.

Аграр муносабатларни ўрганишда ҳам ишчи кучининг, жонли меҳнатнинг фаол роль ўйнашини, унинг ҳамма моддий воситаларга жон ато этиб, ҳаракатга келтирувчи ролини тушунмаслик гўё капитал фойда ёки фоида, ер эса рента яратади, деган кўпгина хато фикр-мулоҳазаларга, ёлғон тасаввурларга олиб келади. Бу масалаларни тўғри тушунишда рента муносабатларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

11.2. Рента муносабатлари

Аграр муносабатларнинг асосини **рента муносабатлари** ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 20-моддасида ер рентаси тўғрисида шундай дейилган: “Ер рентаси ер эгаллигини иктисодий жиҳатдан амалга ошириш (реализация қилиш)нинг шаклидир”. Шу тушунчадан келиб чиққан ҳолда айтadиган бўлсак, ернинг эгасига ердан фойдаланганлик учун ижарачи томонидан тўланадиган ҳақ **рента** дейилади.

Ҳозирги пайтда турли мамлакатларда рентанинг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларига қараб, улар қуйидаги турларга ажратилади: абсолют (мутлақ) ер рентаси, дифференциал (табақалашган) рента I ва II, монополь рента, қазилма бойликлари рентаси, қурилишлар жойлашган ерлардан олинадиган рента.

Ер участкаларининг унумдорлиги ва жойлашган жойидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча даромад (қиймат)нинг бир қисми рента шаклини олади ва у **дифференциал рента** деб аталади.

Қишлоқ хўжалигида энг муҳим ишлаб чиқариш воситаси – ернинг миқдори ва сифатини табиатнинг ўзи чеклаб қўйган, уни инсон кўпайтиришга қодир эмас. Шунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини фақат яхши унумдор ер участкаларида тўплаш мумкин эмас. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулот тўловга қодир талаб билан таъминланган бўлса, ернинг маҳсулдорлиги ёки жойлашуви жиҳатидан ёмон шароит ҳам қишлоқ хўжалик товарларига нарх шаклланишини тартибга солувчи ижтимоий нормал шароит ҳисобланади. Натижада ўртача ёки яхши ерларда хўжалик юритувчи ишлаб чиқарувчилар қўшимча маҳсулот ва бинобарин, фойда оладилар.

Бу фойда қисқа муддатли эмас, балки озми-кўпми доимий хусусиятга эга. Барча ерлар мустақил товар ишлаб чиқарувчилар томонидан эгаллаб олинганлиги сабабли, ерга хўжалик объекти сифатидаги монополия вужудга келади. Бу ҳол дифференциал рентанинг вужудга келишига шарт-шароит яратади.

Шундай қилиб, дифференциал рента ҳосил бўлишининг табиий шарти миқдори чекланган ернинг сифати (унумдорлиги)даги фарқлардир, унинг ижтимоий-иқтисодий сабаби эса фойдаланиладиган ерларда иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашган тарзда мустақил хўжалик юритишдир.

Дифференциал рента ўзининг келиб чиқиш шароитларига қараб, дифференциал рента I ва дифференциал рента II га бўлинади.

Дифференциал рента I ернинг табиий унумдорлиги билан боғлиқ бўлган, саноат марказларига, бозорларга ва алоқа йўлларига яқин жойлашган серунум ер участкаларида вужудга келади. Чунки бундай ер участкаларида сарф-харажатлар даражаси унумдорлиги паст, бозорлардан, шаҳарлардан ва марказий йўллардан узоқ жойлашган ер участкалари маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатга нисбатан кам бўлади. Натижада ер эгалари дифференциал рента I ни олишга муваффақ бўлади.

Дифференциал рента II хўжаликларни интенсив ривожлантириш, ернинг ҳосилдорлигини ошириш учун қўшимча харажатлар сарф қилиш билан, яъни қишлоқ хўжалигида кимёвий ўғитларни қўллаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш даражаси билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Қайси хўжалик ўз ишлаб чиқаришида бу кўрсатилган омиллардан яхши фойдаланса ва хўжалигини интенсив ривожлантирса, дифференциал рента II ни олишга муваффақ бўлади. Чунки яхши ривожланмаган хўжаликка нисбатан яхши ривожланган хўжаликлар ер ҳосилдорлигини, чорва моллари маҳсулдорлигини оширишга эришганликлари учун маҳсулот бирлигига сарф қилинган харажатларни бирмунча камайтиришга эришади. Натижада бу хўжаликлар дифференциал рента II ни олишга муваффақ бўладилар.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантирмай туриб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ва жамият аъзоларининг ўсиб бораётган талабини қондириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш учун алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигини аграр саноат-

лашган асосга кўйиш, интенсивлаштиришни тезкорлик билан амалга ошириш чоралари ишлаб чиқиши лозим. Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш узлуксиз ўсмоқда. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш учун ажратилган капитал маблағлар ҳам ортмоқда.

Агар ҳамма жойда бир хил харажат қилиниб, ҳосилдорлик бир хил даражада оширилганда эди, унда ҳеч қандай дифференциал рента II бўлмас эди. Гап шундаки, ер бирлигига сарфланган бу харажатлар турли ҳудудларда, вилоятларда, хўжаликларда турлича даражада амалга оширилади ва натижада ҳосилдорлик ҳам турлича ошади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ижтимоий қиймати билан якка тартибдаги қиймати ўртасидаги тафовут хўжаликларнинг устама қўшимча маҳсулотини ташкил қилади. Яъни дифференциал рентанинг ҳар иккала кўринишини (рента I ва II ни) ўз ичига олади. Дифференциал рента I ва II маҳсулотнинг муайян ижтимоий қиймати билан ҳудуд бўйича ёки алоҳида олинган хўжаликнинг индивидуал қиймати ўртасидаги тафовутдан иборатдир. Шу ҳосил қилинган даромадлар давлат билан хўжалик ўртасида тақсимланади. Унинг давлатга тўланган қисми ер рентаси кўринишини олади (чунки бизда ер давлат мулкидир).

Дифференциал рента I юқорида қараб чиқилганидек, хўжаликлар фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиий шароитда вужудга келади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳосил қилинган бу хилдаги рента ер давлат мулки бўлганлиги сабабли, унинг манфаатлари йўлида сарф қилиш мақсадида марказлаштирилган давлат фондида (бюджетида) тўпланиши лозим. Бу ҳол ўрта ва яхши унумли ерда жойлашган хўжаликларнинг иқтисодий манфаатдорлигига путур етказмайди, балки бошқа хўжаликлар билан озми-кўпми иқтисодий шароитларни тенглаштириш имконини беради. Марказлаштирилган давлат фондига ўтган бу маблағларни (дифференциал рента I) мамлакат олдида турган вазифаларни амалга ошириш, хусусан янги ерларни ўзлаштириш ва ер унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш учун йўналтирилиши мумкин бўлади.

Дифференциал рента II ердан интенсив фойдаланиш, яъни унинг иқтисодий унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу хилдаги рентанинг асосий қисми хўжаликларнинг ўзларида қолдирилиши мантиқан тўғри бўлади. Унинг фақат бир

қисми давлат фондига жалб қилиниши мумкин, чунки давлат маълум даражада бу рентанинг ҳосил қилишда ўз ҳиссасини қўшади, яъни транспорт йўллари қурилишига, ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун капитал маблағлар сарфлайди, техникалар, кадрлар, минерал ўғитлар етказиб беради. Шундай қилиб, дифференциал рента I ва дифференциал рента II ер эгаси бўлган давлат билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тақсимланади.

Абсолют рента. Кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ерга хусусий мулкчилик монополияси шароитида ишлаб чиқаришни олиб боришга тўғри келади. Ҳозирги даврда ерга хусусий мулкчилик билан бир қаторда бошқа мулкчилик шакллари ҳам мавжуд. Масалан, давлат мулки, вақф (мачит, черков) мулклари ва бошқалар. Ерга бўлган бу мулкчилик (шаклидан қатъи назар) монополияси ижарага бериладиган барча ер участкаларининг сифатидан қатъи назар, ер эгаларига абсолют рента деб аталган рентани олишга имкон беради. Абсолют ер рентасининг вужудга келиш механизми шундан иборатки, ер эгалари ерни ишловчи ижарачиларга фойдаланиш учун ижарага берадилар ва улардан ердан фойдаланганлик учун тўловлар оладилар. Мана шу тўлов абсолют ер рентаси деб ном олган. Агар ер ижарага берилганда шу ерда турли хил иншоотлар, бинолар қурилган бўлса, уларнинг ижара ҳақи алоҳида ҳисобланади.

Аграр муносабатларни тадқиқ қилар эканмиз, нима учун қишлоқ хўжалик ишчилари яратадиган қўшимча маҳсулот жамият миқёсида барча мулк эгалари ўртасида қайта тақсимланмайди, нима учун қишлоқ хўжалигида олинадиган даромад ўртача фойдадан юқори бўлади, бу ҳодисанинг сабаби нимада, деган саволлар туғилади.

Тарихан шундай бўлиб қолганки, кўпгина мамлакатларда, жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигидаги капиталнинг узвий тузилиши саноатдагидан пастдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида яратилган товарларнинг бозор қиймати ишлаб чиқаришнинг ижтимоий қийматидаги қўшимча қиймат миқдори жамиятда шаклланган ўртача фойдадан ортиқ бўлади. Қишлоқ хўжалик товарларининг бозор нархи билан ижтимоий ишлаб чиқариш нархи ўртасидаги бу тафовут абсолют рента манбаи бўлиб хизмат қилади.

Рента назариясига кўра, қишлоқ хўжалигида рентанинг яна бир тури – **монопол рента** ҳам мавжуд бўлади. Бошқа ерда учрамайдиган табиий шароит, баъзан ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (узумнинг алоҳида навларини, тамаки, цитрус экинлари, чой ва ҳоказоларнинг алоҳида турларини) етиштириш учун имконият яратади. Бундай товарлар монопол нархлар билан сотилади. Бу нархларнинг юқори бўлиши кўпинча тўловга қодир талаб даражаси билан белгиланади. Натижада монопол нархлар шундай маҳсулотларнинг индивидуал қийматидан анча юқори бўлиши мумкин. Бу эса ер эгаларига монопол рента олиш имконини беради.

Фақат қишлоқ хўжалигида эмас, балки **ундирма саноатда** ҳам кўшимча даромад олинади. Маълумки фойдали қазилма конлари жойлашуви (ва демак, ишлаш учун қулайлиги) жиҳатидан ҳам, коннинг бойлиги жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Худди қишлоқ хўжалигидаги сингари, ўрта ва яхши конлардаги корхоналар кўшимча фойда оладилар, у ҳам дифференциал рентага айланади.

Ижара ҳақи. Рента муносабатларини қараб чиқишда рентанинг ижара ҳақидан фарқига эътиборни қаратиш зарур. Агар ижарага бериладиган ерга олдин бино, иншоот ва шу кабилар қуриш билан боғлиқ равишда капитал қўйилмалар сарфланмаган бўлса, ижара ҳақи ва рента миқдоран бир-бирига тўғри келади. Акс ҳолда, ижара ҳақи ер рентасидан фарқ қилади. Ижара ҳақи қуйидагилардан иборат: ердан фойдаланганлик учун тўланадиган рента (R), ерга илгари сарфланган капитал учун фоиз (r); ер участкасини ижарага бергунга қадар унга қурилган иншоотлар амортизацияси (A). Буни формулада қуйидагича ёзиш мумкин:

$$ИХ = R + r + A$$

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ер фақат ижара объекти эмас, балки олди-сотди объекти ҳамдир. Ер ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва табиий қазилма бойликлар қазиб олиш учун, ҳар хил ишлаб чиқариш ва турар жой бинолари, иншоотлар, йўллар, аэропортлар ва ҳоказолар қуриш учун сотиб олинади. Бундай ҳолларда ернинг нархи нима билан белгиланади?

Маълумки, ер инсон меҳнати маҳсули бўлмаганлиги сабабли алмашув қийматга эга эмас. Шунга кўра ер ва бошқа табиат

инъомлари нархини назариётчилар **иррационал нарх** деб атайдилар. Ер участкасининг эгаси уни соғишда олинган суммани банкка қўйилганда, у келтирадиган фоиз тарзидаги даромад шу ер участкасидан олинадиган рентадан кам бўлмаган тақдирдагина ерни сотади. Бошқача айтганда, ернинг нархи капиталлаштирилган рентадир. Бошқа шароитлар тенг бўлганда, худди шу рента миқдори ер нархини белгилайди. У рента миқдорига тўғри ва ссуда фоизи нормасига тескари мутаносибдир. Шундан келиб чиқиб, ернинг нархи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$B = \frac{R}{r'} \times 100\%$$

Бу ерда,

B – ер нархи;

R – рента;

r' – ссуда фоизи меъёри.

Фараз қилайлик, R – 15 млн.сўм, r' = 5%. Бунда ернинг нархи, яъни B=300 млн.сўм бўлади. Ер эгаси фақат шу нархдагина ерини сотиши мумкин, чунки муайян миқдордаги капиталдан олинадиган фоиз унга банкдан шундай йиллик даромад олишга имкон берадики, у рентага тенг бўлади.

Рента миқдори ўсиб, ссуда фоизи меъёри пасайиб борган тақдирда ернинг нархи ўсиб боради.

Ер нархини аниқлашнинг бу усули назарий аҳамиятга эга. Амалда ер нархи, ер участкасига талаб ва таклифга таъсир кўрсатувчи кўплаб омилларга боғлиқ. Жумладан, ерга нархнинг ўсишини, унга ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга талабнинг ўсиши билан тушунтирилиши мумкин. Инфляция ва асосан гиперинфляция шароитида ерга талаб кескин ўсади, бу тегишли равишда ер нархининг ўсишига олиб келади. Бозор иқтисодиётига асосланган Ғарб мамлакатларида XX аср бошларидан то ҳозирги давргача ер нархи барқарор ўсиш тамойилига эга бўлиб, фақат айрим даврлардагина унинг пасайиши кузатилади.

11.3. Агросаноат интеграцияси ва унинг асосий кўринишлари. Агробизнес ва унинг турлари

Иқтисодий ривожланиш жараёнида қишлоқ хўжалиги ҳамма вақт саноат, савдо ва бошқа тармоқлар билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб келганлигини ҳисобга олиш керак. Чунки мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қишлоқ хўжалик хомашёсидан тайёрланган товарларга бўлган эҳтиёжларини қондириш фақат қишлоқ хўжалигининг ҳолатига эмас, балки саноат тармоқлари билан уйғун ривожланишига ҳам боғлиқ бўлади. Худди ана шу ҳолат иқтисодиёт таркибида агросаноат мажмуасини битта пировард натижани рўёбга чиқаришга бўйсундирилган тармоқларнинг ягона, яхлит тизимини келтириб чиқариш учун асос бўлади.

Агросаноат интеграцияси – қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёнидир.

Агросаноат интеграцияси кўп қиррали бўлиб, у ғоят хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Булар энг аввало, ана шу жараён қайси даражада, яъни бутун мамлакат кўламидами, вилоят доираси ёки корхона даражасидами юз беришига боғлиқ.

Бутун мамлакат ва минтақалар кўламида агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро алоқалари кучайишида, халқ хўжалиги озиқ-овқат (тармоқ) ва минтақа агросаноат мажмуалари ташкил бўлиши ва ривожланишида ифодаланади.

Агросаноат мажмуаси (АСМ) – бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи иқтисодиёт тармоқларидир. АСМ тўртта соҳани ўз ичига олади. **Биринчи соҳа** – қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган саноат тармоқлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига техника хизмати кўрсатиш билан банд бўлган тармоқлар; **иккинчи соҳа** – қишлоқ хўжалигининг ўзи; **учинчи соҳа** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар (тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, сотиш); **тўртинчи соҳа** – одамлар ҳаёти ва фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган инфратузилма (йўл-транспорт хўжалиги, алоқа, моддий-техника хизмати, омбор ва тара хўжалиги)дан иборат.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган тармоқларни, ижтимоий инфратузилма одамлар турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳаларни (уй-жой, маданий-маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш ва ҳоказо) ўз ичига олади.

Тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалик соҳаларидаги шакли **агробизнес** кўринишида намоён бўлади. Агробизнес тушунчасига қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланувчи бизнес турлари ҳам киритилади. Бу қишлоқ хўжалигига техникавий ҳамда таъмирлаш хизматлари кўрсатиш, унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятидир. Агробизнес фаолиятининг мақсади истеъмол бозорини етарли миқдорда сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноатни эса хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат.

Агробизнеснинг асосий шакли ва бирламчи бўғини **фермер ва деҳқон хўжаликлари**дир.

Фермер хўжаликлари – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Деҳқон хўжалиги – оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва сотади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, фермер хўжалигининг афзаллиги юқори бўлиб, унда мулк ва меҳнат бевосита кўшилади. Бу эса юқори самарани таъминлайди. Фермер хўжаликлари мустақил тузилма бўлганлиги сабабли, ўз фаолиятини бозор конъюнктурасига тез мослаштира олади. Унда иқтисодий манфаат ва пировард натижа учун масъулият битта фаолиятнинг икки томонини ташкил қилади. Буларнинг ҳаммаси фермер хўжалигининг яшовчанлигини таъминлайди.

Агробизнес турларидан бири **агрофирмалар**дир. Улар маълум турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни пировард маҳсулот даражасигача қайта ишлашни кўшиб олиб борадиган корхоналардир.

Агрофирмалар ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам саноатга хос ресурсларни ишлатиб, истеъмолга тайёр бўлган маҳсулот яратади. Мазкур турдаги корхоналар турли мулкчиликка асосланиши,

чунончи оилавий хўжалик асосида ҳам ташкил топиб, кичик заводлар билан бирикиши мумкин. Агросаноат бирлашмалари ва комбинатлари агробизнеснинг янги турларидир.

Агросаноат бирлашмалари бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва унга боғлиқ ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи бир неча хўжалик ҳамда корхоналарни бирлаштиради. Масалан, боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар, улар маҳсулотини қайта ишловчи цех ва заводлар, етказиб берувчи савдо-сотик корхоналари бир технологик жараёнга бирлашиб, агросаноат бирлашмаларини ташкил қилади. Бирлашма иштирокчилари ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий мустақилликларини сақлаб қолиши билан бирга, уларнинг умумий мулки ҳам таркиб топиб боради.

Агросаноат комбинатлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришгача барча технологик жараёнга хизмат қилувчи хўжалик ва корхоналарнинг маълум бир ҳудудида бирлашувидир. Агробизнес турига кўнгилли ва пайчилик маблағлари асосида ташкил қилинган турли хил уюшма ва иттифокларни ҳам киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналари, жамоа хўжаликлари ва ширкатлари, турли хил мулкчилик асосида ташкил қилинган кўшма корхоналар ҳам агробизнес турлари сифатида фаолият кўрсатади.

11.4. Ўзбекистонда аграр ислохотлар ва уларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари

Халқимизнинг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб-ул-қулуб” асарида деҳқон меҳнатига таъриф бериб, шундай деб ёзган эди:

Деҳқонлар дона сочар,
Ерни ёрмоқ бирлан ризк йўлин очар.
Алар ҳар ён қилса ҳаракат,
Элга ҳам қут етқарур, ҳам баракат.

Дарҳақиқат, дастурхонимизнинг тўкинлиги, ноз-неъмат бисёрлиги, эгнимиз бутлиги, эртанги кундан кўнглимизнинг тўқлиги, фермерлар, деҳқону чорвадорлар, боғбону соҳибкорлар меҳнатидандир. Бироқ, ўтган асрнинг 80-90 йилларида юритилган қалтис сиёсат туфайли деҳқонларнинг меҳнати қадрсизланди, ҳақ-

хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинмади. Иқтисодий таназзул туфайли бу соҳа инқироз ёқасига келиб қолди.

Мустақиллигимизнинг илк давридаёқ мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан яратилган бозор иқтисодиётининг беш тамойили бу соҳада туб бурилиш ясади.

Ислохотларнинг биринчи босқичида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш ва режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки асослари яратилди. Бунда устувор йўналиш қилиб шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш белгиланган эди. Улар ихтиёридаги ер майдонлари 1989-1995 йилларда икки баробар кўпайди. Натижада аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда барқарорликка эришилди. Тармоқда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга муҳим аҳамият берилди. Жумладан, 1066 та давлат хўжаликлари (совхозлар) тугатилиб, улар негизида жамоа хўжаликлари ташкил этилди. Чорвачилик фермалари, боғ ва тоқзорлар, кичик ер майдонлари ҳамда иссиқхоналар хусусийлаштирилди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида “Ер кодекси”, “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар ва тегишли ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди. Бундай ҳуқуқий базанинг яратилиши иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга замин яратди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг халқаро андозалар ва халқимиз менталитетига мос келадиган – ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларидан иборат модели танланди. Ширкат хўжаликларида ишлаб чиқариш оила пудрати асосида ташкил этилди, пудратчиларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини оширадиган ва масъулиятини таъминлайдиган тизим яратилди. Қишлоқ хўжалигида товар етиштирувчилар фаолиятини эркинлаштириш босқичма-босқич олиб борилди, халқимиз учун стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта ва дондан бошқа барча маҳсулотларга давлат буюртмаси бекор қилинди. Ер муносабатларида янги тамойиллар жорий қилинди. Ширкат хўжаликларида экин майдонларини, боғ ва тоқзорларни оила пудратчиларига танлов асосида узоқ муддатга ижарага бериш амалга оширила бошланди. Ерни фермер хўжаликларига 50 йилгача ва деҳқон хўжаликларига умрбод фойдаланишга бериш тизими яратилди. Қишлоқ хўжалик қорхоналарида солиқ

тизими такомиллаштирилиб, 1999 йил 1 январдан бошлаб, уларнинг бир неча турлари ўрнига ягона ер солиғи жорий этилди. Бу тадбир МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб қўлланила бошланганлиги ва ҳозиргача амалдалиги муҳим аҳамият касб этади.

Ислохотларнинг учинчи босқичи 2000 йилдан бошланди. Бу босқич:

- қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар ҳақ-ҳуқукларини ҳимоя қилиш устуворлиги;

- товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлигини янада кенгайтириш ва давлат буюртмаси бўйича етиштирилаётган маҳсулотларга баҳо белгилашда дунё бозори нархларига мос келувчи тизимни шакллантириш;

- ширкат хўжаликларини, биринчи навбатда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни фермер хўжаликларига айлантириш асосида уларни қайта ташкил этиш механизми жорий этилиши;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи замонавий инфратузилма тизимининг барпо этилиши билан характерланади.

Хизмат кўрсатиш соҳалари объектларини бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ташкил этиш бошланди. Улар биринчи навбатда янги фермер хўжаликлари тузилаётган ҳудудларда барпо этилмоқда. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ўтиш даврининг мураккаб босқичларида ўз олдига қўйилган вазифаларни бажара олди.

Ўзбекистонда аграр ислохотнинг негизи ерга бўлган мулкчилик масаласидир. Республика Конституциясида ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги таъкидланган. Шундай экан, қишлоқда бозор муносабатларини шакллантиришга ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш учун ижарага бериб қўйиш орқали эришиш кўзда тутилган.

Республикада ерга бўлган мулкчилик муносабатларини ислох қилишнинг бошқа хусусияти шундан иборатки, мелиорация, ирригация, ерларнинг унумдорлигини ошириш дастурларини бажаришни давлат ўз зиммасига олади. Буни биздаги деҳқончиликнинг хусусияти тақозо қилади. Бу хусусият фақат суғориладиган ерларга хосдир. Республикада барча ҳайдаладиган ерларнинг 3/4 қисмидан кўпроғи (4,2 млн.га) суғориладиган ерлар бўлиб, унинг ярмидан кўпроғи яхши мелиоратив ҳолатда, қолган ерлар эса мелиорация

ишлари (қайта ўзлаштириш, коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш)ни олиб боришни талаб қилади. Ҳозирги вақтда суғориб келинган ҳар гектар ерни қайта ўзлаштириш учун 1990 йилги даражадан 14-15 барабар кўп харажат талаб қилинади. Бундан хулоса шуки, бирорта ҳам фермер ирригация ва мелиорация ишларини ўзи мустақил амалга ошира олмайди. Фақат давлатгина мелиорация тармоқларини реконструкциялашга, қуришга ва ирригация тадбирларини амалга оширишга қодирдир.


Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналиши – бу шахсий томорқаларни кенгайтириш, янги суғориладиган ерларни шахсий хўжаликлар ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан аҳолини ер билан таъминлашдан иборатдир. Шу кўрилган чора-тадбирлар ҳисобига, биринчидан, қишлоқ жойларда ишсизликнинг кучайиб бориш хавфини барҳам топтиришга, иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини оширишга, учинчидан, аҳолини ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликка барҳам беришга ва тўртинчидан, якка тартибда уй-жой қурилиш кўламини анча кенгайтиришга муваффақ бўлинди.

Республикада аграр ислохотларнинг навбатдаги йўналиши – бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг таркибий тузилишини такомиллаштиришдир. Бунда хўжаликларга экин майдонлари таркибини ва ишлаб чиқариш ҳажмини мустақил белгилаш ҳукуқи берилади.

Дон мустақиллигига эришиш ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашни тиклаш йўли изчил амалга оширилиши натижасида донли экинлар майдони анча кенгайди, пахта экиладиган майдонлар эса тегишли равишда қискарди. Дон етиштиришни кўпайтириб бориш уни четдан келтиришни қисқартириш ва қисқа даврда тўлик дон мустақиллигига эришиш имконини берди.


Республикада аграр ислохотларни чуқурлаштиришнинг навбатдаги йўналиши барча давлат ва ширкат қишлоқ хўжалик корхоналарини (биринчи навбатда зарар кўриб ишлаётганларини) фермер хўжаликларига айлантиришдан иборатдир.

Бунда бирламчи қишлоқ хўжалик бўғини бўлмиш фермер хўжаликларига моддий-техникавий ва бошқа ресурслар таъминоти, техника, агрокимё хизмати кўрсатадиган ишлаб чиқариш инфратузилмалари ташкил этилиши лозим. Бу борада бугунги кунга қадар амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида фермер хўжаликлари жадал равишда ривожланиб бормоқда.



13-чизма. 2010-2016 йилларда фермер хўжаликларининг сони (бирликда).

2017 йил 1 январь ҳолати бўйича фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг сони 132356 тани ташкил этиб, уларга бириктирилган умумий ер майдони 5806,2 минг гектарга тенг бўлган ва битта фермер хўжалигига ўртача 43,9 гектар ер майдони тўғри келган³³.



14-чизма. Ўртача 1 фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони, га

³³ <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1431-qishloq-xojaligi-korsatkichlari>

Республикамизда келгусида аграр соҳада замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошқоқли дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу эса шу турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми сезиларли даражада ортишини ҳам таъминлайди. Замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Аграр муносабатларнинг мазмунини, иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини ва хусусиятларини кўрсатиб беринг.

2. «Ерга эгалик» ва «ердан фойдаланиш» тушунчаларини изоҳланг. Ер рентаси назарияларининг умумий томонлари ва туб фарқларини кўрсатиб беринг. Ер рентасининг асл мазмунини тушунтиринг.

3. Дифференциал (I ва II) ва абсолют рентанинг ҳосил бўлиш шарт-шароитлари, манбалари ва тақсимланишини тушунтириб беринг. Монопол рента нима? Қазиб олувчи ва ундирма саноатда рента қандай ҳосил бўлади?

4. «Ижара ҳақи» ва «ер рентаси»нинг фарқларини изоҳланг.

5. Агробизнеснинг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг ва унинг асосий турларига тавсиф беринг.

6. Агросаноат мажмуаси ва агросаноат интеграцияси тушунчалари иқтисодий мазмунига ўз фикрингизни билдириңг.

ХII БОБ. ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ

12.1. Миллий иқтисодиётнинг қарор топиши ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари

Миллий иқтисодиёт кўплаб ўзаро боғлиқ иқтисодий унсурлардан иборат бўлган мураккаб иқтисодий тизимдир. Мазкур унсурлар ўртасидаги амалда таркиб топган муносабатларнинг бутун мажмун иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини тавсифлаб беради.

Миллий иқтисодиёт – барча тармоқлар ва соҳаларни, микро- ва макродаражадаги иқтисодиётларни, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир

Миллий хўжаликнинг таркиб топган тузилиши ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожининг натижаси ҳисобланади.


Миллий иқтисодиёт ўзида жаҳон ҳамжамиятидаги бошқа мамлакатлардан ажратиб турувчи тарихий, табиий-географик, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларни намоён этади.

Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши мамлакатда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурслари; уларнинг ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида ажралиб чиққан иқтисодий субъектлар ўртасидаги тақсимот ҳажми; мазкур субъектлар ишлаб чиқариш ҳажмлари, миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айир-бошлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида шаклланувчи таркибий қисмлари ўртасидаги муносабат сифатида намоён бўлади. Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини содда кўринишда қуйидаги 15-чизма орқали тасвирлаш мумкин.

Миллий иқтисодиёт меъёрида фаолият қилиш ва барқарор ўсиши учун барча тармоқ ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги ва мувозанатли ривожланиши талаб қилинади. Миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасининг шаклланишида қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: мавжуд бозор конъюнктураси, бозорлар сифими ва монополлашув даражаси, мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси; фан-техника тараққиётининг миқёслари, тавсифи ва ривожланиш суръатлари, ишлаб чиқариш ресурсларининг сифати, ҳудудларнинг ер майдонлари ва

инфратузилма объектлари билан таъминланганлиги, экология ҳолати.

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва уларнинг ўсиши бир қатор кўрсаткичлар тизими орқали аниқланиб, таҳлил қилинади.



15-чизма. Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши.

Бутун миллий иқтисодиётнинг ҳолатини тавсифловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар қуйидагилар ҳисобланади:

- ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД);

- аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД);

- давлат бюджети тақчиллиги, инфляциянинг ўсиш суръати, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш ўсиш суръати;

- ишсизлик даражаси, ишсизлар сони, аҳолининг иш билан бандлиги даражаси;

- аҳолининг турли неъматлар ва хизматлар истеъмоли, ҳажми, иш ҳақининг минимал миқдори;

- тўлов баланси ҳолати, импорт, экспорт, савдо обороти

- миллий бойлик ва бошқалар.

Бу кўрсаткичлар моддий ишлаб чиқариш ва номоддий хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча хўжаликлар иқтисодий фаолиятининг умумий ва пировард натижаларини қамраб олади (6-жадвал).

Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	2007 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,5	8,5	8,3	8,2	8,0	8,1	8,0
Саноат маҳсулотининг ўсиши	12,1	8,3	6,3	7,7	8,8	8,3	8,0
Хизмат кўрсатиш ҳажми	20,6	13,4	13,2	14,2	14,3	15,7	10,8
Қишлоқ хўжалиги	6,1	6,8	6,6	7,0	6,8	6,9	7,0
Савдо соҳаси	21,0	14,7	16,4	13,9	14,8	14,3	15,0
Экспорт умумий ҳажмининг ўсиши	40,7	10,8	15,3	-5,1	6,6	-	-
Давлат бюджетининг ба-жарилиши	+1,1	+0,3	+0,4	+0,4	+0,3	+0,2	+0,1
Инфляция даражаси	6,8	7,3	7,6	7,0	6,8	6,1	5,6
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,5	19,2	13,8	13,8	10,2	9,6

12.2. Миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий қисмлари ва ҳаракат шакллари

Ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш натижасида мамлакат миқёсида **миллий маҳсулот** яратилади. Миллий маҳсулот барча моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматларни ўз ичига олиб, унинг ҳажми иқтисодиёт таракқиётида аҳамиятли ўрин тутати. Шунга кўра, миллий маҳсулот ҳажмини аниқлаш, унинг таркиби ва ҳаракат шакллари ўрганиш доимий равишда иқтисодиёт фанларининг асосий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Миллий маҳсулот турли даврларда турли малакатларда турлича аталиб, турлича ҳисобга олиниши мумкин. Масалан, собиқ иттифокдош республикалар, шу жумладан бизнинг республикамизда ҳам олдинги даврда мамлакат бўйича ишлаб чиқаришда вужудга келтирилган маҳсулотлар йиғиндиси **жами ижтимоий маҳсулот** деб аталган. Жами ижтимоий маҳсулот кўрсаткичида йил мобайнида яратилган моддий неъматлар йиғиндиси ҳисобга олинган, унда хизмат кўрсатиш соҳаларида вужудга келтирилган маънавий неъматлар ва хизматлар қиймати акс этмаган. Лекин бир ишлаб чиқариш соҳасидан чиққан хомашё, материаллар, ёнилғи ва энергияларнинг қиймати бошқа соҳаларда ишлатилиб, бир неча бор

такрор-такрор ҳисобга олинган, маҳсулотнинг ҳажми - сунъий равишда ошириб кўрсатилган, истеъмолга бориб тушадиган тайёр маҳсулот эса ундан бир неча баробар кам бўлган.

Мана шу такрор ҳисоблашларга барҳам бериш учун бошқа қатор мамлакатлар билан биргаликда бизнинг мамлакатда ҳам ҳозир миллий ҳисоб тизимига ўтилиб, энди мамлакатда вужудга келтирилган миллий маҳсулот, яъни товарлар ва хизматлар йиғиндиси ялпи ички маҳсулот деб атала бошланди.

Ялпи ички маҳсулот – бу маълум вақт давомида, масалан, бир йилда яратилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб етадиган барча тайёр маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг бозор нархидаги қиймати

Ялпи ички маҳсулот моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари йиллик фаолиятининг умумий самараси бўлиб ҳисобланади. Биринчи бор бу кўрсаткич 1934 йилда Саймон Кузнец томонидан таклиф этилган.

Ялпи ички маҳсулот умумлаштирувчи иқтисодий кўрсаткич бўлиб, у фақат мазкур мамлакат ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланган ҳолда мамлакат ичида яратилган товар ва хизматлар жами қийматининг бозор нархларидаги ифодасини намоён этади. У барча ишлаб чиқарувчилар томонидан кўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади.


Ялпи ички маҳсулот худди ялпи миллий маҳсулот каби ҳисобланади, бироқ ундан хорижий мамлакатлар билан ҳисоб-китоблар қолдиғига тенг бўлган миқдорга фарқ қилади. Яъни ЯИМ кўрсаткичига мазкур мамлакатнинг чет эллардаги ишлаб чиқариш омилларидан келувчи тушумлари (омиллар бўйича даромадлари) ҳамда мазкур мамлакатда хорижий инвесторлар томонидан олинган омиллар бўйича даромадлар ўртасидаги фарқ қўшилса ЯММ кўрсаткичи ҳосил бўлади.

ЯММ ва ЯИМ ўртасидаги фарқ қуйидагилар орқали намоён бўлади:

ЯИМ ҳудудий жиҳатдан ҳисобланади. Бу, миллий мансублигидан қатъи назар, муайян мамлакат ҳудудида жойлашган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг жами қийматидир.

ЯММ – бу ўз мамлакати ёки хорижда жойлашувидан қатъи назар, миллий корхоналар томонидан яратилган маҳсулот ва хизматлар умумий ҳажмининг жами қиймати.

ЯММ ва ЯИМнинг ўзаро фарқини қуйидаги чизма орқали яққолроқ ифодалаш мумкин (2-чизма).



16-чизма. ЯММ ва ЯИМ ўртасидаги таркибий нисбатлар.

16-чизмадан кўринадики, мамлакат ЯММ 13 трлн. сўмни (M₂ ва M₃ шартли рақамлар йиғиндиси), ЯИМ эса 12 трлн. сўмни (M₂ ва M₁ шартли рақамлар йиғиндиси) ташкил этади.

ЯММ ва ЯИМ ўртасидаги фарқ у қадар аҳамиятли эмас. Бу фарқ ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг $\pm 1\%$ ни ташкил этади. БМТ статистика хизмати асосий кўрсаткич сифатида ЯИМдан фойдаланишни тавсия этади. Яқин вақтларга қадар АҚШ ва Японияда ЯММ кўрсаткичи қўлланилар эди, эндиликда бу мамлакатлар ҳам ЯИМ кўрсаткичини қўллай бошладилар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳисобга олинмоқда. Шунинг учун биз бундан кейинги ўринларда ялпи ички маҳсулот тўғрисида сўз юритамиз.

Маълумки, ЯИМ миллий иқтисодиётда йил давомида ишлаб чиқарилган барча пировард маҳсулот (хизмат)ларнинг бозор нархларидаги суммасини ифодалайди. Биз биламизки, жорий йилда ишлаб чиқилган барча маҳсулотлар сотилмаслиги мумкин, уларнинг бир қисми захираларни тўлдиради. Яъни ЯИМ ҳажмини ҳисоблаб топишда захираларнинг ҳар қандай ўсиши ҳисобга олиниши зарур, чунки ЯИМ ёрдамида жорий йилдаги барча маҳсулотлар (сотилган ва сотилмаган) ҳисобга олинади.

Миллий ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажмини тўғри ҳисоблаб чиқиш учун, мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ва хизматлар бир марта ҳисобга олиниши зарур. ЯИМ ҳажмини топишда сотилган ва қайта сотилган маҳсулотларни кўп марта ҳисобга олишларни бартараф қилиш учун, иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган қўшилган қийматлар йиғиндиси олинади.

Қўшилган қиймат – бу корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан мол етказиб берувчилардан сотиб олинган ва истеъмол қилинган хомашё ва материаллар, ёнилғи, мойлаш материаллари, энергия ва бошқа инвентарлар қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмининг бозор қиймати.

ЯИМ йил давомида ишлаб чиқарилган барча пировард товарлар ва хизматларнинг бозор нархидаги суммаси бўлганлиги учун товарнинг ўзи, унинг нафлилиги кўпаймаган ҳолда нархлар ошиши эвазига унинг ҳажми ошиб кетиши мумкин. Нарх ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ҳар хил элементларини ягона умумий асосга келтиришнинг энг кенг тарқалган кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Шунинг учун ялпи миллий маҳсулотга баҳо беришда номинал ва реал миллий маҳсулот ҳисобга олинади. Жорий бозор нархларида ҳисобланган миллий маҳсулот **номинал миллий маҳсулот**, ўзгармас, қиёсий нархларда ҳисобланган миллий маҳсулот эса **реал миллий маҳсулот** деб юритилади. Ҳар хил йилларда ишлаб чиқарилган ЯИМ қийматини фақат нарх ўзгармаган тақдирда ўзаро таққослаш мумкин бўлади. Бундан ташқари, нарх даражаси бизга иқтисодиётда инфляция (нарх даражасининг ўсиши) ёки дефляция (нарх даражасининг камайиши) ўрин тутганлигини ва унинг миқёси қандайлигини билиш имконини беради.

Нарх даражаси нарх индекси шаклида ифодаланади. **Нарх индекси** жорий йилдаги маълум гуруҳ истеъмол товарлар ва хизматлар тўплами нархлари суммасини, худди шундай товарлар ва хизматлар миқдорининг базис даврдаги нархлари суммасига таққослаш орқали ҳисобланади. Таққослашнинг бошланғич даври «базис йил» дейилади. Агар айtilганларни формула шаклига келтирсак, у куйидаги кўринишни олади:

$$\text{Нарх индекси} = \frac{\text{жорий йилдаги истеъмол товарлари нархи}}{\text{базис йилдаги истеъмол товарлари нархи}} \times 100 \%$$

Амалиётда қатор ҳар хил товар ва хизматлар тўплами ёки истеъмол саватининг нарх индекси ҳисобланади. Ғарб мамлакатлари ва хусусан АҚШда бу индекслар ичида энг кенг қўлланиладигани истеъмол нархлари индекси ҳисобланади. Унинг ёрдамида типик шаҳар аҳолиси сотиб оладиган, истеъмол товар ва хизматларининг 300 турини ўз ичига олувчи бозор саватининг қайд қилинган нархлари ҳисобланади. Аммо нархнинг умумий даражасини ҳисоблаш учун ЯИМ нарх индексидан фойдаланилади. ЯИМ нарх индекси анча кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига нафакат истеъмол товарлари, балки инвестицион товарлар, давлат томонидан сотиб олинадиган ҳамда халқаро бозорда сотилган ва сотиб олинган товарлар ва хизматлар нархларини ҳам олади. ЯИМ нарх индекси номинал ЯИМни реал ЯИМга айлантириб ҳисоблаш имкониятини беради.

7-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши³⁴

Йиллар	Кўрсаткичлар		
	номинал ЯИМ, млрд сўм	реал ЯИМнинг ўсиш суръати, %	ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши, %
2000	3255,6	4,0	2,4
2005	15923,4	7,0	5,7
2010	61100	8,5	6,7
2011	77750,6	8,3	5,5
2012	96589,8	8,2	6,5
2013	118986,9	8,0	6,4
2014	144900,0	8,1	6,4
2015	171400,0	8,0	-

Номинал ЯИМ шу маҳсулот ишлаб чиқарилган даврда амал қилиб турган нархларда ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажмини билдиради.

³⁴ Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот таҳлилий бюллетени. Т.: 2016.

Маълум йил учун ЯИМ нарх индексини қандай қилиб ҳисоблаш мумкинлигини кўрсатувчи оддий шартли мисол келтирамиз. 2014 йил ЯИМ қиймати 144900,0 млрд. сўмни ташкил қилган. 2015 йил Республикамиз иқтисодиётида 171400,0 млрд. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилган.

2015 йилга ЯИМ нарх индексини аниқлаш учун, 2015 йилдаги маҳсулотлар нархлари суммасини худди шу ҳажмдаги ва турдаги товарларнинг 2014 йил нархлари суммасига бўлиш зарур, яъни $171400/144900=1,18$ ёки 118%

Агар биз ЯИМ нарх индексини қатор йиллар учун ҳисобласак, олинган индекслар бизга уларни таққослама таҳлил қилиш имконини беради.

Жорий йилдаги номинал ЯИМни реал ЯИМга айлантиришнинг анча оддий ва тўғридан-тўғри усули номинал ЯИМни нарх индекси (НИ)га бўлишдир, яъни:

$$\text{Реал ЯИМ} = \frac{\text{Номинал ЯИМ}}{\text{НИ}}$$

Иқтисодиётда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг кўрсаткичи ЯИМ билан бирга, унинг таркибий қисмлари сифатида ҳисобланиш мумкин бўлган бир қатор ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар мавжуд бўладик, улар миллий иқтисодиётнинг турли томонларини тавсифлаб беради.

ЯММ ва ЯИМ ишлаб чиқариш ялпи ҳажмининг кўрсаткичи сифатида битта муҳим камчиликка эга. Улар мазкур йилда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган асосий капиталнинг ўрнини қоплаш учун зарур бўлган қийматни ҳам ўз ичига олади.

ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айириб ташланса соф миллий маҳсулот (СММ) кўрсаткичи ҳосил бўлади.

ЯИМ – амортизация йиллик суммаси = СММ

Шундай қилиб, СММ амортизация ажратмаси суммасига камайтирилган ЯИМ сифатида чиқади.

СММ қийматига давлат томонидан ўрнатиладиган эгри солиқлар суммаси киради. Эгри солиқлар корхона томонидан ўрнатиладиган

наҳхга кўшимча ҳисобланади. Бундай солиқлар оғирлиги истеъмолчи зиммасига тушади ва унинг ҳисобига ўзларининг даромадининг бир қисмини йўқотади. Шунинг учун ҳозирги даврда ҳисоб тизимида СММдан эгри солиқлар чиқариб ташланса миллий даромад (МД) кўрсаткичи ҳосил бўлади деб кўрсатилади.

СММ – бизнесга эгри солиқлар = миллий даромад

Амалиётда ишлаб чиқарилган ва фойдаланилган миллий даромад фарқланади. **Ишлаб чиқарилган миллий даромад** – бу янгидан яратилган қийматнинг бутун ҳажми. **Фойдаланилган миллий даромад** – бу ишлаб чиқарилган миллий даромаддан йўқотишлар (табiiй офатлар, махсулотларни захирада сақлашдаги йўқотишлар ва ҳ.к.) ва ташқи савдо қолдиғи чиқариб ташланган миқдорга тенг.

Миллий даромадни, даромадлар барча турларини (амортизация ажратмаси ва бизнесга эгри солиқлардан ташқари) қўшиб чиқиш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин.

Миллий даромаднинг бир қисми, жумладан ижтимоий суғуртага ажратмалар, корхона фойдасидан тўланувчи солиқлар ва корхонанинг тақсимланмайдиган фойдаси амалда уй хўжаликлари кўлига келиб тушмайди. Аксинча, уй хўжаликлари оладиган даромаднинг бир қисми, масалан, ижтимоий тўловлар – улар меҳнатининг натижаси ҳисобланмайди.

Шахсий даромад кўрсаткичини топиш учун миллий даромаддан уй хўжаликлари кўлига келиб тушмайдиган даромадларнинг юқоридаги учта турини чиқариб ташлашимиз ҳамда жорий меҳнат фаолиятининг натижаси ҳисобланмаган даромадларни унга қўишимиз зарур.

Миллий даромад – Ижтимоий суғурта ажратмаси – Корхона фойдасига солиқлар – Корхонанинг тақсимланмайдиган фойдаси + Ижтимоий тўловлар = Шахсий даромад

Шахсий даромаддан индивидуал солиқлар тўлангандан кейин, уй хўжаликларининг тўлиқ тасарруфида қоладиган даромад шаклланади.

Солиқлар тўлангандан кейинги даромад уй хўжаликлари энг охирида эга бўладиган даромад ҳисобланиб, алоҳида шахс ва оилалар ўз тасарруфида бу даромадларнинг бир қисмини истеъмол учун сарфлайди ва бошқа қисмини жамғармага йўналтиради.

12.3. Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усуллари

Миллий маҳсулотни ҳисоблашда миллий ҳисоблар тизимидан фойдаланилади.

Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) – бу барча асосий иқтисодий жараёнларни, такрор ишлаб чиқариш шароитлари, жараёнлари ва натижаларини тавсифловчи ўзаро боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичлар, таснифлар ва гуруҳлар тизими

Миллий ҳисоблар тизими узоқ йиллар давомида турли мамлакатлардаги кўплаб иқтисодчи олим ва мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва такомиллаштириб келинган. Жумладан, классик иқтисодчи У.Петти жаҳонда биринчи бўлиб ўз мамлакати миллий даромад ҳажмини ҳисоблаш ишларини амалга ошириб, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимининг зарурлигини тушуниб етган эди. Физиократлар мактаби асосчиси Ф.Кенэ эса миллий иқтисодиётнинг биринчи макроиқтисодий моделини яратди. Бирок, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимига бўлган кучли эҳтиёж XX асрнинг 20-30-йилларида вужудга келди. Собиқ иттифокда халқ хўжалиги баланси деб номланувчи кўрсаткич ва жадваллар тизими ишлаб чиқилди. Ғарб мамлакатларида мазкур тизимнинг ишлаб чиқилиши 1929-1933 йиллардаги Буюк депрессиядан кейин бошланди. Бу тизимнинг ўзига хос бир қатор муҳим қоидалари дастлаб А.Маршалл, кейинчалик Ж.М.Кейнс томонидан шакллантирилди. Шунингдек, инглиз иқтисодчилари Р.Стоун, К.Кларк, Ж.Хикс ҳамда америкалик иқтисодчилар - С.Кузнец, М.Жилберт, В.Леонтьевлар ҳам бу ишга катта ҳисса қўшдилар.

Бундай ҳисоблар БМТ томонидан эълон қилинган «Миллий ҳисоблар ва ёрдамчи жадваллар тизими» номи хужжат асосида халқаро статистикада стандарт тизим сифатида 1953 йилдан бошлаб қўлланила бошлади. Ҳозирги даврда дунёнинг 100дан ошиқ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда мазкур тизим кенг қўлланилади.

Миллий ҳисоблар тизимига асосан ЯИМ уч хил усул билан ҳисобланиши мумкин:

- қўшилган қийматлар бўйича ёндашув;
- сарф-харажатлар бўйича ёндашув;
- даромадлар бўйича ёндашув.

ЯИМни ҳисоблашга қўшилган қийматлар бўйича ёндашувда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича яратилган қўшилган қийматлар қўшиб чиқилади (ЯИМ тармоқ ва ишлаб чиқаришлар бўйича). Бу усул билан ҳисобланган ЯИМ алоҳида тармоқларнинг шу маҳсулотни яратишдаги ўрнини ва ҳиссасини аниқлаш имконини беради.

ЯИМни ҳисоблашга сарф-харажатлар бўйича ёндашувда мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот (хизмат)лар ҳажмини сотиб олишга қилинган барча сарфлар қўшиб чиқилади. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулотларни мамлакат ичида ҳўжаликнинг учта субъекти – уй ҳўжаликлари, давлат, тадбиркорлар ҳамда ташқаридан чет эллик истеъмолчилар сотиб олиши мумкин.

ЯИМни ҳисоблашга даромадлар бўйича ёндашувда мазкур йилда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ҳажмидан олинган барча даромадлар уй ҳўжаликлари ихтиёрига иш ҳақи, рента тўловлари, фойз ва фойда шаклида келиб тушади. Шу сабабли бу усулда ЯИМ пировард маҳсулот ҳисобидан олинган ана шу барча даромадларни қўшиб чиқиш орқали аниқланади.

Ҳар учала усул билан ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичи ҳажми статистик хатолар истисно этилганда ўзаро тенг бўлиши лозим. Шу билан бирга ҳар учала усул билан ЯИМ кўрсаткични ҳисоблашда ўзига хос талабларга амал қилиниши талаб этилади.

ЯИМни қўшилган қийматлар усулида аниқлаш.

Ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ЯИМ якуний товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида аниқланади. ЯИМни бу усулда аниқлаш статистик жиҳатдан қулай бўлиши билан бирга уни ҳисоблашнинг муҳим шартига амал қилиш, яъни бир қийматни икки бор ҳисобга олиш, ёки оралиқ маҳсулот қийматини ЯИМга қиритиб юборишнинг олдини олади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри ҳисоблаш учун жорий йилда ишлаб чиқарилган товар ва кўрсатилган хизматлар қиймати бир марта ҳисобга оlinиши керак. Кўпгина маҳсулотлар бозорга боргунча бир нечта ишлаб чиқариш босқичини ўтайти. Шу сабабли ЯИМда айрим маҳсулотларни икки ва ундан кўп марта ҳисобга олмаслик учун, фақат пировард маҳсулотнинг бозор қиймати ҳисобга олинади, оралиқ маҳсулотлар эса ҳисобга оlinмайди.

Қўшилган қиймат товар ва хизматларнинг сотиш баҳоси билан уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган хомашё ва материалларни сотиб олишга қилинган харажатлар ўртасидаги фарк кўринишида аниқланади.

ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблаш.

Бу усул якуний фойдаланиш усули деб ҳам юритилиб, унда ЯИМни ҳисоблаш учун якуний маҳсулотларни сотиб олишга қилинган барча харажатлар ўзаро қўшиб чиқилади. Бу харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари (С):

а) узок муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;

б) кундалик фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;

в) истеъмол хизматлари тўловига.

Ялпи ички хусусий инвестиция харажатлари (I):

а) асбоб-ускуналар, машиналарни якуний сотиб олишга;

б) корхоналар, иншоотлар, тураржой биноларини қуришга сарфланган;

в) товар захиралари ўртасидаги фарқлар ёки захираларнинг ўзгариши.

Товар ва хизматларнинг давлат хариди (G).

Бу гуруҳ харажатларига маҳаллий ва марказий бошқарув ҳокимияти идоралари томонидан корхоналарнинг пировард маҳсулотлари ва ресурслари хариди (автомобиль йўллари ва почта муассасалари қурилиши, давлат корхоналарида тўланадиган иш ҳақи) харажатлари киритилади. Лекин шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу харажатларга давлат трансферт тўловлари киритилмайди.

Соф экспорт (Хп): мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ.

ЯИМни харажатлар орқали ҳисоблаш формуласини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$\text{ЯИМ} = \text{С} + \text{I} + \text{G} + \text{Хп}$$

ЯИМни даромадлар (таксимот усули) бўйича ҳисоблаш.

ЯИМни даромадлар кўринишида аниқлашда, иқтисодий назарияда, даромадларни қуйидаги компонентларга бўлиш кўзда тутилади:

- амортизация (A);
 - билвосита солиқлар (T);
 - ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (W);
 - ижара ҳақи тўлови ва рента кўринишидаги даромадлар (R1);
 - капитал учун олинган фоиз даромадлари (R2);
 - мулкдан келадиган даромад (нокорпоратив корхоналар даромади) (P1);
 - корпорация фойдаси (P2).
- Келтирилган ёндашувга кўра:

$$\text{ЯИМ} = A + T + W + R1 + R2 + P1 + P2$$

Харажатлар ва даромадлар кўринишида ҳисоблаб топилган ЯИМ ҳажми ўзаро мос келади. Чунки миллий иқтисодиёт доирасида бир субъект томонидан қилинган ҳар қандай харажат иккинчи субъект учун даромад бўлиб тушади.

12.4. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш истикболлари

Ўзбекистоннинг 2030 йилгача мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясига мувофиқ, иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатидан ўрта-юқори даромадли мамлакатлар қаторига кириши режалаштирилган. Бу ҳақида Республикаимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўз маърузаларида “Айни шу кўз билан қарайдиган бўлсак, яъни жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилган, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда, биз олдимизга аниқ мақсадни – яъни 2030 йилга бориб, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифасини қўйишимиз учун бугун, ҳеч шубҳасиз, барча асосларимиз бор. Бу йўлда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан саноатни жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2015 йилдаги 33,5 фоиздан 40 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалиги улушини эса 16,6 фоиздан 8-10 фоизга камайтириш, энергияни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш эвазига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажмини тахминан 2 баробар қисқартиришга эришмоғимиз керак. Биз ўз олдимизга қўйган вазифалар қанчалик асосли эканини қуйидаги ҳисоб-китоблар кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз ялпи

ички маҳсулотининг 2016-2030 йилларда 2 баробар кўпайишига эришиш учун ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,8 фоиз даражасида бўлишини таъминлаш зарур. Агар кейинги 11 йилда бу кўрсаткич 8 фоиздан юқори бўлиб келганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу вазифани амалга ошириш учун мустаҳкам асос ва замин борлиги яққол аён бўлади”³⁵; – деган фикрларни билдирганлар. Шу мақсадда 2015-2030 йилларда ЯИМ умумий ҳажмини 2,6 марта кўпайтириш лозим бўлади. Ушбу вазифани ҳал қилиш учун Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар дастури қабул қилинган бўлиб, ушбу дастурда 4081 млрд доллар қийматга эга бўлган 846 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу дастурда ЯИМни 2015-2019 йиллардаги ўртача йиллик ўсиши камида 8% ва саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 9% бўлиши кўзда тутилган. Натижада саноатнинг ЯИМдаги улуши 2020 йилда 37,2%га етади (8-жадвал).

8-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари (%да)³⁶

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016-2020 йй.	2020-2030 йй.
Ялпи ички маҳсулот	8,0	7,8-7,6	7,6-7,0
ЯИМ таркиби:			
Саноат	33,5	37,2	40,0
Қишлоқ хўжалиги	16,6	14,1	9,0
Хизматлар	49,9	48,7	51,0

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида кўра мамлакатимизда 2017-2021 йилларда иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш,

³⁵ Каримов И.А. Бош вазифамиз мавжуд қийинчиликларга қарамадан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Халқ сўзи, 2016 йил 26 январь.

³⁶ Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот таҳлилий бюллетень. Т.: 2016.

миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича қуйидаги устувор вазифалар қўйилди:

– миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

– ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

– юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

– иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайитириш;

– принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

– ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

– иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайитириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

– фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш;

– хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

– туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш;

– экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;

– йўл - транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Миллий иқтисодиётнинг қандай таркибий қисмлари мавжуд?

2. Макроиқтисодий кўрсаткичлар нималар ва улар миллий иқтисодиётда қандай роль ўйнайди?

3. ЯИМ ва СММ бир-биридан нима билан фарқланади?

4. Миллий маҳсулотнинг ҳаракат шакллари тавсифини беринг.

5. ЯИМ қандай усулларда ҳисобланади?

6. Номинал ва реал ЯИМ тушунчаларини изоҳланг.

ХIII БОБ. ИСТЕЪМОЛ, ЖАМҒАРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

13.1. Истеъмол ва жамғаришнинг иқтисодий мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Миллий иқтисодиётда ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми бўлган янгидан вужудга келтирилган маҳсулот, яъни сотилгандан кейинги унинг пулдаги кўриниши – миллий даромаддан истеъмол ва жамғариш мақсадларида фойдаланилади.

Кенг маънода **истеъмол** (инглиз тилида: *consume* – с) жамият аъзолари иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланиш жараёнини билдиради

Бунда унумли ва шахсий истеъмол фарқланади.

Унумли истеъмол бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш жараёнини англатади.

Шахсий истеъмол ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй бериб, бунда кишиларнинг истеъмол буюмларидан ва хизматлардан бевосита ўзларининг шахсий эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланилади. Истеъмолнинг манбаи истеъмолчи ихтиёридаги даромад ҳисобланади.

Истеъмол қилинадиган неъмат турига боғлиқ равишда моддий ҳамда номоддий неъмат ва хизматларни истеъмол қилиш фарқланади.

Моддий истеъмол – эҳтиёжларни қондиришда моддий кўринишдаги неъматларнинг тегишли нафли хусусиятларидан фойдаланиш. Буларга озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқалардан фойдаланишни мисол келтириш мумкин.

Номоддий неъмат ва хизматлар истеъмоли – эҳтиёжларни қондиришда номоддий кўринишдаги неъмат ва хизматларнинг тегишли нафли хусусиятларидан фойдаланиш. Буларга билим олиш, мусика тинглаш, соғлиқни тиклаш, адвокат хизматидан фойдаланиш ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Якка тартибдаги ёки жамоа бўлиб истеъмол қилиш ҳам фарқланади. Алоҳида шахснинг ўз ихтиёрида бўлган неъматларни истеъмол қилиши якка тартибдаги истеъмолга, жамият аъзолари

турли гуруҳларининг неъматлардан биргаликда фойдаланиши **жамоа бўлиб истеъмол** қилишга киради. Масалан, овқатланиш, кийиниш, бадий асарлар ўқиш якка тартибдаги истеъмолни, жамоат транспортдан фойдаланиш, ўйингоҳларда спорт ўйинларини томоша қилиш, сихат масканларида соғлиқни тиклаш жамоа бўлиб истеъмол қилишни англатади.

Миллий даромаднинг жамият аъзоларини моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга сарфланувчи қисми **истеъмол фонди** деб аталади

Истеъмол фонди бутун аҳолининг шахсий истеъмолини, аҳолига ижтимоий хизмат қиладиган муассасалардаги, шунингдек, илмий муассасалар ва бошқаришдаги барча сарфларни ўз ичига олади.

Истеъмол фондининг шахсий даромад шаклида аҳоли қўлига келиб тушадиган қисми истеъмол сарфлари мақсадида ишлатилади. **Истеъмол сарфлари** – бу аҳоли жорий даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми. Аҳоли ўз даромадини сарфлар экан, бугунги (жорий) истеъмол ҳамда келгусидаги истеъмол ҳажмини ошириш ўртасида танловни амалга оширади.

Келгусида истеъмол ҳажмини ошириш имконияти жорий даврдаги жамғаришга ҳам боғлиқ бўлади.

Жамғариш (инглиз тилида: *save – s*) – бу аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва даромад олиш мақсадларида тўпланиб бориши

Жамғариш – бу даромаднинг ишлатилмаган ёки фойдаланилмаган қисми ҳисобланади. Унинг ҳажми барча хўжаликлар даромадидан истеъмол сарфларини айириб ташлаш йўли билан аниқланади. Даромад таркибида истеъмол сарфлари улуши қанчалик юқори бўлса, жамғариш ҳажми шунчалик кам бўлади. Жамғаришнинг ўсиши эса иқтисодий маънода маблағларнинг истеъмол буюмлари харид қилишдан инвестицион товарлар харид қилишга йўналтирилишини билдиради.

Шунга кўра, жамғариш – бу муддат жиҳатидан **кечиктирилган истеъмолни** англатади. Шу билан бирга, жорий даврда амалга

оширилган жамғариш жорий истеъмолнинг чегирилган қисмидир, чунки жамғариш аҳоли ва корхоналар ихтиёридаги даромаднинг истеъмолга сарфланмаган қисми ҳисобланади:

$$Y = C + S^{37}$$

Бу ерда,

Y – барча хўжаликлар ихтиёридаги даромад;

C – истеъмол миқдори;

S – жамғариш миқдори.

Шу сабабли даромад таркибидаги истеъмол сарфлари ва жамғариш нисбатининг ўзгариши бир қатор, баъзан қарама-қарши оқибатларга олиб келиши мумкин.

Биринчидан, даромадларнинг қандайдир қисмини жамғаришга қўйиш оқибатида у товарларда бўлган талабда ўз аксини топмайди. Жамғариш, юқорида таъкидланганидек, даромадларнинг маълум бир қисмини истеъмол қилишдан чегириб қўйишни билдириб, натижада истеъмол сарфлари ҳажми барча ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни сотиб олиш учун етарли бўлмай қолади. Аҳоли даромадининг жамғарилган қисми ўзининг хусусий талабини вужудга келтирмайди. Бунинг натижасида сотилмай қолган товарларнинг кўпайиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизлик ва даромадларнинг пасайиши рўй бериши мумкин.

Иккинчидан, жамғариш талабнинг етишмаслигига олиб келмаслиги ҳам мумкин, чунки жамғарилган маблағлар тадбиркорлар томонидан инвестицион мақсадларда ишлатилади. Бу жамғариш келтириб чиқарадиган истеъмол сарфларидаги ҳар қандай етишмасликни тўлдиради.

Учинчидан, корхоналар ҳам ўзининг барча маҳсулотини пировард истеъмолчиларга сотишни кўзда тутмайди, балки унинг бир қисмидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиши мумкин. Шундай қилиб, агар тадбиркорлар аҳолининг жамғаришларига тенг миқдордаги маблағларни инвестицияларга қўйишни кўзда тутса, ишлаб чиқариш даражаси доимий бўлиб қолади.

Истеъмол ва жамғариш даражасини аниқлаб берувчи **асосий омил** миллий даромаднинг ҳажми ва унинг ўзгариши ҳисобланади. Унинг ялпи ички маҳсулотдан амортизация ажратмалари ҳамда

³⁷C.R.McConnell, S.L.Brue. Economics: principles, problems and policies. // McGRAW-Hill, INC, 2015. -P.

бизнесга эгри солиқларни чегириб ташлаш орқали аниқланади. Лекин миллий даромад таркибида тўғри солиқлар ҳам мавжуд бўлади. Шу сабабли солиқлар тўлангандан кейин аҳоли қўлида қоладиган даромад истеъмол сарфлари ва шахсий жамғариш йиғиндисига тенг бўлади. Шахсий истеъмол ва шахсий жамғаришнинг миқдори бевожута солиқлар тўлангандан кейинги қолган даромад билан аниқланади. Бу даромадни биз таҳлил чоғида **аҳоли ихтиёридаги ёки соф даромад** деб атаймиз. Демак, бу даромад истеъмолнинг ҳам, жамғаришнинг ҳам умумий омили ҳисобланади. Чунки жамғариш даромаднинг истеъмол қилинмайдиган қисми ҳисобланса, солиқлар тўлангандан кейинги даромад шахсий жамғаришни аниқлаб берадиган асосий омил бўлиб қолади. Ҳар йилги ҳақиқий истеъмол миқдори ва солиқлар тўлангандан кейинги даромад ўртасидаги фарқ шу йилдаги жамғариш миқдорини аниқлайди.

13.2. Истеъмол ва жамғариш функциялари. Истеъмол ва жамғаришнинг ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар

Истеъмол ва жамғариш ҳажми ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликни кўриш учун уларнинг функцияларини график шаклда ифодалаш тақозо этилади.


Истеъмол ва жамғариш ҳажми ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик истеъмол ва жамғариш функцияси дейилади

Бу функцияларни баён этишда классик иқтисодчилар ва кейнсчиларнинг нуқтаи назарлари фарқланади. Классик иқтисодчиларнинг фикрига кўра, кишилар ўз маблағларини қўшимча даромад келтирган тақдирда жамғаришга йўналтиришга ҳаракат қиладилар. Шунга кўра, банкларнинг реал фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, уларнинг жамғаришга қизиқишлари шу қадар кучли бўлади, яъни жамғариш реал фоиз ставкасининг ўсиб боровчи функцияси ҳисобланади. Аҳоли даромадлари истеъмол ва жамғариш маблағларининг йиғиндисидан иборат экан, реал фоиз ставкасининг ўсиши билан истеъмол пасайиб, жамғариш эса кўпайиб боради. Бошқача айтганда, классик иқтисодчилар фикрига кўра, истеъмол реал фоиз ставкасининг пасайиб боровчи функцияси ҳисобланади.

Ж.М.Кейнс классик иктисодчиларнинг бу фикрларига қарши чикиб, уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари реал фоиз ставкасига у қадар боғлиқ эмаслигини, кишилар учун ҳамма вақт жорий истеъмолнинг келгусидаги истеъмолдан афзаллигини таъкидлайди. У истеъмол сарфлари даражасига таъсир кўрсатувчи асосий омил сифатида уй хўжаликларининг жорий даромадларини кўрсатади. Демак, Кейнс фикрига кўра, **истеъмол – уй хўжаликлари жорий даромадларининг ўсиб боровчи функцияси** ҳисобланади:

$$C = f(Y)$$

Истеъмол функциясини график кўринишида ҳам тасвирлаш мумкин (17-чизма). Бунда тик (вертикал) ўққа истеъмол сарфлари, ётиқ (горизонтал) ўққа эса аҳоли ихтиёридаги даромад миқдори жойлаштирилади.



17-чизма. Истеъмол функциясининг графикдаги тасвири.


Ҳар иккала ўқ ўртасидан 45° остида ўтувчи OF тўғри чизик истеъмол сарфлари ва ихтиёрдаги (соф) даромаднинг миқдоран тенглигини ифодалайди. OY ўқидаги ҳар қандай даромад миқдорини ифодаловчи ушбу чизикда жойлашган нуқта OS ўқнинг тегишли миқдордаги истеъмол сарфига тенг бўлади. Бошқача айтганда, уй хўжалиги соф даромаднинг барча ҳажмини тўлиқ истеъмолга сарфлайди. Бироқ, бундай тенглик амалда доимо ҳам рўй беравермайди. Истеъмол сарфлари миқдори баъзида жорий соф даромадлар миқдоридан паст бўлиши, баъзида эса ошиб кетиши ҳам мумкин. Шунинг учун истеъмол эгри чизиги C соф даромад OF чизигига мос тушмай, унга нисбатан маълум даражада оғади. Ҳар иккала чизикнинг ўзаро кесишган B нуқтаси «0 даражадаги

жамғариш»³⁸ - ноль жамғаришни англатади. Бу нуктанинг чап томонида истеъмол сарфлари даромад миқдоридан юқори бўлиб, бу **манфий жамғариш»³⁹** деб аталади.

Бунинг сабаби шундаки, истеъмолнинг маълум қисми даромад ҳажмига боғлиқ бўлмайди. Масалан, бирон-бир шахснинг даромади кутилмаганда жуда паст даражага тушиб қолиши ёки аксинча, муайян сабабларга кўра, харажатлари жуда кўпайиб кетиши мумкин. Ушбу шахснинг даромади бунга имкон бермаган тақдирда ҳам, маълум даражада овқатланиш, кийиниш ва бошқа кутилмаган (масалан, даволаниш) зарур истеъмол харажатларини амалга оширишга мажбур. У мазкур сарфларни ё олдинги даврда жамғарилган даромадлари ҳисобига, ёки ўзгалардан қарз олиш ҳисобига қоплаши мумкин. Иқтисодий адабиётларда истеъмол сарфларининг бу даражаси автоном (яъни жорий соф даромаддан мустақил) ҳолдаги истеъмол даражаси дейилади. Бизнинг графигимизда бу даража S_0 нуктадан бошланади.

Чизмадаги В нуктанинг ўнг томони эса **ижобий (мусбат ишорали) жамғариш»⁴⁰** деб аталади ва уни одатда даромади ўртача даражадан ошувчи оилалар жамғара олади. Айнан В нуктада аҳоли даромадлари ва сарфларининг мувозанатига эришилади. Даромад миқдори ошиб борган сари бу мувозанат бузилиб, жамғариш миқдори ортиб боради. Чизмадаги даромаднинг Y_1 даражасида истеъмол миқдори e_1 кесмадан, жамғариш миқдори эса e_0 кесмадан иборат бўлади.

Жамғариш функциясининг графикдаги тасвири бир оз ўзгача кўринишда бўлади (18-чизма).



18-чизма. Жамғариш функциясининг графикдаги тасвири.

³⁸ C.R.McConnell, S.L.Brue. Economics: principles, problems and policies. // McGRAW-Hill, INC, 2015. -Р.

³⁹ Ўша жойда. -Р.

⁴⁰ Ўша жойда. -Р.

Чизмадан кўринадики, жамғариш функциясининг графикдаги тасвири истеъмол функцияси тасвирининг акси сифатида намоён бўлади. Бу графикда ҳам B нукта O даражадаги жамғаришни, OY ётиқ чизигининг O даражадан пастки қисми манфий жамғаришни, юқори қисми эса ижобий (мусбат) жамғаришни англатади. eoe_2 кесма соф даромаднинг Y_1 даражасидаги жамғариш миқдорини кўрсатади.

Истеъмол ва жамғариш ҳажмига даромаддан ташқари яна бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади. **Объектив омиллар** алоҳида истеъмолчининг ихтиёрига, идрокига боғлиқ бўлмаган омиллардан иборат бўлиб, улардан асосийлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Фаровонлик. Оиладаги бойликнинг (кўчмас мулк + қимматбаҳо қоғозлар) кўпайиши билан истеъмол ҳажми ортиши ҳамда жамғариш ҳажми камайиши мумкин.

Нархларнинг ўзгариш даражаси. Нархлар даражасининг ўсиши истеъмол ҳажмини камайтиради, нархлар даражасининг пасайиши эса истеъмол ҳажмини кўпайтиради.

Кутиш. Агар товарлар нархларининг ўсиши ҳамда уларнинг тақчиллиги кутилса, унда истеъмол ҳажми кўпаяди, жамғариш ҳажми эса камаяди. Чунки одамлар келажакдаги нархларнинг кескин ўсиши ҳамда савдо расталарининг бўшаб қолишидан хавотирда шошилиш ва аксарият ҳолларда кўр-кўрона харидларни амалга оширадilar.

Солиққа тортиш. Солиқлар қисман истеъмол ва қисман жамғариш учун тўланади. Шунинг учун солиқларнинг ўсиши натижасида истеъмол ҳажми ҳам, жамғариш ҳажми ҳам камаяди ва аксинча, солиқларнинг пасайиши уларнинг истеъмол ва жамғариш ҳажмини кўпайтиради⁴¹.

Субъектив омиллар асосан истеъмолчининг ўзига, унинг рухияти ва бозордаги ҳатти-ҳаракатига боғлиқ бўлади. Бу омиллар қаторига истеъмол ва жамғаришга бўлган мойиллик, келгусидаги нарх, пул даромадлари, солиқ, товарлар мавжудлиги даражасининг ўзгаришига нисбатан муносабатни киритиш мумкин.

Субъектив омиллар таъсирида истеъмол ва жамғариш даражасининг ўзгаришини шартли маълумотлар асосида тузилган куйидаги жадвал орқали кўриб чиқамиз (9-жадвал).

⁴¹ C.R.McConnell, S.L.Brue. Economics: principles, problems and policies. // McGRAW-Hill, INC, 2015. -P.

**Истеъмол ва жамғариш даражаси, млрд. сўм
(шартли рақамлар асосида)**

Йил- лар	Даромад даражаси (Y)	Истеъ- мол (C)	Жам- гарма (S)	Истеъмолга ўртача мойиллик (C : Y)	Жамға- ришга ўртача мойиллик (S : Y)	Истеъмолга кейинги кўшилган мойиллик (ΔC : ΔY)	Жамғаришга кейинги кўшилган мойиллик (ΔS : ΔY)
2010	1500	1300	200	0,87	0,13	-	-
2013	1800	1500	300	0,83	0,17	0,67	0,33
2015	2200	1700	500	0,77	0,23	0,50	0,50

Жадвалдан кўринадики, йиллар давомида соф даромад ҳажми ошиб бориши билан, унинг истеъмол ва жамғаришга сарфланиши ўртасидаги нисбат ўзгариб бормоқда. Истеъмолчиларнинг даромадлари ўсиб борган сари, уларнинг жамғаришга бўлган мойилликлари шунчалик ошиб боради. Буни истеъмол ва жамғаришга бўлган ўртача ва кейинги кўшилган мойиллик кўрсаткичлари орқали ҳам кузатиш мумкин.

Аҳоли даромадининг истеъмолга сарфланадиган улуши **истеъмолга ўртача мойиллик (APC)** дейилади ва у истеъмолни даромадга нисбатининг фоизда ифодаланиши орқали аниқланади:

$$APC = \frac{C}{Y} * 100\%.$$

Аҳоли даромадининг жамғаришга кетадиган улуши эса **жамғаришга ўртача мойиллик (APS)** дейилади ва у жамғаришни даромадга нисбатининг фоизда ифодаланиши орқали аниқланади:

$$APS = \frac{S}{Y} * 100\%.$$

Бизнинг мисолимизда (1-жадвал) йиллар давомида даромад ҳажми ошиб бориши билан **APC** пасайиб, **APS** эса ўсиб бормоқда. Шуниси аҳамиятлики, истеъмолга ва жамғаришга ўртача мойиллик кўрсаткичлари истеъмол ва жамғаришнинг даромаддаги улушини англатади ва улардан бирининг қандайдир микдорга ўзгариши

бошқа бирининг ҳам тескари йўналишда худди шундай миқдорга ўзгаришига олиб келади. Қисқача айтганда, $APC + APC = 1$ бўлади.

Шу билан бирга истеъмол ёки жамғаришга **кейинги қўшилган мойиллик** кўрсаткичи ҳам аҳамиятлидир.. Бу кўрсаткич истеъмолчи даромаднинг навбатдаги ўзгариши унинг истеъмол ва жамғаришга нисбатан муносабати қандай ўзгаришини акс эттиради. Даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида истеъмол сарфлари ҳажмининг ўзгариши даражаси **истеъмолга кейинги қўшилган мойиллик (MPC)** дейилади.

Бошқача сўз билан айтганда, **MPC** – даромад ҳажми ўзгариши сабабли истеъмолнинг ҳар қандай ўзгаришининг ўша даромад ҳажми ўзгариши нисбати сифатида ифодаланади, яъни:

$$MPC = \frac{\text{Истеъмолнинг ўзгариши}}{\text{Даромаднинг ўзгариши}}$$

Даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида жамғариш ҳажмининг ўзгариши даражаси жамғаришга **кейинги қўшилган мойиллик (MPS)** дейилади.

Бошқача сўз билан айтганда, **MPS** – даромаднинг ўзгариши жамғаришда бўлган ҳар қандай ўзгаришнинг ўша даромад ўзгаришининг нисбати сифатида қуйдагича ифодаланади:

$$MPS = \frac{\text{Жамғаришнинг ўзгариши}}{\text{Даромаднинг ўзгариши}}$$

Солиқ тўлови амалга оширилгандан сўнг, даромаддаги ҳар қандай ўзгариш учун **MPC** ва **MPS**ларнинг йиғиндиси ҳар доим 1 га тенг бўлиши керак. Яъни даромаднинг ўсиши ёки истеъмолга ёхуд жамғаришга йўналтирилган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам даромаднинг ўсишини унинг истеъмол қилинган (**MPC**) ҳамда жамғарилган қисми (**MPS**) ташкил этиши керак.

$$MPC + MPS = 1$$

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, тадбиркорлик фаолиятининг самарали амалга ошишида жамғариш жараёнларининг аҳамияти беқиёсдир. Шунга кўра, жамғаришнинг моҳияти, унинг омиллари ва самарадорлиги кўрсаткичларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

13.3. Инвестициялар ва унинг даражасини белгиловчи омиллар

Инвестициялар истеъмолдан кейинги иккинчи ўринда турадиган соф харажатларнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Инвестициялар икки хусусиятга эга бўлиб, унинг ижтимоий аҳамияти ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган бўлса, иқтисодий аҳамияти бу кичик бизнесдан тортиб йирик ҳамда давлат корхоналарини молиялаштиришни кўзда тутди.

Инвестициялар – бу фойда олиш мақсадида мамлакат ичида ҳамда ташқарисида турли соҳаларга давлат(хусусий) капиталининг узок муддатли қўйилмалари ҳисобланади

Инвестициялар йўналишлари:

- янги ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини қуриш;
- янги ускуна, техника ва технологияларни сотиб олиш;
- қўшимча хомашё ва материаллар сотиб олиш;
- уй-жой ва ижтимоий мўлжалланган объектларни қуриш.

Йўналишларига мос ҳолда инвестицияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- асосий капитални қўпайтириш ва уни такомиллаштиришга қаратилган инвестициялар;
- товар-моддий захираларини таъминловчи инвестициялар;
- инсон капиталига инвестициялар⁴².

Инвестициялар пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади. Пул маблағлари кўринишидаги инвестиция **номинал инвестиция**, ана шу пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар **реал инвестиция** дейилади.

Инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар – **инвестицион фаолият**, инвестицияларни амалга оширувчи шахс – **инвестор** дейилади.

Инвестицияларнинг манбаларидан бири бўлиб, аҳоли кенг қатламларининг жамғаришлари ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш лозимки, амалда жамғариш эгаси ва инвестор бир шахсда намоён бўлиши ва шундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Одатда, жамғариш

⁴² C.R.McConnell, S.L.Brue. Economics: principles, problems and policies. // McGRAW-Hill, INC, 2015. -P.

жамиятдаги кўпчилик субъектлар томонидан амалга оширилиб, улардан инвестиция сифатида фойдаланиш эса бутунлай бошқа субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, иқтисодиётда фаолият юритувчи саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқ корхоналари жамғариши ҳам инвестиция манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда «жамғарувчи» ва «инвестор» бир субъектда мужассамлашади.

Инвестиция фаолияти қуйидаги **манбалар** ҳисобида амалга оширилиши мумкин:

- инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғаришлари ва ҳ.к.);

- қарз олинган молиявий маблағлар (облигация заёмлари, банк кредитлари);

- жалб қилинган молиявий маблағлар (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай ва бошқа тўловлари);

- давлат бюджети маблағлари;

- чет элликлар маблағлари.

Инвестицияга бўлган талабни **аниқловчи омилларга** қуйидагиларни кириштириш мумкин:

- кутиладиган фойда нормаси;

- банкнинг фоиз ставкаси.

Бу ерда инвестиция билан фойда нормаси ўртасидаги алоқадорлик **тўғри пропорционал**, яъни агар юқори фойда нормаси кутилаётган бўлса, унда инвестициялар ҳажми ўсади. **Фоиз ставкаси** – бу фирманинг пул маблағларини эгаллаш мақсадида тўлаши керак бўлган нарх.


Агар фойда нормасининг кутилиши(масалан, 10%) фоиз ставкасидан юқори бўлса(масалан, 7%), у ҳолда инвестиция фойдали ҳисобланади ва аксинча. Хулоса қилиб шунни айтса бўладики, инвестиция бўлган талаб фоиз ставкасига **тесқари пропорционал** алоқадорликда бўлади.

Инвестицияларга бўлган талаб эгри чизиги ҳолатига қуйидаги **бошқа омиллар** ҳам таъсир кўрсатади:

- Инвестициялар даромадлилиги кутилишининг ўсишини тақозо этувчи омиллар ушбу эгри чизикни ўнгга силжитади (инвестицияларга бўлган талаб ўсади).

- Инвестициялар даромадлилиги кутилишининг пасайишини тақозо этувчи омиллар, талаб эгри чизигини чапга силжитади (ин-

вестицияларга бўлган талаб камаяди). Ушбу омилларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: ускуналарни сотиб олиш учун бўлган харажатлар, тадбиркорга солиқлар, инфляция ва бошқалар.



19-чизма. Инвестицияларга бўлган талаб эгри чизиғи.

Шунинг учун ҳам жорий инвестициялар ва базавий йил инвестицияларини солиштириш учун ўзгармас нархларда олинган “реал инвестициялар”дан фойдаланилади.

Ҳосилавий (алоқадор) инвестициялардан ташқари **автоном** (мустакил) инвестицияларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин.

Даромад ва инвестициялар ўртасидаги ўзаро алоқаси мультипликаторда ифодаланади.

Мультипликатор (лотин тилидан олинган бўлиб *мультиплико* – кўпайтираман) – инвестициялар ва даромад миқдори ўзгариши ўртасидаги алоқани кўрсатувчи коэффициент

Инвестициялар ҳажмининг ўсиши натижасида ялпи миллий маҳсулотнинг ҳажми дастлабки қўшимча инвестицияларга нисбатан кўпроқ ўсади. Бундай кўпхадли ялпи миллий маҳсулот ҳажмидаги ўсувчи самара – **мультипликацион самара** деб аталади.

Масалан, инвестицияларнинг 10 млрд. сўмга ўсиши ялпи ички маҳсулотни 20 млрд. сўмга ўсишига сабаб бўлсин. Бунда, мультипликатор 2 га тенг бўлади. Мультипликаторни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$M = \frac{\text{Орттирилган ЯММ}}{\text{Орттирилган инвестициялар}} = \frac{\Delta \text{ ЯММ}}{\Delta \text{ Инвестициялар}}$$

Бу ерда, $\Delta \text{ ЯММ} = M \times \Delta$ инвестициялар, яъни орттирилган инвестицияларнинг мултипликаторга кўпайтирилгани орттирилган ялпи миллий маҳсулотни акс эттиради⁴³.

Шунга кўра, ялпи ва соф инвестицияларни ҳам бир-биридан фарқлаш зарур.

Ялпи инвестициялар – эски ускуналарни алмаштириш учун қилинадиган харажатлар (амортизация) билан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қилинадиган инвестицияларнинг ўсишидир.

Соф инвестициялар – асосий капиталнинг амортизация суммаси ажратиб ташланган ялпи инвестициялар.

Агар соф инвестициялар мусбат (ижобий) қийматга эга бўлса, иқтисодиёт ривожланади. Соф инвестициялар нолга тенг қийматда (ялпи харажатлар амортизацияга тенг) бўлса, иқтисодиёт статик ҳолатда бўлади. Бошқача айтсак, соф инвестиция ялпи инвестиция билан амортизация ажратмаларининг айирмасига тенг. Соф инвестиция асосий ва айланма капиталнинг ўсишини таъминлайди. Агар соф инвестициялар манфий (салбий) қийматга эга (ялпи харажатлар амортизациядан кам) бўлса, бу ишбилармонлик фаолияти сустлашишидан далолат беради.

Ялпи инвестициялар билан амортизация ҳажми ўртасидаги нисбат иқтисодиёт ривожланиш ҳолатининг кўрсаткичи ҳисобланади. Қуйидаги чизмада ялпи ва соф инвестициялар ҳамда амортизация нисбати ўзгаришининг ўсувчи, турғун ва қисқарувчи иқтисодиётларга таъсирини кўришимиз мумкин (20-чизма).


Чизмадан кўринадик, ялпи инвестициялар таркибида соф инвестициялар ҳажмининг аҳамиятли даражада бўлиши йил охирида капитал ҳажмининг ўсишига, пировардида иқтисодиётнинг ўсишига олиб келади. Турғун иқтисодиёт шароитида эса ялпи инвестициялар фақат амортизация ажратмалари, яъни истеъмол қилинган капитални қоплаш фонди ҳажмига тенг бўлиб, йил охирида капитал микдори ўзгармай қолади.

⁴³ C.R.McConnell, S.L.Brue. Economics: principles, problems and policies. // McGRAW-Hill, INC, 2015. -P.


а) ўсиб борувчи иқтисодиёт



б) турғун иқтисодиёт



д) қисқараётган иқтисодиёт



20-чизма. Ялпи инвестиция ҳамда амортизация нисбати ўзгаришининг иқтисодиётга таъсири.

Ялпи инвестицияларнинг истеъмол қилинган капитални қоплаш фонди ҳажмидан ҳам оз бўлиши йил охирида капитал миқдорининг қисқаришига ва бунинг оқибатида, иқтисодиёт кўрсаткичларининг пасайиб кетишига олиб келади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Истеъмол, жамғариш ва инвестицияларнинг иқтисодий мазмунини қисқача таърифланг.
2. Истеъмол ва жамғаришнинг миқдорини аниқловчи асосий омилларни санаб кўрсатинг.
3. Истеъмол ва жамғариш функцияларининг графикдаги тасвирини чизиб, уларга шартли рақамлар қўллаган ҳолда тушунтиринг.
4. Истеъмолга ва жамғаришга ўртача мойиллик деганда нимани тушунаси?
5. Истеъмол ва жамғаришга қўшилган мойиллик қандай аниқланади?
6. Инвестицияларга сарфларнинг даражасини қандай омиллар белгилаб беради? Уларнинг қисқача тавсифини беринг.
7. Қандай инвестициялар соф инвестициялар деб атаёмиз?
8. Қандай инвестициялар ялпи инвестициялар деб атаёмиз?
9. Ялпи инвестиция ва амортизация нисбати ўзгаришининг иқтисодиётга таъсири қандай?
10. Мультипликатор қандай коэффициент ҳисобланади?

XIV БОБ. ИШЧИ КУЧИ ВА УНИНГ БАНДЛИГИ

14.1. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш ва унга таъсир этувчи омиллар

Ишчи кучи деганда, мамлакат аҳолисининг меҳнатга жисмонан ва ақлий жиҳатдан лаёқатли бўлган ҳамда миллий иқтисодиёт соҳаларида фаолият кўрсатиб юрганларнинг умумий сони тушунилади. Меҳнатга лаёқатлилар қаторига 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар; 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар; катта ёшдаги ишловчи аҳоли (55-60 ёшдан ўтганлар) киради.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш – инсоннинг жисмоний кучи ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаб ва таъминлаб туриш, янги ишчи авлодини тайёрлаш, уларнинг меҳнат малакасини ошириб бориш, умумий билим ва касбий тайёргарлик даражасининг ўсишини таъминлашдан иборат. Ишчи кучини такрор яратиш ходимларни ишлаб чиқаришга жалб этишни, тармоқлар, корхоналар, минтақалар ўртасида меҳнат ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашни, уларнинг ходимларга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини ва айни пайтда аҳолининг иш билан тўла ва самарали банд бўлишини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини яратишни ҳам ўз ичига олади.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш нисбатан мустақил иқтисодий ва ижтимоий муаммо бўлиб, бу муаммо аҳолининг табиий ҳаракатлари шаклида намоён бўлади. Шу сабабли ишчи кучини такрор ҳосил қилишнинг асоси аҳолининг табиий кўпайишидир.

Ишчи кучи ресурсларининг сифати мамлакат аҳолисининг сони, жинси, ёши ва маълумоти билан белгиланади. Булар эса, ўз навбатида, аҳолининг табиий ҳаракатланишига боғлиқ бўлади.

Аҳолининг табиий ҳаракатланиши, уни такрор ишлаб чиқариш характери кўпгина ҳолатлар билан мамлакатнинг индустриал тараққиёти ва урбанизация даражаси, ижтимоий шарт-шароитлар, маданият ва маиший турмуш анъаналари, аниқ тарихий омиллар билан белгиланади.

Улар жумласига, **демография омилини** ҳисобга олган ҳолда, уй-жой шароитларини яхшилаш, болаларга нафақалар бериш, уларни болалар муассасалари билан таъминлаш, ҳомиладорлик ва бола туғилгандан кейинги таътилларни узайтириш, оилани

мустаҳкамлаш, шунингдек, жамоада маънавий муҳитни яхшилаш киради.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, уларнинг тўла ва самарали иш билан банд бўлиш муаммосини ҳам ўз ичига олади. Иш билан **тўла банд** бўлишни мутлақ маънода тушунмаслик керак. Биринчидан, ишсизликнинг маълум даражаси иқтисодиёт учун меъёрдаги ҳол ҳисобланади. Иккинчидан, иш билан тўла банд бўлиш меҳнатга лаёқатли барча кишилар албатта умумлашган (давлат ва жамоа корхоналарида) ишлаб чиқаришга жалб этилиши зарурлигини англатмайди. Уларнинг бир қисми ўзини оилада хизмат кўрсатишга, болалар тарбиясига, шунингдек, хусусий корхоналар ва шахсий ёрдамчи хўжаликда меҳнат қилишга, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишга бағишлаши мумкин. Учинчидан, иш билан тўла банд бўлиш унинг самарадорлиги билан, меҳнат ресурсларидан ғоят оқилона фойдаланиш билан қўшиб олиб борилиши керак.

Ишчи кучи таркибида иқтисодий фаол аҳоли билан бир қаторда иқтисодий нофаол кишилар ҳам фарқланади.

Иқтисодий фаол аҳоли таркибига миллий хўжаликда банд бўлган барча кишилар билан бир қаторда, иш қидириб юрган меҳнатга лаёқатли ишчилар ҳам киради.

Иқтисодий фаол аҳоли миқдориға икки омил таъсир кўрсатади:

1. Аҳолининг табиий ўсиши.
2. Аҳоли (иш кучи) миграцияси.

Аҳоли (иш кучи) миграцияси иш кучини кўчиб юришини ифодалайди. Иш кучининг миграциясига кўп омиллар сабаб бўлади, лекин уларнинг асосийлари иккита:

- иш ҳақидаги фарқ;
- ишсизлик.

Иш билан **самарали банд бўлиш** меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг интенсив турига таянмоғи керак. Бу вазифани ҳал қилиш иш жойлари миқдор ва сифат жиҳатдан мавжуд меҳнат ресурслари билан мувозанатлашган бўлишини таъминлашни, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириб боришнинг таъсирчан чораларини яратишни, иш билан банд бўлиш шароитлари ва шакллари хилма-хил қилишни талаб этади.

Фан-техника тараққиётининг жадаллашуви ва ишлаб чиқаришнинг интенсивлашуви ишлаб турган корхоналардан ишчи

кучини бўшатиб олиш ва уни қайта тақсимлаш механизмига, аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касб танлаши тизимига таъсир кўрсатади. Мулкчиликнинг турли шакллари ривожланган бозор иқтисодиёти ишчи кучи ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланишга шароит яратади, уларни кам самарали соҳалардан бўшатиб, кадрларга эҳтиёжи бўлган юқори самарали тармоқлар ва корхоналарга қайта тақсимлайди.

14.2. Ишсизлик ва унинг турлари. Ишсизликнинг сабаблари ва оқибатлари

Ишсизлик – мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, ишчи кучини таклиф этиш билан унга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги миқдор жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам номувофиқликни (ортиқчаликни) акс эттиради.

Ишсизлик ва у билан боғлиқ муаммолар меҳнат бозоридаги ижтимоий-меҳнат муносабатларининг асосий мазмунини ташкил қилади. Ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Жамиятдаги ишсизлик даражасини пасайтириш учун қўшимча ишчи ўринларини яратиш, уларни ишга тушириш аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолмаслиги керак.

Маълумки, Ўзбекистон дунё ҳамжамияти давлатлари ўртасида аҳолисининг жадал ўсиб бораётганлиги билан ажралиб туради. Республикамиз аҳолиси сони ҳар йили ўртача 550-600 минг кишига, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони эса 250-300 минг кишига кўпаймоқда. Бундай вазият, ўз навбатида, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, бунинг учун эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида узлуксиз иш олиб боришни тақозо этади. Акс ҳолда, аҳолининг турмуш даражасининг пасайиб бориши, мамлакатда ишсизлар сонининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Иқтисодий нуқтаи назардан **ишсизлик деганда** — ишчи кучининг иш жойи билан таъминланмаганлиги ва натижада, унинг бирон-бир қонуний даромад манбаига эга бўлмаслигининг муайян (аник) ҳолати тушунилади.

Одатда, жаҳон мамлакатлари ишсизлик тушунчасини БМТ, Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш жамияти талабларига кўра ишлаб чиқишади.

Халқаро ташкилотларнинг берган таърифига биноан «**ишсиз шахслар**» деганда – ишга эга бўлмаган, ишлашга тайёр ва иш излаётган фуқаролар тушунилади. Мана шу асосий шартларга риоя қилган ҳолда, турли мамлакатларда фуқарони ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қўшимча шартлар талаб қилинади.

Масалан, **Америка Қўшма Штатларида**, сўнгги бир ҳафта мобайнида иш билан банд бўлмаган, сўнгги тўрт ҳафта давомида ишга жойлашишга (бевосита иш берувчига ёки иш билан таъминлаш давлат хизматига мурожаат этиш орқали) ҳаракат қилган, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар ишсиз шахс деб эътироф этиладилар.

Японияда ишсиз шахс деб, сўнгги бир ҳафта давомида бир соат ҳам ишламаган, Буюк Британияда эса, сўнгги бир ҳафта мобайнида ишламаган, шу давр мобайнида иш қидирган ёки касаллиги туфайли иш қидириш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар тушунилади. Айрим мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига биноан, ишсиз деб, ишдан бўшатиш ва меҳнат стажига эга бўлганлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига биноан ишсиз шахс деб, меҳнатга қобилиятли (ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олгунга қадар), ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар эътироф этилади.

Ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қуйидаги учта шарт мавжуд бўлиши лозим.

Биринчи шарт – фуқаро меҳнатга қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак. Ҳуқуқий жиҳатдан меҳнат қилиш қобилиятининг қуйи даражаси, Меҳнат кодексининг 77-моддасига мувофиқ, 16 ёш деб белгиланган.

Иккинчи шарт – фуқаро ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаслиги лозим.

Учинчи шарт. – фуқаро ишлашга тайёр бўлиши лозим. Фуқаронинг ишлашга тайёр эканлигини, унинг маҳаллий меҳнат органига иш кидириб расмий мурожаат қилиши, белгиланган муддатларда меҳнат органида қайтадан рўйхатдан ўтиб туриши ва меҳнат органлари томонидан таклиф қилинган мақбул ишни қабул қилиш ҳолатлари тасдиқлайди.

Ишсизликнинг умумиктисодий характери меҳнат бозорининг ўзи, меҳнатга талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мутаносиблик ишсизликни эмас, иш билан бандликни шакллантиришидан ҳам келиб чиқади. Ишсизлик, бир томондан, гўё иш билан бандликнинг «тескарисси» ҳисобланади, иккинчи томондан, иш билан бандликни шакллантирувчи омиллардан фарқ қилувчи омиллар таъсири остида бўлади.

Шундай бўлса-да, ишсизлик доимо иш билан бандлик билан биргаликда кўриб чиқилади: иш билан бандликнинг кўпайиши, қоидага кўра ишсизликни камайтиради, бу эса ишсизликни, ўз навбатида иш билан бандликни кўпайтиради.

Ишсизлик – бу ишлашни истайдиган меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлмаган миқдоридир

Макроиктисодий жиҳатдан ишсизлик – бу доимо жамият меҳнат салоҳиятидан, ишчи кучи мажмуидан ишлаб чиқариш омили сифатида тўла фойдаланмаганликдир. Бу маънода ишсизлик ортиқча ишлаб чиқариш қувватларига ёки фойдаланилмаётган ер-сувга тенг, аммо ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари ортиқчалигидан фарқ қилиб, «ортиқча» ишчи кучи – бозор иқтисодиётидаги доимий воқеликдир.

Ишсизликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фрикцион ишсизлик – вақтинчалик ишсизлик бўлиб, ишчи томонидан турар ёки иш жойининг ўзгартириши натижасида, шунингдек, ўқув юртларини ёки мавсумий ишларни тугалланиши сабабли юзага келади.

Таркибий ишсизлик – инсон эҳтиёжларининг доимий ўсиб бориши ва техника тараққиёти сабабли бир хил касбларга талабнинг камайиши ёки унинг тугалиши билан боғлиқ бўлган ишсизлик.

Даврий ишсизлик – иқтисодий қийинчиликлар туфайли ишлаб чиқаришнинг қисқариши натижасида вужудга келадиган

ишсизлик. Ундай ишсизлик иқтисодий инкироз ва турғунлик даврида кўпаяди.

Ихтиёрий ишсизлик деганда, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг меҳнат фаолиятидан ўз хоҳиши бўйича четлашиши, яъни меҳнатга лаёқатли кишиларнинг ишлашни хоҳламайдиган қисми тушунилади.

Институционал ишсизлик – меҳнат бозорини самарали ташкил этилмаганлиги натижасида келиб чиқади.

Яширин ишсизлик – расман иш билан банд бўлганларнинг фақат қисман ишлаши, яъни тўлиқ ишламай юриши.

«Тўлиқ бандлик» тушунчаси иқтисодиётда ишсизликнинг мутлақ мавжуд бўлмаслигини билдирмайди. Иқтисодчилар фрикцион ва таркибий ишсизликнинг бўлишини табиий деб ҳисоблайди, шу сабабли «**тўлиқ бандлилик**» ишчи кучининг 100 фоиздан камини ташкил қилувчи миқдор сифатида аниқланади. Аниқроқ айтганда, тўлиқ бандлилик шароитида ишсизлик даражаси фрикцион ва таркибий ишсизлар сонига тенг бўлади. Даврий ишсизлик нолга тенг бўлганда, тўлиқ бандлилик шароитидаги ишсизлик даражасига эришилади. Тўлиқ бандлилик шароитидаги ишсизлик даражаси ишсизликнинг табиий даражаси деб ҳам аталади. Ишсизликнинг **табиий даражаси** билан боғлиқ бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кўрсатади.

Ишсизликнинг тўлиқ ёки табиий даражаси ишчи кучи бозори мувозанатга эришганда, яъни иш изловчилар сони бўш иш ўринлари сонига тенг келганда вужудга келади. Ишсизликнинг табиий даражаси қандайдир даражада иқтисодий жиҳатдан макбул ҳисобланади. Чунки «фрикцион» ишсизларга мос келувчи иш ўринларини топиш, таркибий ишсизларга ҳам янги касбни ўзлаштириш ёки янги яшаш жойида иш топиш учун маълум вақт керак бўлади.

Ишчи кучининг 96 фоиз банд бўлганда тўлиқ бандлиликка эришилиши тан олинган. Ҳозирги даврда иқтисодчилар ишсизликнинг табиий даражаси тахминан 5-6 фоизга тенг деб ҳисоблайди.

Ишсизлик даражаси ишсизларнинг ишчи кучи таркибидаги фоизи сифатида ҳисобланади:

Ишсизлик даражаси = (Ишсизлар сони / Ишчи кучи сони) x 100

Иқтисодчилар оммавий ишсизликнинг ҳақиқий сабаблари қандайлиги тўғрисида ҳанузгача баҳслашадилар. Жумладан, бу масала **классик ва кейнсиан** мактаблари ўртасидаги келишмовчилик мавзуларидан биридир. Бу баҳс хусусида қисқача тўхталамиз.

Классик (ва неоклассик) назарияга кўра, оммавий ишсизликнинг асосий сабаби пасайиш томонига бўлган юқори ва мослашувчан бўлмаган иш ҳақи ҳисобланади. Иш ҳақи ўз мувозанат даражасидан ошиб, касаба уюшмасининг фаоллиги ҳамда давлатнинг аралашуви туфайли ўша даражада «ўрнашиб қолганда» меҳнат талаби билан таклифи ўртасида узилиш пайдо бўлади, мана шу нарса ишсизликни келтириб чиқаради. Агар бозордан ташқари кучлар (касаба уюшмалари ва давлат) фирмаларни иш билан бандликни олдинги даражасида сақлашга мажбур қилса, бунинг оқибати мамлакатдаги хроник инфляция бўлиши мумкин. Бундан неоклассикларнинг асосий «рецепти» - иш ҳақи даражасини ушлаб туриш ва ҳатто камайтиришдан иборат.

Маълумки, **Ж.Кейнс** ишсизликнинг давоси сифатида иш ҳақини пасайтириш ғоясини қатъий инкор этиб, ўзига инвестициялар, давлат харажатлари ва соф экспортдан ташқари истеъмол харажатларини - бунда ҳам сўнггиси - умумий талабнинг асосий қисми, ҳам қамраб оладиган умумий талабдан келиб чиқади. Кейнснинг асосий ғояси шундаки, умумий талабнинг намоёйиши фирмаларнинг ишчанлик фаолиятини, демак, ишчи кучига талабни ҳам пасайтиради. Агар бунда истеъмол харажатларининг асоси сифатидаги иш ҳақи камайдиган бўлса, умумий талаб янада кўпроққа камаяди.

Фикримизча, Ўзбекистонда ишсизликнинг пайдо бўлиши ва ўсиш тарихи айнан Кейнс қарашларининг тўғрилигини исботлайди. Ишсизлар расмий рўйхатга олингандан бошлаб, ишсизлик даражаси маълум даражада мунтазам ортиб борди, шунга кўра иш билан бандлик кўрсаткичлари эса пасайиб борди. Ишга жойлаштириш қанчалик юқори бўлса, ишсизлик даражаси шунчалик паст бўлади.

Ишсизликнинг табиий даражасини туширишга қаратилган ҳар қандай иқтисодий сиёсат ёки ишдан бўшаш даражасини пасайтиришга ёки ишга жойлаштириш даражасини оширишга кўмаклашиши керак. Ишсизлик бу даражадан кўтарилиб кетса, ҳар қандай мамлакат учун салбий ҳолларни юзага келтиради.

Ишсизлик даражаси икки асосий кўрсаткичлар билан ўлчанади. Улардан биринчиси – юқорида айтиб ўтилганидек, фаол

аҳоли сонида расмий рўйхатга олинган тўлиқ ишсизларнинг улуши сифатида ҳисобланади. Бирок, бу кўрсаткич иш билан бандлик соҳасидаги вазият ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди. Уни тўғри аниқлаш учун иш жойидан маҳрум бўлган кишилар сонини ва улар қанча вақт давомида шундай ҳолатда бўлишларини билиш керак. Ишсизлар сонини бекор ўтказган вақтларига кўпайтирсак, соатларда ифодаланувчи ҳақиқий ишсизлик даражасига эришамиз.

Ишсизлик даражасини аниқлаш учун **ишсизликни туркумлаш** мақсадга мувофиқдир. Ишсизликни бир неча хусусиятига кўра туркумлаш мумкин (келиб чиқиш сабабига кўра, шаклан, мазмунан намоён бўлишига кўра, давом этиш муддатлари ва эгаллаган маконига кўра).

Кейинги йилларда иш билан бандликнинг кескин камайиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар (давлат секторининг камайиши), инфляция, хўжалик юритишни муқобил шакллари (хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари)нинг тез ўсмаганлиги туфайли кўпгина корхоналарда молиявий аҳволнинг ёмонлашуви оқибатида юзага келди. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, ялпи талаб ҳажмига салбий акс этди: давлат таъсири қисқарди, инвестиция фаолияти сустлашди, истеъмол харажатлари бирмунча камайди.

Ўзбекистонда ишсизлик ўсишининг асосий сабаби, энг аввало, давлат секторида ишлаб чиқаришнинг қисқариши бўлди. Иқтисодий ўсиш динамикаси билан ишсизлик ўртасидаги алоқа узвий боғлиқ кўрсаткичлардир.

Ғарб иқтисодчилари иқтисодий ўсиш суръатларини аҳолини иш билан бандлигининг ўсиш суръатлари билан, таназзулни эса ишсизлик даражасининг ўсиши билан боғлайдилар. Ҳақиқатан ҳам, индустриал турдаги нормал ишлаётган бозор иқтисодиётида иқтисодий ўсиш доимо тармоқларнинг ривожланиши ва кенгайишини, демак, иш билан бандликнинг ортишини англатади. Шундай бўлсада, ривожланаётган мамлакатларда бундай боғлиқлик кўзга очиқ ташланмайди. Масалан, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда саноатнинг тез ўсиши иш билан бандликнинг мувофиқ кенгайишини келтириб чиқармади. Иқтисодчилар бу ҳодисани саноатдаги ўсиш суръатларидан анча юқори бўлган урбанизация суръатлари ҳамда кишлоқдан шаҳарга кўчиб келаётган аҳоли малакасининг пастлигида деб изоҳлайдилар.

МДХ мамлакатларидаги воқелик ишсизликнинг иқтисодий турғунлик пасайиши суръатлари билан бевосита алоқасини

тасдиқламайди. Масалан, саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари деярли икки марта қисқарганда, иш билан банд бўлганлар сони 10,0 фоиздан ортиқроқ камайиши мумкин. Бунинг асосий сабаблари куйидагилар.

Биринчидан, иқтисодиётда давлат секторининг сақланганлигидир. Бозор ислохотларининг бошларида, давлат мулки устувор бўлган корхоналарни, шу жумладан, зарар келтирадиганларни ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватлаш давом этган, иш ҳақининг онда-сонда ва кечикувчи индексация қилиниши муносабати билан инфляция даражасининг камайиши корхоналарга, ҳатто ишлаб чиқариш камайган тақдирда ҳам, аҳолини иш билан бандлигини сақлаш имконини берди.

Иккинчидан, яширин ишсизликнинг тўлиқ бўлмаган иш вақти, таъминот сақланмаган таътиллар шаклида кўпайишидир. Расман иш билан банд бўлган бундай ишчилар ҳеч қаерда ишсизлар сифатида рўйхатга олинмайди, улар гарчи моҳиятига кўра ишсиз бўлсаларда, расман бошқа иш жойини қидирмайдилар. Қоидага кўра, қисман иш билан банд бўлганлар иккинчи марта иш билан бандлик ёки ўз-ўзини иш билан банд қилиш шаклидаги бандлигига эга бўлдилар.

Учинчидан, ишсизликнинг кучли ўсиши, айниқса, кескин иқтисодий ўзгартиришлардан кейинги дастлабки йилларда, меҳнат бозоридаги таклиф камайганлиги туфайли кўзга ташланмайди. Қўлланилган муддатидан олдин пенсияга чиқариш, уй хўжалигида иш билан банд бўлганлар сонини кўпайтириш (асосан, аёллар), яқка тартибдаги меҳнат фаолиятининг кенг тарқалиши бу иқтисодиёт яширин секторининг ривожланишини жадаллаштиради. Буларнинг ҳаммаси бозордаги ишчи кучи таклифини камайтирди.

Ишсизлик даражасини баҳолаш билан бирга, унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Чунки ишсизлик жуда катта салбий иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари ишлаб чиқарилмаган маҳсулот билан таққосланиб баҳоланади. Иқтисодиёт ишлашни хоҳлаган ва ишлай оладиган барча учун етарли миқдорда иш жойларини яратиш қобилиятига эга бўлмаса, товар ишлаб чиқариш потнециал имкониятининг бир қисми йўқотилади.

Иқтисодий адабиётларда бу йўқотиш ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажмининг орқада қолиши (пасайиши) сифатида аниқ-

ланади ҳамда у ҳақиқий ЯММнинг потенциал ЯММдан кам бўлган ҳажми сифатида кўринади. Ишсизлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ЯММ ҳажмининг орқада қолиши шунчалик катта бўлади.

Макроиктисодиёт соҳасидаги таниқли тадқиқотчи А.Оукен ишсизлик даражаси ва ЯММ ўртасидаги нисбатни математик ифодалаб берди. Бу нисбат Ғарбда **Оукен қонуни** сифатида танилган бўлиб, агар ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан бир фоизга ортиқ бўлса, ЯММ ҳажмининг пасайиши 2,5% ни ташкил қилишини кўрсатади. Ушбу нисбат ишсизликнинг ҳар қандай даражаси билан боғлиқ равишда маҳсулотнинг мутлақ йўқотилиш ҳажмини ҳисоблаш имконини беради. Масалан, 2015 йил ишсизлик даражаси 7,5 фоизга етган ёки кўзда тутилган 4 фоизли табиий даражадан 3,5 фоиз юқори бўлган. Бу 3,5 фоизни Оукен коэффициентиға, яъни 2,5ға кўпайтириб, шу йили ЯММ ҳажмининг орқада қолиши 8,75 фоизни ташкил қилишини аниқлаймиз. Бошқача айтганда, агар 2015 йил тўлиқ бандлилик шароитида ишсизликнинг табиий даражаси таъминланганда, ЯММ ҳақиқий даражасидан 8,75фоизга кўпайган бўлар эди. Агар 2015 йил номинал ЯММ 330 млрд. сўм бўлган деб фараз қилсак, ишсизликнинг табиий даражасига эришилмаганлиги сабабли иқтисодиёт 29 млрд. сўмлик $(330 \times 8,75) / 100$ маҳсулотни йўқотган бўлади.

Айрим ҳолларда миллий маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми потнециал ҳажмидан ортиб кетиши ҳам мумкин. Бундай ҳол ишсизлик даражаси табиий даражадан ҳам паст бўлган даврларда рўй беради. Ишлаб чиқаришга ишчиларнинг қўшимча сменаларини жалб қилиш, капитал ускуналардан ўрнатилган нормативдан юқори даражада фойдаланиш, иш вақтидан ортиқча ишлаш ва ўриндош ишларда банд бўлиш кабилар бунинг асосий сабабларидир.

Ишсизлик нафақат иқтисодий, балки **ижтимоий** оқибатларға ҳам эға бўлади. Турғунлик (депрессия) фазаси ишчи кучининг фаолиятсизлигига сабаб бўлади, фаолиятсизлик эса малаканинг йўқолишиға ҳамда ижтимоий ва сиёсий тартибсизликларға олиб келади.

Шунингдек, ишсизликнинг салбий томонлари – узоқ вақт ичида ишсиз юрган ишчи ўз малака-маҳоратини йўқота бориши, кишининг психик-руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши, жиноятға қўл уриши ва бошқалар ҳисобланади.

14.3. Иш билан бандликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. **Иш билан банд бўлишни таъминлашнинг давлат ва бозор** **механизмлари**

Аҳолини иш билан таъминлаш инсон ижтимоий ривожланишининг энг муҳим жиҳатларидан бири – унинг меҳнат соҳаси ва у билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни қондириш йўллари очиқ беради. Иш билан бандлик одамлар иш жойлари қаердалигидан қатъи назар, ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиш юзасидан ўзаро киришадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли одамларнинг қанчаси ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатади.

Бироқ иш билан бандлик тоифаси фақат иқтисодий компонент билан чекланмайди. Иш билан бандлик, аввало, ижтимоий муносабатлардир, яъни одамларнинг жамият ичидаги муносабатларидир, шу боис қандайдир азалий, бевосита юзага келган ҳодиса сифатидаги ижтимоийлик уларнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Иш билан бандликни ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин.

Иш билан бандлик – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир.

Иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан олдингисидан фарқ қилувчи ҳар бир ривожланиш босқичи учун иш билан таъминлашнинг муайян модели (концепцияси) мос келади, чунки унинг асосий хусусиятлари жамият фаолиятининг муҳим жараёнларини очиқ беради.

Тажриба шуни кўрсатадики, жамият муаммолари ичида инсоннинг шахсини, талаб - эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан ҳал қилишга уриниш омадсизликка олиб кетади. Шунинг учун авваллари олимлар иш билан бандлик муаммоларини кўриб чиқаётганларида асосан, унинг иқтисодий жиҳатларига эътибор берган бўлсалар, кейинги пайтларда иш билан бандликнинг ижтимоий жиҳатлари тўғрисида тобора кўпроқ бош қотирилаётганлиги бежиз эмас.

Аҳолининг иш билан бандлик концепцияси – жамият ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг муайян босқичидаги иш

билан таъминланишнинг хусусиятини очиб берадиган қарашлар, тасаввурлар тизимидир.

Бундай назарий тушунчалар марказига уни ривожлантиришнинг ижтимоий бозор типигаги давлат учун хос бўлган объектив жараёнларини ҳисобга олувчи иш билан таъминлаш тизимининг шаклланиши қўйилади. Бу, ўз навбатида, муайян давр мобайнидаги қўйилган мақсадларга эришишнинг реал имкониятлари билан чекланмайди.

Иш билан бандлик ижтимоий ривожланишнинг ҳар бир босқичига хос бўлган турли қўринишлар ва шаклларда намоён бўладиган ўзига хос ҳодисадир. Ибтидоий жамоа тузуми жамият аъзоларининг тўлиқ иш билан бандлигига асосланган эди, унинг боиси ишлаб чиқарувчи кучларнинг паст даражада ривожланганлигида эди. Кулдорлик ва феодал формациялар асосан куллар ва крепостнойларнинг мажбурий иш билан бандлигига асосланган бўлиб, кулдорлар ва крепостнойлар ишламасдан ҳаёт кечираётдилар. Инсон ҳуқуқий жиҳатдан эркин бўлган ва ёлланма ходим сифатида намоён бўладиган бозор иқтисодиётига эга бўлган капиталистик формацияда иш билан банд бўлмаган аҳоли мавжуд бўлади. Бундай иш билан банд бўлмаслик табиий ва ноилож ишсизлик шаклида бўлади. Социализм шароитида тўлиқ («ялписига») иш билан бандлик эълон қилинган бўлиб, бу эса одамнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишга мажбурлиги билан мустақамланган эди.

Ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолига барча ёлланиб ишлаётган ходимлар, ўқувчилар, ҳарбий хизматчилар билан бир қаторда ўзини ўзи мустақил равишда иш билан таъминлайдиган фуқаролар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаролар киритилган.

Иш билан бандлар: а) пул билан тўланадиган ёки натура ҳолидаги ҳақ эвазига ёлланиб, шунингдек, ўз фаолияти эвазига қанча муддат ҳақ ёки даромад олишидан қатъи назар, фойда ёки оилавий даромад олиш учун ёлланмасдан ҳафтасига камида 2 соат иш бажарганлар; б) касаллиги ёки жароҳатланганлиги туфайли, беморларга қараб турувчилар; йиллик меҳнат таътили ёки дам олиш кунларида, ўз иш жойидан ташқарида таълим олганлар; маъмурият ташаббуси билан таъминоти сақлаб қолинган ёки сақланмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлган ва бошқа шунга

ўхшаш сабаблар билан вақтинча ишда бўлмаганлар; в) оилавий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарган шахслардан ташкил топади.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунда аҳолининг иш билан бандлигининг асосий принциплари ифодалаб берилган. Бу тамойиллар иш билан бандлик муносабатларига бозор хусусиятидан келиб чиқади ва у бир неча тамойиллар билан ифодаланади.

Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида умуминсоний кадриятларни мустаҳкамлаш учун муайян қадам қўйилган бўлиб, бу кадриятлар орасида энг муҳими меҳнатнинг ихтиёрийлигидир. Эндиликда ижтимоий меҳнатда иштирок этиш керак ёки керак эмаслигини танлашдан иборат устувор ҳуқуқ инсоннинг ўзига тегишлидир.

Миллий иқтисодиётда аҳолини меҳнат билан таъминлаш эндиликда амалда ижтимоий фойдали фаолиятнинг бирдан-бир соҳаси ҳисобланмайди. Меҳнат соҳаси ижтимоий фойдали иш билан бандликнинг ўқиш, уй-рўзғор ишлари, болаларни тарбиялаш ва ҳоказолар каби тенг ҳуқуқли ва ҳамма учун қулай соҳалардан бирига айланмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида иш билан бандлик ҳамда унинг ташкил қилувчилари муаммоси ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларда янгича маъно касб этади. Меҳнат бозори иш билан бандликни тартибга солишда муҳим ўринни эгаллайди. Меҳнат бозорида асосий миллий ресурс, яъни ишчи кучи шаклланади ҳамда корхоналар, тармоқлар ва минтақалар бўйича тақсимланади.

Меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлигини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилишини таъминлайди. У ходимнинг ўзи учун янада мосроқ иш жойига ўтишини енгиллаштиради. Меҳнат бозори орқали корхоналар зарур миқдорда ва талаб қилинган сифатга эга ишчи билан таъминланади. Меҳнат бозори қандай кадрлар, мутахассислар, касбларга талаб борлигини, улардан қандайлари ортиқчалигини кўрсатади. Бу кўпгина мамлакатлар учун долзарб муаммодир. Унинг ҳал этилиши жамиятнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қодир бўлган самарали иқтисодиётнинг яратилишини аниқлатади.

Иш билан бандликни ишчи кучига талабни кенгайтиришга (уларни фойдали фаолиятга жалб қилиш кўламлари, шарт-

шароитлари ва шакллари таъминлашга, иш билан банд бўлган ходимларни шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш, бўшатиш, қайта тайёрлаш ва қайта тақсимлашга) йўналтирилган чоратadbирлар ва ҳаракатлар йиғиндиси сифатида қараш мумкин.

14.4. Тўла самарали бандлик муаммолари ва Ўзбекистонда ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш

Иш билан тўлиқ бандлик меҳнатга қобилиятли барча фуқароларни касбий меҳнат соҳасига жалб қилишни англатмайди. Инсон ўз истаги бўйича ижтимоий фойдали бандлик соҳаларидан бирини (халқ хўжалигидаги касбий меҳнатни, уй хўжалигини ва шу кабиларни) танлашга ҳақлидир. Бироқ тартибга солувчи асосий фаолият тури даромад келтирувчи, шахс фаровонлигини оширувчи ва ривожлантиришини таъминловчи касбий меҳнат билан банд бўлишдир. Касбий меҳнат билан банд бўлиш даражаси ходимлар умумий сонининг меҳнат ресурслари сонига нисбати билан белгиланади ҳамда меҳнат унумдорлиги ва жамият ривожланишининг ижтимоий самарадорлиги соҳасида эришилган ютуқларни акс эттиради. Бунинг маъноси шуки, иш билан бандликдаги мазкур пропорция ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш манфаатларига, уни жадаллаштириш натижаларига, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ошириш манфаатларига тўлиқ мос келса, шунингдек, соғлом авлодни етиштиришга, юқори малакали, яхши таълим олган серҳаракат ходимларни тарбиялашга қулай шароит яратиб берса, бундай бандлик пропорцияси энг мақбул (оптимал) деб ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган барча шароитларга жавоб берадиган иш билан тўлиқ бандлик **унумдор** иш билан бандлик деб аталиши мумкин. Бунда биз унумдор иш билан бандлик самарали меҳнат билан айна бир нарса эмаслигига асосланамиз. Самарали меҳнат унумдор иш билан бандликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Пировард натижада тўлиқ ва унумдор иш билан бандлик узвий бирликда бўлади. Агар иш билан тўлиқ бандликка иқтисодий жиҳатдан номақбул иш ўринлари ёки муносиб тирикчилик ўтказишни таъминламайдиган иш ўринлари билан эришилса, у ходимларнинг касб-малака ва таълим даражасига ёки халқ хўжалигидаги вазифаларга зид бўлса, малакали кадрлар тайёрлаш ва нормал демографик ривожлантиришни таъминлашга ҳалакит

берса, аҳолининг бундай иш билан бандлиги умуминсоний кадриятларга ёрдам бермайди ва ижобий деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Демак, иш билан тўлиқ унумдор ва эркин танланган бандлик, аввало, аҳолининг ишга бўлган эҳтиёжи билан иш ўринлари ўртасидаги миқдор ва сифат муносиблиги даражасини акс эттиради. Бунда ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт учун қулай шарт-шароитлар яратилади, яъни ҳам айрим шахснинг, ҳам умуман бутун жамиятнинг манфаатлари ҳисобга олинади.

Шахснинг арзирли даромад олишини, соғлиғини юксалтиришни, жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг усули асосида маълумот ва касб даражасини оширишни таъминлайдиган иш билан бандликни аҳолининг **самарадор бандлиги** деб ҳисоблаш мумкин.

Ишсизликка реал баҳо бериш ва уни ўлчаш Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) тавсияларига мувофиқ ҳамда меҳнат муносабатларининг қарор топган тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистонда ишсизларга 16 ва ундан катта ёшдаги кишилар киради, улар ана шу қараб чиқиладиган даврда ишга ёки бошқа даромадли машғулотга эга бўлмайдилар, ўзлари мустақил ёки кимнингдир воситачилигида иш қидираётган бўладилар ва ишга киришга тайёр турадилар.

Ишсизликнинг яширин турлари ва иш билан норасмий бандликнинг асосий хавфи ошқора ишсизликка ўтиш имкониятидан ташқари, меҳнат ахлоқининг бузилиши, ишчи кучининг малакадан маҳрум бўлиши, касбга бўлган қизиқиш ва кўникмаларни йўқотиш, жамиятга ҳозир потенциали керак бўлмаган кишилардан маълум қисмини қашшоқлашувига олиб келишидир. Бундан ташқари, корхоналарда ортиқча ходимларни сақлаб туриш маҳсулот таннарининг асоссиз равишда ортиб кетишига, инфляциянинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Норасмий фаолият турларида солиқ солинмайдиган иш билан бандликнинг кўпайиши бюджет даромадларининг камайишига, савдо воситачилик хизматларининг ҳаддан ташқари авж олиб кетишига сабаб бўлади, ҳар хил ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар учун қулай имконият яратиб беради.

Иш билан бандликдаги таркибий таназзулнинг бевосита оқибатлари ва ишчи кучига бўлган талаб қисқаришининг бевосита оқибатлари, ақлий меҳнат кишиларининг бошқа мамлакатларга кетиб қолиши, шунингдек, ички кетиб қолиш — илм-фан соҳасидан

ва илмий билимлар кўпроқ талаб қилинадиган ишлаб чиқариш тармоқларидан ходимларнинг воситачилик соҳаларига, шунингдек, малакасини йўқотиб, норасмий фаолият соҳаларига ўтиб ишлашидир. Қайд қилинган ишсизлик даражасидаги таркибий орқага кетиш иш билан бандлик хизмати миқозлари орасида мутахассислар улушининг юқори эканлигида намоён бўлмоқда. Холбуки, кадрлар потенциалини, айниқса, олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни шакллантириш узоқ вақтни ҳамда маблағни талаб қилади.

Давлатнинг тўлов талабини кўпайтиришга йўналтирилган хилма-хил усуллар воситасида иқтисодиётга аралашуви орқали иқтисодий фаолликни рағбатлантиришга ва бунинг оқибатида иш билан бандликни кенгайтиришга эришиш мумкин. Бунда ҳал қилувчи рол, Кейнс назариясига кўра, хусусий сармоя қўйилмаларни давлат томонидан рағбатлантирилиши ва тартибга солинишига, давлатни ўзининг харажатларига, яъни солиқ солиш, қарз ва давлат маблағларини сарфлаш соҳаларини қамраб олувчи бюджет сиёсатига тегишли бўлади. Сармоя қўйилмаларини кенгайтириш ишлаб чиқаришни ва демак, иш билан бандликни кўпайтиришни англатади. Аммо фақат 40 ва 50-йилларга келиб, кейнсчилик ўзининг «иш билан тўла бандлик» шиори билан буржуа иқтисодий назарияси ва амалиётининг асосига айланди. 40-йиллар ўрталарида ишсизликни тартибга солиш бўйича пайдо бўлган расмий ҳукумат ҳужжатлари ва қонунчилик ҳужжатларида, қоидага кўра, тўлиқ иш билан бандликни миқдорий аниқлаш бўлмаган. У, масалан, инглизларнинг оқ китоби «Иш билан бандлик сиёсати» (1944 йил) ва Американинг «Иш билан бандлик тўғрисида ҳужжат»да (1946 йил) ҳам йўқ. Урушдан кейинги «Иш билан тўлиқ бандлик» сиёсати аслини олганда ишсизликни тугатишни мақсад қилиб қўймаган. Ишсизликнинг 2-4 % доирасида, албатта, мавжуд бўлишини ғарб иқтисодчилари минимал йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдор деб қарашган.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг **ижтимоий сиёсати** фақат одамларнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат бўлмасдан, балки меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашни ҳам ўз ичига олади. Айниқса, аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган ва ўзига хос аҳоли таркибига эга бўлган бизнинг Республикада иш билан бандлик масаласи энг муҳим муаммолардан бири ҳисоб-

ланади. Иқтисодий ислохотлар даврида ушбу масалани ҳал этиш учун республикада бир қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Ўзбекистонда иш билан бандлик муаммосини ҳал этишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, якка тартибдаги тадбиркорликни кенгайтириш учун шароит яратиш.

Иккинчидан, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий-маиший хизмат турларини кенгайтириш.

Учинчидан, қишлоқда кенг тармоқли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш.

Тўртинчидан, ишдан бўшаган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитиш тизимини такомиллаштириш.

Бешинчидан, вақтинча ишга жойлаштириш имкони бўлмаган меҳнатга яроқли аҳолини давлат томонидан ишончли равишда ижтимоий ҳимоялаш.

Бироқ ишсизлик оқибатларини бир томонлама баҳолаб бўлмайди. Унинг салбий томонлари билан биргаликда, ижобий томонлари ҳам бор (салбий томонлари кўпроқ, албатта). Ишсизлик хавфи меҳнат бозоридаги рақобат муҳитини яратишда, кишиларни яхши ишлашга, меҳнат интизомини бузмасликка, меҳнат унумдорлигини оширишга, иш сифатини яхшилашга, ўз фирмасини эъозлашга, ўз иш жойининг қадрига етишга ундайди. Ишсизлик ва меҳнат бозоридаги рақобат бекор юрганларни ўз устида ишлашга, билим ва малакасини оширишга, янги касбларни кунт билан эгаллашга чорлайди.

Ўзбекистонда ишсизлар сонини камайтириш учун меҳнат биржалари фаолият кўрсатапти. Меҳнат биржалари ишчи ва фирма-ташкilotлар ўртасида иш кучини сотиш ва сотиб олиш бўйича келишувни амалга оширишда мунтазам воситачи вазифасини ўтайди. Уларнинг асосий вазифаси, биринчидан, ишсиз қолганларни рўйхатга олиш, ишини ўзгартирмоқчи бўлганларни ишга жойлаштиришда воситачилик қилиш; иккинчидан, ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ўрганиш; учинчидан, қандай ихтисосликлар бўйича ишчилар зарурлиги ҳақида ахборот бериш; тўртинчидан, ёшларни касб, ихтисосликлар бўйича йўналтириш, янги касб-хунар ўргатишни ташкил қилиш.

Ўзбекистонда давлат меҳнат биржалари билан бир қаторда, ишчи кучини ёллаш бўйича хусусий пуллик агентликлар, ишчи

кучи экспорти билан шуғулланувчи давлат идоралари ва хусусий агентликлари ҳамда касаба уюшмалари, диний, ёшлар ташкилотлари, хотин-қизлар кўмиталари қошида иш билан таъминлаш бўлимлари мавжуд.

Аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси кўп қиррали бўлиб, у барча одамларга ўз қобилиятларини ишга солиш, ўз эҳтиёжларини қондириш учун дастлабки тенг имкониятларни таъминловчи давлат ва бозор механизмини вужудга келтириш; ишчи кучини унумли ва самарали иш билан банд қилиш; зарур ҳолларда ишчи кучини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш каби масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида, умуман, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим шарти сифатида иш билан бандлик ва **ишсизликдан ҳимоялаш сиёсати** дунёдаги кўпгина ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибасига асослангандир. Аммо, бу тажрибаларнинг кўпчилиги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг туб моҳиятига тўғри келавормайди. Бизда аҳолини иш билан бандлик сиёсатининг асосий йўналишлари иш билан бандлик сиёсати эволюциясининг фақат таркибий эмас, балки тарихий-манتيкий тасвирини ҳам беради. Аслини олганда, иш билан бандликнинг фаол сиёсатидан олдин ишсизларни ҳисобга олиш, уларни рўйхатдан, ишсизларни самарали қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни ижтимоий ҳимоялаш услублари (пассив сиёсат) амалга мамлакатда зарур эди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, ҳукумат ишсизларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлагандан кейингина, бошқа ишларга киришиши - дастлаб иш билан бандликни барқарорлаштириш (сақлаш)га, сўнгра унинг ўсишини рағбатлантиришга киришиши мумкин. Бунда иш билан бандликнинг ўсишини рағбатлантириш **уч йўналишда амалга оширилади:**

– тадбиркорлар билан ишлаш, масалан, янги иш жойлари яратилганда солиқ имтиёзларини бериш, ишсизларнинг иш излашларини фаоллаштириш;

– ишчи кучи таклифини рағбатлантириш;

– ёлланма ишчилар синфини меҳнат бозоридан чиқариш, ўз ўзини банд қилишни рағбатлантириш.

Ўзбекистонда ишсизликнинг кескин қўпайиши иш билан бандлик сиёсатининг нормал эволюцияси йўлидан изчил боришга имконият бермаяпти. Шунинг учун, иш билан бандликни таъмин-

лашнинг хилма-хил дастурлари давлатнинг ҳақиқий молиявий имкониятларини яхшилаб мувофиқлаштириб олмай, иш билан бандлик ишининг барча йўналишларини бир йўлга қамраб олишга уринмоқда. Фикримизча, энг аввало, иш билан бандлик сиёсатини амалга оширишга йўлланиладиган молиявий маблағларни мувофиқ тарзда тақсимлаб, меҳнат бозорини тартибга солишнинг умумдават ва минтақавий соҳаларини белгилаб олиш керак. Маҳаллий меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида ажратилган маблағларнинг ҳар бир сўмини иш билан бандликнинг ўсиши кўринишидаги самара билан қайтиши уни қаерга йўллаш кераклигини аниқлаш керак бўлади.

Иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш усуллари ҳам қайта кўриб чиқилиши керак. Маълумки, ҳар қандай тартибга солиш жараёни, маъмурий ёки иқтисодий бўлиши мумкин бўлиб, шу жумладан, меҳнат бозорига ҳам тааллуқлидир. Тартибга солишнинг бу усуллари ўртасидаги чегара бозор механизмига аралашув даражаси чизиги бўйлаб ўтади. Маъмурий усуллар меҳнат бозори ишига бевосита, баъзида ҳатто бозор механизми талабларига зидлашувни назарда тутди. Тартибга солишнинг иқтисодий усуллари буйруқ берадиган эмас, тавсиявий, рағбатлантириш усуллари ёрдамида амалга оширилади.

Ўзбекистонда иш билан бандликни тартибга солишнинг фаол иқтисодий усулларига қуйидаги тадбирларни киритиш мумкин:

- мамлакатдаги иқтисодий вазиятни умумий соғломлаштириш, инвестицион фаолликни рағбатлантириш, барқарорлаштириш ва кейинчалик иқтисодий ўсишга эришиш;

- иқтисодиётни нодавлат секторларини ривожлантириш ва кенгайтириш учун шарт-шароитларни яратиш, шу жумладан, кичик бизнес ва ўз-ўзини иш билан банд қилишни қўллаб-қувватлаш;

- иш билан бандликнинг оқил тузилмасини яратиш мақсадида касбий ўқитиш, қайта тайёрлаш ва маслаҳат беришни таъминлаш.

Кўришиб турибдики, бу вазифаларни амалга ошириш бугун ҳам, келажакда ҳам муҳим омил бўлиб, иш билан бандликни таъминлаш, ишсизлик даражасини пасайтириш имконини беради.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш тушунчаси нимани англатади?

2. Ишчи кучини унумли такрор ишлаб чиқаришнинг қандай манбалари мавжуд?

3. Ишсизликни қандай турлари бор?

4. Бозор иқтисодиётида «Тўлиқ бандлилик» тушунчаси нимани англатади?

5. Фрикцион ва таркибий ишсизликларнинг моҳиятини тушунтиринг?

6. Циклик ишсизликнинг объективлигини қандай тушунтирасиз?

7. Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётида ишсизликни бартараф этишга уриниш ва унинг оқибатларини изоҳлаб беринг?

8. Ишсизликнинг қандай ижобий жиҳатлари бор?

9. Оукен қонунининг моҳиятини тушунтириб беринг.

10. Ўзбекистонда ишсизликни бартараф этишда қандай чоратadbирлар қўлланилмоқда?

XV БОБ. МОЛИЯ ТИЗИМИ

15.1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари. Молия турлари

Бозор иқтисодиётида ҳар қандай фаолият маблағни, пулни талаб қилади ва у орқали **молияни** юзага келтиради. Чунки, иқтисодиётнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши, аҳолининг фаровонлиги, юртнинг тинчлигини таъминлаш ва бошқа мақсадларни амалга ошириш – ҳаммаси молияга бориб тақалади.

Молия – иқтисодий категория сифатида пул маблағларини ҳосил этиш, ундан фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни англатади

Молия воситасида турли даражада пул фондлари вужудга келтирилади ва улар такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида тақсимланади.

Молия пул билан боғлиқ муносабатлар бўлиб, унинг моддий асосини пул ташкил қилади, лекин у пул билан бир хил тушунча эмас. Молия муносабатлари пул муносабатларидан шуниси билан фарқ қиладики, унинг таркибига шахсий истеъмол хизмати муносабатлари кирмайди ҳамда пул ҳаракати товар ҳаракати билан бир вақтда юз бермайди.

Молиявий муносабатларнинг объектлари ва субъектлари фарқланади. Молиянинг **объекти** сифатида пул маблағлари ва қимматбаҳо қоғозлар ҳисобланса, унинг **субъекти**, яъни иштирокчилари вазифасини ишлаб чиқариш корхоналари, давлат идоралари, молиявий муассасалар, турли оилалар ва айрим шахслар бажаради.

Молия иқтисодиёт доирасида ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор **вазифаларни** бажаради:

Иқтисодий жараёнларни **молиявий ресурслар билан таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш** вазифасини бажаради. Жумладан, мамлакатни бошқариш, мудофаа қобилиятини таъминлаш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий ишлар ва бошқаларнинг амалга оширилишини тақозо этади. Бунинг учун, энг аввало, уларни молиявий ресурслар билан таъминлаш керак бўлади.

Молиянинг **тақсимловчи** вазифаси. Жамиятда яратилган ЯИМни ва унинг асосий қисми бўлган миллий даромадни мамлакатнинг турли ҳудудлари ва хўжалик объектлари ўртасида

тақсимлаб, пул фондларига айлантиради. Молиявий тақсимлаш микро- ва макродаражада амалга оширилади. Микроиктисодий даражада, яъни фирмалар, ташкилотлар ва муассасалар ичида **бирламчи** тақсимлаш юз беради. Масалан, пул маблағлари фирма миқёсида тақсимланганда, улар корхонанинг амортизация фондига, иш ҳақи фондига, ижтимоий суғурта ажратмалари, фойда, мукофотлаш фондлари, инвестиция фондларига бўлинади. Макроиктисодий даражада корхона (фирма)лар билан давлат ўртасида **иккиламчи** тақсимлаш юз беради. Унда турли хил солиқлар, рента ва божхона тўловлари, акциз йиғимлари кабилар давлат қўлида тўпланади. Бу маблағлар аҳолининг ижтимоий-маданий эҳтиёжларга (уй-жой қурилиши, тиббий хизмат, маориф), аҳолини ижтимоий ҳимоялашга (нафақалар, стипендиялар), миллий мудофаага, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва шу кабиларга сарфланади.

Молиянинг **рағбатлантирувчи** вазифаси. Рағбатлантириш давлат томонидан корхона ва ташкилотларга молиявий ёрдам бериш, ишловчиларга мукофотлар ажратиш, бож пулини камайтириш орқали экспортни рағбатлантириш кабиларни кўзда тутати.

Молиядан **назорат қилиш** воситаси сифатида фойдаланилади. Бунда солиқлар ва бошқа тўловларни амалдаги қонунлар бўйича тўғри тўланишини ҳамда молиявий маблағларни белгиланган мақсад бўйича ишлатилишини таъминлаш назарда тутилади. Молиявий назорат асосан аудиторлик фирмалари ёрдамида ўрнатилади.

Ижтимоий ҳимоялаш вазифаси. Жамият аъзоларининг маълум қатламлари, яъни ногиронлар, кўп болали кам таъминланган оилалар ва ишсизларни минимал тирикчилик юритишини таъминлаб туриш, яъни молиявий кафолатлашдан иборат. Ундан ташқари, аҳолининг соғлигини таъминлаш, унга бепул умумий ўрта таълим бериш, атроф-муҳитни соғломлаштиришни ҳам ўз зиммасига олади.

Иқтисодий ахборот бериш вазифаси. Иқтисодий фаолиятнинг молиявий яқунлари ҳақида тегишли маълумот ва хабарлар бериб туришдан иборат. Молиявий ахборотга қараб, тадбиркорлар ўз ишининг бориши, шерикларининг аҳволи, рақиблиарнинг имкониятидан огоҳ бўлади. Молиявий ахборотда аудиторлик хизмати маълум ўрин эгаллаб, ахборотдан фойдаланишни яхшилайтиди ва тезлаштирати.

Молиявий муносабатлар ва уларга хизмат қилувчи махсус муассасалар жамиятнинг молия тизимини ташкил қилади.

Бу тизим давлат ва маҳаллий бюджетларни, ижтимоий, мол-мулк ва шахсий суғурта фондларини, давлатнинг валюта захираларини, банклар, пул муомаласи, кредит ва солиқ тизими, корхона ва фирмаларнинг пул фондларининг ҳаракатини ўз ичига олади (21-чизма).

Молия тизими				
Микромолия			Макромолия	
Оила молияси	Корхона молияси	Давлат молияси	Суғурта ташкилотлар молияси	Қарз эвазига молиялаштириш тизими

21-чизма. Молия тизимининг туркумланиши.

Молия бозори таркибан қимматбаҳо қоғозлар бозори ва қарзга бериладиган пул бозоридан ташкил топади (22-чизма).

Қимматбаҳо қоғозлар бозори	Кредит бозори		
Молия бозори			
Фонд бозори	Валюта бозори	Инвестиция бозори	

22-чизма. Молия бозорининг унсурлари.

Молия бозорида молиявий операцияларни махсус воситачилар, яъни маклер, брокер ва дилерлар амалга оширади. **Маклер** битимларни тузиш учун шерикларни учраштиради, лекин ўзи битим тузмайди. Сотувчи ва харидордан ўз хизмати учун ҳақ олади. **Брокер** юридик шахс ёки фирма сифатида фаолият кўрсатиб, у қимматли қоғозлар бўйича тор доирадаги мутахассис саналади. Томонлар келишуви асосида битим тузади ва ўз хизмати учун маълум миқдорда комисион ҳақ олади. **Дилер** ўз номи ва маблағи ҳисобига қимматбаҳо қоғозларни сотиб олади ва иккиламчи бозорда уларни қайта сотиш операциясини амалга оширади.

Молия бозорида акция, облигация, вексел ва сертификат каби ҳужжатлар ҳам пул сингари муомалада бўлади. **Акция** ўз эгасига

дивиденд келтирувчи қимматбаҳо қоғоз ҳисобланиб, у дастлаб XVII асрнинг бошларида Голандия, Англия ва Европанинг бошқа мамлакатларида пайдо бўлган.

Акцияни ўз номидан чиқариб, уни бирламчи фонд бозорида дастлабки сотишини амалга оширувчиларга **эмитент** дейилади. Акциянинг ўзида кўрсатиб қўйилган сумма унинг номинал қиймати ҳисобланади. Акциянинг сотилиш нархига **бозор курси**, унинг фонд биржасидаги нархига **котировка** дейилади.

$$\text{Акция курси} = \frac{\text{Дивиденд}}{\text{Банк фоизи}} \times 100\%$$

Акциянинг нархи биринчи ўринда унга тегадиган дивидендга боғлиқ. Фирманинг мавқеи мустаҳкам, молияси бақувват бўлса, бинобарин, яхши фойда топса, акцияга дивиденд кўп тўланади. Дивиденд қанча кўп бўлса, акция курси ҳам шунча юқори бўлади.

15.2. Давлат бюджети ва унинг тузилиши

Давлат даромадлари ва харажатларининг асосий қисми **давлат бюджети** орқали ўтади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умум-давлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдир.

Давлат бюджети – давлат харажатлари ва уларни молиявий қоплаш манбаларининг йиллик режаси келтирилган молиявий ҳужжат

Давлат бюджети 2 қисмдан, яъни даромадлар ва харажатлардан иборат бўлади. Бюджетнинг **даромадлар** қисмини шакллантиришда, мулк шаклидан қатъи назар, ҳамма иқтисодий субъектлар иштирок этади, уларнинг иштироки солиқлар тўлаш шаклида юз беради. Давлат бюджет маблағларининг асосий қисмини ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига, шунингдек, мамлакат мудофаасини таъминлаш, иқтисодий ва ташқи иқтисодий мақсадлар ва шу кабиларга **сарфлайди**.

Бюджет даромадлари унинг харажатларини қоплаши шарт. Агар бюджет даромадлари ундаги харажатлардан мусбат катталикни ташкил этса, унда бундай ҳолатга **бюджет ортиқчалиги** ёки **бюджет профицити** деб юритилади.

Агар бюджет даромадлари харажатларни қоплай олмаса, унда **бюджет тақчиллиги** ёки **бюджет дефицити** юзага келади. Бу ҳолнинг сабаблари кўп бўлиб, уларнинг ичида давлатнинг жамият ҳаётидаги ролининг узлуксиз ўсиб бориши, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши алоҳида ўрин тутади. Бюджет тақчиллигининг ўзгариши шунингдек, ишлаб чиқаришдаги даврий инқироз ва турғунлик ҳолатларни акс эттиради, инқирозлар даврида давлат бюджет маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг маълум секторларини молиявий таъминлаб туришга, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган тармоқларда инвестициялар ҳажмини сақлаб туришга мажбур бўлади.

Бюджет тақчиллигининг ўсиши ёки камайиши мутлақ миқдорда ва унинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатида намоён бўлади. Масалан, 2000 йилда Республикамиз давлат бюджетининг тақчиллиги ЯИМга нисбатан 1 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда тақчиллик даражаси пасайиб бориб, 2005 йилда бюджет даромадларининг харажатлардан ошиб кетиши, яъни унинг профицитига эришилди. 2016 йилда давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди.⁴⁴

Ўрнатилган халқаро стандартларга кўра, бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 5 фоизидан ошмаслиги лозим. Бюджет тақчиллиги давлат қарзи ҳисобига қопланади. Давлат қарзи ички ва ташқи қарзлардан иборат бўлади.

Давлат ички қарзи – бу давлатнинг мамлакат ичида заёмлар ва бошқа қимматли қўғозларни чиқариш, турли нобюджет фондлари (суғурта фонди, ишсизлик бўйича суғурталаш фонди, пенсия фонди)дан қарз олиш кўринишидаги қарзлари

Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг муҳим кўринишларидан бири – **давлат кредити**. Молиявий ресурсларни давлат

⁴⁴ Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Зарафшон газетаси, 2017 йил 17 январь.

томонидан қарзга олишнинг асосий шакли – давлат қарз мажбуриятлари, яъни **облигация** заёмларини муомалага чиқариш ҳисобланади.

Давлат облигация заёмлари – давлатнинг аҳоли ва корхоналардан қарз олиш ҳисобига ўз молиявий ресурсларини ҳосил этиш воситаси

Облигация заёмларини жойлаштириш жараёнида давлат аҳоли, банклар, савдо ва саноат компанияларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини давлат бюджетига жалб қилади.

Давлат ўз мажбуриятларини нафақат хусусий секторда жойлаштириши, балки уларни Марказий банкдан ҳам олиши мумкин. Бунда Марказий банк пулнинг товар ҳажмининг кўпайиши билан боғлиқ бўлмаган қўшимча миқдорини муомалага чиқаради. Мазкур ҳолатда, давлат бюджетини қўшимча пул чиқариш эвазига молиялаштириш тадбирлари пул муомаласига тўғридан-тўғри инфляциян таъсир кўрсатади. Унда пул массасининг кўпайиши жамият ҳақиқий бойлигининг кўпайиши билан боғлиқ бўлмайди.

Хўжалик ҳаётида байналмилаллашув жараёнларининг тез ўсиши, халқаро кредитнинг жадал ривожланиши натижасида давлат ўзига керакли молиявий ресурсларни жалб қилиш учун ташқи манбалардан ҳам фойдаланиши мумкин. Бунинг натижасида **ташқи қарз** вужудга келади.

Давлат ташқи қарзи – хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинган қарзи саналади.

Давлат ташқи қарздан фойдаланишда маълум меъёрлардан ошиб кетмаслиги талаб этилади. Агар ташқи қарз бўйича тўловлар мамлакат экспортининг сезиларли қисмини, яъни 20-25 фоизга тенглашса, унда бу ҳолат мамлакатнинг кредит рейтингини пасайтириб юборади. Натижада, четдан янги қарз маблағларини жалб этиш мушкуллашади.

Ташқи қарзни тартибга солиш чора-тадбирларига мамлакат олтин-валюта захираси ҳисобидан қарзларни тўлаб бориш; кредит-торларнинг қарз тўлов муддатларини ўзгартиришлари, айрим ҳолларда уларнинг маълум қисмидан воз кечишларига эришиш; қарзларни мамлакатдаги кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар,

капиталда иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларни чет эл компанияларига сотиш ҳисобига тўлаш; халқаро банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан ёрдам олиш каби тадбирлари киради.

Ўзбекистонда ташқи қарзни меъёр даражасида ушлаб туриш борасида қатъий чора-тадбирлар амалга оширилиб, бунинг ифодасини Ўзбекистон Президентининг қуйидаги сўзларидан ҳам кўриш мумкин: «2017 йилнинг 1 январигача Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 16,7 фоизини ташкил этишини ва бу кўрсаткич, халқаро мезонлар бўйича, «ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат», деб ҳисобланишини таъкидлаш жоиз»⁴⁵.

Глобаллашув жараёнлари жадаллашаётган ҳозирги шароитда давлат бюджетининг мутаносиблигини кучайтириш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда корхоналарнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш, тўлов мажбуриятларини бир меъёрга келтириш, қарзларнинг салбий оқибатини тугатиш муҳим аҳамиятга эга.

15.3. Солиқларнинг моҳияти ва турлари

Солиқлар давлат ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисmini ташкил этиб, бюджетнинг харажатлар қисми орқали иқтисодиётга молиявий таъсир ўтказиш имконини беради. Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади.

Солиқлар – жамиятда вужудга келтирилган соф даромаднинг бир қисmini бюджетга жалб қилишнинг асосий шакли саналади.

Солиқларни **туркумлашга** турли хил мезонлар асосида ёндашилади. Солиқ ставкаси ва даромадлар ўртасидаги **нисбатга** асос-

⁴⁵ Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якуни ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Зарафшон газетаси, 2017 йил 17 январ.


ланиб, солиқлар одатда прогрессив (ўсиб боровчи), пропорционал (мутаносиб) ва регрессив (камайиб боровчи) солиқларга бўлинади.

Даромад ҳажми ўсиб бориши билан ўртача ставкаси ўсиб боровчи солиқларга **прогрессив солиқлар** дейилади. Даромад ҳажми ўсиб бориши билан ўртача ставкаси пасайиб боровчи солиқларга **регрессив солиқлар** дейилади. Даромад ҳажми ўсиб бориши билан ўртача ставкаси ўзгаришсиз қолувчи солиқларга **пропорционал солиқлар** дейилади.

Солиқлар амал қилиш доираси (марказий ва маҳаллий солиқлар), маҳсулот таннархига қўшилиш усули (тўғри ва эгри солиқлар) ва иқтисодий мазмунига қараб ҳам туркумланади. Солиқларни пасайтириш иқтисодий юксалиш ва давлат даромадларининг ўсишига олиб келишини биринчи бўлиб америкалик иқтисодчи А.Лаффер асослади.

А.Лаффернинг мулоҳазаларига кўра, корпорациялар даромадига солиқлар ставкасини ҳаддан ташқари ошириш уларнинг капитал қўйилмаларига бўлган рағбатини сусайтиради, фан-техника тараққиётини тўхтатади, иқтисодий ўсишни секинлаштиради ва охир-оқибатда, давлат бюджети тушумларига салбий таъсир кўрсатади.

Давлат бюджетининг даромадлари ва солиқ ставкаси ўсиши ўртасидаги боғлиқликнинг графикда тасвирланиши **Лаффер эгри чизиғи** номини олди (23-чизма).



23-чизма. Лаффер эгри чизиғи.

Графикнинг вертикал ўқида солиқ ставкаси (r), ётиқ ўқида - давлат бюджетига тушумлар (V) акс этган. Солиқ ставкасининг оптимал миқдори (r_1) давлат бюджетига энг юқори тушум (V_1)ни таъминлайди. Солиқлар янада оширилганда ишлашга ва тадбиркорликка қизиқиш сусаяди, 100 фоизли солиқ белгиланганда давлат даромади нолга тенг бўлади. Бошқача айтганда, узоқ муддатли истиқболда ҳаддан ташқари юқори ўрнатилган солиқлар жамғармалар, инвестициялар, бандликнинг ортиши орқали солиқ ундириладиган ялпи даромад ҳажмининг ўсишини таъминлайди. Натижада солиқ тушумлари суммаси кўпаяди, давлат даромадлари ҳажми ўсади, тақчиллик камаяди ва инфляциянинг сусайиши рўй беради.

Шунингдек, мамлакатнинг турли минтақаларида солиқ юкининг бир хил даражада бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан тавсия этилган таққослама усуллардан фойдаланилади. Солиқ юки даражасини миқдоран аҳоли жон бошига тўғри келувчи солиқлар миқдорини тўловга лаёқатлилиқ кўрсаткичига нисбати ёки солиқ тўлангандан кейинги даромад миқдорини тўловга лаёқатлилиқ кўрсаткичига нисбати сифатида ифодалаш мумкин:

$$K_c = \sum \frac{N_x}{P} \text{ ёки } K_c = \frac{DN}{PN}$$

бу ерда,

N_x – аҳоли жон бошига тўғри келувчи солиқларнинг ўртача миқдори;

DN – аҳолининг солиқлар тўлангандан кейинги даромади;

PN – аҳолининг тўловга лаёқатлилиги.

Солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи бўйича ҳам аниқлаш мумкин:

$$K_c = \frac{\sum N}{\sum ЯИМ}$$

бу ерда,

N – солиқлар миқдори;

$ЯИМ$ – ялпи ички маҳсулот ҳажми.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қуйидаги асосий солиқлар киритилди: қўшилган қиймат солиғи, акциз

солиғи, экспорт ва импорт солиғи, республика ҳудудидан олиб чиқилаётган хомашё ресурслари ва маҳсулотларга солинадиган солиқ, жамоа ҳўжалиғи аъзоларининг меҳнат ҳақидан олинадиган солиқ, корхонанинг мол-мулкига солинадиган солиқ, аҳолидан олинадиган даромад солиғи, ер солиғи ва ҳоказо. Ўрнатилган солиқ ставкаларининг юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадига қараб белгиланиши охириги йилларда қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (10-жадвал).

10-жадвал

Ўзбекистон Республикасида солиқ ставкаларининг даромадга нисбатан белгиланиши (фоиз ҳисобида)⁴⁶

№	Солиқлар номи	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
1.	Юридик шахсларнинг фойда солиғи	8,0	7,5	7,5	7,5
2.	Жисмоний шахсларнинг фойда солиғи	7,5 16 22	8,5 17 23	0 7,5 17 23	0 7,5 17 23
3.	Ягона солиқ	6,0	6,0	5,0	5,0
4.	Ягона ер солиғи	6,0	6,0	6,0	6,0
5.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	8,0	8,0	8,0	8,0
6.	Йўл жамғармаси солиғи	1,4	1,4	1,4	1,4
7.	Пенсия жамғармасига чегирмалар	1,6	1,6	1,6	1,6
8.	Мактаб таълимини ривожлантириш фонди	0,5	0,5	0,5	0,5
9.	Қўшилган қиймат солиғи	20,0	20,0	20,0	20,0

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида кўра, мамлакатимизда 2017-2021 йилларда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқ-

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси маълумотлари

ларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида молия ва солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг қуйидаги устувор вазифалари белгилаб қўйилди:

- харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаган ҳолда Давлат бюджетининг барча миқёсларида мувозанатни сақлаш;
- маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;
- капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;
- солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш йўлини давом эттириш;
- солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг тегишли чораларини кенгайтириш.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Молия категорияси мазмунини қандай тушунасиш?
2. Молия қандай иқтисодий вазифаларни бажаради?
3. Жамиятнинг молия тизими деганда нималарни тушунасиш?
4. Давлат бюджети ва унинг таркиби ҳақида маълумот беринг.
5. Бюджет тақчиллиги қандай сабабларга кўра вужудга келади?
6. Бюджетнинг харажатлар қисмини даромадлар қисмидан ошиб кетмаслиги учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади?
7. Солиқлар ўз иқтисодий мазмуни бўйича неча турга бўлинади?
8. Лаффер эгри чизиғи қандай иқтисодий боғлиқликни акс эттиради?
9. Солиқ юкини аниқлашда қандай иқтисодий кўрсаткичларидан фойдаланилади?
10. Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда молия ва солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қандай вазифалар белгилаб берилган?

16.1. Кредит, унинг вазифалари ва турлари

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида ҳамда молия ва истеъмол бозорларидаги барқарорлигини таъминлаш орқали миллий иқтисодиётда ўсиш суръатларига эришиш муҳим ҳисобланади. Мазкур жараёнда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва иқтисодиётни модернизациялашда банк кредитларининг аҳамияти янада ортади.

Кредит иқтисодий категория бўлиб, у вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатларни англатади

Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида, яъни пул эгаси - қарз берувчи ва қарзга олувчи ўртасида юзага келади. Турли хил корхона ва фирмалар, давлат ва унинг муассасалари ҳамда аҳолининг кенг қатлами кредит муносабатларининг субъектлари ҳисобланади. Санаб ўтилган субъектларнинг айнан ҳар бири бир вақтнинг ўзида ҳам қарз олувчи ва ҳам қарз берувчи ўрнида қатнашиши мумкин.

Кредит муносабатларининг объекти сифатида жамиятда вақтинча бўш турган пул маблағлари хизмат қилади. Кредит муносабатлари муддатлилик, мақсадлилик, фоизлилик, қайтариб олишлик ҳамда таъминланганлик каби қондаларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Кредит фоиизига, энг аввало кредит бозоридаги талаб ва таклиф, ундан ташқари Марказий банкнинг ремолиялаштириш фоиизи, банклараро фоииз ставкаси ва депозитлар фоиизи таъсир кўрсатади.

Кредит маблағларининг асосий манбаларига корхоналарнинг амортизация ажратмалари; маҳсулот сотишдан олинган пул тушумлари; корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва фан-техникани ривожлантириш ҳамда моддий рағбатлантириш фондлари; бюджет ташкилотлари, касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг банкдаги жорий пул ресурслари ҳамда аҳолининг бўш турган пул маблағлари киради.

Кредитнинг бир қатор **вазифалари** фарқланади. Биринчидан, кредит бериш орқали пул маблағлари тармоқлараро тақсимланади; иккинчидан, кредит орқали бўш пуллар капиталга айланади; учинчидан, реал иқтисодиётда товар ишлаб чиқариш узлуксизлиги таъминланади ҳамда иқтисодий ўсиш рағбатлантирилади. Бунда кредит фоиз ставкасини табақалаштириш, давлат томонидан кафолатлар ва имтиёзлар бериш каби **усуллардан** фойдаланилади.

Кредит бир қатор **турларда** амалга оширилади. Тарихий тараққиёт давомида кредитнинг икки – пул ва товар шаклларида фойдаланиб келинган. Ҳозирги вақтда мамлакат ички айланмасида **пул кредитидан** кенгроқ фойдаланиб, у банк, тижорат, давлат, истеъмол ва халқаро кредит шакллари олади.

Банк кредити – кредитнинг асосий ва етакчи шакли сифатида кенг тарқалган. У пул эгалари, яъни банклар ва махсус кредит муассасалари томонидан қарз олувчиларга (тадбиркорлар, давлат, уй хўжалиги) пул ссудаси шаклида берилади. Банк кредити йўналиши, муддати ва миқдори бўйича чекланмайди. Унинг фойдаланиш соҳаси жуда кенг бўлиб, товар муомаласидан тортиб, капитал жамғаришгача хизмат қилади.

Тижорат кредити – бу корхоналар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бир-бирига берадиган кредитларидир. Тижорат кредити тўловни кечиктириш йўли билан товар шаклида берилади.

Истеъмол кредити – аҳоли эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бўлиб, у товар ёки пул шаклида берилади. Бу кредит узоқ муддат фойдаланадиган истеъмолчилик товарлар сотиб олиш учун маълум муддатга берилади. У чакана савдо дўконлари орқали товарлар тўловини кечиктириб тўлаш шарти билан амалга ошади. Ҳозирги пайтда республикамызда уй-жой қуриш, олий ўқув юртларида ўқиш учун имтиёзли кредит бериш амалиёти қўлланилмоқда.

Ипотека кредити – кўчмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узоқ муддатли ссудалар шаклида берилади. Ипотека кредитидан шунингдек, қишлоқ хўжалигида асосий фондларни янгилаш учун фойдаланилади.

Давлат кредити – кредит муносабатларининг ўзига хос шакли бўлиб, бунда давлат пул маблағларнинг қарздори, аҳоли ва хусусий бизнес эса унинг кредиторлари ҳисобланади. Давлат

кредитидан давлат бюджети камомадини қоплаш учун фойдаланилади.

Халқаро кредит – ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракатини намоиш қилади. Халқаро кредит товар ёки пул (валюта) шаклида берилади. Бунда ссуда капиталининг кредитори ва қарзга олувчилари сифатида банклар, давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар қатнашади.

Қарзга берилган ссуданинг қайтарилиб берилиши, ундан фойдаланилганлик учун олинган фойдадан ссуда фоизини тўлаш зарурати корхоналарни хўжалик юритишнинг энг самарали усуллари излаб топишга ундайди. Шу даромад (фоиз)нинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиши **фоиз нормасини** ташкил қилади:

$$r' = \frac{r}{K_{\text{ссуда}}} \cdot 100 \%;$$

Бу ерда,

r' – фоиз нормаси;

r – фоиз суммаси;

$K_{\text{ссуда}}$ – қарзга берилган пул суммаси.

Агар 500 минг сўм йилига 80 минг ссуда фоизи тўлаш шarti билан қарзга берилган бўлса, ссуда фоизи нормаси 16 фоизни ташкил қилади.

16.2. Банк тизими. Марказий ва тижорат банклар ҳамда уларнинг вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини таъминлашда банклар муҳим роль ўйнайди.

Банклар – пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасалардир

Банклар фаолиятининг асосий томонларидан бири – кредит муносабатларига хизмат қилиш бўлиб, улар кредит муассасаларининг асосини ташкил қилади.

Мамлакатимиз банк тизими икки бўғинли бўлиб, унинг таркибига:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий (эмиссион) банки ва унинг муассасалари;

– Ўзбекистон Республикаси тижорат (депозитли) банклари ва уларнинг муассасалари қиради.

Марказий банк банкларнинг банки ҳисобланиб, мамлакатнинг пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради.

Марказий банк қуйидаги **вазифаларни** бажаради:

– бошқа банк муассасаларининг мажбурий захираларини сақлайди. Бу захиралар пул таклифини бошқариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Марказий банк мамлакатнинг расмий олтин-валюта захираларини сақлаш вазифасини ҳам бажаради;

– банклараро ҳисоб-китобларни амалга оширади, уларга кредитлар беради;

– давлатнинг монетар сиёсатини амалга оширади;

– барча банклар фаолиятини уйғунлаштириб, улар устидан назоратни амалга оширади;

– халқаро валюта бозорларида миллий валюталарни айирбошлайди;

– пул таклифи устидан назорат қилиш масъулиятини олади, миллий валютани муомалага чиқаради, иқтисодиётда пул муомаласини тартибга солади.

Монетар сиёсатнинг асосий мақсади инфляцияни жиловлаш ва сўмнинг барқарор айирбошлаш курсини таъминлашдан иборат. Мазкур вазифалар макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга йўналтирилган умумиқтисодий сиёсат билан узвий боғлангандир.

Ўзбекистон Марказий банки ўзининг асосий вазифаларини бажариш билан бир қаторда, банк хизматларини эркинлаштиришга қаратилган **сиёсатни** ҳам олиб боради. Пул-кредит сиёсатининг воситалари сифатида очиқ бозорда қимматли қоғозлар операцияси, қайта молиялаштириш фойз ставкаси ҳамда тижорат банкларнинг мажбурий захира нормасини белгилаш каби воситаларидан фойдаланади.

Тижорат банклари ўзларининг хўжалик мавқеига кўра акционерлик типигаги муассасалар ҳисобланади. Ўз ҳуқуқий мавқеига кўра, улар фаолиятнинг бирон бир турига хизмат кўрсатувчи, ихтисослашган ёки хусусий банк бўлиши мумкин.

Ихтисослашган тижорат банклар – иқтисодиётнинг турли соҳаларида тижорат тамойиллари асосида пул-кредит операция-

ларини маълум турларини амалга оширади. Жумладан, республика миёнадаги Саноатқурилишбанки – саноат, транспорт, алоқа ва моддий-техника таъминоти соҳаларида; Агробанк – агросаноат мажмуи тармоқлари ва соҳаларида; Микрокредитбанки – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига пул-кредит операцияларини амалга оширади.

Халқ банки – мамлакатда омонат ишларини ташкил этишни, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишни ва аҳоли учун касса вазифасини амалга оширишни, аҳолининг шахсий эҳтиёжларга кредит беришни ва шу каби операцияларни таъминлайди.

Ташки иқтисодий фаолият миллий банки экспорт-импорт операцияларини бевосита амалга оширувчи корхона ва муассасаларга кредитлар беради, қўшма корхоналарга кредит беришда қатнашади, йиғма валюта режасининг ижросини, валюта ресурсларидан тежаб фойдаланишни назорат қилади. Миллий банк шунингдек, ташки иқтисодий операцияларга оид ҳисоб-китобларни ҳам амалга оширади.

Тижорат банклари тизимида инвестицион ва ипотека банкларни ажратиб кўрсатиш лозим. **Инвестицион банклар** – махсус кредит муассасалари бўлиб, облигация ҳамда қарз мажбуриятларнинг бошқа турларини чиқариш йўли билан узоқ муддатли ссуда капиталини жалб қилади ва уларни мижозлар (асосан давлат ва тадбиркорлар)га тақдим қилади. **Инвестицион компаниялар** ўзларининг қимматли қоғозларини чиқариш йўли билан ҳуқуқий инвесторларни жалб қилиш орқали йиғилган маблағларни миллий ва чет эл корхоналар акция ва облигацияларига жойлаштиради. Бундай компаниялар тўлиқ инвесторлар манфаатини ифодалайди ва уларнинг асосий мақсади жойлаштирилган капитал ҳисобига фойда олиш ҳисобланади.

Ипотека банклар – бу кўчмас мулк (ер ва иншоот) ҳисобига узоқ муддатли ссуда беришга ихтисослашган кредит муассасалари саналади. Ипотека банкларнинг ресурслари ўзининг ипотека облигациялари ҳисобига шаклланади.

Бугунги кунда республика ҳудудида 27та тижорат ихтисослашган банклар фаолият юритмоқда. Улардан 3таси (Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки, Халқ банки, Давлат акциядорлик тижорат “Асака” банки) давлат тасарруфиди, 11таси акциядорлик тижорат банки, 8таси хусусий банк ва 5таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади.

Барча тижорат банклар учун мажбурий захиралаш нормасини Марказий банк белгилаб беради ва у пул-кредит сиёсатининг маълум талабларига жавоб бериши зарур. Ҳозирда тижорат банкларининг мажбурий захиралаш нормаси қуйидагича белгиланган: 1 йилгача муддатга жалб этилган депозитлар бўйича – 13.0%; 1 йилдан-3 йилгача бўлган депозитлар бўйича – 10.0%; 3 йилдан ортиқ депозитлар бўйича – 8.5%.⁴⁷

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан фуқароларнинг банклар депозитларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўла кафолатланади.

16.3. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари.

Пулнинг айланиш тезлиги

Бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағлари тўхтовсиз ҳаракатда бўлади, товарлар ва хизматларни айирбошлаш жараёнида, ресурслар учун тўловларни амалга оширишда, иш ҳақи ҳамда бошқа мажбуриятларни тўлашда пул қўлдан қўлга ўтиб, айланиб туради.

Пулнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнидаги тўхтовсиз ҳаракатига пул муомаласи дейилади

Пул муомаласи нақд ва кредит пуллар ёрдамида амалга оширилади. Нақд пул муомаласига банк билетлари ва металл тангалар (пул белгилари) хизмат қилади. Нақд пулсиз ҳисоблар чеклар, кредит карточкалари, векселлар, тўлов талабномалари кабилар ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг ҳаммаси пул агрегати деб юритилади. Муомалада мавжуд бўлган пул массаси нақд ва кредит пулларни қўшиш йўли билан аниқланади.

Пул муомаласи ўзига хос қонунларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Унинг қонунларидан энг муҳими муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ва шунга мувофиқ муомалага пул чиқаришдир. Муомалани таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори қуйидаги омилларга боғлиқ:

– муайян даврда (масалан, бир йил давомида) сотилиши ва сотиб олиниши лозим бўлган товарлар суммасига. Товарлар ва хизматлар қанча кўп бўлса, уларнинг нархи қанча баланд бўлса,

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти

уларни сотиш ва сотиб олиш учун шунча кўп пул миқдори талаб қилинади;

– пул бирлигининг айланиш тезлигига. Пул бир хил бўлмаган тезлик билан айланади. Бу кўп омилларга, жумладан сотилаётган товарлар турига, уларнинг харидоргирлигига боғлиқ бўлади. Пул қанчалик тез айланса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунча кам бўлади;

– кредитнинг ривожланишига, пулдан тўлов воситаси сифатида фойдаланишга ҳам боғлиқ. Кўпинча товарлар қарзга (кредитга) сотилади ва уларнинг ҳақи келишувга мувофиқ кейинги даврларда тўланади. Демак, муомала учун зарур бўлган пул миқдори кредит миқдorigа мувофиқ камроқ бўлади. Иккинчи томондан, бу даврда илгари кредитга сотилган товарлар ҳақини тўлаш вақти бошланади. Бу пул миқдorigа эҳтиёжни кўпайтиради. Ундан ташқари, ҳозирги вақтда кўпгина олди-сотди жараёнлари нақд пулсиз, банк орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Биз уларни ўзаро ҳисоб-китоблар деб атаيمиз.

Мазкур ҳолатларни ҳисобга олганда, **муомала учун зарур бўлган пул миқдори** қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_m = \frac{T_6 - X_k + X_T - \dot{Y}_{x-k}}{A_T};$$

бу ерда,

P_m – муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул миқдори;

T_6 – сотилиши лозим бўлган товарлар суммаси (товарлар миқдори х нархи);

X_k – кредитга сотилган товарлар суммаси;

X_T – тўлаш муддати келган товарлар ҳамда бошқа тўловлар суммаси;

$\dot{Y}_{x-k}$ – нақд пулсиз ўзаро ҳисоб-китоблар;

A_T – пулнинг айланиш тезлиги.

Масалан, сотилган товарлар суммаси 100 млн. сўмни, кредитга сотилган товарлар – 20 млн. сўмни, илгари кредитга сотилиб, айни пайтда тўлаш муддати келган товарлар ва бошқа тўловлар – 40 млн. сўмни ташкил қилиб, пулнинг айланиш тезлиги 3 марта бўлса, у ҳолда муомала учун зарур бўлган пул миқдори 40 млн. сўмга тенг бўлади. Яъни:

$$P_m = \frac{100 - 20 + 40}{3} = 40 \text{ млн. сўм.}$$

Муомала учун зарур бўлган пул миқдори пул муомаласи қонунини миқдоранифодалайди.

Пул миқдорига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб, пул муомаласи қонунини қуйидагича ифодалаш мумкин: бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул миқдори сотиладиган товарлар нархи суммасига тўғри мутаносиб, пулнинг айланиш тезлигига тескари мутаносибдир

Бунда сотишга чиқариладиган товарлар суммаси ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмига ва уларнинг нархига боғлиқ бўлади. Нарх ҳақида гапирганда, АҚШ иктисодчиси И.Фишер кўрсатганидек, ҳамма товарларнинг ўртача нархи олинмайди. Чунки самолёт нархи билан ручка нархининг ўртачасини олиб бўлмайди. Шунинг учун, ҳар бир турдаги товарнинг бозор нархида сотилган суммалари йиғиндиси олинади.

Муомалада бўлган пул миқдорини ҳисоблаш учун M_0 , M_1 , M_2 , M_3 пул агрегатларидан фойдаланилади. Барча пул агрегатлари йиғиндиси ялпи пул массаси ёки ялпи пул таклифини ташкил қилади. Улар қуйидагича фарқланади:

M_0 – абсолют ликвидликка эга бўлган муомаладаги нақд пул массаси.

$M_1 = M_0 +$ аҳолининг жорий ҳисоб варақаларидаги пул қолдиқлари, корхоналарнинг ҳисоб варақаларидаги пул маблағлари, банклардаги муддати кўрсатилмаган пул омонатлари.

$M_2 = M_1 +$ тижорат банкларидаги муддатли омонатлар ва жамғарма ҳисоб варақаларидаги пуллар, ихтисослаштирилган молиявий муассасалардаги депозитлар ва бошқа активлар. Мазкур агрегат таркибига кирувчи пул маблағларни бевосита бир шахсдан бошқа бирига ўтказиш ҳамда айирбошлаш битимларида фойдаланиш мумкин эмас. Улар асосан жамғариш воситаси вазифасини бажаради.

$M_3 = M_2 +$ банк сертификатлари + давлат заём облигациялари + хазина мажбуриятлари.

Бундан кўринадики, пул массасининг ҳар бир алоҳида агрегати ўзининг ликвидлиги даражасига кўра фарқланади. **Ликвидлик** – бу турли активларнинг ўз қийматини йўқотмасдан (яъни энг кам харажатлар асосида) тезлик билан нақд пулга айлана олиш қобилиятидир. Нақд пуллар энг юқори ликвидликка эга. Банк-ҳисоб варақаларидаги муддати кўрсатилмаган пул омонатлари ҳам ликвидли ҳисобланади.

Пул бозори – бу мамлакатдаги пул миқдори ҳамда фоиз ставкасининг турли даражаларида пул маблағларига бўлган талаб ва пул таклифининг ўзаро нисбатини ифодаловчи механизм

Пул таклифи асосан Марказий банк томонидан тартибга солинсада, у иқтисодиётдаги барча таклифни қамраб ололмайди. Чунки, бу жараёнга уй ҳўжаликлари хатти-ҳаракати ҳамда тижорат банкларнинг сиёсати ҳам таъсир кўрсатади. Тижорат банклари ўз ихтиёрида бўлган активлари ҳисобига янги пулларни ҳосил қилишлари, яъни уларни банк кредити сифатида миҳозларга беришлари мумкин. Тўхтовсиз равишда такрорланувчи бу жараён **пул таклифи мультипликатори** ёки банк мультипликатори дейилади.

Пул таклифи мультипликатори – бу банкдаги пул депозитлари қўшимча равишда ўсган ҳажмининг мажбурий захиралар қўшимча ҳажмига нисбати бўлиб, пул маблағларининг бир бирликка кўпайиши иқтисодиётдаги пул таклифининг қанчага ўсишини кўрсатади

Пул таклифи мультипликатори қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$m = \frac{M_s}{R} \text{ ёки } m = \frac{1}{r};$$

бу ерда,

m – пул таклифи мультипликатори коэффициенти;

M_s – банкдаги пул депозитларининг қўшимча равишда ўсган ҳажми;

R – мажбурий захиралар қўшимча ҳажми;

r – мажбурий захиранинг фоиздаги нормаси.

Масалан, Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий захира меъёри 15 фоизни ташкил этсин. Агар тижорат банк активи 90 млн. сўм деб олсак, у ҳолда пул таклифи мультипликатори 6 га тенг бўлади (90 млн. сўм/15 млн. сўм). Бу эса тижорат банки 540 млн. сўм ҳажмида (90 млн. сўм $\times$ 6) янги пулларни муомалага чиқариш имконига эга эканлигини кўрсатади.

16.4. Инфляция, унинг сабаблари ва оқибатлари

«Инфляция» атамаси (лотинча «инфляцион» - шишмоқ, кенгаймоқ маъносини билдиради), биринчи марта Шимолий Америкада 1861-1865 йиллардаги фуқаролар уруши даврида кўлланилиб, муомалада қоғоз пулларнинг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетишини ифодалаган эди. Иқтисодий адабиётларда эса бу атама XX асрда, биринчи жаҳон урушидан кейин кенг тарқалди.

Инфляция деб пул муомаласи қонунлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда қоғоз пулларнинг кадрсизланишига айтилади

Бу ерда қоғоз пул миқдорининг нисбатан ортиб кетиб, унинг кадрсизланишига пулнинг ортиқча эмиссия қилиниши, муомаладаги пул миқдори ўзгармаса ҳам товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг камайиб кетиши, товарлар ва хизматлар ижтимоий қиймати ва ниҳоят, пул қийматининг пасайиши каби омиллар таъсир қилади.

Инфляция нарх индекси ёрдамида базис даврга нисбатан ўлчанади. Нархлар индекси жорий даврдаги истеъмол товар нархларини базис даврдаги истеъмол товарлар нархларига нисбати орқали фоизда аниқланади:

$$NI = \frac{TN_{ж}}{TN_б} \times 100\%$$

Бу ерда,

NI – нархлар индекси;

$TN_{ж}$ – жорий даврдаги истеъмол товарлари нархи;

$TN_б$ – базис даврдаги истеъмол товарлари нархи.

Нархлар индексидаан фойдаланган ҳолда **инфляция суръатини (ИС)** куйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$ИС = \frac{TN_{ж} - TN_6}{TN_6} \times 100\%$$

Инфляция суръати куйидагича ҳисобланади. Масалан, истеъмол товарларига нарх индекси 2016 йилда - 118,6га, 2015 йилда - 112,1га тенг бўлса, унда инфляция суръати куйидагича бўлади:


$$\text{Инфляция суръати} = \frac{118,6 - 112,1}{112,1} \times 100 = 5,7\%$$

Баъзи бир мамлакатларда инфляция суръати жуда юкори бўлганлиги сабабли, нархларнинг қанча вақт мобайнида 2 баравар ўсиши мумкинлиги «70 миқдори қондаси» ёрдамида аниқланади. Бунинг учун 70 сонини инфляциянинг ўртача йиллик даражасига бўлинади. Бизнинг мисолимида бу кўрсаткич 12,3 йилни ($70/5,7 = 12,3$) ташкил этади, яъни инфляциянинг йиллик 5,7% даражасида 12 йил 3 ойдан сўнг иқтисодиётдаги нархлар 2 бараварга ўсади.

Келиб чиқиш сабаблари ва ўсиш суръатларига қараб, инфляциянинг бир қанча турларини фарқлаш мумкин.


Талаб инфляцияси. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб кетган, ишлаб чиқариш ресурсларидан тўлиқ фойдаланган бир пайтда, аҳолининг товар ва хизматларга бўлган талаби кескин ошиб кетади ва ортиқча талабни вужудга келтиради. Ортиқча талаб нархнинг ошишига олиб келади ва талаб инфляциясини келтириб чиқаради. Талаб инфляциясини куйидаги чизма орқали ҳам изоҳлаш мумкин (24-чизма).

Чизмадан кўринадики, иқтисодиётдаги пул ҳажмининг кўпайиши қисқа муддат ичида ялпи талабни AD_0 дан AD_1 га силжишига олиб келади. Агар бу вақтда иқтисодиётнинг ҳолати ялпи таклиф эгри чизигининг оралиқ (2) ёки тик (классик) (3) кесмасига мос келса, бу нарх даражасининг ўсишига, яъни талаб инфляциясининг рўй беришига олиб келади.



24-чизма. Талаб инфляцияси.

Таклиф инфляцияси. Инфляция ишлаб чиқариш харажатлари ва бозордаги таклифнинг ўзгариши натижасида келиб чиқади. Таклиф инфляцияси маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларнинг кўпайиши ҳисобида нархларнинг ошишини билдиради. Бу ҳолатни 25-чизма орқали кўриб чиқамиз.



25-чизма. Таклиф инфляцияси.

Чизмадан кўринадикки, харажатларнинг ўсиши натижасида ялпи таклиф эгри чизигининг AS_0 дан AS_1 га қисқариши маҳсулот бирлигига тўғри келувчи харажат миқдорини ошириб, нархларнинг P_0 дан P_1 га қадар кўтарилишига, реал ишлаб чиқариш ҳажмининг эса Q_0 дан Q_1 га қадар қисқаришига олиб келади.

Шунингдек, инфляциянинг қуйидаги сабабларини ҳам кўрсатиш мумкин:

- йирик корхоналарнинг монопол ҳолати;
- ногўғри солиқ сиёсати юритиш;

- жаҳон бозорларидаги нархларнинг ўсиши;
- тугалланмаган қурилишлар ҳажмининг катталиги;
- ҳарбий соҳадаги харажатларнинг ўсиши.

Ўсиш суръати бўйича инфляция тўртта **турга** бўлинади:

– **Мўътадил (ўрмаловчи) инфляция** – бунда нарх-наво секин ўсади, ишсизлик сони катта бўлмайди. Инфляциянинг ўсиш суръати йилига 10 фоиздан кам бўлади.

– **Сузиб юрувчи инфляция** – бунда нарх-наво тезроқ ўсиши сабабли иқтисодий ўсиш суръатлари пасаяди, ишсизлик кўпаяди. Инфляция даражаси йилига 10 фоиздан ортади.

– **Тез (жадал) инфляция**, бунда нарх-наво йилига 20 фоиздан 200 фоизга қадар кўтарилади, иқтисодий ўсиш тўхталади, ишсизлар сони тез ўсади.

– **Гиперинфляция** – бу ҳаддан ташқари инфляция бўлиб, нарх-навонинг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг жуда тез пасайиб кетиши билан характерланади. Гиперинфляция пайтида нарх-навони тартибга солиб бўлмайди. Нархлар ойига 40-50 фоиз атрофида ўсади, пулга ишонч йўқлигидан молия-кредит тизими издан чиқади. Хуллас, гиперинфляция иқтисодий беқарорликни англатади. Инфляцияни иқтисодий беқарорлик билан биргаликда юз бериши **стагфляция** деб аталади.

Башорат қилиш мумкинлигига қараб кутилаётган ва кутилмаган инфляция фарқланади. **Кутилаётган инфляция** ва унинг оқибатларини олдиндан башорат қилиш мумкин, **кутилмаган инфляцияни** олдиндан айтиб бўлмайди. Биринчи ҳолда инфляциянинг кутилаётган салбий оқибатларига тайёрланиб, уни сезиларли даражада юмшатиш мумкин. Иккинчи ҳолда нархларнинг кутилмаган ўсиши натижасида мамлакат иқтисодий аҳволининг сезиларли ёмонлашуви рўй бериши мумкин.

Инфляция аҳолининг турли қатламларига бирдек таъсир этади. Бунда давлат бюджети орқали қатъий даромад олувчиларнинг даромади, давлат ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари нархнинг ўсишига нисбатан секин ўсади. Агар уларнинг даромади нарх ўсишига қараб тўла индексациялаштирилмаса, унда аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетади.

Инфляцияни тугатиш ёки юмшатиш мақсадида давлат томонидан **инфляцияга қарши сиёсат** қўлланилади. Бу сиёсатнинг икки йўналиши фарқланади. **Биринчидан**, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чоралари кўрилади. Бунинг учун ишлаб чиқариш

корхоналарига арзон кредитлар бериледи, янги фаолият бошлаган корхоналарга давлат бюджетидан субсидия ажратилади. Корхоналардан олинадиган даромад солиғи камайтирилади, экспорт ва импорт бўйича имтиёзлар бериледи. **Иккинчидан**, пулга талабни қисқартириш орқали пул массаси кўпайишининг олдини олиш. Шу мақсадда пул даромадлари (иш ҳақи, нафақа, пенсия, хайрия тўловлари) назорат қилиниб, уларнинг ўсиши чекланади ёки тўхта-тилади. Ортиқча пуллар депозитларга жалб этилиб, кейинчалик уни ишлаб чиқаришга йўналтириш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ушбу фармонга кўра, мамлакатимизда 2017-2021 йилларда иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида банк-кредит соҳасида қуйидаги устувор вазифалар белгилаб қўйилди:

– илғор халқаро тажрибадан фойдаланиш ҳисобига пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, миллий валютанинг ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш;

– банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлигини мустаҳкамлаш;

– истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш.

Ҳаракатлар стратегиясини бажаришда 2017 йилнинг 5 сентяб-ридан “Ўзбекистонда чет эл валюталарини эркин конвертацияси” тўғрисидаги Президент Фармони муҳим босқич бўлиб ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Пул муомаласининг бозор иқтисодиётидаги ўрни қандай?
2. Муомаладаги пул миқдорини белгиловчи қандай омилларни биласиз?
3. Инфляция ва унинг оқибатларини тушунтиринг.

4. Инфляциянинг қандай турларини биласиз?
5. Кредит қандай иктисодий вазифаларни бажаради?
6. Кредитнинг қандай шаклларини биласиз?
7. Банкларнинг қандай турлари ва асосий вазифалари бор?
8. Кредит фоизи ўзгаришига қандай омиллар таъсир этади?
9. Ўзбекистонда миллий валютани барқарорлаштириш сиёсати ва уни амалга оширишнинг қандай йўлларини биласиз?

XVII БОБ. ЖАҲОН БОЗОРИ ВА ХАЛҚАРО САВДО

17.1. Жаҳон бозори ва халқаро савдонинг мазмуни, тузилиши ва хусусиятлари

Ҳозирги жаҳон ривожининг хусусиятли белгиси ҳам ташқи иқтисодий алоқаларнинг, шу жумладан, ташқи савдонинг тез ўсишини таъминлаш ҳисобланади. Ташқи савдо халқаро ҳамкорлигининг ишлаб чиқариш, илмий-техника ва бошқа шакллари (кадрларни тайёрлаш, туризм ва ҳ.к.) билан бир қатордаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ҳисобланади.

Халқаро савдо – бу турли давлат миллий хўжаликлари ўртасидаги товар ва хизматларнинг айирбошлаш жараёнидир

Халқаро савдо қадимдан мавжуд бўлсада, фақат XIX асрга келиб, яъни деярли барча ривожланган мамлакатлар халқаро савдо алоқаларида иштирок эта бошлаши билан **жаҳон бозори** шаклига кирди.

Халқаро савдо ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт, савдо баланси каби кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Экспорт – бу товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатларда ишлаб чиқарилган товар мамлакатдан ташқарига чиқарилади

Экспортнинг иқтисодий самарадорлиги шу билан аниқланадики, мазкур мамлакат ишлаб чиқаришнинг миллий харажатлари жаҳон харажатларидан паст бўлган маҳсулотларни четга чиқаради. Бунда экспортдан олинадиган ютуқ ҳажми мазкур товар миллий ва жаҳон нархларининг нисбатига, мазкур товарнинг халқаро айланмасида иштирок этувчи мамлакатларнинг меҳнат унумдорлигига боғлиқ.

Импорт экспортдан фарқ қилиб, чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга келтиришни билдиради. Бунда мамлакат ичида ишлаб чиқариш харажатлари ташқаридан сотиб олинган чоғдаги харажатларидан юқори бўлган маҳсулотлар импорт қилинади. Ташқи савдо самарадорлигини ҳисоблашда мазкур мамлакат томонидан импорт қилиш ҳисобига

муайян товарларга бўлган ўз эҳтиёжининг тезлик билан қондирилиши ҳамда бундай товарларни мамлакат ичида ишлаб чиқарилганда сарфланиши лозим бўлган ресурсларнинг тежалиши натижасида эришиладиган иқтисодий нафъ эътиборга олинади.

Ташқи савдо айланмаси таркибидаги ижобий ўзгаришлар мустақиллик йилларида мазкур соҳага қаратилган эътибор, хусусан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий сиёсат натижалари ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликкача бўлган даврда четга хомашё чиқарадиган ва тайёр маҳсулотлар, асосан истеъмол товарларини олиб кирадиган мамлакат эди. Бугунги кунда у тобора қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қиладиган ва кўпроқ ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик модернизация қилиш учун мўлжалланган юқори технологиялар асосидаги ускуналарни импорт қиладиган мамлакатга айланиб бормокда.

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалардаги иштирокини ифодаловчи бир қатор кўрсаткичлар мавжуд. Масалан, тармоқ ишлаб чиқаришининг халқаро ихтисослашуви даражаси кўрсаткичлари сифатида таққослама экспорт ихтисослашуви коэффиценти (ТЕИК) ҳамда тармоқ ишлаб чиқаришидаги экспорт бўйича квотадан фойдаланиш мумкин. ТЕИК қуйидаги формула ёрдамида аникланади:

$$K_o = EI + EM$$

Бу ерда, EI – мамлакат экспортида товар (тармоқ товарлари йиғиндиси)нинг солиштирма салмоғи;

EM – жаҳон экспортидаги шу турдаги товарларнинг солиштирма салмоғи.

Агар нисбат бирдан катта бўлса, бу тармоқ ёки товарни халқаро жиҳатдан ихтисослашган тармоқ ёки товарларга киритиш мумкин ва аксинча.

Экспорт бўйича квота миллий саноатнинг ташқи бозор учун очиклик даражасини ифодалайди:

$$K_z = E / ЯИМ$$

Бу ерда, Е – экспорт қиймати;
ЯИМ – ялпи ички маҳсулот.

Экспорт бўйича квотанинг кўпайиши ҳам мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокининг, ҳам маҳсулот рақобатбардошлигининг ўсиб боришидан дарак беради.

Мамлакатдаги аҳоли жон бошига тўғри келувчи экспорт ҳажми унинг иқтисодиётининг «очиқлиги» даражасини ифодалайди. **Экспорт салоҳияти** (экспорт имкониятлари) – мазкур мамлакат томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўз иқтисодиёти манфаатларига путур етказмаган ҳолда жаҳон бозорида сотиши мумкин бўлган қисми.

Товарлар экспорти ва импорти суммаси **ташқи савдо айланмаси** ёки ташқи товар айланмасини ташкил этади. Бирор бир мамлакат бошқа мамлакатда ишлаб чиқарилган товарни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун харид қилган тақдирда, **резэкспорт** рўй беради. Резэкспорт билан реимпорт узвий боғлиқ. **Реимпорт** истеъмолчи мамлакатдан резэкспорт товарни сотиб олишни билдиради.

Энг муҳими, экспорт ҳажмининг кескин ўсиши биз учун анъанавий ресурслар бўлмиш пахта толаси, қимматбаҳо металллар ва турли хомашё етказиб бериш ҳисобига эмас, балки асосан автомобиллар, нефть-кимё ва металл маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ип-калава ва газлама, трикотаж буюмлар, сим-кабель маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа шу каби кўплаб экспорт товарлари ҳажми ва турларини кўпайтириш эвазига таъминланмоқда.

Экспорт ва импортнинг ҳаракатида ҳам **мультипликация самараси** мавжуд бўлиб, бу омилни ҳисобга олиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу борада таниқли иқтисодчи олимлардан Ж.Кейнс, Р.Кан, П.Самуэльсон ва бошқалар ташқи савдо мультипликатори тўғрисидаги назарий қарашларни яратишда катта ҳисса қўшдилар.

Экспорт мультипликатори ҳам инвестициялар мультипликатори сингари, истеъмол соҳасидаги ички жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, истеъмол ёки жамғармага сўнгги қўшилган мойиллик кўрсаткичлари орқали аниқланади:

$$M_x = 1 / MPS = 1 / (1 - MPC)$$

Бу ерда, M_x – экспорт мультипликатори коэффициенти;
 MPS – жамғармага сўнгги қўшилган мойиллик;
 MPC – истеъмолга сўнгги қўшилган мойиллик.

Экспорт ҳажми ошишининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини куйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$ЯИМ = I_{rx} \wedge Q$$

Бу ерда, I_r – мультипликатор;
 $\wedge Q$ – экспорт ҳажмининг ўсиши.

Халқаро савдо бир қатор ўзига хос **хусусиятларга** эга:

1. Иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатчанлиги мамлакатлар ўртасида мамлакат ичидагига қараганда анча паст бўлади. Масалан, ишчилар мамлакат ичида вилоятдан вилоятга, ҳудуддан ҳудудга эркин ўтиши мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги тил ва маданий тўсиқлардан ташқари яна иммиграцион қонунлар ишчи кучининг мамлакатлар ўртасидаги миграциясига қаттиқ чеклашлар қўяди.

2. Ҳар бир мамлакат ҳар хил валютадан фойдаланади. Бу мамлакатлар ўртасида халқаро савдони амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдиради.

3. Халқаро савдо сиёсий аралашув ва назоратга маҳкум бўлиб, бу ички савдога нисбатан қўлланиладиган тадбирлардан тавсифи ва даражаси бўйича сезиларли фарқланади:

Халқаро савдода иштирок этиш ҳар бир мамлакат учун миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш вазифасини долзарб қилиб қўяди.

Бу вазифа мамлакатларнинг савдо сиёсати орқали амалга ошади. Жаҳон амалиётида бу сиёсатнинг **протекционизм** (ташқи таъсирдан ҳимоялаш) ва **фритредерлик** (савдога тўлиқ эркинлик бериш) каби шакллари кенг тарқалган.

17.2. Халқаро кредитнинг аҳамияти ва Ўзбекистонни халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқаси

Ҳар қандай битим икки томонига эга бўлади ва шу сабабли **тўлов балансида** икки томонлама ёзув тартибига риоя қилинади. Ҳар бир битим тўлов балансининг дебет ва кредит қисмларида ўз ифодасини топади. **Кредит** — қийматнинг мамлакатдан чиқиб кетиши бўлиб, унинг ҳисобига мазкур мамлакат резидентлари чет эл валюталарида қопловчи тўловлар эквивалентини олади. **Дебет** — қийматнинг мазкур мамлакатга кириб келиши бўлиб, унинг ҳисобига резидентлар чет эл валюталарини сарфлайди. Тўлов балансида кредитлар умумий суммаси дебетларнинг умумий суммасига тенг бўлиши зарур.

Тўлов балансидаги барча битимлар ўз ичига жорий ва капитал билан боғлиқ операцияларни олиши сабабли, у учта таркибий қисмдан иборат бўлади:

- жорий операциялар ҳисоби;
- капитал ҳаракати ҳисоби;
- расмий захираларнинг ўзгариши.

Жорий операциялар ҳисоби ўз ичига товар ва хизматлар экспорти («+» белгиси билан), импорти («-» белгиси билан), инвестициялардан соф даромад ва соф трансфертларни олади. Товарлар экспорти ва импорти ўртасидаги **мувозанат** (тенглик) савдо балансини ташкил қилади.

Товар экспорти кредит сифатида чиқиб, миллий банкда чет эл валюталари захираларини вужудга келтиради. Импорт эса («дебет» графасида «-» белгиси билан) мамлакатдаги чет эл валюталари захирасини қисқартиради.

Инвестициялардан **соф даромадлар** (чет элдан соф миллий даромадлар) кредитли хизматлардан олинadиган соф даромад ҳисобланиб, у чет элларга қўйилган миллий пул капитали ҳисобига келади. Агар чет элга қўйилган миллий капитал мазкур мамлакатга қўйилган чет эл капиталига қараганда кўпроқ миқдорда фоииз ва дивиденд келтирса, бунда инвестициялардан олинadиган соф даромад ижобий, акс ҳолда эса салбий бўлади.

Соф трансфертлар хусусий ва давлат маблағларининг бошқа мамлакатларга ўтказилган суммасини билдиради (пенсия, совға, чет элга пул ўтказишлар ёки чет мамлакатларга инсонпарварлик

ёрдамлари). Бундай тўловлар мамлакатда мавжуд чет эл валюталари захирасини камайтиради.

Капитал ҳаракати ҳисобида активлар билан амалга ошириладиган барча халқаро битимлар ўз ифодасини топади. Булар чет элликларга акциялар, облигациялар, кўчмас мулк ва ҳ.к. сотишдан олинadиган даромадлар ҳамда чет элдан активлар сотиб олиш натижасида вужудга келадиган сарф-харажатлар.

Капитал ҳаракати баланси = Активлар сотишдан тушумлар – Четдан активлар сотиб олишга сарфлар

Чет эл активларини сотиш чет эл валюталари захираларини кўпайтиради, уларни сотиб олиш эса валюталар захираларини камайтиради. Капитал ҳаракати ҳисоби ҳам тақчилликка ва ижобий қолдиққа эга бўлади.

Тўлов баланснинг **тақчиллиги** Марказий банк расмий захираларини қисқартириш ҳисобига молиялаштирилиши мумкин. Расмий захираларнинг асосийлари қуйидагилар:

- чет эл валюталари;
- олтин;
- мамлакатнинг ХВФдаги кредит улуши;
- қарз олишнинг махсус ҳуқуқи (СДР) ва ҳ.к.

Баланс тақчиллиги расмий захиралар ҳисобига молиялаштирилганда ички бозорда чет эл валюталари таклифи ортади, миллий валюталар таклифи эса нисбатан камаяди ва унинг айирбошлаш курси нисбатан ўсиб, миллий иқтисодиётга инқирозли таъсир кўрсатади.

17.3. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва валюта тизимлари

Халқаро валюта-кредит муносабатлари пулнинг халқаро тўлов муносабатида амал қилиш жараёнида вужудга келади.

Пулнинг жаҳон ҳўжалигида амал қилиши ва турли халқаро иқтисодий алоқаларга хизмат кўрсатиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар **халқаро валюта-кредит муносабатлари** деб аталади

Валюта – бу мамлакатлар пул бирлигидир (масалан, сўм, доллар, фунт стерлинг ва ҳ.к.). Жаҳонда мавжуд ҳар бир миллий

Бозор ўзининг миллий валюта тизимига эга бўлади. Бунда миллий ва халқаро валюта тизимини фарқлаш зарур.

Миллий валюта тизими — валюта муносабатларининг миллий қонунчилик билан белгиланадиган, мазкур мамлакатда амал қилиш шаклини ифодалайди

Унинг таркибига қуйидаги унсурлар киради:

- миллий пул бирлиги;
- валюта курси тартиби;
- валютанинг муомалада бўлиш шарт-шароитлари;
- валюта бозори ва олтин бозори тизими;
- мамлакатнинг халқаро ҳисоблашув тартиби;
- мамлакат олтин-валюта заҳирасининг таркиби ва уни бошқарув тизими;
- мамлакат валюта муносабатларини тартибга солувчи миллий муассасалар мавқеи.

Халқаро валюта тизими — халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларда келишилган ҳолда амал қиладиган шакли

Халқаро валюта тизимининг таркибий унсурлари қуйидагилар ҳисобланади:

- асосий халқаро тўлов воситалари (миллий валюталар, олтин, халқаро валюта бирликлари – СДР, евро);
- валюта курсларини белгилаш ва ушлаб туриш механизми;
- халқаро тўловларни баланслаштириш тартиби;
- валютанинг муомала қилиш шарт-шароити;
- халқаро валюта бозори ва олтин бозори тартиби;
- валюта муносабатларини тартибга солувчи давлатлараро муассасалар тизими.

Бундан кўринадики, миллий ва халқаро валюта тизими унсурлари деярли бир хил бўлиб, улар фақат ташкил этилиши, амал қилиши ва тартибга солиниши миқёслари жиҳатидан фарқланади.

Ҳар қандай валюта тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири валюта курси ҳисобланади.

Валюта курси бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасидаги баҳосидир

Валюта курсларига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар куйидагилар ҳисобланади:

- миллий даромад ва ишлаб чиқариш харажатлари даражаси;
- миллий истеъмолчиларнинг реал харид қилиш лаёқати ва мамлакатдаги инфляция даражаси;
- валюталарга талаб ва таклифга таъсир кўрсатувчи тўлов баланси ҳолати;
- мамлакатдаги фоиз ставкаси даражаси;
- валютага жаҳон бозоридаги ишонч ва ҳ.к.

Назарий жиҳатдан валюта курсларининг тебранишини тушунтириш харид қилиш лаёқатининг паритет, яъни турли мамлакатлар пул бирликлари қийматининг бир-бирига нисбати назарияси ёрдамида амалга оширилади. Бу назарияга кўра, курслар нисбатларини аниқлаш учун икки мамлакат истеъмол товарлари «савати» нархларини таққослаш талаб қилинади. Масалан, агар Ўзбекистонда бундай «сават», айталик 120 минг сўм, АҚШда эса 100 доллар турса, 120 мингни 100 га бўлиб, 1 долларнинг нархини ҳосил қиламиз, бу 1200 сўмга тенг. Агар бошқа шароитлар ўзгармагани ҳолда мамлакатимиздаги товарларнинг нархи ошса, долларнинг сўмга нисбатан алмашув курси ҳам ошади. Бундай боғлиқликни куйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$P = p \times P_i \text{ ёки } r = P / P_i$$

Бу ерда, P – мамлакатимиздаги нархлар даражаси;

P_i – хорижий мамлакатдаги нархлар даражаси;

r – валюта курси ёки хорижий валютанинг миллий валютадаги нархи.

Ўзбекистон Марказий банки мавсумий тебранишларни камайтириш ва олтин-валюта захираларини кўпайтиришни ҳисобга олган ҳолда, **ўзгарувчан валюта курси** режимини қўллаб келмоқда. Миллий валюта алмашув курсининг мақсадли параметрлар доирасида бўлиши ва унинг девальвация даражасининг босқичма-босқич пасайтириб борилиши истеъмол товарлари нархларини паст даражада ушлаб туриш учун қўшимча омил сифатида хизмат қилади.

17.4. Валюта курсларини барқарорлаштиришда давлатнинг роли

Халқаро валюта муносабатлари ўта бекарор, ноаниқ ва тез ўзгарувчи жараён бўлиб, уни ҳар бир мамлакат ҳукуматлари билан бир қаторда валюта-молия соҳасидаги давлатлараро **ташкилотлар** ҳам тартибга солишга ҳаракат қиладилар. Бундай ташкилотлар қаторига Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки (ХТТБ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ), Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА) кабиларни киритиш мумкин.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) ўзига аъзо мамлакатларнинг валюта курси ва тўлов балансларини тартибга солиди, уларнинг валюта-молиявий муаммоларини ҳал этиш мақсадида кредитлар ажратади, ривожланаётган мамлакатларнинг кўп томонлама тўловлари тизимини ва ташқи қарзларини назорат қилади.

1970 йилдан бошлаб ХВФ халқаро тўлов ва захира воситалари – қарз олишнинг махсус ҳуқуқлари (СДР)ни чиқара бошлади. СДР нақд пул кўринишида бўлмай, фақат ХВФ махсус ҳисоб варақларида кредит ёзувлари кўринишида амал қилади ва фондга аъзо мамлакатларнинг Марказий банклари ўртасидаги ҳисоблашувларда фойдаланилади.

Европа валюта тизими 1979 йилда европа иқтисодий ҳамжамиятига кирувчи давлатлар томонидан валюта курсларини барқарорлаштириш мақсадида ташкил этилиб, бу давлатлар ўртасидаги тўлов жараёнларида амал қилувчи европа валюта бирлиги – ЭКЮ муомалага киритилди.

Иқтисодий ва валюта иттифоқи (ИВИ) европа валюта тизими амал қилиши натижасида ташкил этилиб, у қуйидагиларни тақозо этади:

- молия бозорларининг тўлиқ интеграциялашуви;
- капиталлар ҳаракатининг тўлиқ эркинлашуви;
- барча валюталарнинг тўлиқ конвертациясини таъминлаш ва пировардида миллий валюталарни ягона валюта билан алмаштириш.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг (ХТТБ) фаолияти ҳам халқаро валюта-молиявий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган бўлиб, у ўзининг иккита филиали-Халқаро молиявий корпорация (ХМК) ҳамда Халқаро ривожланиш

ассоциацияси (ХРА) билан биргаликда Жаҳон банки таркибига киради.

ХВФнинг аъзоси бўлган мамлакатлар ХТТБнинг аъзоси бўла олади. ХТТБ томонидан тақдим этиладиган қарзларнинг асосий қисми қарз олувчи мамлакатларнинг иқтисодиётини таркибий қайта қуриш имконини берувчи лойиха ва дастурларни амалга оширишга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ҳисобланади.

ХМКнинг фаолияти устун равишда ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий секторини молиялаштиришга йўналтирилади. Унинг асосий фаолияти кўпроқ қолоқ мамлакатларга имтиёзли ёки фойсиз кредитлар ажратишга қаратилган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) таркибига барча саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлар киради. ИХРТ унга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги тенденцияларни, иқтисодиёт соҳасидаги ички хатти-ҳаракатларнинг бошқа мамлакатлар тўлов балансига таъсирини аниқлашга қаратилган. ИХРТ томонидан ишлаб чиқилган башорат кўрсаткичлари асосида, жаҳон ҳўжалиги ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, миллий иқтисодиётларнинг ўзаро мослашувига имкон яратувчи макроиқтисодий сиёсатни олиб бориш бўйича тавсиялар берилади.

Халқаро ҳисоблашувлар банки (ХХБ) Швецариянинг Базел шаҳрида жойлашган бўлиб, у халқаро молиявий ташкилот ҳисобланмасада, банк фаолиятини халқаро тартибга солишда етакчи роль ўйнайди. ХХБ Европанинг деярли барча мамлакатларини, Канада, Австралия, Япония ҳамда АҚШ тижорат банклари гуруҳини ўз таркибида бирлаштиради. 70 дан ортиқ Марказий банклар ўзларининг олтин-валюта захираларини ХХБ ҳисобварақларида сақлайдилар.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Шарқий Европа ҳамда собиқ Иттифоқ мамлакатларига валюта-молия соҳасида кўмаклашишни мувофиқлаштириш мақсадида 1990 йилда ташкил этилди. Унинг асосий фаолияти Марказий ва Шарқий Европа, МДХ мамлакатларини ислоҳ қилиш жараёнлари билан боғлиқ турли кўринишдаги дастур ва лойиҳаларни молиялаштиришга, бу мамлакатларнинг жаҳон ҳўжалигига мослашувини жадаллаштиришга кўмаклашишга йўналтирилгандир.

Бугунги кунда санаб ўтилган бу каби давлатлараро ташкилотларнинг халқаро валюта-молия соҳасидаги муносабатларни

тартибга солиш ва янада такомиллаштиришга қаратилган фаолиятнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, мазкур тузилмаларнинг ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартибини такомиллаштириш, бунда кўмак берилаётган мамлакатларнинг миллий манфаатларига путур етказмаслик, фаолият йўналиши сифатида кўпроқ иқтисодий мақсадларнинг илгари сурилиши каби жиҳатларга эътиборни кучайтириш зарур бўлади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ички ва ташқи савдонинг ўхшашликлари нимадан иборат? Уларнинг фарқи-чи?

2. Халқаро савдо қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?

3. Нима учун халқаро савдода сунъий тўсиқлар мавжуд бўлади? Уларнинг тавсифини беринг.

4. Протекционистик сиёсатнинг ижобий ва салбий томонлари қандай? Уларни таққосланг.

5. Халқаро савдода иқтисодий интеграциянинг аҳамияти қандайлиги ва унда Ўзбекистоннинг иштирок этиш имкониятларини аниқланг.

6. Халқаро валюта тизимини тушунтиринг. Ҳар бир тизим қандай устунлик ва камчиликларга эга?

7. Давлат валюта курсларини барқарорлаштириш учун қандай усуллардан фойдаланади?

8. Чет эл валюталарига талаб ва таклифга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

9. Жаҳон валюта тизимининг мазмуни нимадан иборат? Унинг ривожланиш босқичлари ва уларга мос халқаро валюта муносабатларини ташкил қилиш типларини изоҳланг.

10. Валюта-молия соҳасидаги давлатлараро ташкилотларга қайси ташкилотлар киради? Уларнинг асосий фаолиятларини тавсифлаб беринг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 8 феврал, №28 (6722).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: 2017, 49 б.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола –Т.: 2017, 141 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” – Т.: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир.//Халқ сўзи, 2016 йил, 2 октябрь, 2-3 б.
7. Каримов И.А. Бош вазифамиз мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 2016, 26 январь.
8. Каримов И.А.. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1993.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
10. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Иқтисод-Молия, 2014, 424 б.
11. Жўраев Т., Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – Т: Шарқ, 2015, 396 б.
12. Шодмонов Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2005.
13. Макконнелл К., Брю С. Экономикс. Принципы, проблемы и политика.- М.: Республика, 1992, 38 с.
14. Экономическая теория. Учебник. / Под общ.ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М., 2005, 199 с.
15. C.R.McConnell, S.L.Brue. Economics: principles, problems and policies. // McGRAW-Hill, INC, 2015. -Р.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. “Иқтисодиёт назарияси” фанининг предмети ва ўрганиш методлари	6
II боб. Бозор тушунчаси, унинг моҳияти ва вазифалари	26
III боб. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекис- тондаги ўзига хос хусусиятлари	36
IV боб. Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати	69
V боб. Тадбиркорлик фаолияти ва кичик бизнес тушунчаси ва уларнинг моҳияти	82
VI боб. Иқтисодий фаолият ва унинг самарадорлиги. Сарф- харажатлар ва фойда	100
VII боб. Иш ҳақи, аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси..	112
VIII боб. Рақобат назарияси	125
IX боб. Нарх ва унинг шаклланиш механизми	138
X боб. Бозор иқтисодиётининг тартибланиши	147
XI боб. Аграр муносабатлар	163
XII боб. Ялпи миллий маҳсулот	181
XIII боб. Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар	197
XIV боб. Ишчи кучи ва унинг бандлиги	212
XV боб. Молия тизими	232
XVI боб. Кредит ва банк тизими. Пул муомаласи	243
XVII боб. Жаҳон бозори ва халқаро савдо	258
Фойдаланилган адабиётлар.....	269

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

(Дарслик)

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2018

Мухаррир:	М.Ҳайитова
Тех. муҳаррир:	А.Мойдинов
Мусаввир:	Д.Азизов
Мусахҳиҳа:	Н.Ҳасанова
Компьютерда саҳифаловчи:	Н.Раҳматуллаева

Е-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.
Нашр.лиц. АIN№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди: 28.05.2018.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 16,75. Нашр босма табағи 17,0.
Тиражи 500. Буюртма №358.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

21000-00



ISBN 978-9943-11-804-1

